

Сирожиддин Саййид



ЯШАСИН ЁМФИРЛАР

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент — 2007



СИРОЖИДИЙ САЙИДИ

ЯШАСИН ЁМФИРЛАР



Мақолалар, бадилар,
хотира ва суҳбатлар

Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент — 2007



83.3 (5Ў)6
С 22

Саййид, Сирожиддин.

Яшасин ёмғирлар: Мақолалар, бадиалар, хотира ва суҳбатлар / Сирожиддин Саййид. – Т.: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2007. – 272 б.

Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййиднинг «Яшасин ёмғирлар» китоби – унинг вақтли матбуот, адабий нашрларда чоп этилган бадиалари, публицистик мақолаларию адабий ўйлар, хотиралар ва суҳбатлардан тартиб берилган. Шоирнинг насрий услуби ҳам ўзига хос, равон ва жонли. У ҳаёт ва тириклик, Ватан ва муҳаббат ҳақида ёзади, инжа, нозик туйғуларини фикр ва мулоҳаза ипларига тизади. Она-Ватан ҳақида ёзганда фахру ғурури балқиб туради, сизни ҳам дафъатан ғурурлантиради. Устозларга, шеърятга меҳру муҳаббати ўқувчининг кўнглини дарҳол забт этади. Шоирнинг мазкур тўплами Сиз азиз китобхонларга манзур бўлади, деган умиддамиз.

ББК 83.3(5Ў)6

С 4702620202-62 қатъий буюртма, 2007
М 352 (04)–2007

© Сирожиддин Саййид,
Фафур Фулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий уйи,
2007 й.

ISBN N 978-9943-03-065-7



ЁМФИРЛАР ВА ЙИЛЛАР

(Сўзбоши ўрнида)

Болалик ёмфирлари.

Наинки кўкаламзорлар, инсон боласи ҳам бу ёмфирлар остида гиёҳ янглиғ кўкаради, навниҳол кўчатдек куртак чиқариб, барг ёзади. Жилғаларни болаларга, болаларни ўйноқи жилғаларга айлантирувчи ёмфирлар.

Ям-яшил ялангликларда қўй, пода боқамиз. Қўзичоқлар коптоқлардай дикирлаб сакрайди. Янги туғилган бузоқлар шаталоқ отиб югуради, биз улардан баттар. Бирдан момақалди роқ гулдирайди, олисдаги Хўжапирях чўққиларига чақинлар қилич солади. Кейин адирлар, тепаликларни олдига солиб қувгандайин осмон чавандозининг юз миллионлаб суюқ қамчилари борлиқ оламини савалашга тушади. Ҳаммамиз уй-уйга қочамиз. Эртасига қишлоғимиз тепасини сел босади.

Каттаю кичик, ёшу қари, хотин-халаж — барча қишлоқ аҳли селнинг йўлини тўсиш учун ҳашарга чиққан, биз болалар учун текин томоша, бепул кино, катта байрам. Ҳашар қизғин: ким ҳачча ўрнатади, ким қум, ким тош ташияпти, занжирли тракторлар қаррилайди, биров шох-шаббаларни тортиб келяпти. Бирдан ҳашарчиларнинг ғала-ғовури орасидан аёл кишининг чинқириғи янграйди: “Вой дод-ей, вой дод-ей! Худойназарнинг отасини сув об кетди-ей! Вой дод-ей, қутқаринглар-ей!” Барчамиз гурра селнинг бўйига югурамиз. Не кўз билан кўрайликки, аждарҳодай вишиллаб, буралиб, қутуриб оқаётган лойқа-бўтана сувда кўзлари саросимали, бир қўли, иягию соқоли осмонда — гоҳ кўриниб, гоҳ кўринмай Бобоназар бобо қалқиб, ағда-

рилиб оқиб боряпти. Бўлди томоша! Биз болаларга Худо берди. Қирғоқ ёқалаб чувиллашиб, қийқиришиб, қувнаб югурамиз. Бобоназар бобо ҳар қанча тиришиб-тармашмасин, оёққа туролмайин лойқа тошқинга беланиб оқиб боряпти, у кишининг жиккаккина кампири Ойзиллол хола, калишлари чиқиб кетган, катта шол рўмоли елкасига тушиб, бир учи орқасида қора байроқдек ҳилпирайди, чириллаб, дод солиб, соҳил бўйлаб ялангоёқ югуради, биз унинг изидан бир гала қийқириқ бўлиб чопамиз. Катталар ҳар қанча уришиб ҳайдаса ҳам, бу кутилмаган томошадан кечгимиз йўқ, асаларилар тўдасидек яна ўзимизни қирғоққа урамиз. Ниҳоят, узун бир ходани узатиб, Бобоназар бобони амаллаб сувдан тортиб олишди. Кампири дарров рўмоли билан бобонинг елкалари аралаш ўраб, бетлари, соқолларидаги лойқаларни арта бошлади.

Табиат студиясида суратга олинган, ёмғир-селларнинг асов тасмалари намойиш этган бу жонли, ҳаётий кино кейин бир умр кўз олдимиздан кетмай, хотирамизда яшаб қолади. Ўша ёмғирлар, селлар билан қалбимизга ҳам бир нималар сингиб, жойлашиб қолганини, туғилган тупроқ, она-ер меҳрию соғинчи сингари азиз ва табаррук тушунчалар биз билан бирга улғайиб, камол топганини кейин — йиллар, тақдирлар кечгандан сўнг англаб етамиз.

Ўсмирлик, ёшликдаги ёмғирлар.

Йигитликнинг ишқ-муҳаббат ёмғирлари. Булутлари новвоту ёмғирлари асалдан. Шалаббо бўлган оқ кўйлагингиз остидан юрагингиз кўриниб тургувчи жўшқин ва тошқин дамлар. Шаҳар сизники, ойнадек чарақлагувчи кўча-хиёбонларнинг бари сизнинг измингизда, беминнат осмон бошингиздан севги ёмғирларини қуйгани қуйган.

Шундай кунларнинг бирида ўша пайтларда жуда машҳур, ҳар бир сони қўлма-қўл ўқиладиган, устоз Асқад Мухтор муҳаррир бўлмиш “Гулистон” журнали идорасига ёзувчи акамиз Эркин Аъзам ишлайдиган бўлимга “Бир ёр савдосина тушдим-да, келдим” дегандайин кириб бораман. Иши тиғиз бўлишига қарамай, қучоқ очиб кутиб олади.

— Шоирларга мазза-да, — дейди сўнг, — ёмғирни қара, оламни қара!

Яна “Ташқарида нима гап?” деб савол беради.

— Ташқаридами? — дейман. — Кўриб турганингиздек ёмғир, қизлар. Бир шеър ўқиб берайми?

— Оббо! — дейди ака энсаси қотгандай бўлиб. — Ҳозир биттангдан зўрға қутулудим, роса бошимни қотириб кетди. Ҳа, ўқи, узунмасми?

“Тўрт сатр” дейман-да, шеърни ўқийман:

Япон шамсиялари остида
Намхушгина юрган малаклар,
Қаранг, ёмғир эмас, аслида
Қувонч ёғдирмоқда фалаклар!

Ака сал ҳаяжонлангандай бўлади, “Иеҳ! — дейди, — дарров менга кўчириб бер! Эпиграф қилса бўларкан, “Яшасин ёмғирлар!” деган қисса ёзаяпман”.

Ўзимнинг шеъримдан ҳам кўра менга қиссанинг номланиши қаттиқ таъсир қилди. Шу гурунган кейин унинг чиқишини узоқ кутдим. Неча фасллар, қанча ёмғирлар ўтди, лекин у қисса босилмади. Ўзидан бирикки сўрагандай ҳам бўлдим. “Э, ҳали ишлашим керак”, деб қўл силтаб қўя қолди.

Орадан йигирма йилдан кўпроқ вақт ўтибди. Қанча селу ёмғирлар оқиб кетдилар. Тошқинлар ҳам босилдилар. Ўша “оқ кўйлагим остидан юрагим кўринадиган” пайтларни соғинганим кунларнинг бирида Эркин аканинг олдига бориб, “ёмғирлари”ни сўраб олдим. Мазкур китоб номининг қисқача таърифу тарихи шундай.

Яна бир нозиккина нуқта: йигирма йилча аввал авжи баҳор фасли синглимдан бир хат олган эдим. У хат ҳозир ҳам эски дафтарларим орасида сақланиб турибди. Соғинчли сатрлардан ташқари, хатнинг охирида икки қаторгина шеър ҳам ёзиб қўйилган экан:

Ёмғир ёғди йилларга,
Йилларгамас, дилларга!

... Бу китобга йигирма йил давомида қоралаганларим — мақола ва бадиалардан намуналар, хотиралару баъзи лавҳалар, шунингдек, кейинги йилларда газета ва журналлар учун қилинган айрим суҳбатларни жамладим. Арзимас ижодий тажрибанинг маълум паллаларини белгилаб берадиган бу битиклар, айти пайтда кўнглимдан, бошимдан кечган ёмғирлар ҳамдир.

Кексалик ёмғирларини эса биз ҳали билмаймиз. Ранги, туси, таъми қанақа бўлади — ҳали маълум эмас. Ҳазрат Алишер Навоий бобомиз бу даврга “тириклик боғининг баргрези” деб таъриф берганлар. Унгача ҳали яшамоқ керак. Насиб этса, ёмғир бўладими, баргрезон-хазон бўладими — бунисини Худо кўрсатади.

2004

**КИШНАБ ЮРГАН ТОЙЛАР
БИР КУН ОТ БЎЛАР**





ЭЗГУЛИК АРКАСИ

ҲАР ТОНГ — БИР ХУШҲАБАР...

Мамлакатда ҳар куни, ҳар соатда бир хушхабар янграб туради.

Телевидениенинг тонг саҳардаги дастурларидан тортиб то кеч тунги хабарларгача, радиотўлқинлару ҳар тонг оқ каптарлар каби Ватанимизнинг барча гўшалари сари парвоз этгувчи газеталарга қадар, албатта, ажиб бир янгилик, хуш муждадан дарак беради.

Мана, нима ҳақда сўйлайди улар: Сурхондарёдаги Ҳисор тоғлари бағрида Тўполон сув омбори ва янги ГРЭС қурилиши жадал суръатлар билан олиб борилмоқда; бутун мамлакатда баҳорий ташвиш-юмушлар — экин-тикин ишлари авжида; кўҳна Насаф, Навоий бобо ўз асарларида “Нахшаб, Маҳи Нахшаб” — Нахшаб ойи деб гўзал бир ташбеҳ билан таъриф берган Қарши шаҳрининг 2700 йиллик тўйи муносабати билан бошланган улкан тараддуд; ёш санъаткорларимиз, спортчиларимиз халқаро миқёсда қўлга киритаётган ютуқлар; дашту далалардан, боғ-роғлардан, корхоналардан келаётган хабарлар, яна ўнлаб, юзлаб сиёсий, маънавий-ижтимоий ўзгаришлар ва янгиликлар — буларнинг барчаси элу юртимизда эзгу ва улугвор мақсадлар йўлида ҳаёт жўшқин давом этаётганини кўрсатиб турибди.

Ҳаётнинг муаззам ва бақувват қанотларини ҳеч қандай куч қайиролмайди. Халқнинг “Мардлар минган отларинг номардларга хор бўлмас”, деган лўнда, жайда-ри гапи бежиз айтилмаган.

Истиқлолимизнинг ўтган ўн тўртинчи йили ҳам муҳим воқеа-ҳодисаларга бой бўлди. Тараққиёт йўлидаги салмоқли ютуқлар, қувончли воқеалар билан бирга оғир синовларни ҳам бошдан кечирдик. Озод мамлакатимизга мудҳиш балоларни ёғдирмоқчи бўлган қора кучлар Андижон воқеалари мисолида ўз жирканч қиёфаларини яна бир карра кўрсатишга уринди. Жаҳонда эса... бунга қараб дўст-хайрихоҳларимиз астойдил қайғуришди, кимлардир чапак чалди. Ўзбекистоннинг яна қаерида бир тутун чиқаркин ёинки Тошкентнинг қайси бир маҳалласидаги симёғочда лампочка куяркин, дея жар солишга илҳақ турган айрим хорижий радио ва уларнинг чаққон мухбирлари ёлфонни ямламай ютиш маҳоратини намоиш қилишди.

Халқ эса, табиийки, бу фожиадан қайғуга тушди, ўртанди. Лекин йўлини йўқотмади, иродаси букилмади. Бутун инсоний заҳматлару ҳаёт ташвишларини елкасига олиб ўз йўлида давом этмоқда — далаларда, заводларда меҳнат қиляпти, боғча, мактаблар бино этапти, кўприклар солиб, темирйўллар қураяпти, фарзандлари, дилбандларини тарбиялаб-ўстириб, ўз танлаган йўлидан ўз истиқболи томон одимляпти.

Хизмат сафари билан Тошкентга келган кекса рус адиби, нозиктаб ва зиёли инсон, “Дружба народов” журнали раҳбарларидан бири Леонид Теракопян Ёзувчилар уюшмасига меҳмон бўлди. Мустақилликдан кейин у киши биринчи маротаба Тошкентга келиши экан. Узоқ суҳбат давомида меҳмон телефонда Москва билан сўзлашишга изн сўради. У томондан Тошкент ҳақида савол бўлди шекилли, оқсоқолнинг кўзлари чақнаб, юзлари ёришиб кетди.

— Ў-ў, Тошкент тамомила бошқача шаҳар бўлган, гуллаб-яшнаб кетибди, — деди меҳмон.

У томондан яна “Ўзбеклар қалай?” дея сўрашдими, меҳмон жиддий тус олди, ўтирганларнинг ҳаммасига бир-бир разм солиб, жиддий, қисқа ва бинойи жавоб қилди:

— Ўзбекларми? Ўзбеклар давлат қураяпти.

Холис бир меҳмоннинг мухтасаргина бу таърифи айна ҳақиқат эди.

* * *

2005 йилнинг 27 июль куни тонготарга яқин, хизмат сафаридан қайтаётиб, йўл чеккасида тўхтадим. Тун ҳали ўз пардаларини йиғмаган, тонг ғира-шира оқариб келаётган пайт. Само айвонида юлдузлар ярқирайди. Илк саҳархез қушлар отаётган тонгни қутлаб, аҳён-аҳён сайраяпти.

Йўлнинг нариги бетида — Мустақиллик майдонида, тун бўлишига қарамай, иш қизғин. Бекорчиликдан эмас, асло, шунчаки бир қаламқаш, кўп йиллардан буён шу шаҳарнинг нону тузини ичиб келаётган, унинг яхши кунига ҳам, ёмон кунига ҳам ўзимни дахлдор, қувончу ташвишларига шерик деб билган бир фуқаро сифатида, соғинчу севинчларимга гувоҳ бўлган шу майдонга боргим келди.

Ярим тун, майдондаги баланд ҳавозалардан қатор-қатор кумуш юлдузлар сачраяпти. Юлдуз сочаётганлар, кечаси ишлаётган бедор инсонлар — пайвандчилар.

Осмон тўла юлдузлар. Майдон тўла юлдузлар.

Пайвандчилар тун қўйнида гўё осмон юлдузларини майдон юлдузларига пайванд қилаётгандек: майдон тўла юлдузлар, осмон тўла юлдузлар.

Қатор кетган баланд-баланд устунлар, устунларни бирлаштирган панжара-панжара темир тўсинлару баланд-баланд ҳавозалар маҳобатли кўринади, ерда, ҳавозаларда, тўсинлар аро меҳнат қилаётган одамлар бу маҳобатга тун кечада ҳам жон бағишлаб турибдилар.

Сочлари оқарган, қотма, чайир гавдали, ёши элик бешларга борган бир киши билан гаплашдим. Панжалари темирдай қаттиқ, шу пайтгача фақат қурилишларда ишлаб келган бу кишининг исми Тойир экан.

— Тойир ака, — дейман дабдурустдан қурувчи оғани ҳангу манг қолдириб, — исмингизнинг маъносини биласизми, нима дегани?

— Билмасам, адам қўйганлар, қанақадир қуш деганими-ей...

— Тўппа-тўғри, эски китобларда кўп учрайди, “тойири давлат” дейди, яъниким, давлат қуши дегани, давлат қуши бошига қўнсин, бошидан кетмасин деган маънода.

Тойир ака бир зум ажабсиниб гапларимга қулоқ тутади, сал жилмайгандек бўлади, сўнгра қурувчиларга хос чапанилик билан жавоб беради:

— Билмасам, биз эски китобларни кам ўқиганмиз, — дейди. Бирпас жим туриб, яна: — Мана, бизнинг китоб, — дея кенг майдонни кўрсатади.

Биз тонг дедик, хушxabар дедик. Одамзоднинг кундузги ҳаёти эрта тонгдан бошланади. Саҳар туриш, тонгни қаршилаш халқимизда азал-азалдан хайрли, баракали саналган. Лайлақлар ҳам тонгда келадилар. Уларнинг бир манзили маконга келишлари — ўша манзили маконга файзу барака, тинчлик-осойишталик, бахту иқболнинг келишидан дарак беради. Хушxabарлардай севинчли, хосиятли оқ, оппоқ лайлақлар. Одамзодга нима керак — эл керак, кетар чоғи фарзандларига қолдириб кетадигани Ватан керак, ор ҳам ғурур керак.

Ҳар кун умримизнинг бир сафаридир,
Ҳар он кунимизнинг бир гавҳаридир.
Тинчлик, омонликда отган ҳар бир тонг
Оллоҳнинг бизларга хушxabаридир.

ВАТАННИ АНГЛАШ

Таъбир жоиз бўлса, бинолар ҳам улуғ зотлар мисол, ота-оналару муаллим-устозлар сингари тарбиялайдилар, таълим берадилар. Уларнинг, гарчи тилу забонлари бўлмаса-да, эзгуликдан сўйлайдилар, инсоний, хайрли амалларнинг рамзи, тимсоллари янглиғ яхшиликларга чорлайдилар, ибрат кўрсатиб турадилар.

Шу маънода, Мустақиллик майдонининг остонасида ғоя муаллифи, лойиҳа асосчиси муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан қад ростлаган яна бир муҳта-

шам маъмурий обида — Эзгулик аркаси ўзининг кўрку салобати, маҳобатию моҳияти билан кишини ҳаяжонга солади. Қалб билан, дил билан ўйласангиз — кўксингизни бир нималар тўлдириб келади.

2005 йилнинг 28 январида кечқурун телевидение орқали **“Мустақиллик майдони”** ҳужжатли фильми намойиш этилди. Мамлакатимиз раҳбари Мустақиллик майдонининг қиёфасини тубдан ўзгартириш ҳақида гапирар экан, шундай деди:

“Неча йиллардан буён кечалари уйкум қочиб шу ҳақда ўйлайман, қандай қилиб бу жойни том маънодаги Мустақиллик майдонига айлантириш мумкин, деб бош қотираман...”

Эзгулик аркаси ҳам ана шу мақсад йўлидаги излашниш ва интилишлар, меъморий тафаккур маҳсули сифатида пайдо бўлган, десак, хато бўлмас.

2004 йил 16 декабрда Оқсаройда давлатимиз раҳбари Бош майдондаги иншоотлар лойиҳалари билан танишар экан, бу ерда барпо этилиши кўзда тутилган Эзгулик аркаси лойиҳасига алоҳида эътибор қаратди. Биз у кишининг аркнинг ҳар бир устунни, равоқи, пештоқи тасвирини қайта-қайта чизиб кўрсатганига гувоҳ бўлдик.

“Мамлакатимизнинг Сурхондарё ва Қашқадарё каби жанубий вилоятлари, Зарафшон воҳаси ёки Фарғона водийси бўладими, Тошкент ва Сирдарё, у ёқда Аму минтақаси бўладими — бутун Ватанимизга, унинг бугунги ва эртанги тараққиётига, таъбир жоиз бўлса, айнан Бош майдонимиздан туриб назар ташланади, холисона баҳо берилади. Шунинг учун ҳам бу маскан ҳақли равишда халқимизнинг ғурур-ифтихори тимсолига айланиб кетган”.

Мустақиллик майдони.

Илгари зулм ва истибдоднинг макони бўлган, маҳаллий халқни қўрқитиш, одамлар қалбига ваҳима, таҳдид-таҳлика солиш учун танклар, ракеталар ўрмалаган, мустабид тузумнинг мустамлакачилик сиёсатини намойиш этиб, дабдабали ҳарбий парадлар ўтказилган жойлар.

Эндиликда — ғурур-ифтихоримиз тимсолига айланган табаррук ва муқаддас майдон. Ўртада — Мустақиллик тимсоли, бир томони — яқиндагина қурилган, истиқлол йилларининг кўркам кошонаси — оқ-оппоқ Сенат биноси, у ёғи ҳам, бу ёғи ҳам узунасига сўлим ва фусункор боғ кетган, яна бир томони — “Хотира майдони”, тоза ва зумрад кўкаламзорлар, текис ва равон йўлаklar. Фавворалар азиз ва қадрдон бу масканга хушхаво, салқин иқлим бағишлаб турибдилар.

Маълумки, “арк”, “арка” — катта салтанатларга дахлдор қадимий атама, меъморий тушунча. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да ёзилишича, “Арка” сўзи меъморий нуқтаи назардан, тепаси ярим доира шаклида солинган дарвоза ёки шундай дарвоза шаклидаги ҳашаматли иншоот деган маъно англатади. Одатда бу каби улуғвор иншоотлар тарихий воқеалар, зафарли юришлар ва ғалабалар шарафига бунёд этилади.

Шу ўринда Самарқанд шаҳрида Соҳибқирон Амир Темур бобомиз ўзи бош бўлиб бунёд этган Арки Олийни эслаш жоиздир. “Бобурнома”да айтилишича, **“Самарқанд аркида Темурбек бир улуғ кўшк солибтур, тўрт ошёнлик. Кўксаройга мавсум ва машҳур ва бисёр олий иморатдур. Яна пуштаи Кўҳакнинг доманасида ғарб сари боғе солибтур. Боғи Майдонга мавсум. Бу боғнинг ўртасида бир олий иморат қилибтур. Чилсутун дерлар...”** Минг афсуски, Арки Олий XIX асрда мустамлакачилар томонидан бузиб ташланган.

Бухоро арки эса IX асрдан бошлаб XIII асргача бир неча маротаба қайта қурилган. XV асрда яна бир карра тикланган арк XVII асрда — Аштархонийлар даврида ва XIX аср охири, XX аср бошларида — Манғитлар даврида тубдан қайта бунёд этилган. Арк деворларининг тепа қисми кунгурадор бўлган.

Наполеон даврида Париж шаҳрида Зафар дарвозаси бунёд этилган. Суриядаги Палмира Катта колоннаси икки томонлама монументал дарвоза ва уч қисмли равоқдан иборат бўлган. Ҳозир унинг айрим қисмларигина сақланиб қолган, холос.

Арк сўзининг, лотинчада ёй, арабчада қавс, ўзимизда бўсаға, остона, ўрда, қалъа, дарвоза, даргоҳ сингари маънолари бор экан. Яна “Аркони давлат” деган ибора ҳам ишлатилади. “Аркон”нинг ўзаги “рукн”, яъни устун, таянч — давлат устунлари, таянчлари маъносини беради. Шундан келиб чиққан ҳолда, айтиш мумкинки, бу муҳташам иншоотга Президент томонидан Эзгулик аркаси деб ном бериш ҳақидаги таклиф кўпчилиكنинг кўнглидаги айни муддао бўлди. Арканинг баланд ва мустаҳкам устунлари ҳам рамзий мазмунга эга, улар мустақил мамлакатимизнинг бақувват ва пойдор устунлари тимсолидир.

Нозик кузатувлар, чуқур-пухта ўйланган, сиёсат нуқтаи назаридан ҳам, маънавият, ҳаёт-турмуш тушунчалари бўйича ҳам — ҳар томонлама яхлит асосланган рамзлар, тимсоллар.

Юқорида тилга олинган ўша кўрсатувда арка лойиҳаси билан танишар экан, Президент унинг юқори қисмига ўрнатиладиган лайлак ва турналар ҳайкаллари ҳақида тўхталиб, лайлаклар сокин осудалик, турналар эса парвоз ҳолатини акс эттириб туриши лозимлигини таъкидлаган эди.

— **Турналар — Ўзбекистоннинг рамзи, қанотини қоқиб, парвозга тайёр бўлиб турган, юксакка кўтарилаётган мамлакатимиз тимсоли. Лайлаклар эса — тинчлик белгисидир. Улар оппоқ рангда бўлиши, шакли бир оёқда турган ҳолатда ишланиши керак. Яъни, лайлаклар битта оёқда турса, ишончи бўлар эканки, атрофида ҳеч нарса уни кўрқитмайди, ҳеч қандай хавф-хатар унга таҳдид солмайди.**

Айни пайтда бу рамзий тимсол мамлакат тинчлигини, эл-улус тинчлик-осойишталикда ҳаёт кечириётганини англатади.

Эзгулик аркаси — узунлиги 150 метр, икки томони ўн, ўрта пештоқ қисми ўн икки метр баландликка эга, яна қатор кетган ўн олтита оқ мраммар устунлардан иборат бўлган бу муаззам меъморий мўъжизадан беихтиёр ҳайратга тушасиз. Арканинг юқори қисмида, ўртада — пештоқ устида ўрнатилган мўъжаз Ер шари узра уч на-

фар турнанинг парвозга шайланиб турган ҳолати айланма шаклда ўз рамзий ифодасини топган. Беҳад жозибали, бағоят ҳаяжонли тимсоллар. Олижаноб мақсаднинг санъатга, нафосатга айланган шакли.

Эзгулик аркаси остонасидан то Мустақиллик монументига қадар — икки ёни қизил маъдантош кошиндан, ўртаси узун оқ пойандоз йўлак барпо этилган. Ёш йигит-қизлар никоҳ шодиёналарида шу йўлакдан юриб борадилар — оқ пойандоз гўёки уларнинг ҳаёт йўли андозасидай, умр йўллари оқ-ойдин бўлишига тилак билдириб, далолат қилиб тургандек.

Никоҳ аввал осмонларда, илоҳ томонидан қайд этилгандан кейингина Ерга тушади, дейилади. Табаррук бўсагадан ўтиб, қутлуғ ва муборак пойандоз узра қадам ташлаб бораётган фарзандлар қалбида шундай кунларга еткизгани учун Яратганга шукроналар, илоҳий туйғулар жўш уриши табиий.

Ўша кўрсатувда Юртбошимиз, бу майдон нафақат сиёсий, балки илоҳий бир масканга айланишини истардим, дер экан, минг-минглаб ватандошларимиз дилидаги ҳис-туйғуларни ифода этган эди.

ТУРНАЛАР БАЛАНД УЧАДИ

Эзгулик аркаси бу — шунчаки оддий иншоот ёки байрам муносабати билан топширилган навбатдаги қурилиш объекти эмас. Унинг Мустақиллик монументи рўпарасида ўрнатилишидан бошлаб, шакл-шамойили, безакларию кошинлари, устунларидан тортиб пойдевору пештоқларигача, рангию равоқларига қадар — ҳамма-ҳаммасининг рамзий, тимсолий маънолари бор.

Орзу-ҳавас. Ҳар қайси ота-онанинг бу ҳаётдаги орзу-ҳаваси — фарзандли бўлиш, унинг бахту иқболини кўриш. Катта ҳаёт ҳам аслида кичик-кичик оилалардан, улуғ элнинг бахт-толеи ҳам ёш оилаларнинг саодатидан бошланади.

Ёш келин-куёвлар янги ҳаёт бошлар эканлар, илк қадамларини шу бўсагадан — Эзгулик остонасидан ташласалар, Эзгулик дарвозасидан ўтиб, эзгу ниятлар би-

лан турмуш қурсалар, турналар уларнинг бошлари узра жавлон уриб, рақс тушиб турсалар, умрларига оқлик, поклик тилаб, тинчлик ва осойишларига тимсол бўлиб икки елкаларида тургандайин, оналарнинг оқ фотиҳалари янглиғ оқ лайлақлар оқ йўл тилаб қолса... бу ҳаяжонли лаҳзалар, севинч дамлари бир умр ёдда қолмайдами, кўнгиллар шу онларни эслаб бир умр орзиқмайдами?..

Ўзбекистон — қуёш юрти, қуёш диёри. Уйимиз қуёшга қаратиб қурилган, юртимиз — қуёшга қараган юрт. Эзгулик аркаси ҳам қуёшга томон, қуёшга қаратиб қурилган. Қуёш ҳар тонг заррин нурларини аввал турналар, лайлақларга узатади, сўнгра оқ устунлардан аста таралиб тушиб, остонага бош қўяди. Эзгулик дарвозасидан кириб бораётган Эзгулик қуёши.

Турналар баланд учадилар. Улар юртимизга кўклам нафасини олиб келадилар, бахт ва сурур, софлик ва ёшлик келтирадилар.

Сал нарироқда, “Хотира майдони”нинг зарварақларида ўзбекнинг бўстонидан айрилган 450 минг лоласи — 450 минг боласи, 450 минг қайтмаган турнасининг номлари мангуга ёзиб қўйилган. 450 минг ном — 450 минг бонг.

Беихтиёр, Доғистон халқ шоири Расул Ҳамзатовнинг армонли сатрлари ёдга келади:

Менга туюлар гоҳ: ботир ўғлонлар —
Жангларда жонини фидолар этган,
Асло ўлган эмас — жанг майдонидан
Оппоқ турналарга айланиб кетган.

Турналар баланд учадилар.

Лайлақлар тонг саҳарда келадилар.

Турнага ҳам, лайлақка ҳам тажовуз қилиб бўлмайди, уларга тош отиш, чўчитиш мумкин эмас. Табиатнинг ҳам, Яратганнинг ҳам бу мўъжизавий қушлари эркинликни яхши кўради, озод самоларда парвоз этишни, озод манзилларда макон қуришни ёқтиради. Озод Ватанимизнинг Озодлик майдонида Эзгулик дарвоза-

си узра турналар, лайлакларнинг қад ростлаб туриши, Юртбошимиз айтганларидек, иншооллоҳ, шарафли ишларимизга ёр бўлгай, элу юртимизга файзу фароғат келтиргай.

Бугун юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламдаги қурилиш, реконструкция ва ободончилик ишлари аввало мамлакатнинг моддий-иқтисодий салоҳияти йилдан-йилга ошиб бораётганини, чеккан заҳматларимиз, қилган меҳнатларимиз ўз самарасини бераётганини кўрсатиб турибди. Янги давлат, янги ҳаёт қуришнинг пойдевори бўлмиш бу иқтисодий асослар, ўз навбатида, эл-улуснинг моддий-маиший фаровонлиги ортиб боришига ҳам хизмат қилмоқда.

Биз — бир замонлар эришиб бўлмасдай туюлган, лекин айна пайтда кўз ўнгимизда ҳар соат, ҳар кун содир бўлаётган бу оддий ҳақиқатларни англаб, тушуниб бормоқдамиз. Тушунганимиз сайин эса она-Ватани, истиқлол моҳиятини янада кенгроқ, теранроқ англаётимиз.

“БУЮК КИТОБ ИШЛАЁТИР”

Халқда ажиб нақл бор: ҳар қандай узоқ йўл ҳам биринчи қадамдан бошланади. Амир Темур бобонинг **“Ҳар қандай баланд минора ҳам ердан, биринчи гиштдан бошланади”**, деган ҳикматлари бу сўзлар билан нақадар ҳамоҳанг.

“Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг”, деган чуқур ҳаётий маънога эга сўзларнинг айtilганига ҳам, мана, ўн икки йил бўлибди. Ўшанда туғилган чақалоқлар бугунга келиб ўн икки ёшга тўлди. Оилада ўғил туғилиши билан ота унинг келажаги учун қайғура бошлайди. Бўлажак иморатга деб яхши ниятлар билан терак, тол қаламчаларини қаторлаштириб ерга қадайдди, кўчат экади, ниҳол ўтқазади.

Улуғ, катта юрт, Ватан ҳам худди шундай.

“Ўзбекистон деб аталган шу табаррук заминга эзгу ният билан бир ниҳол эймоқчи бўлсак, уни айнан шу бугун экишимиз керак”. Юртбошимизнинг бу сўзлари-

да мустақил Ватаннинг ёруғ истиқболи учун камарбаста бўлиш, фидойилик даъвати мужассам.

Камтарин, камсуқум қурувчи Тойир ака суҳбат асносида ўзи билмаган, англамаган ҳолда ажиб бир ташбеҳ-тимсолни ишлатди. У киши “менинг китобим”, деб Мустақиллик майдонини кўрсатди. Соҳибқирон бобонинг ҳикматларини ҳозирги замон — бугунги кунимизга, шу мўътабар майдонга қиёс этадиган бўлсак, айтиш жоизки, ҳар қандай улкан китоб ҳам биринчи саҳифадан бошланади.

Истиқлолимиз — Буюк китобимизнинг муҳташам, залворли зарварағи, биринчи саҳифаси — Мустақиллик майдони. Хуррият йилларининг барча нашидасию қувончларини, жозибаю тароватини кўрган, завқу шодликларимиз, фахру гуруримизни оламга намоён этган, 1999 йил февраль воқеаларининг тажовузи, доғу ҳасратини ҳам бошидан кечирган мустаҳкам, метин саҳифа.

Бу — биргина Тойир аканинг эмас, у кишига ўхшаган миллион-миллион ўзбекларнинг, уларнинг ўғил-қизлари, шу ўғил-қизларнинг иқболи ва истиқболининг азиз, муқаддас мажмуаси, яна қанчадан-қанча келажак авлодларнинг табаррук, тўзимас китоби.

Ватан бир кундаёқ бунёд этилмайди, Ватан ўз-ўзидан Ватан бўлмайди. Бунинг учун юрт эгасидан тортиб деҳқону талабагача, боғбондан то шоиру шофёргача, не-не улуғ зотлару яна неча-неча авлодларнинг, бир юрт, бир элнинг тамоми орзу-ниятлари, мақсад-муддаолари, меҳнати, интилиш ва ҳаракатлари, бедор, беҳаловат юраклар керак бўлади.

Бугунги Ватанимиз, мустақил она-диёримиз худди шундай — уриб турган, беором ва уйғоқ улкан қалбга ўхшайди.

Устоз Абдулла Орипов таърифлагандек, биз она-Ватанимизнинг буюк китоби — бугуни ва келажagini бунёд этаётимиз.

Ҳа, бу китоб ишлар мангу,
Чунки ҳақни пешлаётир,
Мисли Темур тузуғи бу,
Буюк китоб ишлаётир.

Озод юртнинг метин сафин
Жумла жаҳон хушлаётир,
Кутлаб сиздек муаллифин
Буюк китоб ишлаётир.

МАЙДОННИНГ ЭГАСИ

Майдон — доимо бедор, у — ухламайди, кечаси ҳам, кундузи ҳам уйғоқ, бардам, баркамол вужуд мисол тўлиб-тошиб нафас оляпти, яшаяпти. Қадам боссангиз — кўнгил жимирлайди, руҳ ва жисмингизни ҳаяжон қоплайди. Бунда ғурур бор, шаъну шавкат, ифтихор бор. Бунда элу юртнинг орзу-мақсадлари муқаддас тимсолларга айланган.

Президентимиз ташаббуси билан янги йил арафасида бу ерда яна бир табаррук рамз — она ва бола сиймоси акс эттирилган ҳайкал ўрнатилди. Сиёсий-ижтимоий жиҳатдан тўқис ва тугал майдон Мустақиллик монументи пойида Бахтиёр она сиймоси пайдо бўлиши билан мушфиқ ва меҳрибон бир қиёфа касб этди, мазмун ва моҳияти янада мукаммаллашди.

Кейин, Ўзбекистон Президентининг 2006 йил 3 февралдаги қарорига биноан, **“Мустақиллик майдонининг ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда тутган муҳим ўрни ва аҳамиятини инобатга олиб ҳамда халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига истиқлол ғояларини, миллий ғурур ва ифтихор, ватанпарварлик туйғуларини янада чуқурроқ сингдириш мақсадида”** бир қатор ташкилотлар, кенг жамоатчиликнинг Мустақиллик майдонида бунёд этилган, ўзида Мустақиллик ҳайкали ва Бахтиёр она сиймосини мужассам этган янги мажмуага **Мустақиллик ва эзгулик монументи** деб ном берилди.

Мазкур қарор билан умумхалқ байрамлари, давлат миқёсидаги бошқа тантанали маросимларда Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гулчамбар қўйиш маросими расмий таомил мақомини олди.

Биргина тимсол, биргина рамз. Болани севадиган миллатнинг, оилапарвар ўзбекнинг, хонадонининг хотиржамлигини, элу юртнинг тинчлиги, осойиштали-

гини доимо ардоқлайдиган ўзбекнинг тимсоли, инсоний муддаоларимизнинг мунис рамзи, ифодаси.

“Хотира майдони”да — мотамсаро она ҳайкали, бу ерда — бахтиёр она сиймоси. Ҳар икки ҳолатда — икки улуғ рамзларда улуғ ҳикматлар яширин.

Биз порлоқ, мунаввар бу дийдорлашув учун қанча жафоларни бошдан кечирмадик, қанча айрилиқлару, не-не ранжу аламларни кўрмадик, не азобли йўллардан ўтиб келмадик. Чеккан заҳматларимиз зое кетмаётганининг, дўсту душманли дунёда, қийинчилик, машаққатларга қарамай ўз йўлимиздан қатъий қадамлар билан бораётганимизнинг ҳам исботидир бу тимсоллар.

Қадам боссангиз — кўнгил жимирлайди бунда, яқинлашганингиз сайин руҳ ва жисмингизни ҳаяжон қоплайди. Орзиқасиз, севинасиз. Болакайларни ҳам, устоз, оқсоқол оқинларни ҳам бирдек тўлқинлантирган бетимсол тимсоллар:

Майдон мафтун этди кўпларни ғоят,
Бу жойда айтилди қанча ривоят.
Бир кун она-бола кириб келди-ю,
Майдон эгасини топди ниҳоят.

ТОШКЕНТДАН ТОКИОГА ҚАДАР

Ҳар кун — тонг саҳардан то кечга қадар майдонга келиб-кетувчиларнинг кети узилмайди. Мактаб ўқувчилари, талабалар, хорижий сайёҳлар, онахонлару отахонлар, севишганлар — ҳар хил касб, ҳар хил соҳадаги одамларни учратиш мумкин. Ҳар бирининг ўзига яраша ташвиш ва юмушлари бор. Лекин бу ерга келганда — кайфият ва ҳолатлари, завқу ҳаяжонлари бир хил.

Алпқомат ўғиллари, неваралари билан айланиб юрган Мадириим бобо асли урганчлик экан. Саксон беш яшар соғлом, бақувват бу оқсоқол 1958 йилдан буён бирор марта ҳам Тошкентга келмаган экан. Лекин бобонинг Мустақиллик майдонини кезиб-кўриб, юз-кўзларида балққан қувончу ҳаяжони ёнидаги Қадамбой отлиғ ўн беш яшар неварасиникидан сира ҳам кам эмас эди.

Командирлари билан айланиб юрган аскар йигитларнинг кайфияти ўзгача. Улар яхши хизмат эвазига шаҳарни сайр қилиб келиш мукофоти билан сийланганларидан мамнун. Беш аскардан уч нафарининг исми Шавкат экан. Бойсун, Марғилон, Эллиққалъадан, яна Самарқанд, Қаршидан хизматга чақирилган болалар. Темурбек, бошқа бировининг исми — Озодбек. Исмлари ҳам қадду қоматларига ғоят ярашган ҳарбий кийимлари каби рамзий, тимсолий. Улуғ боболарига ўхшаб озод ва шавкатли бўлиб юрсин, шаъну шавкат келтирсин деган яхши ниятлар билан қўйилган.

Аждодлар ва авлодлар.

Бу йигитлар ҳеч қачон керилмайди. “Бизлар шавкат келтираяпмиз”, деган гапларни икки дунёда ҳам гапирмайди. Лекин ичларида, дилларида эгарланган отлар, тулпорлар бор. Буни биз ғурур деймиз, ор-номус деб атаймиз.

Тошкентдан Токиога қадар, сўраб кўринг — билишади буни. Ҳазрат Алишер Навоийга эъзоз-эҳтиром кўрсатиб, ул зотга ёдгорлик ўрнатган кунчиқар мамлакат элининг қалбидаги эзгулик билан бизнинг қалбимиздаги эзгулик ўртасида қандай фарқ бор? Эзгуликнинг миллати, элати бўлмайди — бани башар буни бирдек англайди, қадрлайди.

Бир япон бобо, эғнида ўзбекча чопон, бошида ўзбек дўпписи, худди ўзимизнинг Жовлимурод бувага ўхшаб қолган япон археологи — муҳтарам Като бобо нима дейди?

— Мен неча йиллардан буён ўзбек тупроғида, Термиздаги кўҳна қалъалар орасида, биласизми, нимани излаяпман? Халқимнинг, Ватанимнинг тарихини, шаъну шавкатини қидиряпман. Мен ер остидан мўъжизалар топсам, сизлар ер устида — ўз Ватанингизда мўъжизалар қураяпсизлар. Сизнинг тупроғингиз — мўъжизавий тупроқ...

Беихтиёр ўйлаб кетаман: Като бобо қаҳвасини ичиб, хушҳаво ва сўлим япон ороли соҳилида қарилик гаштини суриб ўтирса ҳам бўларди-ку? Уни бу қумтепалар қаърида чанг-тупроққа беланиб, японча ҳаётнинг бор

роҳату фароғатидан кечиб яшамоққа нима мажбур қилди экан?

Ўша ор-номус, ўша Ватан туйғуси, яна ўша ғурур ва шаъну шавкат. Инсонга инсонлик ҳуқуқи ва шарафини берадиган ўлмас туйғулар.

* * *

Кунлар, ойлар ўтади, фасллар такрор-такрор алмашиб, ҳаётга, тирикликка рангу ифорлар таратиб кетади.

Эзгу мақсадлар, яхши ниятларнинг рўёбга чиқмоғи бор.

Келажак уфқларига умид тўшаётган темирйўллари-миз, орзу-мақсадларимизнинг соҳилларини бирлаштираётган кўприкларимиз. Буғдойи деҳқон қўлларидан тус олган тупроқ, табаррук замин.

Янги-янги йиллар келади.

Тойчоқларнинг тулпорларга, полапонларнинг сор бургутларга айланмоғи рост.

“Уйинг тинч — юртинг тинч” деган ҳикматни тескарисига ўгириб ўқинг-чи. Ҳар икки ҳолатда ҳам мазмун ўзгармайди. Бизнинг миллатда уй билан юрт, юрт билан уй — бир яхлит тушунча: жону тан мисол, жисму жон янглиғ.

Бугун бу уйнинг муаззам остонасига муаззам тимсоллар қўйилди. Эзгулик аркаси, Мустақиллик ва Эзгулик монументи бунёд этилди.

Соҳибқирон Амир Темур бобомиз ўз вақтида кўчаларни кенгайтириб, Арки Олий барпо этгани ҳақида сўз юритар экан, буларни ўз кўзи билан кўрган испан элчиси Клавихо: **“қарийб йигирма кун ичида шундай улғувор ишлар амалга оширилдики, чиндан ҳам бу ҳайратомуздор”**, деб ёзади.

Жадал суръатларда Эзгулик аркаси, Мустақиллик ва эзгулик монументи бунёд этилиши, Эски шаҳардаги, Миллий боғдаги, Самарқанд, Қарши шаҳарларидаги беқиёс ўзгаришларга, агар Клавихо тирик бўлганда, бугун ҳам худди шундай деган бўларди.

Янги-янги йиллар, янги-янги авлодлар келадилар.

Ҳаёт боғининг гул-чечакларидай, тириклик бўстонининг навниҳоллари мисол қорақўз, қорақош бола-

кайлару қизалоқлар бу остонадан Ватан дарсини оладилар, ифтихорга, гуругга тўлиб, юрт тарихини ўрганадилар, Ватанни англайдилар.

Ва шунда улар оғир ва машаққатли йилларда, синов ва қийинчиликларни матонат билан енгиб, ота маконимиз, муқаддас диёримиз — азиз ва жонажон Ўзбекистон келажагини ўз қўллари билан яратган фидойи инсонларнинг номларини, албатта, миннатдорлик билан ёдга оладилар.

Яратган бекорга қарам қилмаган,
Отам, онамдайин қўшим, ойим.
Чингиз, Ботуларга қарам бўлмаган
Бу халқ — меникидир, туғилган жойим,
Етти пуштим шунда, ташвишим, тўйим,
Бу — сенинг уйингдир, бу — менинг уйим.

Токи бу тупроқда қолгай изларинг,
Ору номусинг ҳам жисминг тан-батан.
Талпиниб келгувчи ўғил-қизларинг,
Энг азиз, энг порлоқ остонанг — Ватан.
Сенинг ёруғ юзинг, менинг — ранг-рўйим,
Бу — сенинг уйингдир, бу — менинг уйим.

2005–2006

МЕНИНГ ВАТАН ИЧРА ВАТАНЛАРИМ БОР

(Термиздаги суҳбатлар)

ПОЙҚАДАМ

Биз бугун — Яратганнинг инояти билан элу юртимизга насиб этган Мустақиллик замонида ўз диёримиз, тупроғимиз тарихини билиш, идрок этиш билан ҳам ўзлигимизга қайтмоқдамиз. Шу идрок асносида шаъну шавкати оламни тутган улуг аждодларимизнинг киндик қони тўкилмиш табаррук тупроқ олдидаги Қарзу Бурчимизни, Фахру Гуруримизни ҳам тобора теранроқ англаб бормоқдамиз.

Ватан тушунчаси нима? Ватан туйғусини сўз билан ифодалаш мумкинми?

Тарихи “Авесто”дан қарироқ, йилномаси бут-санамлар, кушонлардан ҳам қадимийроқ, энг кўҳна манбаларда “Оламнинг тўртинчи мамлакати”, “Туғи баланд эрлар юрти” деб ном қозонган бу мўътабар кишварнинг донғи идрок етиб бормас узоқ замонлардан буён оламга маълум ва машҳурдир.

Бу тупроқда тепалар кўп, бир-бирига туташиб елкама-елка бўлиб кетган қирлар бисёр. Биз ўйлаймиз: балки булар тепалар-қирлар эмасдир — шиддатли замонларда ёвлар йўлига ғов, қалқон бўлган шаъну шавкатли, ор-номуси баланд мард ва ботир ўғлонлардир?

Тарихий томирлари эрамиздан аввалги III—I асрларга бориб тақалган бу кўҳна замин учун не-не паҳлавонлар жонларини фидо қилмадилар.

Соҳибқирон Амир Темурдек зотлар бир неча бор зиёратга келган, улуғ Жаҳонгирнинг хоки пойлари қолган ерлар саждагоҳдек муқаддас эмасми? Момоси Сароймулкхонимнинг қўлларидан тутганча беш яшар бола, улуғ мунажжим Мирзо Улуғбек само оламининг илк сир-асрорини кўнглига жойлаган бўлса не ажаб.

Дунёлару осмонлар қадар маъни, ҳикматлар ниҳон эмасми бу зиёратларда?

Ҳадис сўйлаб, бутун исломият дунёсини шуълавор этган, патқалами рўйи заминга нур таратган улуғ Абу Исо ат-Термизийдек шариф зотларнинг кўнгил нуридан, маърифат машъалидан руҳий ва маънавий олам ҳозирга қадар мунаввардир. Бу тупроқда майсалар ҳадис айтиб уйғонадилар.

Эрондан тортиб то Ўрта Ер денгизигача бўлган ерларда ҳукмронлик қилган Аҳамонийлар подшоси Кир лашкарлари билан жангларда Тўмариснинг кўрсатган қаҳрамонликлари, ўз фарзандини қурбонликка бериб, Ватан учун, элу юртнинг шаъну шарафи йўлидаги шижоати асрлар оша тилларда, элларда, ривоятлару асо-тирларда дostonга айланди. Кир билан бўлган яккама-якка олишувда Тўмариснинг ғалабаси — ватанпарварликнинг олий тимсоли. Афсоналарга айланган бу ҳақиқатнинг

замирида ҳозирги авлодлар, неча-неча асру замонлар фахрланса арзигулик сўнмас матонатнинг бетимсол намунаси ётибди. Баъзи ривоятлар, афсоналарда Тўмарис номи Тоирус шаклида келтирилади. Бунинг ҳозирги Термиз сўзи билан уйқашлиги, оҳангдошлиги ҳам ажиб.

Шу диёр фарзандларининг ботирлигини мадҳ этувчи, олис аждодлар қаҳрамонлигининг узвий давоми сифатида “Алпомиш”дек улуғвор дostonлар рўёбга келгандир.

“Алпомиш” — баҳодирлик, мардлик, ор-номус ва матонат достонидир. Уни халқ фарзандлари меҳр-муҳаббатининг, садоқату диёнатининг олий намунаси деб баҳолаш жоиз. Бу юксак инсоний туйғулар ҳар қачонгидан ҳам зарурроқ, долзарброқ бугунги кунимизда юрт фарзандлари ўз қалбларини шундай аждодий кўёшларга қаратиб нурлангирмоқлари лозим бўлади. Мардлик маълум бир замон ё давр учун белгилаб берилмайди. Мардлик, матонат — мангу тушунчалардир ва бугунги алғов-далғов дунёда, она-Ўзбекистонимизга хайрихоҳлик билан боқаятганлар қаторида ғайри мақсадларда олайиб қараятган, иложини топса ҳар лаҳза, ҳар соатда тинч ҳаятимизга халал беришга, тажовузкорликка тайёр қора кучларни енгмоқ учун ҳам, оналаримиз, опа-сингилларимиз, фарзандларимизнинг нури дийдаси бўлмиш гўзал Ватанимизни кўз қорачиғидек асраб-авайламоқ учун ҳам бу юксак туйғулар ниҳоятда керакдир. Термиз кўксидаги ёвқур ва шиддаткор Алпомиш ҳайкали ҳам юрт фарзандларини шундай фидойиликка, шижоат ва ғурурга даъват қилаётгандек.

Ватан буюм ва ё бир нарса эмас. Ватан бировга берилмайди, бировдан олинмайди ҳам.

Аждодлар ва авлодлар ҳақида гап кетар экан, Термизнинг инсоният тамаддуни, умумбашарий маънавият ривожига қўшган ҳиссасини алоҳида таъкидламоқ лозим. Оламга ал-Ҳаким Термизий, Абу Исо ат-Термизий, Хожа Самандар Термизий, Адиб Собир Термизий, Носир Хисрав сингари неча-неча улуғ зотларни берган Термиз чироқларининг мунаввар нурлари, иншооллоҳ, тоабад порлаб тургай.

Ҳозирги Термизнинг ораста ва саришталиги “Алломиш” достони, шаҳарнинг 2500 йиллиги саналарини нишонлаш муносабати билан мамлакат Президентининг пойқадами хосияти сифатида эл оғзида қолди.

Танти полвонлар юрти, дарёдай тошқин бахшилар диёрида аждодлар руҳи ҳамиша уйғоқ. Озод диёримизнинг қадимий, айна пайтда навқирон, гўзал ва кўркем бир тимсоли бўлмиш Термизнинг истиқболи янада порлоқ. Бу — бахту иқбол, орзу ва умидлар, пок ниятлару юксак амаллар, ор-номус ва шаъну шараф шаҳри бўлиб қолажак.

АКА-УКА ШАҲАРЛАР, АКА-УКА ШОИРЛАР

Ҳар қандай сафар, сайру саёҳатнинг ўз баҳонайи сабаби бўлади. Бу галги сафаримизни биз ҳам дийдорлашув, ҳам зиёрат, ҳар кун янгиланиб бораётган диёримизнинг энг жанубий гўшасига бир ижодий юриш деб баҳоладик. Бунга — олтмиш баҳорни қаршилаб ҳам бир тола сочи тўкилмаган, Сурхон воҳасининг эл аро машҳур, камтарин ва тортинчоқ шоири Шафоат Раҳматулло Термизийнинг ижодий кечасини ўтказмоқ бир баҳона бўлди.

Яна етти мингга яқин талабаси бор, мамлакатнинг энг катта илм даргоҳларидан бўлмиш Термиз Давлат университетига юрт туйғуси, ватанпарварлик, илм-тарбия мавзулари доирасида ижодкорларнинг талаба ёшлар билан учрашувлари ҳам ниятда бор эди. Шу ҳаяжонлар билан Тошкент аэропортига келдик. Сафаримиз раҳбари Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, устоз Абдулла Орипов Халқ шоири Усмон Азимга “Қани, Усмонбой, бошланг энди!” деб тавозе қилдилар. Усмон Азим ўз ўрнида “Ўзингиздан! Ўзингиздан!” дегандан сўнг, ҳаммамиз ичкарига кирдик. “Термизгами?” дегандан кейин Ўзбекистон Фанлар академиясининг вице президенти домла Тўра Мирзаев устозга ишора қилиб, бизга секин шивирладилар: “Авлиё шоиримиз билан авлиёлар юртига учарканмиз-да!” Бу иқтибосдан Эшқобил Шукур ҳаяжонланиб кетди. Бахшинафас шоир

Рустам Мусурмоннинг кўзлари чақнай бошлади. Кутиш вақти тугагач, тайёрага чиқилди. Ҳаво маликаси Малика-хон назокат билан ҳаммани жойлаштиргач, дастхат олиш ҳаракатига тушиб қолди. Гангир-гунгур гурунг бошланди.

Домла билан Абдулла аканинг тил, тарих, адабиёт ҳақидаги суҳбатларидан ҳазрат Алишер Навоий билан Термизга боғлиқ бир янгиликни илғаб олдик. Буни қарангки, Мир Алишер бобомиз Зараутсой горини, унинг деворларида қадим аждодларимиз чизиб қолдирган суратларни ўз кўзлари билан кўрган эканлар. Буни ўзлари бир дostonларида айтиб ўтган эканлар. Биз ўқимаган эканмиз, ҳаммамиз ҳайратланиб қолдик. Усмон ака ҳазиллашиб вазиятни юмшатиб берди: “Алишер бобомиз Самарқандга кетаётиб, Термизни ҳам бир томоша қилай деган эканлар-да!” Бу суҳбатлар кейин Тошкентда, ёзувчиларнинг Ўзбекистон Давлат тарих музейидаги давра суҳбати чоғида музейдаги маҳобатли Зараутсой гори тасвири олдида ҳам давом эттирилади.

Бир ярим соатлар чамаси учганимиздан сўнг, тайёрамиз энкая бошлади. Деҳқонободу Бойсун тоғлари орда қолди. Бир маҳал пастда, кенг саҳро қўйнида ястаниб, мавжланиб ётган кўм-кўк Учқизилни кўриб Рустам Мусурмон ҳаловатини йўқотди: “И-и, ака, кўл бор экан, ана кўл!” Сўнгра аста босилиб, нимагадир Шаҳрисабзни эслади. Даврий саналарни ичида ҳисоб-китоб қилиб, чоғиштириб олди шекилли, ўзининг тарихий қимматга эга шоирона хулосасини айтди: “Шаҳрисабз билан Термиз ака-ука экан!”

Ҳали ерга қўнмасимиздан Сурхон воҳасининг баҳорий ҳавосини сеза бошладик. Самолёт пастлаб, яна бир давра олгандан кейин Термизнинг уйларию кўчалари, яшилланган боғу роғлар, чап томонда эса “шамширдай ярқираб” Амударё кўринди.

КЕЛАЖАКНИНГ КЎЗЛАРИ

Термиз Давлат университетида учрашувга интиқ бўлиб турган, чанқоқлик билан кутаётган серҳаяжон талабалар олдида сўзга чиқаркан, Абдулла ака бир гўзал ташбеҳ ишлатдилар: “Мен сизнинг кўзларингизда ке-

лажакнинг, она-Ватанимиз истиқболининг нурли кўзларини кўраман. Бугун давру даврон сизники, имкон сизники, фақат илм олмоқ, ўқимоқ керак”.

Мамлакатимизнинг кўпгина олий ўқув юрлари қатори бу илм даргоҳи ҳам мустақиллик йилларининг илк қийинчиликларидан ўтиб, том маънода Университет мақомига етишган. Профессор-ўқитувчилар, талабалар мамлакатнинг ижтимоий, илмий, маданий-маърифий ҳаётига фаол аралашмоқда. Университет 2002 йилдан буён Осиё университетлари Федерациясининг аъзоси. Шунингдек, Жанубий Кореядаги Сун Мун ва Кенг Бук университетлари билан мунтазам ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Адабиётимиз, шеърятимизга бўлган талабаларнинг қизиқиши, ихлос-иштиёқи гоёат ҳаяжонли. Ижодкор ёшлар кўп. Ёш адабиётшунос олим Нормат Йўлдошевнинг саъй-ҳаракати билан ўнлаб қаламкаш талабаларнинг ижодий изланишлари жамланган “Истиқлол умидлари” алманах-тўплами чоп этилди. Тўплагма Қаҳрамон олимимиз, домла Озод Шарафиддинов катта умид ва ниятлар билан сўзбоши ёзибдилар. Бу ёшлар орасида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Зомин ёш ижодкорлар семинарида биринчи ўринни олган Шоҳиста Мамараимова, Шодмонқул Саломов сингари истеъодлар бор.

Ёшлари Абдулла аканинг 17–18 йил олдин ёзилган шеърлари билан тенг, Истиқлолнинг илк йилларида мактабга бориб, мана энди университетда таҳсил олаётган бу серзавқ, ташнақалб ўғил-қизлар учун Мустақилгимизнинг илк Қаҳрамон шоирининг бу ерга қадам ранжида қилиши, ижодий учрашувлар ҳақиқий шеърят байрамига, жонли адабиёт дарсларига айланди.

... Кўзлар, ёш йигит-қизларнинг ҳайратли кўзлари. Осмондаги юлдузлар билан тиллашиб, сўйлаша оладиган чакноқ-порлоқ кўзлар. Ою куёшларга ҳавас узатгучи чехралар, юзлар. Уларнинг ҳар бирида она-Ватан меҳру муҳаббати жо, орзу умидлар зиёси чакнайди. Устоз шу кўзларга қараб шеър айтадилар:

Халқимнинг истиқлол аҳди мангудир,
Буюк давлатимнинг тахти мангудир.
Келажак кўзимиз қароғи бўлса,
Жажжи фарзандларнинг бахти мангудир.

ШАФОАТНИНГ ШАФОАТИ ЁХУД ОЗОД СЎЗ СЕВИНЧЛАРИ

Сурхон воҳасининг камтар шоири, чопон кийгизсалар, чопоннинг ичида ҳам ўнғайсизланиб, хижолатдан кўринмай қоладиган, ўзидан ҳам ийманадиган бир беозор инсон. Усмон Азим “Худо ёққан чироғим” деб дуруст таърифлади. Яна “Энкайган, пасайган осмон остида ҳам энкаймай, эгилмай яшаган, эл шоирига айланган ўз оғам!” деди. Термизийлар шажарасига боғлаб сўзлаганда Эшқобил Шукурнинг кўзларида ёш қалқиди. Вилоят ҳокимияти чопон ёпиб, иззат кўрсатди. Талабалару домлалар, раислару полвонлар, чавандозлару миршаблар. У киши бўлса хижолатда, қизаринибгина ўтирибдилар. Умр бўйи сўзга иззат кўрсатган, мана энди сўзининг иззатини кўраётган шоир. Консерваторияда ўқиб артист бўлмай шеърятга, шоирликка қайишиб кетган, талабаларга дарс бериб, яна “Муסיқа услубиёти”, “Муסיқа алифбоси” деган қўлланма дарсликларни ҳам келиштириб ёзган меҳнаткаш муаллим, шу йилдан бошлаб университет профессори Шафоат Раҳматуллаев – Шафоат Раҳматулло Термизий.

Дарвоқе, исм ҳақида. Элда “Аллоҳнинг шафоати ила” деган қадим гап бор. Исм ҳам шу сабабли қўйилган. Асли арабча сўз, “Навоий асарлари луғати”да “Воситачилик, ўртада туриб восита бўлиш” деган маънолари берилган.

Шунинг учун термизлик истеъдодли адиба Жамила Эргашеванинг “Ҳаммаларинг қандай кеп қолдинглар-е?!” деган саволига Рустамқул “Шафоат аканинг шафоати билан-да”, дея жўяли жавоб қилди.

Энди “Озод сўз” ҳақида. Шу пайтгача шоирнинг “Жануб шамоли”, “Умид остонаси”, “Гулоб” номли шеърӣ тўпламлари чоп этилган. “Озод сўз” — сайлан-

ма китоби яқиндагина босмадан чиқди. Китобнинг номи — рамзий. Ватани озодликка, хурриятга етишган, эли ҳам, Сўзи ҳам озод бўлган шоирнинг китоби, озод сўзи. Бу сўзнинг армонлари бор эди, энди-да севинчларга айланди. Унинг ҳижрон изтироблари мўл эди, энди дийдор қувончларига айланди. Шу ўртада бир киши бир гап айтди, яхши айтди: “Озод юртнинг озод сўзи озод шоирларга муборак бўлсин!”

Хорижий сафларда юксалтсам байроқ,
Жаҳон айвонида гар тилим сайроқ,
Ватанга дахлдор, Ватан — аъмолим,
Тил, Тугром, Байроғим — Ватан жамолим.
Авлодимга бешик, ажлодимга қабр,
Шу она Ватандир, озод Ватандир.
Дунёда мен топган энг олий қадр,
Фақат шу муқаддас Ватанга тандир.

ЎРТАМИЗДА БИРГИНА ЛОЛА

Кўпчиликнинг таклифи билан сафаримизни бир зиёрат билан бойитмоққа қарор қилдик. Термиз яқинидаги Амударёга ёндош Ҳаким ат-Термизий бобонинг ҳаммаёғи озодагина супуриб-сидирилган мақбараларига келганимизда, мактаб ўқувчилар гужғон экан. Абдулла акани таниб, ҳаммалари чувиллашиб қолишди. Зиёратнинг таомилини бажариб бўлгач, яна мозий, Термизийлар ҳақида суҳбатлар бошланди, пича вақт тарих қаърига шўнғиб чиқдик. Манбаларда келишича, Ҳаким ат-Термизий мақбарасини 1390 йилнинг рамазон ойида (август–сентябрь) Соҳибқирон бобомиз қурдирганлар. Яна бир тарихий маълумот: термизлик тарихчи олим Жалололдин Мирзонинг “Термиз тарихи” китобида келтирилишича, Темур бобо 1384 йилнинг баҳорида Термиз яқинидан Амударё узра кўприк ҳам солдирадилар. Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”сида бу ҳақда аниқ-таниқ айтилган. Давру замонларнинг эврилишини қарангики, бу манзилу маконларнинг яна бир қайта обод бўлмоғи учун 600 йилдан зиёд муддату яна бир Темурийзоданинг келмоғи лозим бўлибди.

Зиёратгоҳдан чиқиб, ўрама бўлиб оқаётган Амударё томонга эндик. Абдулла ака “Амударёни кўриб буюк-лигимни билиб қолдим” деганларидек, дарёнинг ҳайбати кишини лол қолдиради.

Чегарамизнинг сим тўсиқлари, чегара худуди, дарё, у ёғи — Афғонистон. “Навоий бобомиз ўша ёқда ётибдиларда-а?” дея ёш шоирлардан бири савол ташлади. Ҳаммамиз ўша томонларга қараймиз. Абдулла ака ҳазратни эслайдилар: “Навоий ҳам ётар то субҳи маҳшар тарки хоб айлаб”.

Сим тўсиқлар бўйлаб кетган йўлдан секин юриб борамиз. Ногаҳон бир дўнгликкинада ҳилпираб турган лолақизғалдоққа кўзимиз тушади. Бир ажибгина, бир ёлғизгина. Худдики Мир Алишер бобомизнинг ғазалидан чиқиб келгандай. Баҳору тириклик, эзгулик ва омонликнинг белгиси, тимсолидай. Кейин, дўнгликлар ёнидан паст-баланд бўлиб, елкаларида қуроллари, жануб шамолида ранглари қорайган икки чегарачи аскар чиқиб келади. Уларнинг гапириши, улар билан сўзлашиш ҳарбий қоидаларга тўғри келмаса-да, Абдулла акани таниб қолиб, салом беришди. Бирови Фарғонадан, иккинчиси тошкентлик экан. Гавдалари чайир, қўллари, билаклари машқларда тобланган. Устоз хурсанд бўлиб кетдилар. “Ана бизнинг посбонларимиз, Ватанимизнинг аскарлари!” дедилар. Тилак билдириб, ота-оналари бағрига соғ-омон қайтишларини ният қилдилар. Захирадаги зобит шоиримиз Усмон Азим “Ҳеч нарсадан қўрқманглар, биз ҳам сиз билан биргамиз!” дея ҳарбийчасига хайрлашди. Аскарлар чегара бўйлаб кетишди, биз ҳам йўл-йўлакай суҳбатларимиз, таассуротларимизни сўйлаб Термизга қайтдик.

* * *

Она тупроқ. Она юрт. Момо ер. Қатлам-қатлам ша-раф-шон, қатлам-қатлам валилар, пирлар ётган азиз тупроқ. “Шунданми бу юртда мени кўрсангиз, ерни бо-солмайман, учганим учган”, дейди шу юртнинг шоири.

Абдулла ака воҳа ижодкорлари билан учрашувларда сўз масъулияти, ёзувчиларнинг бугунги кундаги бурч

ва вазифалари ҳақида гапирар экан, мақсад улуғворлиги, ниятларнинг муқаддаслигини қайта-қайта таъкидлагани бежиз эмас. Биз юрт номидан сўйлар эканмиз, демак, Сўзимиз ҳам шунга яраша салмоқли бўлмоғи лозим. Фарзандлик Бахти билан бирга фарзандлик Бурчи ҳам бор. Демакким, элнинг гурурини баланд кўтарадиган, юртнинг маънавий шарафи, камолини юксалтирадиган асарлар ёзилмоғи керак бўлади.

Термиздаги суҳбатлар, учрашувлар ҳеч тугамайди-гандек.

Уларда шу тупроқда туғилиб-ўсган, марҳум бўлиб кетган Теша Сайдалиев, Менгзиё Сафаров сингари шоир ва ёзувчиларнинг номлари ҳам кўп маротаба тилга олинди. Аини пайтда Тошкентда яшаб ижод қилаётган сурхонлик адиблар хусусида ҳам илиқ гаплар айтилди. Бу гурунг ва давралардан ҳар ким ўзига яраша ижодий режалар, янги илҳом, янги руҳланишлар олиб қайтаётгани шак-шубҳасиз эди. Тайёрамыз Термиз аэропортидан ҳавога кўтарилар экан, пастда Сурхон воҳасининг яшилланиб ётган боғлари қўл силкиб қолгандай бўлдилар. Баҳор шамоллари эса қир-адирлардан тириклик боғларига янги муждалар олиб елмоқда эдилар.

Менинг Ватан ичра Ватанларим бор,
Мангу завол билмас чаманларим бор.
Бухорийлар каби хазиналарим,
Термизийлар каби маъданларим бор.

2002

САРИОСИЁ ШАМОЛЛАРИ

“...ОСИЁДАН НАРИ ОСИЁ”

Бир замонлар, дейлик, 1500 йилларда рўйи заминда Сарииосиё деган манзил бўлганми, йўқми, биз огоҳ эмасмиз. Ундан юз йил кейинги тарих учун ҳам ушбу сўз бамисоли коинот қаъридаги кўринмас юлдуздай гап. Бироқ, 1880 йилда Санкт-Петербургдаги Рус импера-

торлиги Бош штабига қарашли Ҳарбий Топографик Бўлимнинг хариталар заводида босилган харитада қайд этилган ном, мана, орадан салкам 120 йил ўтгандан сўнг ҳам мавжудлигини инобатга олиб, тусмолласак, демак, у 100–120 йиллар аввал ҳам бу кўҳна фалак остида пайдо эканини тахмин қилишимиз мумкин.

Шоир Хуршид Даврон Сариосиёни қадимий Бақтрия мамлакатининг пойтахти Зари Асп деган сўзга уйқашлиги йўқмикин, деб фараз қилади, яна бир тарихшунос шоир бу номни Зарауистра, Зараутсой сўзларининг чеварасининг чевараси деб атайди. Нима бўлганда ҳам, Сариосиёнинг Қоровултепасидан топилган сопол идишлар бу ерда эрамузнинг I–III асрларида ҳам маданий-маиший ҳаёт мавжуд бўлганидан гувоҳлик беради. Телпакчинордаги Оқ Остона бобо мақбараси эса X аср охири, XI асрнинг бошларида бунёд этилгани тарихий манбалардан маълум. Япон халқининг фидойи қадимшуноси жаноб Като бобонинг бир неча бор мазкур қадамжога келиб, қизиқиб, иштиёқ билан кўҳна гиштару тепаликларни синчиклаб ўрганиб кетгани ҳам, ушбу тупроқнинг тамаддун томирлари япон, демаким, умумжаҳоний маданиятга бориб тақалишидан гувоҳлик беради.

Бир замонлар бу манзилга биттагина кўприк, яъни Искандар Зулқарнайн кўприги (маҳаллий халқ тилида Македон кўприги)дан ўтиб келинган. Ушбу кўприк, ривоятларга қараганда, Абдуллахон (1557–1598) замонида қурилган. Ҳозир эса Термиздан Сариосиёга келгунча ўнлаб кўприклар, кўприкчалардан ўтмоқ лозим бўлади.

Бир замонлар бу ерлар у ёғи Боботоғ этакларигача, бу ёғи Дашнобод (юқоридаги китобда келтирилишича, Даштиновот) қирларигача тустовуқлар, қирғовулару какликлар сайраб юрган куюқ тўқайзор бўлган дейишади.

Бир замонлар тожик халқининг улуғ шоири, Фафур Гулом муаллимнинг яқин дўсти Мирзо Турсунзода Тошкентга ўқишга кетаётиб, Ҳасан аравакашнинг аравасида толиқиб қолганда, Тўполондарё бўйларида дам олиб, ажиб ўй-хаёлларга ошно бўлган хушҳаво макон.

Бир замонлар бу тоғларнинг ҳозиржавоб бахшиси Ваҳоб шоир ўз фарзандининг ортидан зору нолон қолиб, унинг изидан фироқ чекиб, одамларга қараб бундоқ деган экан:

Кўринганлар тоғу тузим,
Туман бўлди манинг юзим.
Ўйилибди икки кўзим,
Қўйимдан айрилган кўзим,
Ёлгон эмас айтган сўзим:
Сафарим бор Тошкангача.

— Ўҳ-ҳў! — деган экан халойиқ. — Тошканга қандоқ борасан, оламжаҳон йўл бўлса?

Бир замонлар нуктадон шоиримиз Султон Акбарий мактаб ишлари билан енг шимариб бу манзил сари йўлга отланганда, темир уловнинг шалақлигию йўлнинг носозлигидан чарчабми, шеърий мутойиба қилган экан: “Сариосиё, Сариосиё, Осиёдан нари Осиё”.

Мумтоз шеъриятимизда чархи фалакни Осиё, яъни тегирмонга ҳам ўхшатишган. Номнинг рамзийлиги, замонларнинг эврилишини қарангки, бугунги кунда Сариосиё, Узун ҳудудларида тегирмонлар кўпайиб кетган. Бу — яхшилик аломати, дон-буғдой сероблиги белгиси.

Бир замонлар бу мулкда Жума Пирназаров, Гулат Хидиров, Сафар Кассиров, Бобомурод Омонов сингари донгдор раислар ўтган. Бу жафокаш зотлар фақат бир нарсани — меҳнат қилишни, ўз элига ён босишни билган, уволу савоблари ўзлари яшаган тузум бўйнида.

Булар бари бир замонлар бўлган гаплар. Ҳозир эса...

ПАХТАНИ ЎЗБЕКЧА ГАПИРТИРГАНЛАР

Ҳозирги кунда Сариосиё — мустақил Ўзбекистонимизнинг Сурхондарё вилоятидаги йирик туманларидан биттаси, 130 мингдан зиёд аҳолиси, тўрт минг квадрат километр ер майдони мавжуд. Туман халқ хўжалиги асосан пахтачилик, ғаллачиликдан иборат, чорвачилик, саноат, кичик корхоналар тизими, тадбиркорлик ҳам кенг ривожланган.

Устозимиз Абдулла ака: **“Мабодо ўсимликка забон битса, албатта, Пахта нави энг аввал ўзбекча гапирарди”**, деганларидай, сариосиёлик деҳқонлар пахтани ана шундай ўз тилларида сўзлата олган, яйратиб сайрата олган ерпарвар инсонлар. Вилоятдаги энг ёш раислардан бири Бахтиёр Раҳмонов бошчилигидаги “Сариосиё” ширкат хўжалигидан тортиб Искандар Диёров номидаги ширкат хўжалигининг тажрибали раиси Султонмурод Сатторовгача, Дашнободу Сафар Кассиров, Сўфиён, Бобур номидаги хўжаликларнинг сергайрат, беҳаловат, тупроқнинг ўзидай хоксор раҳбарларию деҳқонларига қадар — барча каттаю кичикнинг чеккан заҳматлари бесамар кетмади.

“Ернинг тилини билиш керак. Ер ҳам гапиради. Ерни тушуниш керак. Ернинг ҳам жони бор.”

Бу — мамлакат Президентининг воҳа деҳқонлари билан бўлган гурунгда айтган гаплари.

Мана, энди икки деҳқоннинг суҳбатини эшитинг:

— Э, Бобоназарбой, мен ерсиз, даласиз туролмайман. Кечаси ҳам шу ерларни қучоқлаб ётсам дейман.

— Шошманг, Рўзибой, шошманг! Қучоқлаб ётишга ҳали улгурасиз. Ҳозирча ерда ишлаш керак. Ерни боқиш керак. Қани, сувди очинг...

Буни болалигимда далада ўт юлиб юрган пайтда эшитганман. Ер ҳали ҳам ўша-ўша. Ерга меҳр ҳам, ернинг меҳри ҳам ўзгаргани йўқ. Фақат эгаси ўзгарди, аниқроғи, ер ўз эгасига, яъни ўзимизга қайтди. Пахта ҳам ўша пахта. Фақат меҳнатни биз қилардигу, пахта-миз тайёр бўлгандан кейин эса бошқа тилда гапириб кетарди. Ўзбекча сўйлай оладиган буғдойларимиз борлигини ҳам шу замонларга келиб билдик.

Дарвоқе, сариосиёлик деҳқонлар бу йил ҳар йилгидан кўпроқ ғалла етиштирдилар. Шартномавий режа мамлакатда биринчи бўлиб бажарилди. Яхши меҳнат қилган деҳқонларнинг уйлари буғдойга тўлди. Бир ярим тоннадан саккиз ярим, ҳатто ўн тоннагача оилавий фойда олиб, яйраб юрганлар бор. Янгалар акаю тоғаларнинг атрофида гирдикапалак, тиллари ҳар қачонгидан ширин. Келинлар тандирларни тўлдириб нон

ёпганда, энди иккитадан эмас, бемалол тўрттадан ис-
сиқ нонни дастурхонга ўраб оналарига юборишади. Ша-
мол эсганда эса уларнинг зулфларидан нон иси келади.

УЙҒОҚ ОДАМЛАР

Вақт алламаҳал, ярим кечаси ҳовлимиздаги отамерос сўрида уйқум қочиб, баланд, сершоҳ толнинг қуюқ барглари аро ярқираб кўринаётган кумуш юлдузларга қараб ўйланиб ётибман. Тоғлардан эсган кучсизгина бир эпкин тол барглари ичидан чиқолмай қолгандай, барглар уни қўйворгиси келмаётгандек. Ёзнинг илиқ, сокин бир кечаси. Чигирткаларнинг тунги “концерти” ҳам охирлаб қолган. Бир маҳал кутилмаганда қишлоқнинг қоқ ўртасидан машинанинг ваҳимали узун-узун “би-биб”лагани тун сукунатини бузиб юборди. Онам ҳам ухламаётган эканлар, овоз бердилар:

— Эшитяпсанми, болам, ана шу ҳоким бўлади, ҳокимнинг мошини. Раисни уйғотяпти. Уйғотмагунча қўймайди.

— Раисни нега уйғотади? — дебман мен ҳам ҳеч нарсага тушунмай.

Онам яна давом этдилар:

— Ажаб беҳаловат ҳоким экан бу. Раисдан тортиб биргаду сувчиларгача уйқу бермайди. Ҳаммасининг ко-вушига чўғ тайлаган. Қани ишламасин-чи!

Секин болишим ёнидаги рақамлари “ёнарқурт” соатимга қарайман: ўнта ками уч. Ярим соатдан сўнг тонг отади. Фимирлаб қолганимни илғаб руҳланган онам деҳқончилигу ғалла, одамларнинг турмушу рўзғори, даромадию кайфияти ҳақида “ахборот” берадилар:

— Шундай қилгани учун ҳам буғдой кўпайди-да. Аввало Худоку-я, лекин Меликул бор-ку, дўхтир жўрангни акаси, ана шу ўғли билан беш гектар ердан 27 тонна буғдой олди, қирқ тўрт сентирдан. Олти тўннасини ҳоким ўзига берди.

Ярим кечаси отамерос сўрида мен бир зум ичида катта хўжаликнинг бори иқтисодий аҳволи тўғрисида ҳамма маълумотни онамдан билиб оламан. Кейин тонг отади.

— Мен сигиримни соғай, болам, сен ухла, дамингни ол, — дейдилар онам.

Бу бир қизиқ кеча бўлди. Мен кейин ухлолмадим. Болалигим кечган шу қишлоқ кўчаларини, онам, опасингилларим кетмон чопган, пахта терган, ўзим кўю сигирларимга ўтлар ташиганим дашту далаларни, ётиблар сувлар ичганим ариқ-жилғаларни ўйладим, яна шоирона хаёлларга берилдим, қай бир гўзал шоирнинг “Саҳар туриб соққан сутинг ҳам қуйилади менинг шеъримга”, деган ажиб сатрларини эсладим. Кўнглим ёришиб, ўрнимдан турдим.

... Бу қишлоқ, бу далаларнинг тарихи ўтган асрнинг 30–40-йилларига бориб тақалади. Яхлит тўқайзорлару қамишзорлардан иборат ерлар халқнинг меҳнати билан обод хўжаликка айланган, унинг тараққиёт паллаларию қолоқ, хароб даврлари ҳам кўп бўлган.

— Мен урушдан келганимда Муҳиддин амакинг бўлажак уйига иккинчи пахсани ураётган эди, — дея эслардилар раҳматли отам.

Кассиров бобо, ҳайбатю шоп мўйловларидан от ҳам хуркийдиган раисни кексалар ҳали-ҳамон гапириб юришади. У кишининг тарихи узоқ, анча йиллар шу хўжаликда раислик қилган. Меҳнату заҳматлари синггани, донғи кетган инсон бўлгани учун ҳам мустақилликнинг илк йилларидаёқ хўжаликка у кишининг номи берилди.

Кун ёришгач элу хешларни, ёру дўстларни кўраман, деб кўчага чиқдим. Қайси гўша, қай хонадонда бўлмайин — шу гурунг. Бу одамларга тилло берсанг ҳам кўнглига сингишмаган, элга қайишмаган нобоп, нопок кимсани ҳеч қачон мақтамайди. Муҳтарам элбошимиз халқ ва адолат ҳақида гапирганида, раҳбар деган адолат мезонини энг аввало ўзи, ўз мисолида кўрсата билмоғини ҳам назарда тутган эдилар. Халқнинг кўнглини кўтарадиган, эртанги кунига, ҳаётига ишонч ва умид уйғота оладиган, оғирини енгил қила биладиган раҳбарларга эл, одамлар сўрамасангиз ҳам таҳсин-тасанносини айтаверади, дуойи жонини қилади.

Мен — онамни кўргани келган, бор-йўғи уч-тўрт кунлик меҳмон, эрта-индин жўнаб кетадиган бир

йўловчи, лекин бу одамлар, бу инсонлар, буларнинг дарду ҳасратини, қувончу ташвишини ёддан биламан. Қай бири қандай рўзғор кечирини ҳам айтиб беришим мумкин. Гап бунда эмас. Гап шуларнинг кайфиятида. Анчадан бери ҳамқишлоқларимни бундай кўтаринки кайфиятда кўрмаган эдим. Ҳаммасининг димоғи чоғ, кўнгиллари ёришган. Чунки меҳнат қилган, меҳнатининг натижасини кўрган, рағбат олган, рўзғори тўлган.

— Эҳ-ҳе, — дейдилар онам, — бугдой пишганидан буён тегирмонлар ҳали тингани йўқ.

“МЕН ҒЎЗАНИ СЎРАСАМ, БУ ШЕЪРИНИ КЎРСАТАДИ”

Сафар Кассиров номидаги ширкат хўжалигида бир ажабтовур инсон бор. Аҳтамқул, Аҳтамқул Карим. Хўжаликда ҳосилот бўлиб ишлайди. Камтар, камгап. Доим жим юради. Кўп китоб ўқиган, саводи баланд. Бир пайтлар журналистикага кираман деб киролмай қолган. Оилавий шароити йўл қўймаган кейин. Ўзи яхши, самимий шоир. Шеърлари дарров ёдда қолади. “Бодомгинам” деган шеърини китоби сабаб, кўпчилик унга “бодомгинам” дея ҳазиллашади. Кўп меҳнаткаш йигит, саҳар туришни, далаларни кезишни яхши кўради. Унга ярим шоирона, ярим мухбирона савол берамиз:

— Қани, Аҳтамқулбой, шоир бўлсангиз, бу тонг еллари, пахтазор шамоллари ҳақида фикрингиз қандай?

У саволимизни жиддий қабул қилади, бир қизариниб олиб, қимтиниб, кейин жиддий жавоб беради:

— Сариосиё шамоллари ўзи бўлакча-да. Тўполондарёдан эсадими, Хўжапирях чўққиларидан келадими, ишқилиб, одам мазза қилади-да.

Ҳосилот шоиримиз ҳақиқатан ҳам самимий, худди ўзидай, ўзининг феълу атворидай тўғри жавоб қилди. У даласини, ерини, юртини сидқидилдан суйгани, бу момо тупроққа меҳри баланд бўлгани учун ҳам саҳар туришни, далаларни айланишни, тонг шамоллари билан суҳбатлашиб юришни яхши кўради.

Булбул, отам боғларида наво қилиб куйлайвергин,
Болам, Ватан тупроғида сен югуриб ўйнайвергин.
Қалам, менинг дардларим кўп, билсанг, ёниб адо бўлдим,
Қоғозларга дардларимни ҳар кун ёзиб йиғлайвергин.
Мен умримнинг йўлларини эгатларга ўхшатаман,
Агар сенга керак бўлсам, эгатлардан излайвергин.

Бир куни сув танқислиги пайти туман ҳокими хўжаликларни айланиб юрганда, иссиқда даланинг қоқ ўртасида у ёқдан-бу ёққа ивирсинаётган кишини кўриб, йўл бўйида машинасини тўхтатади-да, пахтазор оралаб ёнига боради. Далага сув келмаган, ғўзалар қовжирай бошлаган. Ҳосилотни кўриб, ҳоким жаҳл қилгандай бўлади: “Пахта бу аҳволда, сув қани, нима қияпсиз?” деса, Аҳтамқулбой ҳеч важ-қарсон кўрсатолмай, охири чўнтагидан букланган қоғоз чиқаради-да, шундоқ дейди:

— Ҳоким бува, шу... бугун эрталаб бир тўртлик ёзувдим, шуни бир эшитиб кўрасизми?

Ҳоким шарақлаб кулади-да, “Сувга ҳам қаранг!” деб жўнаб қолади. Даладаги бу “шеърый лаҳза” кейин кўп йиғинларда ҳаётий мисол сифатида тилга олинади. “Мен бундан ғўзани сўрасам, бу менга шеърини кўрсатади”, дея ҳоким бува мажлисларга “шеърый руҳ” багишлайди.

Аҳтамқул аруздаги машқлари — ғазалларига “Аҳтамқули” деган тахаллус танлаган. Буни бир овоздан қўллаб-қувватлади. “Махтумқули бобо ҳам энди ёлғизланиб қолмайди”, дея қофия қилдик.

Хўжалик ишларига қайтадиган бўлсак, бу йил ҳисобидан олинган даромад 597 миллион сўмни ташкил этди. Бу — айтишга осон. Рақамларнинг ортида минглаб одамлар — ҳосилотдан тортиб сувчилару фермерлар, мактаб ўқувчисидан то механизаторлару қиз-жувонларгача — кексаю ёшнинг заҳматларию пешана тери ётибди. Хўжаликнинг ғайратчан раиси Нурмуҳаммад Каримов ўзи брезент этик кийиб, далада тонглар оттирди. Ишга келганига эндигина икки йил тўлган бўлсада, бу ерда анча-мунча янгиликлар қилинди. Галабутта қишлоғига уч километрлик газ қувурлари ўтказилди.

Тўртта дала шийпони қурилди, Деҳқонобод қишлоғининг бир қисмига асфальт ётқизишиб, хўжаликнинг дам олиш маскани деярли қайтадан барпо этилди, яна 70 миллион сўмга янги трактор олинди. Катта дамариққа оқизишиб, ундан кучли насосларда йўғон қувурлар орқали чиқарилган Тўполондарёнинг суви икки-уч қишлоқ аҳолисининг эҳтиёжини қондираётганига қарамай, ичимлик сув муаммоси ҳамон кун тартибида турибди. Бир мўъжазгина хўжаликда бир йил, ярим йил ичида шунчалар ўзгариш. “Одам билан гўзалдир макон” деганлари шу бўлса керак-да.

МАКТАБДАГИ “РОБИНЗОН КРУЗО”

45-ўрта мактаб — тумандаги катта илм масканларидан. Не-не камтарин муаллимлар, хоксор ҳам фақир-пеша қанча устоз-мураббийлар дарс бермаган бу даргоҳда. Неча-неча авлодларнинг орзу-умидларини вояга етказиб, катта ҳаётга парвоз эттирган қутлуғ, табаррук макон.

Мактаб ҳар қандай ҳолатда ҳам обод, озода ва саришта бўлиши керак. Лекин бу мактаб анча йиллардан буён таъмир нима, тоза бўёқнинг ҳиди қандай бўлади — билмай келди. Бу ерда чин маънодаги ғимир-ғимир шу йилнинг баҳоридан бошланди. Авваламбор, ҳоқимликнинг жиддий эътибори, сўнгра узоқ йиллар шу мактабда адабиёт ўқитувчиси бўлиб ишлаган, эски муаллим — янги директорнинг мактаб аҳлини ҳам, оналарни ҳам ҳайратга солган ногаҳоний ғайритабиий ғайратию шахсий ташаббускорлиги узоқ кутилган таъмир ишларининг алал-охир бошланиб кетишига сабаб бўлди.

Директор ишни тартиб-интизомдан бошлади. Дарслар тўлиқ ўқитилиши, бирорта дарс бўш қолмаслиги керак. Кейин ўтириб олиб, шу мактабда ўқиб кетган, ҳозирги кунда сармоядор бўлиб қолган тадбиркорлар, амалдорларга **“қурблари етгунча таъмирга ёрдам беришларини”** сўраб расмий хат билан мурожаат қилди. Ўн етти кишидан бор-йўғи биттагина “садо” келди. Сари-

осиё савдо акциядорлик жамиятининг раисаси Раҳима Бобоева дарров 200 минг сўм ёрдам пули ўтказди. Бу гап-сўзлардан хабар топган қўшни “Сариосиё” ширкат хўжалиги раиси Бахтиёр Раҳмонов, ўзи бу ерда ўқимаган бўлса ҳам, “Адабиёт синфи” билан ўқитувчилар хонасини тўлиқ таъмирлаб беришни ўз зиммасига олди. Яна бир “бегона” раис Нурмуҳаммад Каримов “Ҳорманг, ҳорманг!” деб хабар олиб турди. Энди яна бир хайрихоҳ зот — қўшни Денов туманидаги “Лочин” фермер хўжалиги раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Аҳмад Нарзуллаев ҳам бу хайрли ишларга ўз улушини қўшмоқчи. Директор адабиётчи эмасми, бу беминнат мадаккорларга “Маърифатпарвар раислар бор бўлсин!” деб жуда чиройли ибора билан раҳматнома билдирди.

— Бу йил ёзги каникулга чиқмаймиз, — деди у ўқитувчиларни йиғиб, — мактаб таъмирини ўзимиз қиламиз.

Ва ўзи ҳам коржома кийиб, почаларини қайириб, енгларини шимарибон ишга киришиб кетди.

Янги ўқув йилига яқин ҳоким иштирокида Тошкентдан вазирликнинг нуфузли комиссияси мактабга келганда ҳамма қизгин иш билан машғул эди. Комиссия раҳбари узаласига ётиб олиб, дарвоза панжарасини пайванд қилаётган киши билан саломлашгандан сўнг, “Директор қаерда?” деб сўраса, у киши чанг қўлларини эгнига артиб, “Директор мен бўламан, келинлар, хуш кўрдик”, деганида ҳамма ҳангу манг бўлиб қолганди.

Муаллимлар байрами куни туман марказидаги мактаб директорларидан бири “Қани домла, ҳеч кўринмайсиз-ку?” деб саволга тутганда жуда қизиқ ва жўяли жавоб берган:

— Етти ойдан буён ҳеч қаерга чиқмай Робинзон Крузодай мактабда ётиб юрибман! Таъмирни тугатдик. Энди бизнинг мактабни кўргани келсангиз бўлади.

...Мактаб остонаси бирор замонда ҳам бунчалар гулга кўмилмаган эди. Ранг-баранг, анвойи гуллар. Кўкламда экилган эди, мана энди кўчани ҳам, мактабни ҳам рангу ифорларга тўлдириб, чаман-чаман очилиб ётибди. Исларидан сармаст бўласиз. Шамол эганда уч-тўрт чақи-

рим узоқда бўлсангиз ҳам, димоғингизга урилади. “Иброҳим муаллимнинг гуллари, — дейсиз меҳмонингизга. — Ҳозир кўрасиз”.

Мумтоз адабиётнинг билимдони, Самарқанд Давлат университетига таълим олган, Мир Алишер Навоийни пир деб биладиган адабиёт муаллими Иброҳим Сафаров ҳазрат ёшида бўлса-да, ҳафсаласи қирқ яшар Бобур Мирзонинг ғайратидай.

— Яхши ўқисанг яхши инсон бўласан, Ватанингда чин фарзанд, ҳақиқий мадакдор бўласан, ўқимасанг агар ўзингга хизматкор, рўзфорингга мардикорчилик қилиб умринг ўтади, — дейди муаллим дангасароқ ўқувчиларга. — Шунинг учун эсингни йиғиб, каллангни жойига кўйиб ўқи!

Ҳозир мактаб стадиони, спорт залини жиҳозлаштириш ишлари давом этаётир. Каратэ тўғарагига ўқувчилар катта иштиёқ билан қатнашмоқдалар. Директорнинг беғараз фидойилиги, жонкуярлиги қатор рағбатларга сабаб бўлди. Ҳокимлик компьютерлар совға қилди. Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов дил сўзлари битилган китобларини, “Тасвирий ойна” Республика ижодий уюшмаси эса мустақиллигимиз, конституция, ҳарбий ватанпарварликнинг мазмун-моҳиятини тушунтириб берувчи кўрғазмавий суратларнинг катта мажмуини тўхфа этди. Гуллар эса... гуллар қулф уриб очилиб ётибди. Бу ерда билим олаётган ўғил-қизлар ҳам гулга ўхшайди. Ҳаёту тирикликнинг, орзу ва умиднинг тирик ва тоза гуллари.

БРАТИСЛАВАЛИК МЕҲМОН

Машинамиз сал “хархаша” қилгани учун йўл-йўлаккай бир устананикага кирдик. Остонақул уста. Не кўз билан кўрайки, бизга мактабда инглиз тилидан дарс берган домламиз Остонақул Турдиев. Қизиқ учрашув бўлди. Домла мошин қолиб, сўрига тортди, дастурхон келтиришни буюрди.

— Яхши келдингизлар-да, — деди Остонақул ака, — пойқадам-да, кеча Братиславадан меҳмон келувди, бу-

гун сизлар — Тошкентдан, насибани қаранг, қўй сўювдик, энди бафуржа ўтирасизлар.

Братислава қаердаю Сариосиё қаерда, биз дунёнинг бу чеккасидаги кичкина қишлоққа, оддий бир муаллимнинг уйига дунёнинг у чеккасидаги узоқ мамлакатдан қанақа меҳмон келишини билолмай гаранг эдик. Остонакул ака тушунтириб берди:

— Ҳайрон бўлманглар, меҳмон ўзимиздан, ўзимизнинг ўғлимиз. Братиславадаги Жаҳон иқтисодиёт университетининг талабаси. Халқаро алоқа ва дипломатия факультетида ўқийди. Иккинчи курсга ўтди. Каникулга кепти.

Яхши гап яхши-да! Яхши, ўқимишли, одобли ўғил, ўз келажагини ўйлаб интиладиган, ҳаракат қиладиган фарзанд ҳаммасидан яхши!

Хусрав Турдиев эндигина йигирма тўртга кирибди. Термиз Давлат университетини битиргандан кейин, Ўзбекистон Миллий университетига ўқишни давом эттириш хоҳиши борлигини билдирса, отаси: “Болам, менинг пулим йўқ, ғайратингга ишонсанг, ўзинг биласан”, деган экан. Буни қарангки, бир сўзли ўғил ўша йили ўз кучи билан имтиҳонларни муваффақиятли топшириб, Братислава университетининг яккаю ягона гранти соҳиби бўлибди.

Биз кейин Шарғун шаҳридаги иқтидорли болалар мактаб-интернатида бўлган учрашув чоғида ҳам Хусравга ўхшаган билимли, мақсаднинг ёқасидан маҳкам ушлаган қатъий ниятли ўғил-қизларимиз билан танишдик. Бу билим даргоҳининг тўрт нафар талабаси Америка Қўшма Штатларининг турли дорилфунунларига кириб ўқишга муваффақ бўлган. Мактабнинг икки нафар муаллими ҳам хорижий университетларда амалиёт сафарида бўлиб қайтган.

Мен кишини қувонтирадиган, ҳавасини келтирадиган бу ҳолатларга ташбеҳ изладим. Шамол пайти эпкинлар барглари кўтариб, серҳосил дарахтнинг мевалари ярқираб кўрингани янглиғ, бу ўғил-қизлар эркин, озод Ватанимизнинг асл мевалари. Ҳуррият шамоллари ҳаёт япроқларини эркалаб, энди уларни бу-

тун жаҳонга кўрсатаётир. Шундай пайт муҳтарам Юрт-бошимизнинг ёш авлодга қарата айтган сўзлари нақадар гурурбахш жаранглайди: “Эзгу мақсадлар билан қўйган қадамларингиз қутлуғ бўлсин!”

* * *

Бутун мамлакат қандай эзгу ташвишлар билан яшаётган бўлса, бугунги кунда Сариосиёда ҳам ҳар бир соҳада шу ҳолатлар намоён. Ҳамма-ҳаммаси яхшилик учун, ёш авлод тарбиясию эл-юрт равнақи учун қилинган, қилинаётган эзгу амаллардир.

Биргина Тўполон сув омбори ва ГЭС қурилишларида сарфланаётган миллиардлаб маблағлар яқин келажақда бутун воҳанинг ободонлиги учун катта самаралар беради. ГЭС ишга тушгандан кейин Сурхондарё Ўзбекистонимизнинг энг мунаввар ва чароғон воҳаларидан бирига айланади. Қурувчилар бунёд этган “Чароғон” қишлоғининг рамзий маъноси ҳам шунда. Бу ердаги болалар спорт мажмуасининг “ТўполонсувГЭСқурилиш” ташкилоти қошидаги “Тўполон” футбол клуби жамоаси муваффақиятлари ҳам қурилиш суръатларига яраша бўлмоқда. Жамоа мамлакат Олий лигасига чиқишни қатъий мақсад қилиб қўйган. Шағал саралаш заводининг “Метин” болалар футбол жамоаси ўйинлари ҳам катта умидлар уйғотади. Чет эл сармоялари асосида ишлаб чиқарилаётган “Мифтоҳ”, “Обижўй” ичимлик сувлари ҳар қандай ҳориб келган йўловчининг чанқоғини қондириб, баҳри дилини яйратади. Икки юздан зиёд фермер хўжаликлари кечаю кундуз меҳнат, изланиш, даромад олиш, одамларнинг турмуш шароитларини яхшилаш ташвишлари билан банд.

Экология, ҳаво мусаффолиги — сариосиёликлар учун бор муаммо. Боғ-роғлар, дарахтзорларни қўпайтириш бу муаммони анчайин камайтиради. Шунинг учун бир боғ ҳақида айтилмаса бўлмас. Тоқчи қишлоғидаги фермер хўжалигининг кекса раиси Носирхон ота Тўрақуловнинг машаққатли меҳнатлар эвазига адирлик, лалми ерларда яратган 200 гектарлик олмазор боғининг довуғи бугун тилларда овоза. Саховатпеша боғ-

бон ўз даромади ҳисобидан қишлоққа янги мактаб, маҳалла гузарини қуриб берди, истеъдодли ёшларга ҳомийлик қилди. Ва бу нашъу намолар, ўзгаришларнинг барчаси тиниб-тинчимас муҳаррир Абдурахим Раҳмонов бошчилигида қайтадан янгиланган, ўзгача мақом касб этган 12 саҳифали “Сариосиё” газетаси саҳифаларида худди кўзгудагидек ўз аксини топмоқда.

Шамоллар эса тинмай эсаверадилар. Улар боғлардан, тоғлардан келадилар. Тонг насимлари, саҳар еллари. Улар қадрдон ҳам азиз, улардан нон иси, гиёҳлару гулларнинг иси, бешиклар ҳидию яшамоқ завқи, тириклик севинчларининг бўйлари келади. Уларда она юртнинг барча ифорлари жо бўлган.

Мангу сўлмас Термизийлар
ўтқазиб кетган чинор,
Руҳлари осмонларимда
мангу посбоним менинг.
Ору номусдан келар
бунда азалдан ҳар юрак,
Гул бўлар, бўстон бўлар
бу кўҳна қўрғоним менинг.

2004 й. сентябрь—октябрь

ВАТАН ОЗОДА БЎЛСИН

*(“Ўзбекистон адабиёти ва санъати”
ҳафтаномаси учун)*

Оврупонинг қоқ марказида, Олмониянинг ҳаммаёғи ярқираб, чарақлаб турган гўзал Франкфурт шаҳрида носкаш оғамиз нос тупуришга жой тополмади. У ён юрди, бу ён юрди — бирон ифлос гўша ё кир ахлатдон учрамади, оғамиз носини тупурсин деб тоза сарсон бўлдик, охири бир қаҳвахонанинг қўл ювиладиган хонасига кириб, бу дардисардан қутулиб чиқди. Лаб-лунжини рўмолчаси билан артаркан, у ярим ҳаяжон, ярим

ўкинч ила шундай деди: “Ватан бўлса шундай тоза, озода бўлсин экан. Кўчасини ҳам лаб билан ялайн дейсиз-а!”

Оғамизнинг бошида дўпписи бор эди. Кейин...

Оврупонинг қоқ марказида, Олмониянинг ҳаммаёғи ярқираб, жилоланиб турган гўзал Франкфурт шаҳрининг гўзал, гавжум кўчасида куппа-кундуз куни бир олмон аёли ҳаммани ҳайрон қолдириб, оғамизнинг бўйнига осилиб йиғлай бошлади-ку!

— Ўзбекистондан келдингларми-а? Ўзбекмисизлар-а? Мен Бекободда яшаганман. Ўзбекларнинг нон-тузини кўп еганман. Уйга юринглар, чой ичиб кетасизлар, ош дамлаб берай...

Оврупонинг қоқ марказида, олмон аёлининг кўзлари жикқа ёш, биз лолу ҳайрон, йўловчилар ҳангу манг, Франкфуртнинг хизматчиларининг ўзи 53 минг кишини ташкил этадиган улуғвор аэропорти тинимсиз гувиллайди, у ерда биқинида “Ўзбекистон” деб ёзилган, огод Ватанимизнинг бир нишонаси бўлиб бизнинг тайёрамиз ҳам қантариб қўйилган эди.

Бу ҳолатлар ҳеч ёддан кўтарилмайди. Олти йиллар ўтди, лекин у сўзлар: “Ватан... озода бўлсин...”

Эътибор берган бўлсангиз, хорижда чиқадиган сақичларнинг қоғозида ҳам ҳатто ахлат қути ва унга қўл чўзиб бир нима ташлаётган кишининг акси туширилган ва тагида инглиз тилида шундай сўзлар ёзилган: “Бу мамлакат сизники, уни ифлос қилманг!”

Мавлоно Завқийнинг 1904 йилда ёзилган бир аламли сатрлари бор: “Ушбу диёри масхарани эмди тарк этай”.

“Қишлоқ эли шафтоли қоқи, нон тополмай”, “кийган либоси белини ҳам ёполмайин” қолган, “фоҳишахоналар дориломон бўлган”, маънан ҳам, жисман ҳам эзилган, булганган бир шароитда, чор Россиясининг маънавий фаҳшбозликлари авж олган мурдор, нопок бир муҳитда, миллат аҳволини кўриб:

Илму хунарлар ўрнига пулдор тўнг бўйин,
Уч-тўрти йиғилиб қилишур ит каби ўйин,
Эҳсони гарибга йўқ, шоҳона қилур тўйин,
Айтса адо бўлмас сира минбаъд феълу хуйин,
Ғуссаи дилим шарҳ айласам, асрор мунча кўп, —

дебон фиғон чеккан шоирнинг бирдан-бир армони Ватанни озод ва обод, миллатни шод ва баркамол кўрмоқ эди. Ватаннинг озодалиги энг аввал унинг маънавий гўзал, қалбан озода фарзандларидан бошланади. Бироқ муҳит, миллатнинг камолотини истамаган мустабид муҳит.

Фурқат бу муҳитнинг тазйиқларидан безиб бош олиб кетди. Муқимий Ватанда муқим бўлса-да, хору забун ўтди.

“Биздан озод ва обод Ватан қолсин!” Бу сўзларда миллат фарзандлари, жумладан, бизу сизнинг ҳам зимма-мизга тушадиган оламшумул бир вазифа юкланганки, уни ҳаммамиз қалбан идрок этиб яшамоғимиз лозим.

Гап яна маънавиятга бориб тақалади. “Обод Ватан” дейилганда элу юрт фаровонлигининг асосий жиҳатларидан бири бўлмиш маънавият, маънавий баркамоллик ҳам назарда тутилганки, бунинг нечоғли муҳим ва долзарб муаммога айланганини айни пайтда ҳукумат миқёсида кўрилаётган чора-тадбирлардан ҳам билса бўлади.

Мамлакатимиз истиқлолининг саккиз йилида рўй берган мислсиз ўзгаришларни дoston қилмоқ учун Фирдавсий шоирлардан юзовлони ҳам камлик қилар, лекин... бир оддий рўзгорнинг бори муаммолари, ташвишу юмушлари бутун мамлакат миқёсида кўчирилганда, юрт эгасининг аҳволини тасаввур қилинг. “Кўприк йўқ! Кўприк йўқ!” деб ёқа йиртиб, ҳаммаёққа дод солгандан кўра, бир ариққинага биттагина кўприк қурган яхши эмасми? “Тахта йўқ! Ёғоч йўқ!” деб бўзлашнинг ўрнига, ўша ариққинанинг бўйларига қатор қилиб терак ва тол қаламчаларини суқиб қўйган дуруст эмасми? Саратон иссиғида тўрт ўғил-қизи офтобда куйиб, қовжираб, деворнинг соясида тупроққа беланиб зўрға жон сақлаб ўтирибди, лекин ҳовлисида бир ниҳол ё кўчати йўқ, ўзбекнинг уйими бу ёки африкаликнингми — билолмай фиғонингиз чиқади. Ҳой биродар, Худо хайрингизни берсин, бу ҳовли, бу зурриётлар сизники, ўзингизнинг пушти камарингиздан бўлган, сиздан ош-нон сўрамайди шу қаламчалар, шундоққина ерга суқсангиз бўлди, бир йилда шовуллаган дарахтга айла-

нади, соясида фарзандларингиз яйрабгина ўйнайди ахир! Бироқ шунга ҳам ҳафсала қилмайди, шунга ҳам хоҳиши йўқ. Аммо-лекин гапиришни билади: “Кўприк йўқ! Ёғоч йўқ, тахта йўқ!”

Энди юқорироқ табақага назар ташлайлик.

Бир йил бурунги Самарқанд ва Навоий вилоятлари ҳокимликларида кўрилган масалалар, вилоят ва туман раҳбарларининг маънавий қиёфалари атрофида бўлган жиддий гап-сўзлар бутун мамлакатни ҳаяжонга солган эди. **“Бу халқ ҳамма нарсага чидаши мумкин, фақат адолат-сизликка чидай олмайди!”** дейилганди ўшанда. Маънавият, маърифат, мафкура — булар кенг тушунчалар, бунинг учун, дейлик туман миқёсида биринчи жавобгар ва масъул шахс туман ҳокимидир. Лекин эл юрадиган йўл хароб бўла туриб, ҳоким ўз уйига элтадиган йўлни обод қилса, ён-верида яшайдиган оддий халқ вакилларининг уйлари ночор ё кўримсиз аҳволда турсаю, уларнинг рўпарасида, кўз ўнгида тап тортмаган раҳбар қарсиллатиб дабдабали қасру айвонини қуриб ташласа, у ҳокимнинг маънавият ё мафкура ҳақидаги бор тоату ибодати бир пул, унинг маънавий қиёфасига изоҳнинг ҳожати йўқ. Шу ўринда устоз Эркин Воҳидовнинг сатрлари Завқий домла оҳанглари ила нақадар уйқаш жаранглайди:

Тангринг — амал, мартабадир, пайғамбаринг — шуҳрат-шон,
Бу давлатга ўт қўясан, йўқотасан хилқатдан,
Гар ҳокимлик тегар бўлса сенга Янги давлатдан,
Қуруқ гапдир сенга Ватан, халқу озод истиқбол,
Сенинг учун истадимми юртимга мен истиқлол?

* * *

Яқинда газеталарда чиқди: яқин хориж мамлакатларидан бирининг катта тадбиркор-сармоядори, айни пайтда вилоят ҳокими бўлмиш саховатпеша бир киши кўп болали бир оилага икки қаватли уйни ҳадя этибди. Инсоний, йўқ, ғоят умуминсоний ҳодиса. Бизда бундай хайрли эзгу ишларга ҳазрат Алишер Навоий шоҳ Ҳусайн Бойқаронинг вазири бўлган пайтлариданоқ кўп эътибор берганлар.

Ҳозир юртимизда, Худога шукр, ҳуррият, бозор иқтисодиёти шарофати билан сармоядорларимиз кўпайиб қолган. Уларнинг ҳам, шубҳасиз, ўзига яраша ташвиш ва изтироблари бор, лекин пулдор барибир пулдор-да, эл учун, саховат йўлига бир кўприк солишга ва ё бир йўлни обод қилиб беришга унинг қурби етади. Бундай хайрли юмушлар туман раҳбари ёинки жамоа хўжалиги раисининг ёхуд дўкондорнинг ҳам қўлидан келади. Бу ҳам — озодаликка киради, қалб ва руҳ озодалигига. Мамлакат, Ватан ана шундай озода, гўзал қалбли инсонларнинг кўпаймоғи ила, уларнинг гўзал ва таҳсинга сазовор қору амаллари ила бора-бора обод ва озода Ватанга айланади.

* * *

Ҳар бир гишти тил чиқарса ҳадис айтиб берадиган, чинорларига забон битса Хожа Аҳмад Яссавийдан, Сўфи Оллоёр, Бобораҳим Машрабдан байтлар сўйлайдиган диёримиз бор. Қатлам-қатлам бўлиб валилар ётибди бу тупроқда. Бобо Темур ҳайкаллари, Имом Бухорий ҳазратларининг маҳобатли мақбаралари тимсолида бу Ватан, бу халқ ўзига, ўзлигига қайтганини ҳали келажак авлодлар асрларга дostonлар қилиб сўйлағуси.

Одам боласи бир Ватанда бир марта дунёга келади. Ватан — олислардан, ёт эллардан изланмайди, ахтарилмайди. Ватан — гулдай ўғил-қизларнинг қароғида, айвонингизга ин қурган қалдирғочларнинг живир-живирларию, раҳматли отангиздан кейин ёқиб қўйган чироғингиздадир. Озод ва гўзал Ватан учун гўзал қалбли, озода фарзандлар керак. Гўзал ва озода фарзандлар вояга етмоғи учун гўзал тарбия, яхшиликка элтувчи гўзал китоблару ақли расо инсонлар лозим.

“Шу азиз Ватан барчамизники...”

Оврупонинг қоқ марказида оғамизнинг бўйнига олиб йиғлаган олмон аёлининг ҳолатини яна бир эсланг. У-ку, бир бегона, бу юртдан бор-йўғи ўн беш-ийгирма йил туз тотган, биз бир умр шу Ватаннинг нон-тузига шерикмиз, бунинг ҳақи-ҳурматини жойига келтириш, бу бемисл қарзни гўзал, чиройли қилиб

қайтармоқ бизнинг умрий вазифамиз, бурч ва муддаомиз бўлмасми? Биз — фарзандлармиз ахир, шу элнинг, шу гўзал, азиз Ватаннинг фарзандлари.

1999

* * *

(“Халқ сўзи” газетаси учун)

Наврўз — миттигина куртаклар уйқусираб ётган бутун оламни, борлиқни туртибгина бедор этувчи уйғониш айёми. Осмон ерга, ер осмонга бағрини кенг очувчи фасл. Ҳаёту тириклик учун, яшамоқ учун янги тараддудлар кўриладиган, қутлуғ умидлар ва ниятлар палласи. Момолар ҳаётида кечган Наврўз сайиллари, эзгу удумлар ўчиб кетгани йўқ, кўрпалар ёйилиб офтобга чиқадиган, кўкдаги қуёш ҳам қир-адирларга тушиб, бойчечак-лолалар, эл-улуслар билан яйраб сайил қиладиган безавол ва мунаввар кунлар.

Бу порлоқ дамларда дил дилга, эл элга интилади. Одамзотнинг зоҳири ҳам, ботини ҳам яна бир карра янгиланади. Халқимизнинг азалий эскирмас ҳикмати, улуғвор ва муҳташам қадрияти, саодати — Наврўз.

Наврўз, биринчи навбатда тозалик дегани, озодалик ва саришталик дегани. Хонадон эгасининг киришчиқишдаги яхши кайфияти уйининг тоза-саришталиги билан боғлиқ бўлгани каби бутун юрт, Ватан озодалигидан одамлар, халқнинг кайфияти кўтарилади. Озодалик ҳам тарбияга, маънавиятга киради.

Ҳазрат Алишер Навоий бобомиз “**Менга ҳар кун байраму ҳар лаҳза Наврўзе керак**”, деган эканлар.

Маълумки, бобомиз вазир бўлганлар, унча-мунча нарсага муҳтожлик сезмаганлари баробарида бир умр халқ, одамлар манфаатини ўз мафаатларидан устун қўйиб яшаганлар. Вазир одамга ҳар кун байраму ҳар лаҳза Наврўзга нима ҳожат бор экан дерсиз? Эҳтиёжнинг маъноси шунда бўлганки — Наврўз, байрам баҳонасида анча-мунча манзилу маконлар обод қилинган,

Наврўзга тараддуд кўриш туфайли маҳалла-кўйлар, гузарлар тозаланган, кўрк берилган, кўприклар қурилган, ариқлар тозаланган, боғ-роғлар барпо этилган. Наврўз шу баҳонада қанча дийдорларга, қувончу нашида, меҳр-оқибату қанча эзгу амалларга янгитдан асос солган.

Муҳтарам Юртбошимизнинг **“Биздан озод ва обод Ватан қолсин!”** деган, бугунги кунда элу юртимизнинг эзгу мақсадлар йўлидаги заҳматлари, қувончу ташвишларига сарлавҳа бўлиб қолган ибратли сўзлари замирида ҳам бутун мамлакатнинг кўрки-чиройи, ободлигию тўкис ва баркамол истиқболи назарда тутилган. Мустақиллик йиллари — қисқа муддатда она диёримиз бутунлай ўзгача нашъу-намо топди. Нақшбандий бобо айвонларигача тонг ва нурга етишди. Албатта, озодалик, ободлик бир кунда ёки бир кишининг саъй-ҳаракати билан битадиган юмуш эмас.

Наврўз сайли бизнинг халқимиз учун қадим-қадимдан катта мазмун ва маъно касб этиб келган. Бу маъно ва мазмуннинг моҳияти, устозимиз айтганларидек, **“Халқимизнинг миллий донолиги, ҳеч кимга ўхшамайдиган фазилатлар тажассуми”** бўлмиш эзгу удумларимиз, одат ва анъаналаримизга бориб тақалади. Биз истиқлол йилларида асл Наврўзимизни тикладик. Поғонама-поғона, фаслма-фасл жароҳатларига малҳам босиб, озод Ватанимизнинг кўрку тароватини жамулжам этган ҳақиқий қиёфасини қайта барпо этдик.

Сайил ҳам, халқ шодиёнаси ҳам эл-юрт тинчлиги, мамлакат оройиши, сайқали билан файзлидир.

Куни кеча Сурхон қирларида очилган бойчечак **“Ахборот”**да кўрсатилганида эртасига бутун шаҳар аҳли бир-биридан суюнчи олди: **“Баҳор келди! Юртимизга баҳор келибди! Кеча бойчечакни кўрсатди!”**

Бойчечак — баҳор муждаси, тириклик хушхабари. Ҳамма бир кунда энг шимариб ишга киришиб кетди. Бунини қарангки, тозалаш, озодалаш жараёнларида, гуллар, кўчатлар ўтқазиш пайтида баъзи туманларда ўн йиллаб битта ҳам ниҳол қадалмаган гўшалар ҳам кўриниб, билиниб қолди. Кўп қаватли уйларимизда ис бос-

ган, супурги тегмаган йўлаклар, умумдаҳлизлар ҳам бор экан. Ўзбекистонимиз кўёшнинг айвони бўлса, бу кенг ва муҳташам айвонимизнинг покизалиги кичкина даҳлизимиздан бошланишини ҳеч ҳам унутмаслигимиз лозим.

Наврўз — умумозодалик, умумсариршталик дегани. Халқимизда энг табаррук нарсалардан бири дастурхон саналади, дастурхонга оёқ қўйилмайди, дастурхон тоза, покиза жойга тўшалади. Меҳмоннавозлик қонимизда бўлганидан кейин, ҳар қарич ер, ҳар манзилу маъвомиз дастурхон тўшагудек пок ва бедоғ тутилиши керак-да.

Маҳалла-қўйларимиз, гузарларимиздаги кўтаринки кайфият, тириклик ташвишлари завқи, ғимир-ғимир ҳашар ва жонланишлар кишиларимиздаги иштиёқ ва ишончнинг ўзимизга хос белгиларидир. Сиҳат-саломатлик ҳам тозаликдан бошланади. Миллат бардамлиги, тансиҳатлик йўлидаги улуғвор ният ва мақсадлар мамлакатнинг бош ташвиши деб қаралаётган пайтда Ватан озодалиги ҳам Наврўзимизга, байрам сайлимизга ғоят ярашиқли ва муносиб бўлгай.

Ўтиб абри найсонлар,
Дурлар тўксин осмонлар.
Чарақласин айвонлар,
Ватан озода бўлсин.
Бу дунёда гул қолар,
Боғ қолар, булбул қолар,
Биз кетармиз, шул қолар,
Ватан озода бўлсин!

2005

ОЗОД ҲАВОЛАР

(“Ўзбекистон овози” учун)

Дарвозангни қўшнинг дарвозасига қараб қур, деган ҳикмат ўзбекда азалдан бор гап. Бунинг замирида ғоят чуқур маъни яширинган. Яъниким, ҳамсоянгнинг сенингдек баланд, салобатли дарвоза ўрнатишга қурби

етадими йўқми, сенинг дабдабанг унинг кўнглига оғир ботмайдами деганидир бу. Эҳтиром, одоб, андиша сингари ўзбекона тушунчалар ила боғлиқ бу ҳикматни мустақил жумҳуриятимиз фуқароларининг инсоний ҳақ-ҳуқуқларини ўзида мужассам этган Ўзбекистон Конституцияси тилига ўгирсак агар...

Хорижий, эркин, тараққий этган мамлакатларга ҳою ҳавасимиз, ўксик армонларимиз ўз-ўзидан босилиб, кўксимиз ўзга, жонбахш нафаслар, озод ҳаволар билан тўлган кунларнинг бетакрор ҳаяжонлари ҳали ёдимизда. Ўзбек Конституцияси — ўзга дарвозаларга маҳлиё бўлиб, ичдан ўксинишларимизга барҳам берган эркин мамлакатимизнинг сиёсий жиҳатдан ҳам, умумбашарий жиҳатдан ҳам ғоят муҳим расмий, қонуний ва тарихий ҳужжатидир.

“Ахборот”нинг махсус мухбири Муҳаммаднозим Мавлон Дубай, Абу Даби шаҳарларининг нурафшон, чароғон кўчаларидан туриб тасвирий хушхабарлар йўллар экан, ёш шоиримиз Салимбой Ашур Онадўли соҳилларида эмин-эркин шеър айтиб юрар экан — булар биз учун шунчаки оддий ҳолатлар эмасдир. Франкфурт кўчасида дўппи кийган кекса қаламкашимиз Абдулла Пўлатовнинг бўйнига осилиб “Мен ўзбекларнинг нонини кўп еганман, юринглар, ош қилиб берай, уйимга меҳмон бўп кетинглар!” деб кўзёши шашқатор бўлган олмон аёлининг ҳам орзу-умидларидир бу ҳужжат. Унинг ўзи — улуг бир соҳил, ҳақ-ҳуқуқий бир маъво, ҳар банди эса шу маъвонинг шуълазор чироқларига ўхшайди.

Биз бу мунаввар соҳилга асрий орзу армонлардан, машаққатлару заҳматлар саҳросидан ўтиб чиқиб келдик. Унга рўзгор туйнугидан, қозон-товоқ доирасию, ошқозон тирқишидан қарамаслик керак. Худо иноят этган бу шаъну шарафнинг ўзга, улугвор, тарихий мазмун-моҳияти борки, унинг аҳамияти асрларга татигуликдир. Мангу суворийдек чоғланиб турган Темур бобомизнинг хиёбондаги ҳайкалидан, унинг лавҳидаги “Куч адолатдадир” деган битиклардан сўранг буни.

Ишлар яхши, ишлар бари хайрият,
Жамолингдан айланайин, Ҳуррият!
Қаён юрсам, юртим, бағринг эпкинли,
Соғинтирган экан ахир эркинлик.
Кишнаб юрган тойлар бир кун от бўлар,
Эл шод бўлар, мамлакат обод бўлар.
Пахтасига сув тараб Мамаражаб,
Бир кун “Волво” минса агар не ажаб.
Йўллар очиқ, боқмай кеча-кундузга,
Истасанг уч Истанбулга, Қуддусга.
Фақат тилло истаб борма, биродар,
Юрт ғубори тиллоларга баробар.

1997

СЕВГИЮ СЕВИНЧ ШАҲРИ, СОҒИНЧУ СУЯНЧ ШАҲРИ

(“Тошкент оқшоми” учун)

Бирлашган Араб Амирликларининг Шаржа шаҳрига учяпмиз. Мустақиллик боис кўплаб хорижий давлатлар қатори, бу мамлакатга ҳам “Ўзбекистон Ҳаво Йўллари”нинг тайёралари қатнай бошлаганига бир йиллардан ошган, муҳташам самолётимизнинг ичи тўла одам, кўпчилик тижорат учун, яна кимдир узатилаётган қизига уй жиҳозлари олиш илинжида, биров хизмат сафарию, бошқа биров муолажа ёки дам олиб, ҳордиқ чиқариб келиш учун отланган. Барча мамнун кайфиятда. “Ҳаво кемамиз” бир маромда парвоз этипти, менинг қўлимда “Тошкент оқшоми” газетаси, ўқиб боряпман, ёнимдаги шеригим — ёши олтмишларга борган, беҳаловат, сергап ва хушчақчақ тошкентлик окахонимиз Мирҳайдар ака, менинг мутолаамдан зерикиб кетди чоғи, “Оқоси, — деди ниҳоят, — газитингиззи қўйсангиз-чи, “оқшом”ми кеганингиздан кейин ҳам ўқийвурасиз, пастга қаранг, пастга. Эроннинг устидан учвомиз шакилли”.

Дубай шаҳрида меҳмонхонада ҳам Мирҳайдар ака билан бир хонага тушиб қолдик. Уч кундан сўнг ока-

хонимиз зерика бошладилар. Дунёнинг ажойиб-ғаройиб ичимликларию ширавор-шарбатлари қуйилиб ётган шаҳардан танглайлари қуриб, чанқаб меҳмонхонага қайтадилар. Тошкентдан ўзлари билан чойқайнатгичу, ўша пайтлар эътиборда бўлган қутисига фил расми туширилган “ҳинд чойи”дан олиб борганлар, хонага кирадилару “Оқоси, бир тошканча чой ичийлу”, дебон дарров чой дамлашга тушадилар. Тўртинчи кун деганда Мирҳайдар ака “Самолётда “Тошкент оқшоми”ни ўқиб кевотувдингизми-ей”, дея газетани сўраб қоладилар. Сумкаданми, жомадоннинг ичиданми топиб бердим. Ўгириб-айлантириб, айлантириб-ўгириб роса ўқидилар. У кишининг юзларидан, ҳолатию меҳру орзиқиш билан газет ўқишидан билдимки, Тошкентни роса соғинибдилар. “Оқшом” саҳифаларидан окамизнинг чеҳраларига Тошкент шамолларию Анҳор шабадалари эсиб урилаётгандай эди гўё. Шу алфозда имкон бўлсаю “Ялла”нинг “Бунча гўзал бўлмасанг, Тошканим — онам, Сени бир дам кўрмасам кўзларимда нам” деган қўшиғини қўйиб берса, Мирҳайдар аканинг ҳам кўзлари ёшланиши турган гап эди.

Ҳа, биз Тошкентни, Тошкентимизни, она шаҳримизни шундай соғинамиз. Тошкент фарзандларининг меҳру соғинчлари шунақа бўлади.

Олис сафарларда Мирҳайдар акадек инсонларнинг соғинчига, орзиқишига таскин-тасаллилар берган “Тошкент оқшоми”дек файзли газеталар ҳам омон бўлсин. Бу даргоҳда, оқшом насимлари янглиғ дилкаш, дилкушо бу газета саҳифаларида кўп улуғ инсонлару мўътабар зотларнинг номлари, дастхатлари мангуга муҳрланиб қолгандир. Устоз шоиримиз, улуғ Ғафур Ғуломнинг 1966 йилнинг 22 июнида ёзиб қолдирган мана бу қалб сўзларини ўқиб кўзга ёш айланмасинми:

“Тунов оқшом Анҳор қирғоғида битта оби нонни уви-тиб, ботиб бораётган қуёшнинг сувдаги майда тўлқинларда жилваланган шуъласини кузатиб ўтирар эдим. Юз қадамча нарида, утта қирғоқда, мажнунтол тагида бир жуфт қумридай кукулашиб ўтирган бир жуфт ёшга кўзим

тушиб қолди. Санни Худо, жуда ҳавасим келди!.. Агар манов шўх қиз ўз йигити қулоғига шивирлаган сўзидан чорак жумласини менгинага шивирласа, агар шу икки навжувон ўз кулгиларидан икки пардасини менга ҳадя қилсалар, 72 бандли шеърни шу оқшомда сайраб турган тўрғай тингунча ёзиб берардим”.

Севгию севинч, соғинчу суюнч шаҳридир бу шаҳар. Қаймоқдай қизларнинг чехраларидан кўкдаги ойлар ҳам қарзга қаймоқ сўрайдиган шаҳар, онахонларининг меҳрига осмондаги қуёшлар ҳам маҳлиё бўлиб ўтгучи очиқ бағирлару қайноқ қалблар маконидир бу. Ҳуррият машғалалари янада мунаввар ва чарогон этган, илму маърифат, маданият ва маънавият пойтахти, Мустақиллик туфайли кундан-кун, соатма-соат ўзгача кўрку тароват, фазлу камол бахш этиб, тараққий этаётган, бўй чўзаётган, озода бўлиб бораётган гўзал шаҳар Тошкентдир. Ва “Тошкент оқшоми” — шу улуғвор, қутлуғ маконнинг қутлуғ хабарчиси, ўзбеклар диёри, она-Ўзбекистонимиз истиқболидан муждалар ва дараклар бергучи, унинг беҳаловат ва заҳматкаш элининг, шу тириклик, шу гулгун ҳаётнинг жонли кўзгусидир. “Оқшом”имиз, “оқшом”ингиз ҳамиша нурли бўлсин, жонбахш эпкинлари эсмоқдан, тирикликнинг райҳон исларини таратмоқдан ҳаргиз тинмасинлар.

2000

СОҒИНЧЛАР ДИЁРИДАН СОҒИНЧЛАР ПОЙТАХТИГА

*(“Мулқдор” газетаси муҳбири Саид Олим
билан суҳбат)*

— Сирожиддин ака, инсоннинг шоир бўлишида у туғилиб ўсган замин, осмон, боринги, барча атроф-муҳитнинг аҳамияти катта бўлади дейишади. Шу маънода суҳбатимизни Сизнинг болалик, ёшлик хотираларингиздан бошласак...

— Соғинчлар диёрига сайр қилсак демоқчисиз-да. Мабодо болалигим, ўсмирлигим ҳақида китоб ёзадиган бўлсам, унга шундай ном қўйган бўлардим: “Соғинчлар диёри”. Мен Сурхондарё вилоятининг Сарийосиё туманида, кенгликларга туташиб кетган адирлар ва тоғлар этагида туғилганман. Замин, осмон деганда Сиз ҳақ гапни айтдингиз. Инсон боласига замин — туғилган тупроғи тафт беради, осмон эса боши узра кечакундуз ой-күёшидан меҳр нурларини сочади. Мумтоз тилимизда күёшнинг яна бир номи “Меҳр” деб бекорга айтилмаган. Қўй-қўзиларни боқиб, яшил майсазор, чимзорларда чалқанча ётган қўйи тубсиз, чексиз осмонларни, уюм-уюм бўлиб қайларгадир — мен кўрмаган, билмаган зангор оламларга кетаётган оппоқ булутларни томоша қилишни яхши кўрардим. Ўша — булутлар кетаётган сирли маконларни соғиниб яшардим.

Кейин — раҳматли момоннинг ўрикзор, олмазор боғлари... Бизнинг бутун дунёмиз шу боғнинг ичида эди. Май ойидаёқ шира оладиган эртапишар олмалар, шигил-шиғил қантак ўриклар. Бизда қантак ўрик деган гап йўқ — ўрикнинг ҳаммасини зардоли дейди. Форстожик тилидан кириб ўрнашиб қолган бу сўзнинг таржимаси асли — сариқ олуни билдиради. Қароли, қора олу дегандай. Биз — момоннинг 15–20 чоғли неваралари боғни талаш билан, кенжа ўғли — Садриддин тоғам эса бизни олдига солиб қувиш, ҳайдаш билан овра эди. Қўшни қизалоқлар, болакайлар қўшилишиб, баъзан бутун бошли шумтакалар, зумрашалар лашкарига айланиб қолардик. Бундай пайтда катта бир боғни остин-устун қилиб ташлаш биз учун ҳеч гап эмас эди. Мен ана шу — бир боғ қизалоқлару арию қўнғизларнинг подшоси эдим. Бир кун деворнинг устида гилос тераётиб, барглари аро менга тикилиб турган бир жуфт катта-катта, қоп-қора кўзларни кўриб қолдим. Аввалига додирардим. Кўзларнинг соҳибаси ҳам бу кутилмаган “тўқнашув”дан ўзини йўқотиб қўйдими, лабларидаги гилос “қонаб” кетди, гилос тераётган челақчаси ҳам қўлидан ерга тушди. Мен бир амаллаб жилмайсам, “Ўлмабсан-да!” деди-да, жаҳл билан дарахдан тушдию кетди. Бу — Душанбедан

кўчиб келишган, кўшнимиз Моҳрубону опанинг бетлари худди қаймоқдек, лабининг четида холгинаси ҳам бор хушрўйгина қизчаси Гулпариди эди. У қанчалик чиройли бўлмасин, шу қадар баджаҳл эди.

Яна мактабнинг юқори синфларида ўқийдиган Пайваста, Салтанат, Нигина, Зумрад, Меҳринисо деган қизлар. Пайвастанинг пайваста қошлари, катта-катта шахло кўзлари, Салтанат билан Нигинанинг тақимиға урадиган ҳар бири дарёдай-дарёдай кокиллари, Ибодат аммамнинг қизи бўлмиш Меҳринисонинг ўзига жуда ярашадиган қилиқларию шўхликлари... Эртактаги маликаларни эслатувчи бу қизлар мактаб ашула ва рақс дастасида ашула айтишарди. Уларнинг ҳар бир чиқиши мактаб аҳли учун ҳам, ён-атрофдаги қишлоқларда яшовчи хотин-халаж учун ҳам ҳақиқий байрам бўларди. Бу нозанин қизлар чин маънода мактабнинг ҳам, қишлоғимизнинг ҳам маликалари эди. Улар мактабни битириб кетгандан сўнг ҳаммаёқ бирдан хувиллаб қолгандек бўлди. Мактаб саҳнасида ҳам файз кетди.

Уйимиздаги дostonхонлиғу маталғуликлар эса менинг учун ўз қадрдон дунём эди. Раҳматли отам Маъмуржон Узоқов, Комилжон Отаниёзовларнинг кўшиқларини, Гўрўғли ва Авазхон дostonиё Фурқат газалларини яхши кўрардилар. Сайидумар амаким, Исмоиддин тоғамдан Ҳазиний, Хўжа Ҳофиз газалларию, кўп қисмли туганмас халқ афсоналарини тинглар эдик. 41-йилги урушнинг барча азобу машаққатларини тортган, етти марта яраланиб, соғ-омон қайтиб келган отам немислар билан бўлган кўп жангларнинг тафсилотларини жуда қизиқарли қилиб айтиб берардилар. Ва албатта, тушларимга уруш кирарди. Бир гал қишлоғимизни немис самолётлари бомбабўрон қилиб, фашистлар босиб олмоқчи бўлишган. Шунда тушимда отам билан немисларга қарши жангга киришганмиз. Болаликда кўрганам у тушлар худди кечагина томоша қилганим кинолардай. Улар хилма-хил, ранглилари ҳам, оқ-қора тасвирдагилари ҳам бор. Тушларнинг ўзи алоҳида бир китоб бўлгулик. Улар ҳам худди болалигимдай — ҳеч қачон эсимдан чиқмайди.

Томимиз тепасига чиқиб ёки қишлоғимиз ёнбошидаги тепаликларда ўтириб олиб, олисдаги адир-тоғларни томоша қилиш ҳам сеvimли машғулотларимдан эди.

Опам Самарқандга ўқишга кирганларидан кейин, бир гал отам “Ўша тоғларнинг орқасида Самарқанд бор”, деганларидан сўнг Самарқандни соғинадиган, бу афсонавий тилсим шаҳарни кўргим келаверарди. Болаликдаги сойлар, тиниқ жилғалару ирмоқлардаги сувларнинг қаёқларгадир оқиб кетишлари ҳам бир ажабтовур хаёллару ўйларга фарқ этарди. Мен шундай мушфиқ ва гўзал диёрда, маъсума тоза қизларнинг кўзларию кокиллари аро, оҳанглару қўшиқлар дунёсида камол топдим. Еттинчи синфдан бошлаб мен учун ҳақиқий маънода китоб ўқиш ва мутолаа йиллари бошланди. Опам Самарқанддан каникулга келган кунлар, бир сафар уйга кирсам, жомадони очиқ, унинг ичида муқовалари йиртиқ, ўқилавериб титилиб кетган бир китобчага кўзим тушди. Опамдан сўрамаганим учун ботинмайгина олдим. Ҳали ҳануз кўз олдимда: китоб муаллифининг исмидан охирги уч ҳарфи, яъни “...лла” қолган, бу томонида эса “Орипов” деган ёзув, китобчанинг номи эса “Онажон” эди. Бирдан ўқишга шўнғиб кетдим. Бу — менинг ўша пайтдаги замонавий шеърятимиз билан илк учрашувим эди. Опам китобчани менга бермади, “бировники, қайтаришим керак”, деб олиб кетди. Лекин менинг дафтаримда кўчириб олганим “Онажон” шеъри қолди. Хулласки, айтса гап кўп. Бинобарин, бугунга келиб, шеърят деб аталмиш, улуғ устозларнинг назарлари мунтазам назорат қилиб тургувчи офир, машаққатли йўлда, роҳату азоблари ҳам бисёр назм сўқмоқларида бир сатргина арзирли шеър айтган бўлсам агар, авваламбор ўзим ўсиб-улғайган шу муҳит сабаб деб ўйлайман.

— *Узоқ йиллардан буён Тошкентда яшаб ижод қиласиз. Тошкент билан илк учрашувингиз, кечинмаларингиз қачон ва қай ҳолатда кечган?*

— 1974 йилнинг 15 июлида ўрта мактабни битириб ўқишга келганимда Тошкент темирйўл вокзалида одам-

нинг кўплигию гала-говурдан гангиб қолганман. Даштдан келган бир майсадай ҳис қилганман ўзимни. Тошкент Давлат дорилфунуни — ҳозирги Миллий университетимизнинг жуда ҳам баланд туюлган бош биносини кўрганимда иккинчи бора том маънода ҳайратланганман. Қанчалик баланд туюлмасин, мен бу юксак чўққини барибир забт этмоғим шарт деган бир қатъий қарор ҳам, ишонч ҳам бор эди кўнглимда. Кейин ўша йили дорилфунуннинг журналистика факультетига ўқишга кирдим. Бу воқеа менинг ҳаётимдаги энг гўзал, энг азиз байрамлардан бири бўлиб қолди. Бу томони — ҳаёт, шеърлар, китоблар, дийдорлару айрилиқлар. Бу йиллар давомида Тошкент — эркаликларимиз, инжиқликларимизни бирдек кўтарган бу бағрикенг, қадрдон шаҳар Соғинчларим пойтахтига айланди десам, лоф бўлмас.

Сен — Фафур Фуломнинг ҳаёт кўшиғи,
Ойбек, Шайхзоданинг кўнгил эшиги.
Бешиқларга тўлсин уйлариң, шаҳрим,
Эй улуғ зотларнинг мангу бешиги.

— *Аллома шоиримиз айтган эканлар: “Бедил ўқир эдим, чиқди офтоб...” Сиз тонгни, қуёшни қандай қарши оласиз?*

— Алломаларга тенглашиш қийин. Улуғ зотлар ҳаётидаги ижодий тартиб-интизом ҳам ўзларидай улуғ бўлган. Саволингизу муқоясангиз назаримда сал ноўриндай. Лекин жавоб беришга тўғри келади. Тонготар мутолаалар — менинг учун ҳақиқий орзу, армон. Ҳаётимда китоб ўқилган, шеър ёзилган тонгларим кўп бўлган. Бироқ кўпинча кеч ухлаганим учун, бу борада қатъий метин тартиб-қоидага эришолмадим. Мисол учун, ҳазрат Навоийни тонг палласида туриб мутолаа қилмоққа не етсин...

— *Кино кўриб, китоб ўқиб, ундан таъсирланиб шеър ёзишга муносабатингиз?*

— Бу — тақлидчилик дейилади. Кинони билмадим, лекин ҳақиқий мутолаа, муттасил китоб ўқиш ҳар бир шоир учун ниҳоятда зарур деб ўйлайман.

— *Одамлар китоб ўқимай қўйдими ёки “одамларбон китоб” йўқми?*

— Менимча, биринчиси. Агар шундай бўлмаганда эди, юксак минбарлардан туриб мамлакат раҳбаригача ҳазрат Навоийни ўқиш-ўрганиш, билиш шарт ҳам зарур дея кўйиниб, ўртаниб гапирмаган бўларди. Ўзга халқнинг оддий бир темирчиси Пушкиндан тўлқинланиб шеърлар ўқиб беролади, бизнинг ҳокимимиз ёки қозимиз Навоий ё Бобурдан бир сатр шеър билмаса агар — қувончли ҳол эмас, албатта. Ватан қадрияти, миллат маънавияти деган табаррук тушунчалар, авваламбор, амалу даражадан қатъи назар, китобхонлик, саводхонликдан бошланади, деб ўйлайман.

— *Ватан-чи, Ватан Сиз учун нимадан бошланади?*

— Ватан Ватандан бошланади. “Жон Ватан” сўзини бўғинларга бўлиб кўринг-чи: “Жон ва тан” келиб чиқади. Шундоқ шарҳлаш мумкин, лекин Ватан шарҳланмайди. Яна, бизнинг Ватан ичра ватанларимиз бор. Булар — Бухорийларимиз, Термизийлару Яссавийларимиз, Навоий билан Бобурларимиз, Қодирий ва Чўлпонларимиздир. Улуғларимиз, кичикларимиз, оналаримизу гулгун ўғил-қизларимиздир.

— *Эртага мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинган кун. Бир ижодкор, бир фуқаро сифатида кўнглингиздан нималар кечяпти?*

— Ер юзида биринчи мустақил ўзбек давлатининг том маънодаги инсоний ҳақ-ҳуқуқлари Қомуси сифатида рўёбга келган Конституциямизнинг халқимиз, тарихимиз, оламу одамият олдидаги қадр-қиммати йиллар ўтган сайин юксалиб, кўриниб бораверади, деб ўйлайман. Биз ҳозир кўз олдимизда рўй берган, содир бўлаётган кўпгина оламшумул воқеаларни тўлалигича, бор моҳияти билан идрок этмаётгандирмиз... Мислсиз заҳмату меҳнатлар, қурбонликлару орзу-армонлар натижаси ўлароқ, Яратганнинг инояти, элпарвар зотларнинг фидойиликлари ила рўёбга келган бу тарихий ҳуж-

жатни озод Ўзбекистоннинг озод осмонларида қанот ёзган Хумо кушига қиёсламоқ мумкиндир.

— Яна “ижодий” саволларга қайтсак. Кейинги пайтда ишингиз кўпайган. Ёш ижодкорлар билан ишлаш бўйича Ёзувчилар уюшмаси раисининг ўринбосарисиз. Ҳозирги замон ўзбек ёшлар шеърляти ҳақида нима деёласиз?

— Бир боғда бир булбул ҳеч қачон якка ўзи сайраб ўтирмайди. Турли-туман қушларнинг нағмаю навоси ила бу боғнинг файзу таровати ўзгача бўлади. Бу сўзларни яқиндагина бир суҳбатда устозимиз Абдулла ака айтган эдилар. Ёшлар шеърляти ҳам худди шундай. Хилма-хил овозлар, ранглар, бўю бастлар. Янги-янги номлар-у, янги-янги изланишлар. Натижалар ҳам кўриниб қоляпти. Айни пайтда бир ҳолатни ҳам айтиб ўтмоқ жоиз: назаримда ёш шоирларимиз Хуррият берган имкониятлардан, яъни баралла, бор овозда Сўз айтмоқ саодатидан тўлиқ фойдалана олмаётгандай. Ҳолбуки, мамлакат ўз деҳқонларидан буғдой, ҳосил сўрагандай, шоирларидан Сўз сўрайди. Ватанимиз шаъну шарафини юксалтирадиган, заҳматкаш элимизнинг дилидагини айтадиган, кўнглини, руҳини кўтарадиган чин маънодаги асарлар кутади. Расул Ҳамзатовнинг ажойиб сўзлари бор: “Отанга, онанга ўқиб беришдан уялмасанг агар, демак, ўша шеърингни яхши шеър деб билавер”. Демакки, Ватанга Сўз айтмоқ масъуляти ҳам улуғвордир.

— “Мулкдор” ўқувчиларига тилакларингизни айтсангиз. Янги шеърлар ҳам бордир...

— “Мулк” тушунчасини ҳам биз мустақиллик йилларида англаб билдик. Ва бу тушунчани одамлар онига сингдиришга, етказишга, англатишга катта ҳисса қўшиб келаётган “Мулкдор” газетаси ҳам, ўқувчилари ҳам доимо омон бўлсинлар! Уларга бахту саодатлар, севинч, яхшиликлар ҳамиша ёр бўлсин! Мулкдор бўлмоқ ҳам катта санъат ва меҳнатни талаб қилади. Бу йўлда ҳаммаларига омадлар тилайман.

2001

ҚАБОҲАТНИНГ МИЛЛАТИ БЎЛМАС

(“Халқ сўзи” газетаси учун)

Ўзбекнинг бир тандири нималарга қодир эканини ҳаммамиз яхши биламиз.

Бир тандир атрофида қанча ризқу насиба, қанчалар ўю ташвиш, ҳаёту тириклик деб аталмиш инсонга берилган умрнинг қанча орзу-умидлари тўпланган.

Маълумки, тандир билан бировнинг уйини бузиб бўлмайди ёки бировнинг ҳовлисига тандирдан тўп отиб вайрон қилинмайди. Тандир — хонадонлар, рўзғору оилалар осойишталиги, тинч турмушнинг рамзи. Бундан ўзбек фақат қорин гамида, тирикчилик ёки қозонтовоқ учун кун кечираркан-да, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. Бу ташвишлар ўз йўлига. Лекин умумбашариятга, инсонийликка тегишли Олий амаллар, тушунчалар борки, буни бизнинг элимизга тушунтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

Биз қабоҳатни тушунмаймиз, жаҳолатни тушунмаймиз. Биров дабдурустдан келсаю “Сен нега тандирингда нон ёпсан?” ёки “Нега қалдирғочлар уйингнинг айвонида ин қуряпти?” дебон дағдаға қилса, қувончимизга ҳам, ташвишимизга ҳам ола қараса — биз тушунмаймиз.

Гап нон ё ошда ҳам эмас. Биз болаликданоқ жонсўз оналаримиз нон ёпган тандирлар тафтидан дилларимизга она-юрт тафти, ҳароратини ҳам олиб улғайганмиз. Бу ҳароратлар улғая-улғая ор-номус, миллат, Ватан янглиғ улуғворлик касб этажагини нонкўрлар қаердан билсин?! Шулар сабаб бу дунёда ўлим ҳам бир эрмак бўлди. Шу сўзфурушлар боис оламнинг манзилу маконларида одам болалари хору саргардон.

Одамзодни, инсон боласини азбаройи ўйин яратмаганини Шарқ донишмандлари аллақачонлар айтиб кетганлар.

Дунёдаги бор қабоҳат, разолату ёвузликнинг кучи илму маърифатга, инсоннинг маънавий камолоти йўлида сарфланса эди... олам қанчалар гулистон бўлур эди, элу элатлар нечоғли саодатли яшар эдилар.

Ўзбекистон, ўзбек халқи дунё осойишига, тинчлик-тотувликка раҳна солувчи олам қабоҳатига Мустақиллигимизнинг илк йиллариданоқ Ватанимиз раҳбари тимсолида ўз ҳадик-хавотирини тинимсиз билдириб келаётгани ҳаммага маълум. Бу — бир юртнинг ё бир юрт раҳбарининг иши эмаслиги, Ер юзидаги барча давлатлар ва пешволар бунинг учун яқдилу яктан жон куйдирмоқлари лозимлиги ҳам сир бўлмай қолди. Ҳолбуки, дунёда ерларига неча ўн йиллардан буён буғдой уруғи тушмаган юртлар бор, тандирлари очиқ мозорлардай ўпирилиб ётган Ватанлар бор. Булар — қабоҳатнинг, разолатнинг этни жунжиқтирувчи белгилари. Инсонга эса эзгулик ярашади, гўзал манзиллару гўзал ишлар ярашади.

Бир қўлда қуролу
Бир қўлда Қуръон,
Сен қандай манзилга кеб қолдинг, инсон?
Қасри бунёдингни барбод айласанг,
Билиб бўлмаса гар —
Қайсинг мусулмон.

Бир қўлда қуролу
Бир қўлда Инжил,
О, инсон,
Энг аввал ҳаддингни билгил.
Бир-биринг айласанг гар хонавайрон,
Билиб бўлмаса гар —
Қайсинг носарон.

Лекин жаҳолатнинг миллати бўлмас,
Разолатнинг дину элати бўлмас.
Буни тан олгайдир Ҳилол, Хочинг ҳам,
Сўра, йиғлаб айтар тўқу очинг ҳам.

Сени яратганда қудрату кучин
Кўрсатиб, Яратган кўп карам қилган.
Унутма,
Энг эзгу амаллар учун
Сени Ер юзида мукаррам қилган.

МАРДЛАР МИНГАН ОТЛАРИНГ НОМАРДЛАРГА ХОР БЎЛМАС!

Бир фарзанд туғилиб, ўсиб-улғайиб, камол топгунча бир ота-онанинг юрак-бағри қон бўлади, сочларига оқ тушади, кўкси неча-неча зардобларга тўлади. Қобил фарзанд — ота-онанинг бахти. Бугун маълум бўлдики, фарзанд тарбияси, фазлу камоли ота-онанинггина эмас, элу юртнинг ишига айланди. Бир бола тарбияси билан бутун мамлакат шуғулланса ҳам камлик қилаётгандек.

Энди тасаввур қилинг: фарзанд вояга етиб, куч-қувватга тўлсаю, бир кун дабдурустдан отасининг соқолидан тутамлаб олса ёки оқ сут берган онасининг кўкрагидан тепса — бундайин фарзандни энг оғир удумимиз бўйича отаси ё онаси оқ қилади. Бизнинг халқда — бу олий жазодан ҳам олийроқ жазо, бундан кейин ер устида юрмоқдан ер остида ётган афзалроқ. Кўрнамаклик, нонкўрлик ҳам оғир иборалар. Ҳеч бир ота-она ўз дилбанди нонкўр ё кўрнамак бўлсин демайди. Бу ҳолатлар ҳам ота-она учун — бахтсизлик, фожиа билан баробар. Шу маънода ҳам Андижон воқеаларини Юртбошимиз халқимиз бошига тушган оғир фожиа, деб баҳолади.

Шу воқеалар доирасида, ватандошларимиз билан учрашиб, суҳбатлашиш, одамларнинг қувончу ташвишлари, ўй-кечинмаларига шерик бўлиш мақсадида юртнинг олис-яқин гўшаларига хизмат сафарига бўлдик. Ҳамсафарларимиздан бири — ёзувчи акамизнинг вақти зиқроқ, хорижий давлатлардан бирида ўтказиладиган кинофестивалда киноасари қўйилаётгани учун ҳам бориши кераклиги, тузукроқ костюм олиши, қисқаси катта сафарга тайёргарлик кўриши зарурлигини айта туриб, охирида бизга йўлдош бўлиб юрган маҳаллий раҳбарлардан бирига бир гўзал гапни айтди:

— Биродар, — деди акамиз, — уч эгизак ўғлингизни қўйлар, ҳўкизлар сўйиб, гиламларни пойандоз қилиб тўйга айтганингизда, Худо ҳақи, келмас эдим. Дабдабали ҳосил байрамига чақирганингизда ҳам мени бу ерга келтиролмас эдингиз. Лекин... юртнинг бошига тушган иш экан-да, бундай кунда келмаслик — номардлик бўларди.

Ёзувчи акамининг сўзлари даврадагиларга таъсир қилди, ҳаммани ҳаяжонлантирди. Фарзандлик қиёфаси, инсонлик қиёфаси эди бу сўзлар.

Яна бир мисол: устозимиз Абдулла Орипов Андижон воқеалари муносабати билан телевизорда сўзлагандан кейин, эртасига бир қўшниси чиқиб, “Андижон воқеаларини ўзингиз ўз кўзингиз билан кўрдингизми, иштирок этдингизми?” деган саволни берибди. Кўринишидан туппа-тузук, хийла ўқимишли кап-катта одам ўз саволига “Йўқ” деган жавобни олгач, “Бўлма-са нега гапирасиз?!” дея жазавага тушибди. Кейинги жавоб, устознинг жавоби эса бундоқ бўлган:

— А, сиз менинг қўшним бўлсангиз, ичида мен борманми, йўқми — уйингиз куйиб кетса, жим қараб ўтираверишим керакми?!

Қўшни “Э Худо асрасин! Худо асрасин!” деб чиқиб кетибди.

Сертаҳлика, серташвиш, қувончлари ҳам, изтироблари ҳам бисёр бугунги оламда шундай “қўшни”лардан Худо асрасин. Бундай “қўшнилар” ичимизда ҳам, ташқаримизда ҳам анчагина. Душманинг ҳам ўзини билдириб, маълум қилиб туради, дўстни ҳам авзойидан, равиш-рафторидан билса бўлади, лекин бамайлихотир, одамзоднинг қайси насл-насабига мансуб “ичимдагини топ” бепарволарни нима деб, ким деб атаймиз? Бундайлар “Яна қаер ўпириларкан, яна қайси бир манзилу макондан ўт чиқаркан”, дея кутиб тургандайин, худдики қармоғини яширинча ташлаб қўйиб, бир ненинг илинишини писибгина пойлаб юрган балиқчилардек.

Ватанимизга кўп қармоқлар ташланаётгани сир эмас. Кўзларини олайтириб юрган “балиқчилар” ҳам кўп. Бу қармоқларнинг иплари хорижий радиотўлқинлар дейсизми, интернет қирғоқлари дейсизми — яна кўплаб-кўплаб кўзга кўринмас жойлардан тинимсиз ташланаётир.

Бироқ бизнинг элимизга Ватанни қандоқ севишни ўргатиш шарт эмас, биз ўз уйимизда қандай яшашни, яхшими-ёмонми кунимизни кўришни ўзимиз яхши биламиз. Бировдан қарзга Ватан олганимиз йўқ, бировга бериб қўядиган Ватанимиз ҳам йўқ. Заҳматимиз ҳам,

қувончу ташвишимиз ҳам ўзимизники. Ошу нон ташвишидан баландроқ, юксакроқ ташвишлар борлигини яхши англаймиз. Баланд-баланд тоғларда ҳам бекорга қор бўлмайди. Полапонларимиз бир кун сор, бургутларга айланади. Кишнаб юрган тойларнинг ҳам от бўлмоғи бор.

Ном қолдирсанг, изингдан
Шавкат ҳам шаън қолдирсанг.
Тупроғига орингни
Сен тан-батан қолдирсанг.
Ҳар бир ўғил қизингга
Эрку Ватан қолдирсанг,
Мардлар минган отларинг
Номардларга хор бўлмас!

2005

ШОИР ВА ПОЛВОН

Бу мулкнинг полвонлари юлдузларга қарамайди, йиқилса ҳам ерга қараб йиқилади. Шоирлари полвон, полвонлари шоир бўлмаганидан ўксиниброқ яшайдилар.

Бу хонадонда гурунглар аксарият шоирлар ва полвонлар ҳақида бўлади, сиз бунда шеърият аламларию олиш-кураш амаллари хусусида ажойиб ва ғаройиб суҳбатлардан баҳра топасиз. Бу хонадонда полвонлару полвонлик санъатидан калом айтмоғингиз қийин, сабаби, уй эгаси полвон, салобати зўр. Шеърият ҳақида ҳам суҳан қилмоғингиз мушкул, чунки жавонлар, деворларда устоз шоирнинг китоблари, суратлари бор. Уларнинг сукути, суратдаги зотнинг донишмандона синчков нигоҳи ҳар лаҳза, ҳар сония сизни кузатиб туради.

Полвон баъзан жўшиб кетади, шеър ўқий бошлайди, завқу ҳаяжони шеърга сиғмай қолганда, рубобни олиб ашула айтади:

Панжарадан мойил-мойил боққан ёр,
Ёр, қаро кўзларинг на тилар мандан?
Ширин жоним ишқ ўтида ёққан ёр,
Ёр, қаро кўзларинг на тилар мандан?

Унинг унча-мунча кучни тан олмаган соғлом, бақувват келбати, бардам билакларию қаттиқ қўллари рубобга бўйинсунади, куй-қўшиқ полвонни енгилгина енгади, шиддатидан Оқсаройлардан садо келадиган полвон бир зумда куйиб кул бўлаётган Маъмуржон Узоқовга айланади:

Жонон бўламан деб ҳаммани куйдирасанми?
Куйган бу фақирларни яна ёндирасанми?
Мен асраган чоғимда сен ёшгина эрдинг,
Ҳам эркаю мунису ювошгина эрдинг.

Оқ юзлию холдору қаламқошгина эрдинг,
Ҳар ёна борар чоғима йўлдошгина эрдинг.

Бу дунёда Мулла Қурбонназар бувадан яхши фарзандлар қолди. Бува элу юртга кўп яхшиликлар кўргизган, полвонсифат, қўли очиқ, файзу баракали, бағрикенг, танти одам бўлган. Уруш пайти етим-есирларни боққан, нечаларини бошини қовуштириб, уйли-жойли қилган. Бу инсонлар ҳозир ували-жували, фарзандлари элга қўшилиб қолган, тиллари эртаю кеч дуода.

— Отамнинг бир сандиқ эски китоблари бўлган, — дейди полвон. — Ўлимидан олдин ҳаммасини “Кўкгумбаз” масжидига берган.

Бувадан фарзандларга кўчган ўша тантилик, ўша бағрикенглик полвон ўғилнинг хонадонига ҳам файз бағишлаб турибди. Қашқадарёда бўлган қай бир тўйда “*Булар пул учун эмас, ор учун олишадиган болалар*” дейилганда Мулла буванинг худди шу полвон ўғли назарда тутилганди. Яъни Исроил ака, Исроил полвон. У ёқа ушлатган устози, Қашқадарёда спорт ривожига кўп меҳнатлари сингган полвон Хўжамурод ака ҳақида илиқ бир меҳр билан гапиради. “Дардга чалиниб, ногирон бўлиб қолганда самолётга ўзим кўтариб чиққанман”. Бу мулкда полвонлар юлдузларга қарамайдилар, йиқилсалар ҳам ерга қараб йиқиладилар. Хўжамурод акага Худонинг ўзи шифо берсин! “Ло ҳавла вало қуввата илло биллоҳ!” деб қўяди полвон.

Абдулла ака, устоз Абдулла Орипов Қашқадарёга келса бу хонадонга қўнмай ўтмайди. Полвонни яхши кўради, полвон укам дейди, баҳри дили очилиб, димоғи чоғ бўлиб қолади. Полвон ҳам Тошкентга келганда акани кўрмасдан кетолмайди. Улар шундай яқин ака-ука, меҳрлари бир-бирларига пайванд. Шоир ва полвон. “**Дунёда диёнат ҳали мавжуддир, ҳали мард йигитлар яшаб юрибди**”, дейилганда қиёфаси дарҳол кўз олдингизга келадиган инсонлар бўлса — бахтлидирсиз! Шунда “*Жонажон укам, меҳрибон дўстим Исроилжонга— умрлик меҳру ҳурмат билан*”, деган дастхат ҳам китобга худди суратдаги янглиғ баҳорий бир кайфият, инсоний бир илиқлик ила ёзиб берилганини илғайсиз.

Тукқан хонадонин ҳар ким ёд этган,
Сен ҳам менинг учун шундоқ маъвосан.
Тониб қайга бордим, бобомдан ўтган,
Толеимга битган Қашқадарёсан.

Полвон ортиқча мулозаматни яхши кўрмайди, уни бир нарсага лол қолдириш қийин, чапанифеъл ва чўрткесар, “Қалай, зўрмисиз?!” деб икки оғиз сўрашадди, қаттиқ завқланса агар “Ў-ў-ў!” дея гулдурос солади, гурунги қизиқ, зериктирмайди. Амир Темур бува ҳақида гаплашганда гурури юзига уради. “Рўзи Чориев чизолмаган, — дейди, — қоқ бургутга ўхшатиб қўйган. Поён Равшан тарихни яхши билади, ўша кишининг фикрича Темур буванинг бўйи ҳам, гавдаси ҳам шу менча бўлган”. Шу пайт анорнинг гулидай бўлиб Хулкар отлиғ қизчаси кириб келади. “Тоғага ашула айтиб бер, қизим”, дейди полвон. Анорнинг гули “ашула” айтади:

Самалот ҳавода учиб боради,
Ичида Маликани олиб кетади.
Малика, йиғлама, ўғил кўрасан,
Ўғлингни отини Беҳзод қўясан.

Қаршида баҳор эди, ҳаводан бинафшаларнинг ҳиди келарди, тайёралар қайларгадир учарди, келарди. Абдулла ака Тошкентда беморхонада ётган, биз бу ерда

унинг полвон укаси билан улар бирга тушган суратларга назар ташлаб ўтирардик. 1986 йилда полвон хонадо-нида туширилган бу суратларда устоз шоирнинг ҳам, полвоннинг ўзию унинг шоир акаси ҳамда Бунёд мир-шабнинг ажойиб бир ҳаётий ҳолатлари акс топган эди. Абдулла ака бундай севинчли ҳолатда камдан-кам су-ратга тушганлар. Полвоннинг тошдай билакларини кўриб турибсиз, Абдулла аканинг қудратини эса унинг китобларидан аллақачон билиб олгансиз.

1993 й. 15.05

ОҚ ТИЛАКЛАР ФАСЛИ

(“Савдогар” газетаси учун)

Баҳорнинг акаси йўқ, лекин у ҳаммамизнинг синг-лимизга ўхшайди. Унинг қиш отлиғ аёвсиз, жаҳлдор холаси бор, бироқ хола нечоғлик бадқаҳр, қаттиққўл бўлмасин, қанчалик забтига олмасин, синглимиз ба-рибир келади. Қарабсизки, чириган хазонларда ҳам бир жонсараклик зоҳир, тўнкалар ўз тўнкалигидан пушай-мон, ердаги чумолиларнинг ҳам рафторида айём шо-диёнаси намоён. Оқ тилаклар фаслидир бу.

Энг аввал мушфиқ оналаримизга умр берсин. Уйла-рингиз буғдойга тўлсин бу йил, ташвишларингиз ка-майиб, шоирларнинг шеърларини ўқишга ҳам фурсат ажратсин. Яна нима дейин? Бўйдоқ юрган укаларимга ораста, хушхулқ қаллиқлардан буюрсин, райҳон исли сингилларимга яхши остоналардан ато этсин.

Бу томони энди баҳор. “Тузсиз шеъримни бир коса су-малакка алмашаман.” Шоирларнинг бозорини қиздирган фасл бу. Муҳаммад Юсуфни излаб юрманг, у Андижонда бўлади, мени эса Сурхон томонлардан, Тўполондарёнинг бўйларидан топасиз. Тўполондарёнинг бўйларида эса:

Оққина ўтовни кўрдим,
Оққина ўтов ичида
Оққина келинни кўрдим.
Оққина келин олдида

Оққина бешикни кўрдим.
Оққина бешик ичида
Оққина гўдакни кўрдим.

Дарвоқе, тижоратчи акаларимизнинг ҳам бозорини берсин. Бу дунёда тангани тангага уриш ҳам мушкул савдо, дўконлару дўкондорларимизнинг кўпайгани яхшилик аломати, энди-да, элнинг ақчасига ҳам барака берсин!

1995

ИККИ ЖИЛҒА

(“Туркистон” газетаси учун)

1. ШОҲЖАҲОН ЖАҲОНГА ЧИҚАДИ

Бу кўзлари чақноқ, зукко болакай билан Сурхондарёда танишдик. Аниқроғи, бизни унинг отаси Баҳодирбек таништирди.

— Бу киши Сирож аканг, шоир. Китоб ёзадилар. Яхши бола бўлсанг, сени ҳам шеърларига қўшадилар.

Шу ондан бошлаб биз “боваю”, Шоҳжаҳонбой бизга “невара” бўлдилар. У кишининг саволлари жуда кўп экан. Феълимиз бир-биримизга мос келдими, дарров тил топишиб кетдик.

— Сирожиддин бова, а-а сиз... ашула айтасизми?

— Йўқ, қаердан олдинг бу гапни?

— Дадам айтдилар-ку, шоир деб?

— Йўқ, ашулани Шерали буванг айтадилар, мен ёзиб бераман.

— Шерали бовани ҳам танийсизми?

Мен жавоб ўрнига бир куйни минғирлайман.

— Э, “Баҳор айёми” ку бу! — дейди беш яшар дўстим.

— Зўрсан-ку! — дейман мен унинг “булбули”ни чимчилаб.

— Э, бундай қиманг-е, Сирожиддин бова-е! Уят бўлади-е! — дейди у уялиб.

— Бундан фақат гап оласиз, — дейди Баҳодир, сўнгра: — Жамила, дастурхонни об кемайсанми? — дея келинга мурожаат қилади.

— Ташвиш тортманглар, дастурхон керакмас, — деганим заҳоти ёш дўстим яна ўзининг зукколигини намойиш этади:

— Ие, меҳмонсиз-ку, нимага керакмас экан, меҳмон бўганингиздан кейин дастурхон қўяди-да!

Кўзлари чақноқ, тиллари бийрон, шўх ва бетиним бу болакайга қараб, ўзимнинг беш яшар пайтларимни эсладим. Биз ҳам шундай бола эдик, бурганинг кўзига чўп тикадиган даражада шўх эдик, жилғалар ўша пайтлар ҳам шундай оқарди, шу юлдузлар мавжуд эди, шамоллар қайларгадир эсиб, йўллар қайларгадир элтар, шу юрт, шу Ватан ўшанда ҳам бор эди, бироқ...

Мен ёш дўстимга қараб, Ўзбекистоннинг — Истиқлолининг беш йиллик тўйига тараддуд кўраётган озод юртимизнинг ўтмиши, Бугуни, Келажаги ҳақида ўйлар сурдим. Бизнинг орзу-умидларимиз, севинчу соғинчларимиз, фахру ғуруримизга йўғрилган Ватаннинг Келажаги, Тақдири шуларнинг измида, шуларнинг ихтиёрида. Ватан шуларники, Бахту толе шулар-да.

Шоҳжаҳон энди беш ёшга кирибди. Хуррият билан тенгдош бундай Шоҳжаҳонлар мамлакатда минглардир, ўн минглардир... Оллоҳ буларга шундай буюк, бетимсол Бахтни насиб этганини, бу Саодатнинг туб мазмун-моҳиятини англамоқ, замирига етмоқ учун йиллар, кўп йиллар керак бўлади.

Эллик йилдан кейин бу Шоҳжаҳонлар эллик бешга, Истиқлол ҳам шунча ёшга тўлади. Ярим асрдан кейинги Ватаннинг жамоли, қудратию маҳобатига ҳозирги тасаввур торлик қилади. Тубандаги шеър Истиқлол фарзандлари — тенгдошлари бўлмиш юртимизнинг барча болакайлари — Темурлари, Улуғбеклари, Шоҳжаҳонлару Шоҳрухлари, Алишеру Бобурлари, Ислomlaрию Сардорларига атаб ёзилди. Худо бу йигитчаларга, уларнинг ота-оналари, буваю бувиларига узоқ умр берсин, куч-қувват берсин. Эллик йилдан кейин ўғил, не-вара тўйларида, юртнинг катта тўйларида бизнинг арзимас сатрлар ҳам тилга олинса, бизга давлат шу, бахт шу бўлгай.

Сен бир жилға, уммонларга қўшилгайсан,
Сен бир сўқмоқ, довонларга қўшилгайсан.
Болалигинг жаҳонида Шоҳжаҳонсан,
Бир кун улуғ жаҳонларга қўшилгайсан.

Кўриб бийрон сўйлагувчи тилларингни,
Мен ўйладим тилсиз кечган йилларимни.
Аллоҳ бермиш сенга порлоқ йўлларингни,
Ажиб даври давронларга қўшилгайсан.

Синиб ётмиш саксонинчи йиллар аро
Бир қанотим менинг жонсиз, мажруҳ, яро,
Менга боқма, бир қанотим сенга паноҳ,
Менга боқсанг, армонларга қўшилгайсан.

Севинчингдан не ҳасратлар узлат қилган,
Бу кунларга етмай кимлар ҳасрат қилган.
Тўйларингда ою қуёш хизмат қилган,
Ою қуёш, осмонларга қўшилгайсан.

Боболаринг бундай кунни кўрди қачон?
Ватан қайта Ватан бўлди, англа, ишон.
Темурийлар чиноридан қолган нишон,
Яна шоҳу султонларга қўшилгайсан.

Ҳар гиёҳга, ҳар бир хасга вола бўлсанг,
Ўз қирларинг, ўз даштингда лола бўлсанг.
Бир одобли, бир чиройли бола бўлсанг,
Шундай шеър дostonларга қўшилгайсан.

2. АЛПОМИШНИНГ ОРЗУЛАРИ

Алпомиш деганимиз полвон бола. Қаршилиқ Исроил полвоннинг ўғли. Отаси катта орзу-умидлар билан, яхши ниятлар билан қўчқор сўйиб шундай исм қўйган. Эндигина олтига кирди. Лекин доно бола. “Ассалом, Ўзбекистон” кўрсатувида чиққан отасининг укаҳони бўлмиш шоирни кўриб бундоқ деган: “Ў-ў, шоир акамни қаранг, бўйинларига галстук тақиб оптилар!”.

Алпомишнинг ҳозирданоқ ҳамма нарсага фаҳм-фаросати етади. Жуда синчков. Кўзлари ақлли. “Катта бўлсанг ким бўласан?” деган саволга:

— Каттайсам катта полвон бўламан. Жаҳон чемпиони бўламан! — дейди.

Яна опалари билан кўп баҳсу мунозарага боради. Ўзи оғир-босиқ, лекин жаҳли чиқса, сўзга чечан опаси Чарос ҳам индаёлмай қолади.

У олти ёшли бўлишига қарамай, техника, техник ҳаракат қоидалари ҳақида ҳам катталарга ўхшаб мулоҳаза юритади.

— “Мерс”ни катта бўлганимда минаман, ҳозирча бир “Тико”чами, “Пико”чами олсайдим яхши бўларди.

Унинг ўзидан ҳам камгапроқ, босиқроқ укаси бор. Рустамбек. Рустамбекнинг сиёғи бошқача, лекин унинг ҳам сахту сумбати отасига тортган. Андишали, зийрак бола. Акасини ҳам, опаларини ҳам қаттиқ ҳурмат қилади. Рустамбек катта бўлса олим бўлмоқчи, аммо “Бу полвон бўлишимга халақит бермайди”, дейди. Келаси йил иккалови олдинма-кетин мактабга боради.

Бу болакайлар бир ота-онанинг, бир меҳрибон бувию бир эл-улуснинг, озод бир Ватаннинг эзгу орзутилаклари сифатида вояга етяпти. Ўн-ўн беш йилдан кейин булар, ўзлари айтгандай, катта полвонлар бўлиб, юрт сўрашади, чемпион бўлиб, ўз Ватанларига шон-шўхрат келтиришади. Чунки бу Ватанда шундай ниятларнинг амалга ошмоғи учун жаҳоншумул имкониятлар мавжуд, бу диёрнинг ою қуёшлари ҳам, улуғлари ҳам шундай ўғлонларнинг камоли учун заҳмат чекмоқдалар.

Чўққилардан виқор кетмас, қор кетмас,
Қоялардан қийғир кетмас, сор кетмас.
Бир боласи ўсиб, полвон бўлгунча,
Бир отадан заҳмат кетмас, кор кетмас.
Тупроғида дарёлари қўш оққан,
Бошларидан зар ёққан, кумуш ёққан.
Азал Темур буваларга хуш ёққан
Полвонларнинг юрагидан ор кетмас.
Бориб полвон ўғлонлари элимдан
Шараф топиб қайтса етти иқлимдан,
Кўзда ёшим, менинг шоир дилимдан,
Бир умрга фахру ифтихор кетмас!

1996–2000 й.й.

ЭСАР ЖАЙҲУН ШАМОЛЛАРИ

АМУДАРЁНИ КЎРИБ

Амударёни турли ҳолатларда кўрганмиз. Ҳар гал у ҳар хил манзараларда намоён бўлади. “Дарёки, шамшир каби ялтираб ётар дарё”, дейилганида саҳронинг қоқ ўртасини кесиб ўтган дарё назарда тутилган. Термиз осмонидан тайёранинг ойнасидан қаралганда Амударё — улуғвор Ватанимизнинг жанубий сарҳадлари рамзи, Урганч, Қорақалпоқ осмонидан назар солинганда — мамлакат улуғворлиги, буюклигининг тимсоли бўлмиш оби ҳаёт, тириклик, фахр ҳам, ғурур ҳам. Гоҳ тошқин, гоҳ сокин, яқиндан ҳам, узоқдан ҳам кўрган кишини салобати босадиган, тўлқинлантиргувчи, ҳаяжонлантиргувчи дарё, ҳар қандай ҳолатда кўрганда ҳам улуғ, улуғвор дарё — Амударё.

Қадимий қўлёмаларда Окс деб юритилган, неча минг йиллардан буён тарихнинг, давру замонларнинг тилсиз, товушсиз, туганмас кино тасмасидек ўтиб, оқиб келаётган азим дарё, ҳазрат Алишер Навоий иборалари билан айтганда “Наҳр ул-ҳаёт” — Ҳаёт дарёси.

Оқшом. Қуёш Амударёнинг нариги қирғоғига ботаётгандек. Бир балиқчи бобо — ёнида невараси ҳам бор, дарёнинг ўртасидан қайиқда сузиб келяпти. Қуёш, қуёшнинг дарёдаги қизғиш, оловранг нурлари, ялт-юлт тўлқинлар билан қўшилиб, бобо билан неvara қуёшнинг ичидан юзиб келаётгандек. Бобо — бир аср, бир давр бўлса, невараси бир кўркам фаслдек — ўн тўрт ёшларда. Худди озодликдек, ҳурриятдек, соғлом, бардам, кўзлари чақнайди. Бобо — саксон беш ёшда.

— Менинг ота-бобом ҳам, ҳаётим ҳам, рўзгорим, болачақам, неvara-чеварам ҳам шу дарё, — дейди бобо. — Мен дарёсиз яшолмайман.

Бобо сўнгра боболаридан гапиради. Неча давру замонлар аввал улар қайиқчи бўлганини, қайиқларда Термизгача сузиб бориб келганларини сўйлайди.

Бу — Қорақалпоқ, Хоразм тупроғи бўлса, униси — Сурхон замини, минглаб чақирим йўл, буни қарангки, Термиз биқинидаги қишлоқлардан бирида ҳозир ҳам қайиқчи деган уруғ яшайди. Томири, дарёси бир эл, қалъаси, саҳроси ҳам бир бўлган халқ.

Биз Эллиққалъага кетаётгандик. Самолётда бизга сафардош бўлган фарангистонлик, олмониялик сайёҳлар, қўлларида Ўзбекистон харитаси, завқу ҳаяжонлари бўлакча, ҳали Урганч осмонидаёқ жонланишиб, гимир-гимир, чуғур-чуғурга туша бошлашди. Бу жонланиш, ҳаяжон ва ҳайратнинг боиси Амударё эди. Улар пастда буралиб, ястаниб, ёйилиб ётган Амударёни кўришган эди. Сафарларидан мақсад эса — Эллиққалъадаги Аёзқалъани зиёрат қилиш, кўриш, ўрганиш, қалъани суратга тушириш экан.

Алқисса, Осиёю Овруро — ҳаммамиз бизим дарё, азим дарё Амударё бўйидамиз. Улуғ дарёнинг соҳиллари ҳам улуғ бўлади. Нозик туронғиллар Бердақ бобонинг сатрларидай титрайди. Қамишлар минг йиллик ўланлардан шивирлаётгандек. Қатлам-қатлам қумлар — қатлам-қатлам тарихдек. Дарё узра ястанган муҳташам кўприк — давру замонларни, манзили маконлар, эллар, тиллар, орзу мақсадларни бирлаштириб тургандай. Устознинг ғурурбахш сатрлари ҳам айнан шу кўприкдан ўтаётганда битилган:

Кимлигимни билар эдим озроқ,
Билар эдим суюклигимни.
Амударёни кўрганда бироқ
Билиб қолдим буюклигимни.

ЭЛЛИҚҚАЛЪАНИНГ ЭЛЛИК ҲИКМАТИ

Бу манзилда кенгликлар залвори кишини ҳайратга солади. Кенгликларда асрлар узаниб ётгандай. Неча минг йиллик қалъаларнинг тарихий, қадимий сукунати, тупроққа айланган мозий, мозийга айланган тупроқ сукунати сизни маҳв этади. Кўксингизни бир нималар тўлдириб келади, баданингиз, томирларингиз коинотдаги

Ер йўлдошларининг симларидек жимирлай бошлайди. Сиз тарих билан сўзсиз алоқага киришасиз.

Катта саҳронинг қоқ ўртасида, катта, маҳобатли қалъанинг тепасида туриб “Уздунробита”нинг қўл телефонида Тошкент билан бемалол, тип-тиниқ гаплашиш — ҳам завқли, ҳам ажабланарли. Неча асрлар аввал бу ердан зарур бир хабар бошқа бир манзилга қалъанинг энг баланд девори устида гулхан ёқиш орқали етказилган. Қизиқ-да, гўёки ҳозир замонавий, кўркам шаҳар Тошкент билан сиз эмас, минг-минг асрлик шу кўҳна обида — Аёзқалъа сўзлашаётгандек.

Аёзқалъанинг тепасидан тикилсангиз Термиздаги қалъалар ҳам кўринадигандай. Кимдир тарихий ташбеҳ айтди: Термиз қалъалари билан Аёзқалъани суриштириб келсангиз тоға-жиянлар чиқар-ов.

Шунинг учун Ўзбекистон қаҳрамони, таниқли адиб Тўлепберген Қаипбергеновнинг “Худди сундай, байсунлик Усман Азим билан мағанда тоға-жиянлармиз”, деган гапларидан ҳеч ким ажабланмади.

Қалъанинг салобатини кўриб яна беихтиёр Темур бобонинг муҳташам сўзлари ёдга келади: **“Бизнинг кучқудратимизга шубҳа билан қараганлар, биз қурган иморатларни келиб кўрсинлар”**.

Тупроққалъа, Қўйқирилган қалъа, Қирққиз қалъа... Эллиққалъа — нисбий ном. Ер устидагилари — кўз ўнгимизда, бу тупроқда, бу саҳролар қаърида яна неча юзлаб қалъалар кўмилиб ётганига тарихий манбалар гувоҳлик беради. Эллиққалъа ўлкашунослик музейидаги суякдонлар, гавҳартошлар бу маконнинг уч минг йиллик тарихидан хотиралар сўйлайди. Қадим астадонларда минг йиллик чўғлар ҳали ҳам қизариб тургандек, қўл тегизсангиз — қўлингиз куядигандай.

Биргина Тупроққалъанинг ўзи ҳозирги ўлчовларда ўн етти гектар майдонни эгаллаган. Қалъанинг ўзи — ҳамма ҳаётий, маиший шарт-шароитлари йўлга қўйилган катта бир шаҳар. У шундай қурилганки, совуқ обҳавода иссиқ, иссиқ пайтларда — салқин, ҳозирги икки хил иқлим яратиб берадиган замонавий қойил-

мақом кондиционерларга ҳожат йўқ, биринчи қаватдан кирган ҳаво қалъа ичини айланиб, яна учинчи қаватдан чиқиб кетадиган даражада аниқ ҳисоб-китоб билан қурилган.

Музейнинг “Таассуротлар дафтари”да Ўзбекистон халқ шоири, раҳматли Муҳаммад Юсуфнинг ажиб бир дастхати — меҳрли сўзлари ҳам муҳрланиб қолган: **“Элликқалъада энг камида элликта ҳикмат бор. Битгасини кўрмай кетган одамларга ачинаман”**.

Қалъалар. Қалъалар... Лекин Элликқалъада қадим қалъалардан бўлак бошқа бир қалъалар ҳам бор. Бу — замонамизнинг улуғ шоири “Овруподаги мафтункор Женева кўллари соҳилларига” ўхшатган, озод диёримиз, Қорақалпоқ ўлкасининг гўзал, тоза ва озода, чароғон шаҳарларидан бири — исми жисмига монанд Бўстон шаҳри, Бўстон қалъаси, унинг эзгулик йўлида заҳмат чекаётган хоксор ва камтарин одамлари, буғдой ўстираётган, пахта экаётган, боғ яратаётган, уй қуриб, фарзанд тарбиялаётган ерпарвар, жонкуяр кишилари, ер чопаётган сингиллару чўпондан тортиб, ишчию ҳокимгача — шу эл, шу инсонларнинг бедор, беҳаловат қалблари, келажакнинг қўрғонлари бўлмиш қора кўз, қора қош ўғил-қизлари — Элликқалъанинг тирик ва уйғоқ қалъалари.

БИР ДОНАДАН БУҒДОЙ БЕРСАНГ

Аъзо бобо — кўпни кўрган, яхшини ҳам, ёмонни ҳам бошидан ўтқарган, етмишлардан ошган бўлса-да, гайрати унча-мунча ўспиринни ҳам чарчатиб кўядиган қотма, чайир гавдали бир киши, бутун умрини ер меҳнатига, дала-пайкалларга сарфлаган заҳматкаш деҳқон. Рўзғори катта — икки ўғил, олти қизни вояга етқизган, салкам элик невараяу чеваранинг бобоси. Томорқаси, хўжалиги ҳам катта, товук, паррандалардан тортиб, қўй-сигир, от-уловигача бор. Қорақалпоғистонда — биринчи фермер, Элликқалъа туманидаги 869 фермер хўжалигининг энг биринчиси. Тайёр, суғориладиган ерни эмас, ҳали бирор марта ҳам ишлатилмаган, бир

уруғ қадалмаган ташландиқ ерларни олиб, меҳнат қилиб, ўзи айтгандай “ерни одам қилган” фермер.

— Менинг ўн тўртта аъзом бор, — дейди Аъзо бобо. — Ҳаммасининг иши яхши, даромади, ейиш-ичиши ёмон эмас. Улардан нолимайман. Бироқ одам энг аввало ўзининг тўрт аъзосидан қолмаслиги керак. Менинг ўзим ишонганим, ўзим ҳамиша суянганим яна тўрт аъзом бор. Шу қўл-оёғим, юрагим, бошим омон бўлса — ҳали кўп ишлаймиз. Баъзилар тирикчилик, камбағалчилик дейди. Давлат осмондан шундоқ тушмайди, унинг учун ишлаш керак, қийналиш керак. Катта элат ахир, бир донадан буғдой берса ҳам катта хирмон бўлади.

Олти гектар ердан саккиз миллион сўм даромад, яна беш тонна кунжара, бир ярим тоннага яқин мой олган Аъзо бобонинг аъзолари шунинг учун ҳар доим мамнун. Буғдойлари ҳам мўл ҳосил берди, ярим гектарлик боғларида мева-чевалар ризқу насиба бўлиб, олдинма-кетин пишаётир. Аъзо бобонинг техникавий аъзолари — ер ҳайдайдиган, далага ишлов берадиган, юк ортадиган уч трактори, буғдой ўрадиган комбайн ва сув чиқарадиган насоси ҳам бор. Бировга муҳтожлик, хорлик жойи йўқ. Президент томонидан берилган “Шуҳрат” медали — Аъзо бобо учун қадрли эҳтиром ва эътибор белгиси.

Элликқалъа тупроғининг кишини ҳайратлантирадиган ажиб ҳикматларидан яна бири — боғ-роғлар, дарахтзорларнинг кўплиги, дала, пайкалларнинг саранжом, саришталиги. Ҳар қадамда ерга ихлос, тупроққа меҳр тупроқнинг ўзидан балқиб, кўриниб турибди.

Шу сабабли, Аъзо бободек фидойи инсонларнинг заҳматлари боис Элликқалъа тумани Қорақалпоғистонда биринчи бўлиб буғдой етиштириш бўйича шартномавий режани бажарди.

Одамларнинг юзи ёруғ, омбори тўлган, кўнгиллари ҳам тўқ. Саксон, тўқсонга кирган оқсоқоллар — умри

ҳикматга тўлиқ кексалар ҳам янги замонларнинг янги ҳикматларидан ҳайратда. Уларнинг дуолари Жайҳун шамоллари янглиғ узоқ-узоқларга етади.

“ШОИР ҲАМ БОЛАРИ БЎЛСАЙДИ”

Бу ерда маънавият, маърифат ва маданиятга эътиборни ҳар қадамда ҳис қиласиз. Унча-мунча катта шаҳарларда ҳам йўқ катта Санъат саройи, Академик лицей, иқтисодиёт, тиббиёт коллежлари, юзлаб мактаб ва боғчалар, янги ишга тушган, туширилаётган стадионлар — ҳамма-ҳаммаси янги авлод тарбиясида, хизматида. Бу эзгу ишларнинг барига туманнинг маърифатли камтарин ҳокими Неъматулла оға Худойбергенов бош-қош. Эллиққалъадаги кишининг ҳавасини келтирадиган ўзгаришларни кўриб, улуғ боболардан жўмард, жонкуяр неваралар қолганига яна бир карра амин бўласиз. Демакким, беҳаловат, бедор қон давом этаётир.

— Ишингиз кўп-да? — деб берилган саволга туман халқ таълими бўлими мудири Фарҳод Ибодуллаев ўринли жавоб қилди:

— Ишимми? Ишим — ўттиз мингтадан ҳам кўпроқ.

Бунинг маънисини — тумандаги юздан ортиқ таълим-тарбия муассасаларида ўттиз мингга яқин ўғил-қизлар ўқиб тарбияланади, яна икки ярим мингдан зиёд ўқитувчи ва тарбиячилар ҳам бор деганидир. Ота-оналарни кўшиб ҳисоблаганда — шунча одам, бир эл, бутун мамлакат ёш авлод тарбияси билан машғул. Мақсад-муддао битта: ўз элу юртига муносиб фарзанд бўлсин, кўксида ори, гурури бўлсин, тупроғига, Ватанига иснод эмас, шаъну шараф келтирсин.

Шу сабабли Муҳаммад Юсуф номидаги Академик лицей деворига шоирнинг “Дунёга боқ, қадди сендек ким бор яна, Халқ бўлишга ҳадди сендек ким бор яна”, сатрлари бекорга битиб қўйилмаган.

Ўқувчиларнинг саводхонлиги баланд, китобга эътибор, билимга меҳр, эҳтиёж катта, Тошкентда чиққан

янги китоб бир ҳафта-ўн кун ичида Эллиққалъа кутубхоналаридан жой олади, ўқувчилар кўлига етади. Шунинг учун ёш ижодкорларнинг «Зомин» Республика семинар-кенгашига йўлланма олган, шеърый китобига “Жайхун қизи” деб ном қўйган ўн беш яшар Машхура Шарипованинг “Навоийдан ёд олурман ҳикмат сўзин” сатрларини ўқиганда ҳеч ажабланмайсиз.

“Орол болалари” республика миқёсидаги оромгоҳда ёзги таътилни ўтказаетган болакайлар, қизалоқларга эса ҳавасингиз келади. Уларни ҳар кун кўм-кўк кўлга сайр эткизиб келадиган Оқ кемалари бор. Оқ кема — тимсол ҳам, оқ-ойдин йўл, порлоқ келажак, ёруғ истиқбол тимсоли.

Ақчакўл соҳилларида эса мавжлар қирғоққа бош урадилар, нозик туронғиллар Бердақ бобонинг сатрларидек титрайдилар. Тез орада бу ерда ёш хонандаларнинг уста санъаткор Отажон Худойшукуров хотирасига бағишланган танлови ҳамда ёш шоирларнинг “Ақчакўл илҳомлари” Республика анжумани ўтказилади. Кўл бўйидаги қамишлар бир-бирларига минг йиллик ўланларни шивирлаётгандек, ҳаводаги оқчорлоқлар билан орзу ниятлар ҳам парвоз этаётгандай. Бу юртнинг файзу тароватига боқиб, устоз Абдулла Орипов келиштириб айтганлар:

Гулдан-гулга қўниб саҳар палладан,
Болари бол йиғар қирдан, даладан.
Шоир ҳам болари бўлсайди агар,
Ишин бошлар эди Эллиққалъадан.

* * *

Кун иссиғида катта текис асфальт йўлдан от-арава келяпти. Ўрта ёшлардаги киши — араванинг эгаси, ортида — салгина мудроқланиб болачаси ўтирибди. Аравага беш-олтита тахта ортилган. Болакай, оти Одилбек, отаси одил инсон бўлсин деб шундоқ ном қўйган экан.

— Тахталарни шу ўғлимга атаб қураётган уйга ишлатамиз, — дейди отаси. — Аввал ўқисин, одам бўлсин.

Бу аравада икки тирик ҳикмат ўтирибди. Бириси — ота, бириси — ўғил. Маъниси: Биз фарзандларимиз учун Ватан қурамыз, Ватанни кейин фарзандларимизга қолдирамыз. Катта муқаддас уйимиз, улуғвор, табаррук боғимиз — Ватан.


Кейин бир шамол эсди, узоқ соғинтирган қўшиқдай азиз, қадрдон шамол, ота енгил тин олди, болакайнинг ёқачаси ҳилпираб, юзлари ёришиб кетди.

Қайда юрсам соғинтирар
Она юртим томонлари.
Хаёлимда саҳар-саҳар
Эсар Жайҳун шамоллари.

Атиргул териб чўллардан,
Ғули райҳон чаманлардан,
Бизнинг бу гўзал эллардан
Эсар Жайҳун шамоллари.

2005

МУҲАББАТНИНГ ЁПИЛМАС ДАРСХОНАСИ



(Устозлар сабоғи)





“ХАЙР ЭНДИ, БАҲОРИМ...”

Бу ном бизга ҳали нотаниш эди. Юлдузлар қадар олис ва нотаниш эди бу ном.

Ижара уйда қафасга тушган қуш янглиғ жовдираб ўтирибман. “Шоирликка” ўқишга келганимни билиб, У тинмай сўроққа оляпти. Шеър, туюқ, ғазал, рубоий қолмаяпти, Фарҳод ва Ширин, Лайлию Мажнунлар қолмаяпти — ҳаммасини сўраяпти. “Сабъаи сайёр” хусусидаги саволига жавоб беришга улгурмасимдан, “Садди Искандарий”ни кўндаланг қилади, сўнгра ғазал бўстонларию Мажнуннинг оҳларидан қовжираган дашту биёбонлардан, Лайлининг кўзёшлари тўкилган саҳифалару Фарҳод теша урган тоғлар ва яна Искандар деворидан олиб ўтиб, Гулханий “Зарбулмасали”дан масаллар айтириб, Фурқат, Муқимийларга бошлаб “дўппослатиб”, ниҳоят “ҳозирги замон адабиёти” деган бир майдонга етаклаб чиқади мени. У — дорилфунуннинг ҳуқуқшунослик факультети битирувчиси, ҳамқишлоғимиз Абдуқодир Қурбонов, мен — симсўримнинг тепасига деворга “Абутўра-74” деб ёзилган, яъни ўша 1974 йилда мактабни битириб ўқишга келган ва ижара уйда қафасга тушган қуш янглиғ жовдираб ўтирган бир бола.

— Демак, ҳозирги замон адабиёти, — дея сўроқни давом эттиради у. — “Руҳим” китобини ким ёзган ва бу китобга қандай шеърлар кирган?

Жавоб беролмайман.

— Абдулла Орипов, — дейди у. — Билиш керак! Абдулла Орипов ёзган. Қашқадарёдан. “Биринчи муҳаббатим”ни эшитганмисан?..

Юлдузлар қадар нотаниш ном. Юлдузлар қадар сирли, олис ва нотаниш сўзлар: “Биринчи муҳаббатим”.

“Руҳим”ни билмаганим учун руҳим чўкканини кўрган Абдуқодир ака тушунтира кетади, имтиҳонда асқотадиган маълумотлардан хабардор қилади. Кейин дорилфунуннинг синовлар қатағонидан омон ўтаман, у маълумотлар асқотмайди, лекин “Руҳим”...

Бу шеърият бизга ҳали нотаниш эди. Селу тошқин эди, лекин биз ҳали беҳабар эдик. Бизни — юртнинг турли гўшалари, тоғу тошларидан пойтахтга оқиб келган жилғаларни шу шеърият бирлаштирди, унга қўшилиб биз ҳам сел бўлдик, тошқин бўлдик, “Абдулла Орипов” дейилганда ёнғинга айланадиган ҳам бизлар эдик, дорилфунун билимлари ўз йўлига, дунёнинг мушкулроқ билимлари — куймоқ, ёнмоқ илмини, қайғурмоқ, дард чекмоқ таълимини, дунёнинг мангу саволлари — тириклик ва ўлим ҳақида ўйламоқ илмини биз шу шеъриятдан ўргандик, бу шеърият бизни шуълалар илмига ошно этди. Биз ундан исмсиз ҳайратларимиз, номсиз қувончларимизу шаклсиз дарду соғинчларимизга исмлар топдик.

Тошқинлар фасли бошланди.

Муниса Самарқандда ўқирди. Ундан “Руҳим”нинг дарагини эшитиб қолдим. Ёлвориб хатлар ёздим. Бир кун алоқа бўлимида қоғозга ўроғлиқ нарсани тутқазиди. Жилдаги “Самарқанд” сўзини ўқиб, баданим жимирлаб кетди. Самарқанддан “Руҳим” келганди. Қатида хати ҳам бор: “Китоб дугоналаримники. Йўқотмасангиз...”

Ёшлик — кўнгилларнинг озодлик даври, киши кўнгилнинг ортидан чопиб толиқмайдиган озод давр. Ҳали олдда шеърият кечалари, уйқусиз тунлару туганмас мутолаалар бор. Сирдарё далалари, чўл кечаларию уларнинг “чойнакдек-чойнакдек” юлдузлари бор.

Сирдарё далалари.

Очиқ ҳаводаги, бепоён осмон остидаги иккинчи дорилфунунимиз шу далалар эди. Бунда шеър бор эди, чексизлик бор эди. Осмон шу қадар яқин эдики, кечалари зовур ёқасидаги дўнгликларга чиқиб бемалол юлдуз териш мумкин эди. У паллаларнинг губори ҳам бегубор эди, пахтазорнинг чангларига қоришган эсак-да, энг тоза, мусаффо чоғларимиз эди у чоғлар. Кечалари катта гулхан ёнарди, иккинчи гулхан Абдулла аканинг

шеърлари эди, бунисини биз ёқардик, шунда биринчи гулханнинг алангалари кўринмай қоларди. Шеър ўқилаётганда чирилдоқлар ҳам жимиб қоларди гўё. Бир кеча овозни баралла қўйиб, жунунваш ҳолатда “Муҳаббат” билан “Ўйларим”ни ўқиганимда, анграйиб қолган Сайфиддинов домла: “Бу бола соғми ўзи?!” дея хитоб қилган ва беихтиёр тилга: **“Муҳаббат дардидан бемор қалблармиз, ўгай бўлсак не тонг соғлар орасида”** деган сатрлар келган, даврада гурра кулги кўтарилган, домла эса “Ҳа, дуруст, дуруст”, дея секин чекингандилар. Ўша завқ, ўша шавқ билан “Онажон”, “Рухим” китобларини тўлиқ ёдлаб олгандик, “Қарши қўшиғи”ни эгатнинг бу бошидан биримиз бошласак, у бошидан бошқамиз олардик, ўқариққа етганда учинчимиз ниҳоясига етказардик. Мазмун-моҳияти, даврий кўлам-қамрови жиҳатидан унчамунча каттароқ дostonнинг жавобини бера оладиган бу шеърни ёд олганимиз талабалар орасида шов-шув бўлди.

Бу ерларнинг бори шу: қип-қизил саҳро бари,
Фақат сароб жимирлаб чорлар сирли базмга.
Унча ҳам сулув эмас саҳронинг жонзотлари,
Насрга ярашмаса, ярашмайди назмга.
Лекин унинг баҳори, о, сен чўллар баҳори,
Соғинтирган онамнинг дийдори сендай ширин.
Эрта кун қовжирашдан дилда бўлса ҳам зори.
Лола лаби хандону тубда доғи яширин.

Биз — худди шундай муҳит, шундай манзаралар қўйнидан чиқиб келган, “энагамиз тунда ою кундузи қуёш” бўлган болалар учун бундай сатрлар бегона эмас эди, кўнглимиз орзиқар эди, ҳаприқар эди, бу сатрлар, бу шеърлар соғинч-орзиқишларимизнинг ифодаси сифатида Абдулла аканинг китобларида жамланган эди. Мунаққид таъбири билан айтганда, “у пайтлар ҳаммамизнинг вужудимиздан шеър шовулларди”, бу шеърят аллақачон катта, қуюқ боғ сифатида шаклланиб бўлган, у ниҳоятда вазмин, қуюқ ва серсукун шовулларди, биз шу боғдан эсган шамоллар аро гуж бўлиб силкинаётган япроқлар эдик. Бу боғнинг ташвиши,

меҳнату машаққати, азобу изтироблари кўп эди. Биз шоду хуррам эдик, теграмизда эса бир боғ яшинлари, қалдироғу селлари, бўронларию саболари, қушлари, шабнамларига қоришиб ҳайбат билан қарсиллаб, инграниб шовуллаб ётарди.

Энг яхши кўрган шеъримиз “Баҳор” эди. Бу шеърни кўзда ёш билан айтиб берган пайтларимиз кўп бўлган. Бундай шеърлар юракни қурбонликка бериш эвазига ёзилади.

Кимнингдир кўксига энгашганча гул
Мармар сағанадан ўқиб турар байт.
Баҳор, қатра ёшим айлагил қабул,
Онам бошига ҳам бордингми сен, айт?!
...Дунёдан кетмасин ҳеч ким бемаҳал,
Ҳеч кимни босмасин ногаҳон ўкинч,
Аммо ўз бошига келмагунча гал,
Онажон, тош қалблар турармиди тинч.

... Бу ном бизга юлдузлар қадар олис ва нотаниш эди, юлдузлар қадар яқин ва қадрдон бўлиб қолди.

Ўқариқнинг бошида давра қуриб шеър ўқиймиз, бизга тарозибон бўлиб борган Тилак Жўра қоғозчилимини бурқситганча дўнгликдан туриб ҳаммамизни “меҳнатга” чорлайди: “*Ў, азаматлар, туринглар. Ў, азаматлар, оз қолди. Ў, азаматлар, бу йил охирги йил.*” “Азаматлар” туравермагач, дўнгликдан эниб, гўзаларни шитирлатганча олдимизга келади. “Ҳа, Абдуллами, — дейди, — Абдулла зўр! Абдулла даҳшат!” Беихтиёр ўзи ҳам мушоирамизга қўшилиб кетади, унинг ўзи Есенинни яхши кўради, унга бағишланган “Жўрангни ҳам этмишлар хароб, сени хароб этган оққушлар”, шунингдек, “Бедазорда бедана бўлиб-бўлиб сайради” сатрлари, ўқариқ бошидаги хушнуд ҳолати ҳали-ҳануз ёдимизда. Шеъриятга ошнолигимиз шу даражага бориб етгандики, устознинг илгари қаерда шеъри босилган бўлса, топиб ўқимагунча тинчимас эдик. Абдулла акага ким “Оқ йўл” ёзгани хусусидаги баҳсу мунозаралар қизиқ бўлган. Шунда юқори курсда ўқийдиган Қурбонга ҳава-

симиз келган. “Озод ака ёзган. “Шарқ юлдузи”да. Шарафиддинов. Кўп гаплашганман”. Унинг бу мақтанишида беғараз меҳр бор эди. Ушбу маълумотни олгач, дорилфунун қироатхонасига уч-тўрт кун қатнаб, Абдулла аканинг Озод домла сўзбоши ёзган шеърлари босилган, ранги униқиб кетган, кўҳна “Шарқ юлдузи”ни ҳам топиб ўқишга муяссар бўлганмиз. Бу шунчаки ишқибозлик ва ё иштиёқ эмасди, бизнинг у хатти-ҳаракатларимизда, муносабатларимизда “шеърдан ҳам улуғ, нондан ҳам азизроқ” нимадир бор эди. Исмини билмасдик, лекин нимадир бор эди. Нимадир.

Буюқда бўлса ўзимизнинг қаламлар ҳам қитирлаб қолди. Илк тақлидлар, илк такрорлар. “*Зўр шоир бўлман десаларинг, улғаяман десаларинг Абдулла акани тўғри маънода ёмон кўришларинг, ундан кечишларинг керак!*” дейишарди бизга. Биз лолу ҳайрон эдик, “тўғри маънода ёмон кўриш” қандай бўлишини билмасдик биз. Абдулла акадан, унинг шеъриятидан “кечиш” тасаввурга сиғмасди, кейин бу тарзда улғайишнинг бизга кераги йўқ эди. Гулханларимизни туман қоплади. Бу томони...

“Одамлардан кўнглингиз қолмасидан бурун ёзишга улгуриг”, деганди Абдулла ака бир ёш шоирга. Бу сўзларда “итлар орасидан ўтаётган карвон”нинг юкича маъни бор.

Бу орада илк китобчаларимиз чиқиб қолди. “Рухим харитаси” деб ном қўйганим пиёзнинг пўстидай юпқа тўпламга соддалик билан “Ҳамсуҳбат бўлмадим...” деб устознинг ўз сатрларидан дастхат ёзиб, неча марта қимтини биров орқали Абдулла акага бериб юбордим. Ногаҳон йўқлаб қолдилар-ку! Телефонда китобимни ўқиганини, ундан “катта қадамларнинг товуши келаётганини” айтиб, сабру бардош тилади.

Менга бошқа ҳеч нарса керак эмас эди, ўша куни Тошкент кўчаларида бир тоғ юганини ҳеч ким сезмади. Не ажабки, “пиёзпўсти” бу тўпламим катта қасрдаги Мафкурахонимнинг ҳам “назарига тушиб”, унинг ҳомийлигида газетага урилди. Бу — илк “калтақлар” эди, табиийки, илк “калтақлар”нинг зарби қаттиқ бўлади, бир-икки кун мунғайиб юрдим, уюшмада кўриб

қолган Абдулла ака хонасига чорлаб, “Ука, энди буёғи шунақа бўлади, бизни калтакламаган фақат болалар боғ-часи қолган, холос, бардам бўл!” дебон кўнглимни кўтарган эди. Энди у “калтаклар”, у мунғайишлар қулгили бўлиб туюлади. Мени ўшанда бор-йўғи силаб-сийпалашган экан. Лекин катта устоз шоирнинг ўша вазиятдаги хайрихоҳлигию рағбати бир умр эсдан чиқмайди.

Шукрона айт аввал парча нон учун,
Сўнг қултум сув учун шукрона такрор.
Чунки бу оламда, яширмоқ нечун,
Сенга шуларни ҳам кўп кўрганлар бор.
Буюклар бахтига ҳавас қил, аммо
Инсонлигинг учун шукр айтгил зинҳор.
Чунки бу оламда сен учун ҳатто
Одий инсонликни кўп кўрганлар бор.

Гулханларимизни туман қолади. Баҳорларимиз ҳам қулар сари энгашиб бораётир. Бироқ Абдуқодир ака ҳозир ҳам гоҳ-ногоҳ “Руҳим” китобини ким ёзган?” дебон сўроққа тутаётгандай туюлаверади. Муниса дугоналарининг олдида хижилдай, тушларимга кириб йиғлайди. Курсдош дўстларим ҳаёт эгатларидан дунё ташвишларини териб бир-бир ўтаётирлар, бу ном, бу шеърият бизга юлдузлар қадар олис ва нотаниш эди, юлдузлар қадар яқин ва қадрдон бўлиб қолди. Юлдузлар шуъласи ила шууримизга, қонимизга сингиб кетди, бу шеърият бизнинг тиниқ, энг беғубор йилларимизни ўзида жамлаб турибди, биз у йилларимизни ёмон кўролмаймиз, уларга қўл силтаб кетолмаймиз. Бу шеърият биз учун тун-кун шовуллаб турган қуюқ, серсуқун боғ эди, энди-да меҳнату машаққатлари, тоғу тошларию боғлари, сувларию саҳролари, соғинч ҳам изтироблари ила бизнинг ўзбаки, жайдари юртимизга айланди. Биз бўлсак юртимизни ёмон кўролмаймиз, унинг баҳридан кечолмаймиз. Ҳолбуки, “дунёда тариқ каби беданабоп гап ҳам мўл”.

АСИЛ ДУНЁ БЎЛГАН “АКСИЛДУНЁЛАР”

(Андрей Вознесенский.

Йиллари, китоблари ва ўзи билан суҳбат)

Одамзод ҳамиша ўз йилларига муқаддима излайди. Сўз излайди, ифода истайди. Йилларни сўзлар бирикмасидай таҳлил қилади, қароликми, рўшнолик кўрдими — хулоса чиқаради. Хулосанинг ўзи уни қониқтирмайди, яна уринади, қийналади, қайтади, қайтаверади. Қайтган сайин узоқлашади, узоқлашган сайин қайтади. Ибтидодан интиҳога, интиҳодан ибтидога.

Ўйлаб-ўйлаб ушбу битикларга 1975 йилнинг қаҳратон қиши муносиб муқаддима бўлар деган қарорга келдим.

* * *

Сиз журналистика факультетининг 1-курс талабаси, ўз кучингиз билан дорилфунунга кириб таълим олаётганингиздан бошингиз осмонда, дунёга сифмай юрибсиз, пахтани териб келдингиз, энди эса “билим чўққиларини забт этяпсиз”, курсдош қизлар гирдикапалак, домлалар меҳрибон — дарсга келмасангиз ҳам шеър айтганингиз учун “беш” қўйиб беради, ҳар ойда 40 сўм стипендия (бу сўз тилингизда мудом асалдай эриб туради), лекин буларнинг ҳаммаси кам, камлик қилади, сизга яна нимадир керак, “билим чўққилари”дан ташқари кўксингизда яна қандайдир чўққилар яширингану, сиз уларни билмайсиз, ном қидирасиз — тополмайсиз, олдинда — имтиҳонлар чилласи, сиз эса нуқул шеър ёдлайсиз, дарсларда конспект ўрнига шеър ёзиб ўтирасиз, “семинар” дафтарларингиз тўла шеър, ярим кечаси уйғониб дабдурустдан баралла шеър айтишга тушасиз, ҳамхонангиз бухоролик Ориф Қандаҳор телбасираб уйқусидан сакраб туради, ҳар бир кўзи пиёладай, қалтирайди, “Оғайни, — дейди, — шоирликнинг вақтимас, ухлайлик, эртага семинар”. Индамай йўлакка чиқиб кетасиз. Ётоқхонанинг қишин-ёзин елвизак елиб турадиган узун йўлаги. Не-не орзу-умидларингиз қолган йўлак, елвизаги не-не истакларингиз,

қанчадан-қанча ҳою ҳавасларингизни чирмаб олиб кетган йўлак. Дераза рафига ўтирасиз, “ўз-ўзингизга шеър ўқийсиз”:

Мен шоирман,
Истасангиз шу,
Ўзимники эрур шу созим.
Бировлардан олмадим туйғу,
Ўзгага ҳам бермам овозим.

Ташқарида қиш қарсиллайди — йўллар муз, ҳаволар муз, дарахтлар тош отсангиз чил-чил синиб тўкиладигандай қотган, бу қаҳратонда кийишга пальтонгиз йўғу, лекин шеър айтиб ўтирибсиз — у ёғи Ваҳоб шоиру бу ёғи — Эркин ака, Абдулла акалардан. “Ёшлик девони” қўлингизда, “Руҳим” китобини ёддан биласиз — у пайтлар бу китоблар атрофидаги шовқин ҳали тинганича йўқ эди, ва яна Сергей Есениннинг устоз Эркин Воҳидов таржимасида чиққан қайинлар акси аралаш зангор муқовали кафтдеккина китобчаси. Қўлга олдингиз — тамом, қаҳратон ҳам унут, пальтонгиз йўқлиги ҳам эсдан чиқади — исиниб кетасиз.

Бу дунёда мен бир йўловчи,
Шодон менга қўл силки, эркам.
Худди шундай тинч, эркаловчи
Зиё тўкар куз фасли ой ҳам.

Гарчи оламда зимистон бўлса ҳам сиз ой “тинч эркаловчи зиё” тўкаётган илиқ куз қўйнига чўмиб кетгандай бўласиз. Жонингизга бир илиқлик югуради. Шеърлар сизни иситади. Сиз ҳали билмайсизки, қоладигани — шу шеърлар, дўстлар тарк этади, қизлар қарамай кетади, йиллар ҳам — беандиша, сиздан сўрамайин ғойиб бўлади, шеърлар эса барча йўловчилар исиниб ўтган, лекин барибир ёниқ қолган, дилингиздан жой олган тоғлардаги гулханлар мисол қолади шеърлар.

Шундай тунларнинг бирида олдингизга рус гуруҳида ўқийдиган Алишер исмли йигит келади (сиз “ис-

минг Алишер бўлгандан кейин Алишер бобонинг тилида ўқишинг керак”, деб нуқул ташвиқот қилардингиз унга). Қўлида ғалати муқовали китоб. Номи ҳам ғалати: “Антимиры”. Бу сўз сизга динозаврдек бегона туюлади.

— **Вознесенскийни биласанми?** — дейди Алишер. — **Билишинг керак. Ўқишинг керак.**

Гарчи у пайтлар ердаги “даҳоларга” ишингиз тушмаган бўлса-да, “Вознесенский” деган сўз қулоғингизга жаранглаб эшитилади, бу жаранг ёқимли эди, гўёки фақир талабалик ҳаётингизга, ётоқхонанинг хувиллаган яланг йўлагига ярим кечаси кўкдан бир олтин танга тушдию, сиз бу танганинг нималигини ҳали билмасдингиз, тушунмасдингиз. Китобни ўқиш учун олдингиз. Барча азоблар, тушкунликка тушишлару кечалари чинқириб чиқишлар шундан кейин бошланди.

Кўриниши ҳам, номи ҳам ғалати бу китобнинг ичидаги шеърлар ҳам ғалати экан. Бунақанги шеърларни ҳеч қаерда учратмагансиз, ҳеч қаерда ўқимагансиз. Қайта-қайта варақлайсиз, қайта-қайта тиришасиз, лекин ҳеч балони тушунмайсиз. Бир томондан рус тилини яхши билмаганингиз, иккинчи томондан гўрлигингиз алам қилади, устига-устак, қўлингиздаги китобнинг муаллифи ҳақиқатан ҳам зўр шоир эканини, шеърларидаги жазавани, чўян чинқириту ташбеҳларнинг бетакрорлигини, дадиллиги, бепоён руҳини билиб турибсиз, лекин тушунмаяпсиз, тушунишни, воқиф бўлишни жуда-жуда истаяпсиз, бироқ тушунолмаяпсиз, ётоқхонанинг муздай деворига бошингизни уриб фарёдлар қилсангиз ҳам тушунмайсиз! “Антимиры”, “Фрески Феофана”, “Мерлин Монро”, “Библейское небо”, “штанга ушей”, “человолки”, “лунные раковины”, “спиритизм”, “шарф мой, Париж мой” сингари сўзлар сизга шу қадар бегона, шу қадар қўл етмас бўлиб туюладики, хўрлигингиз келиб кетади. “Шеърый китобми ёки сопромат дарслигими бу, нима бало?” дейсиз, болаликда ўқиганларингиз “Гўрўғли”, “Авазхон”лар, “Алпомиш”лар келади ёдингизга, ёш умрингизда илк марта китоб узра ночору нотавон қолганингиз эди бу — кўзингизга ёш қалқийди. Йўлак ҳам, дунё

ҳам жуда ғариб кўринади. Ўзингизга таскин берасиз. Ўша тун фаришталар Сизга ёр бўлган экан, кейин йиллар ўтиб англаб етдингиз, росмана мутаржимликка берилиб, бир пайтлар чигал жумбоқлар бўлиб туюлган, сизни қон қақшатган шеърларни завқу шавқ билан ўзбекчага ағдара бошлайсиз.

Ўн уч йилдан кейин.

Ўн уч йилдан кейин Тошкентдан туриб у зотга қўнғироқ қиласиз. Айтдингизки, “Сиз билан учрашим керак”. “Келинг, — деди, — фалон куни кутаман”. Бу пайтга келиб ўсмирлигингиз, ўсмир орзулару қувончларингиздан ном-нишон ҳам қолмаган бўлса-да, барибир, боладай қувондингиз. Гўёки қандайдир илоҳий овоз Сизга ўн уч йиллик айрилиқдан кейин ўсмирлигингизни қайтариб бергандай, дунё яна ўзининг азалий ҳолатига қайтгандек.

Ўн уч йилдан кейин.

Вознесенский баҳонасида Москвани ҳам кўрадиган бўлдингиз. Кўнглингиздан кечган биринчи гап шу бўлди: “Қовоғи солиқ шаҳар экан”. Лекин сизнинг қовоғингиздан нур ёғилади. Ҳамма нарса сиз учун янги, одамлар, кўча-кўйлар ҳам, қора сувлару баҳайбат кўприклар, ер остида ўргимчакнинг инидай тўрт томонга шох ташлаган тиниб-тинчимас метро ҳам, ҳатто қадимий кўҳна ибодатхоналар ҳам сиз учун янги. Сиз тамомила бошқа оламга кириб қолгандингиз ва бу оламда, Москвадан четроқда, Переделкино қайинзорлари орасида шеърлари сизни ўн уч йилдан буён қийнаб келаётган, кун бермаётган шоир сизни кутяпти. Унинг вақти зиқ, лекин сиз шошилмаяпсиз.

Барча ҳайратингизга қарама-қарши ўлароқ Вознесенский ҳам сизни ҳайрат билан кутиб олади. Яъни “Тошкентдан туриб менинг оромимни бузишга журъат этган, шеърларимни ўзича таржима қилиб юрган бу шоир йигит ким бўлди экан?” дегандай. Сизнинг ташрифингиз эса шунчаки ташриф эмасди, ўн уч йиллик журъатингиз эди бу. Ушбу учрашувга журъат этдингизми, энди бу ёғига ҳам чиданг!

Чўян эритиладиган печнинг олдида ўтиргандай юзингиз ловуллади. Далаҳовлисининг айланма фонус-нуса хонаси. Деворларга қарайсиз. Деворларда “Аслиятни қўмсаш” шеър асосида қора сиёҳда чизилган суратлар. Катта оқ қоғозларда, катта оқ ромларнинг ҳошиясига олиниб, ойнаванд қилинган. Қаторасига. Ҳар ойнанинг остида шеърнинг тўрт ё беш сатри ва шунинг мазмунига мос сурат. Сурат ҳам эмас, одамзоднинг фарёд-фигонини ифодаловчи, илтижо-тавалло сини билдирувчи шакллар, тасвирлар. Ва ўйладингизки, булар шунчаки эмас экан, бу — ойнаванд китоб экан, бир шеърдан тузилган, деворларга осилган китобнинг ойнаванд саҳифалари экан. Шоирнинг сарчашмалари — меъморлик, архитектура истиқоматгоҳида ҳам ўзини яхлит билдириб турибди. Ойнаванд фарёдлар! Шоирнингми, замоннинг ва ё инсониятнинг фарёдларимидир булар?

“Танишув”ни давом эттирасиз. Ўртада шоирнинг ўзи чизган катта айланма шакл. Фалакнинг гардиши эди гўё бу. Дунёни, одамлар, мамлакатларни, ҳасрату қисматлар, оқу қорани қориштириб айланаётгандай. Гардишнинг теварагида айланасига “мать” деган сўз ёзилган. Ажратилмай ёзилгани учун “мать” “тьма” айланиб боради. Яъни бундай: “МАТЬМАТЬМАТЬМАТЬМАТЬМАТЬМАТЬМАТЬ”. Бу пайтга келиб шоир отасидан жудо бўлган, волидасини ҳам дафн этган ва девордаги бу қора гардиш шу жудоликларнинг ўксик ифодасидай таассурот қолдирарди. Она бор эди — дунё ёруғ, ҳаёт гулгун, мунаввар эди, энди она йўқ, ётсангиз ҳам, уйғонсангиз ҳам ҳаммаёқ қоронғу, зим-зиё, ақлларни ёппасига зулмат қоплаган асрда, ёруғ ниятлардан кўра қора қилмишлар кўпайган замонда нурли юпанчингиз, порлоқ тасаллингиз — онангиз бор эди, энди умрингизга зимистон кўчиб киргандай, қоронғулик нурли тасаввурингизни истило қилгандай, яна деворга қарайсиз, девор эмас қоп-қора фалак, фалакнинг гардиши. Унда бир сўз тинимсиз айланади:

“МАТЬМАТЬМАТЬМАТЬМАТЬМАТЬМАТЬ...”

Сизга шунинг ўзи етарли эди. Бемалол чиқиб кетишга ҳам тайёрсиз. Лекин измингиз мезбоннинг қўлида. Баъзи савол-жавоблар, мулозаматлардан сўнг мезбон айтдики “юринг, бир нарсани кўрсатаман”. Ва ярқираб турган бир хонага олиб кирди. Хона эмас экан, билишингизча, шоирнинг мўъжазгина “кўргазмалар зали” экан бу. Ҳали ҳеч нарсага эътибор бермай хонанинг шаклига ташбеҳ излайсиз. Бир томони қабариқ, бир томони ясси лампа шишани эслатади. Деворларда суратлар — катта, кичик ромларда. Шоир ҳаётининг ойнаванд саҳифалари. Ҳар хил шакллар, ҳар хил юзлар, чеҳралар. Ана, бир гўшада миттигина ойнаванд ромда Борис Пастернакнинг сурати. Қотма юз, абадиётга йўналган кўзлар. Шоирнинг илк тасаллиси, умидқувончи, умрий изтиробию умрий ҳайрати — Пастернак. Кейин йиллар ўтиб у “**Ўн тўрт ёшда эдим**” насрий асарида худди шундай соғинч ва изтироб билан ёзади. Бу ҳақда кейин.

Ҳозирча сиз шодсиз, Вознесенскийни кўриб, суҳбатига аржуманд бўлганингиздан андак бодиланаяпсиз, ана у “**Москва билан илк учрашувингиздан эсдаликка**” деб сизга ўз сурати ва уч жилдлик зангори муқовали сайланмасига дастхат ёзиб беряпти. Узоқдан сизга Эйфел минорасидай йироқ, кибор туюлган бу зот оддийгина инсон экан. Такаббур эмас экан. Ниҳоят “сафарим қариди, энди кетайин” деб изн сўрадингиз. Эшиккача кузатиб чиқди. Яна сизни ноқулай аҳволга солиб қўйишдан ҳадиксирагандай сўрадики “Пулингиз борми?” “Етарли” дедингиз ва ичингизда ўйладингиз, “Ўн уч йил олдин бўлганда йўқ демасдим”. Ва мана, ҳозирнинг ўзида, бир лаҳзадан кейин бу учрашув ҳам, шоирнинг сизга китоб тақдим қилаётган ҳолатию беғараз табассуми, хазон бўлиб ётган қайинзору сизнинг “хайр” деган сўзингиз ҳам ўтмишга, хотирага айланади. Эсингиздами, “Оза” достонида: “**Ўтмиш — йўлхалгадай менинг елкамда турибди, сенинг ортингда эса — келажак. Келажак ортингда парашютдай шовуллайди**”.

Тошкентга келдингиз. Ўн уч йилингиз кўз олдингиздан ҳеч нари кетмайди. Кечалари кенгликлар ҳариридан ўн уч тепалик кўзғалиб келади, ҳар тепаликка биттадан оқ қаср — ўн уч оқ қаср. Ўн уч бесоҳил дарё, ўн уч оқбадан терак, тоғларга, бобонгизнинг боғларига элитгувчи ўн уч сўқмоқдирки, фироғида фаслларингиз кечмишлар. Ўн уч йил — бўғзингизга тиқилиб қолган ўн уч армон.

Фасллар умумлашди.
Қайда ғам? Қайда севинч?
Ўн уч йил ўтиб кетди,
Андрей Андреевич!

Радиони титгандай
Роботлар мени титди.
Андрей Андреевич,
Ўн уч йил ўтиб кетди!

Ўн уч чинқирик, ўн уч
Фарёд, ўн уч самолёт.
Туну кун гувлаб ётган
Аэропортдир хотирот.

Етмиш бешинчи йил. Қиш.
Тунлар узун. Беохир.
Шеърингизни тушунмоқ
Сопроматдан ҳам оғир.

Менга у пайт керакди
Озроқ пул, озроқ меҳр.
Қарс этиб синди орзу,
Тошдай қаттиқ эди шеър!

Паргорнинг игнасидай
Санчилди тилга сатр.
Шеърят — қурбонликдир,
Шоирлик — мангу сабр.

Сизнинг “Аксилдунёлар”
Дунёлар бўлди асил.
Андрей Андреевич,
Учиб кетди ўн уч йил!

Мана, Москва. Мени
Кучар мрамор соҳиллар.
Бир-бирига ўхшайди
Сувлар, кўприклар, йиллар.

Ўн уч оқ тулпоримга
Яна ташбеҳ излайман:
Останкино минорини
Ундов белгиси янглиф
Йилларга қўйсам дейман!

* * *

“Телефонда сени Пастернак сўраяпти!”

Довдираб қолган ота-онам мендан кўз узмай бақрайиб турарди. Олтинчида ўқиётганимда, ҳеч кимга айтмай мен унга шеърларим ва мактуб йўллагандим. Бу — ҳаётимни белгилаб берган менинг илк қатъий қадамим эди. Ва мана, у мактубимни бежавоб қолдирмай мени йўқлабди, якшанба куни соат иккида уйига таклиф этяпти...

“Ёноқлари унинг, парвоз олди маҳкам қапишган қанотларнинг учбурчак шакли янглиф титрар эди. Подшоҳим эди у менинг. Қудрат ва улуғворлик, самовий мувофиқсизлик мужассам эди унда. Гапирганда ёқа ва вужудидан юлқиниб чиқиб кетишни истагандай иягини юқорига тортиб, кўтариб гапирар эди”.

“Шеърлар шоир руҳининг умр шомидаги биллур ҳолатини сақлаб қолмишлар. Умрининг кузагини кўрдим мен унинг. Муқаррарликдан ҳам муқаррарроқ кузак бу. Ва шунда болалик салтанати рўй очди...

Шу кундан бошлаб менинг тақдирим ҳал бўлди, ҳаётим сеҳрли маъно ва мақсад касб этди: унинг янги битиклари, телефон орқали сўзлашувлар, якшанба кунлари соат иккидан тўртгача уникида бўлган суҳбатлар, сайрлар — ҳамма-ҳаммаси жам бўлиб, менинг саодатли ва гўдакларча муҳаббат йилларимга айланди”.

“Ўн тўрт ёшда эдим” асаридан олинган бу парчалардан фасллар ва асрларнинг нафаси келади. Авлодларнинг авлодларга интилиши, тирикликнинг, орзу-аъмолнинг бардавомлигини, ўн тўрт яшар ўсмирнинг

ҳали дунёвий ифодасини топмаган дунёларча меҳру со-
гинчини кўрасиз уларда.

Ўша меҳрномада яна шундай сўзларни ўқийсиз:

“У нима учун мени йўқлади?”

Ўша йиллари у ёлғиз эди, мусибатлардан толиққан,
самимиятга, беғараз муносабатларга зор эди. Лекин фақат
шулар учунгина у мени йўқлади деб айтолмайман. Оддий
мактаб ўқувчисига, ўсмирга нисбатан унинг ғалати муо-
малалари, дўстлик деса ҳам бўлаверадиган бу алоқалар ул
инсоннинг нимасинидир изоҳлаб берар балки?..

Эҳтимол у менда бир пайтлар ўқувчилик йиллари-
да Скрябиннинг олдига қочиб борган ўзини, ўзининг
болалигини кўриб севиб қолгандир?

У болаликка қайтишни кўмсарди. Болалик чорлови
мунтазам давом этарди унда”.

Гўёки Пастернак шеърияти қуюқ ўрмонзору ўн тўрт
яшар Вознесенский шу ўрмонзорга томган қатра тиниқ
шабнам эди. Бу томчида бутун-бутун дунёлар мужассам,
лекин унинг моҳиятини ҳали ҳеч ким билмайди — ҳатто
томчининг ўзи ҳам, ота-онаси ҳам. Пастернакдай улғу
шоирнинг олдида томчининг афзаллиги — болалигида.
Ҳали шу, холос. Уни шундай тиниқликда қолдирай-
лик-да, қирқ йил кейинга, “Советский писатель” наш-
риёти 1987 йилда чоп этган шоирнинг энг мукамал
китобларидан бири “Хандақ”нинг саҳифаларига кўчай-
лик, азиз ўқувчи. Зеро, улардан кўп ибратомуз гаплар
топамиз, йиллар чархпалаги тинганда, кечган сувлар
ҳам аёнроқ кўринади.

*“Не ажабки, 60-йилларда майдонга чиққан шоирлар
ўзларининг энг яхши асарларини 70–80-йилларда ёзишди.
Орзу-мақсадларнинг чипакка чиқиши, бунинг изтироби
шеърларда ўз ифодасини топди. Шеъриятда авлодларга
ажратиш механик ҳолатдир. Ўша йилларда мен авлод-
ларни ёши бўйича “горизонтал” ва имони, истеъдоди бўйи-
ча “вертикал” гуруҳларга бўлиб ёзгандим. “Вертикал”
авлод ҳақидаги ана шу сўзларнинг мазмунини бузиб,
Н.С.Хрущевнинг жиғибийронини чиқариш учун Кремлда
зиёлилар билан бўлган учрашувда унга етказишди. У ме-
нинг минбарга чиқишимни талаб қилди.*

Кўк гумбазли Свердлов залы пўрим костюмлар, ўша пайтда расм бўлган оқ нейлон кўйлакларнинг кўплигидан кўзни қамаштирар эди. Ҳадиксираб ўтирган яккам-дуккам ижодий зиёлиларни ҳисобга олмаганда, булар асосан амалдорлар эди.

Сўзга чиқувчилар минбари президиум столининг олдида, столга деярли тақаб қўйилган эди — у ерда Хрущев, Брежнев, Сулов, Козлов ва Ильичёвлар қатор ўтиришган эди. Байрамларда уларнинг ўн метрлик портретлари кўчаларни безарди. Колонналар узра кўтариб боришарди уларни.

Хрущев бизнинг умидимиз эди, ҳаммасини тушунар деган умидда мен унга адабиётдаги аҳвол ҳақида рўй-рост гапираман деб ўйлаган эдим.

Бироқ, ҳаяжонланиб, энди сўз бошлаганимни биламан, кимдир орқа тарафдан сўзимни бўла бошлади. Мен сўзлашда давом этдим. Шу пайт орқадан микрофонда бўкирган овоз янгради: “Жаноб Вознесенский!” Мен сўзимни бўлмасликларини сўрадим. “Жаноб Вознесенский,— бўкирарди овоз,— йўқолинг бизнинг мамлакатдан, йўқолинг!”

Залдагиларнинг, аввал ўзини йўқотган, сўнгра тантанавор юзларига қараб англадимки, менинг орқа тарафимда қандайдир даҳшатли воқеа содир бўляпти. Ўгирилиб қарадим. Мендан бир неча қадам нарироқда Хрущевнинг жазавадан заҳил кўзлари орқага тортиб кетган, жаҳлдан бўғриққан, жиққа тер юзи дод соларди. Ҳукумат бошлиғи ўрнидан сакраб тураркан, муштларини боши узра айлантирарди. Ҳуши жойида эмасди унинг. Тер ҳиди анқирди. “Жаноб Вознесенский! Йўқолинг! Ўртоқ Шелепин ёзиб беради Сизга паспортингизни!”. Оғздан ақл бовар қилмайдиган мағзава оқимини қўйворганди гўё у.

Нима учун?! Жинни бўлганми у? Балки кайфи бордир? (Бунақаси БМТ минбарини бошмоқлари билан тақиллатганда бўлганди бир марта). “Энди тамом!”,— дея ўйладим мен. Фақат сўзлаётган пайтда ҳеч нарсага эътибор бермаслик одатимгина ушлаб турарди мени.

Залдан эса, менинг орқа тарафимдан, бир маромда шундай овозлар янграмоқда эди: “Йўқолсин! Шарманда!” Биринчи қатордан одамнинг табиатини қайтарадиган

даражада гўзал юзли киши сакраб туриб ўдағайлаб кетди: “Кремлга оқ кўйлаксиз, галстуксиз келиш нимаси?! Битник!” Кейинроқ билишимча худди шу киши Шелепин экан. “Битник” сўзининг маъносини ҳамма ҳам тушунмаганди ўшанда, бироқ бир овозда бўкиришарди: “Шарманда!”

Лоақал бирор киши тушунар деган мақсадда президиумга кўз югуртирарканман, Козловнинг шишадай совуқ, маънисиз нигоҳига тўқнаш келдим. Бу даҳшатни тўхтатмоқнинг иложи борми? Барибир мен ғала-ғовур орасидан ҳайқириб айтдимки, шеър ўқимоқчиман.

“Ҳеч қанақа шеър-пернинг кераги йўқ! Биламиз! Йўқолсин! Йўқолсин!”— шовқин кўтарарди менинг ортимда зал. Зал шу аснода қонларимга ташна эди...

Ва шу пайт Раҳбарнинг мажақланган товоқдай бетида юзага балқийётган қандайдир фикрни илғаб қолдим, гўё унга нимадир таъсир қилгану ҳушини жойига келтирётгандай, гўёки нимадир унинг ғашига тега бошлагандай,— ёки менга шундай туюлдими?— гўёки у бўкираётган, тантана қилаётган оломонда ўзининг бўлажак ҳалокатини кўргандай, ҳеч ким мушугини пишт деёлмайдиган аслзодаларнинг бебошвоқ қудратини ҳис қилгандай. Бир йилдан кейин худди шу оломон унинг ўзининг бошига етади. Тумшайибон, ранжигандай бўлиб сўнгра ғудранди: “Йўқ, майли ўқисин”.

Мен “Қандай кулфат, аёзлар менинг ватанимни музлатар эди! Менинг ўртанган шеърим сургунлар диёрида неларни куйлар эди?”— сатрларига келганимда зал ичиқоралик билан жимиди. Ўша кунларда мамлакат ҳаётининг умумий жараёнида назоратни йўқотиб қўйиб, Раҳбар сиёсатни орқага юргизаётган эди. Шеър ўқийтиб, мен одатдагидай қўлимни кўтариш ҳаракати билан оҳангни ифодалар эдим. Ўқиб бўлганимдан сўнг залдан бир-икки пастак қарсақлар эшитилди. “Агент! Агент! — бақирди Раҳбар залга қараб. “Ана холос,— деб ўйладим мен,— агентни чақиряпти, демак ҳозир мени олиб кетишади”. У бўлса ҳамон бақирар, дами чиқиб кетганиданми овози сал пасайган эди: “Нега қўлингизни кўтаряпсиз? Нега бизга йўл кўрсатяпсиз? Ўзингизни доҳийман деб ўйляпсиз-

ми?” У бир ярим соатлик бақир-чақирлардан шалаббо терга ботган, кўйлаги баданига чиппа ёпишиб қолган эди. Бироқ нафас ростлаш хаёлига ҳам келмасди...

Мен кейин узоқ вақт 60-йилларнинг эзгу умидлари, ўзгаришларнинг қудратли кўламу ю эскича фикрлаш ғовлари ҳамда савдогарларча бу ўзбошимчаликлар қандай қилиб бир одамда ўз мужассамини топганини билолмай лол юрдим.

Бир йилдан сўнг, нафақадалигида, у менга етказдики, рўй берган воқеалар ва уларнинг оқибатида менга ёғдирилган бўҳтонлардан хижолатдаман деб. Мен унга нисбатан гина сақламайман деб айтдим. Энг муҳими, 56-йилдан кейин одамлар озодликка чиқди-ку ахир”.

* * *

Уч кундан бери қора фрак кийган бир қарға деразамнинг рўпарасидаги новдада ўтириб олиб аюҳаннос солади:

— Қар-р! Қар-р! Сендан шоир чиқмайди! Сендан шоир чиқмайди!

— Қарға, — дейман, — хурматли қарға, жуда тўғри айтяпсиз, гапларингиз жуда бамаъни, лекин ишлагани кўясизми, йўқми?

— Қар-р! Қар-р! Чиқмайди! Чиқмайди!

— Хурматли жаноб қарға, — дейман, — мен бу ердан мендан шоир чиқармикин деб ўтирганим йўқ ва қолаверса менга ўзимнинг ғамим етиб ортади, ҳозирча марҳамат қилиб, мени тинч қўйинг-да, новдани тарк айланг.

Қўшнингизнинг ўғли бўлмаганида, чўзмаси билан чўчитмаганида, ким билади дейсиз, бу олифта қарға 2000 йилни ҳам шу ерда пешвоз олган бўлармиди. Хуллас, сизга яна ҳеч ким ва ҳеч нарса халақит бермайди, хуллас, яна тасаввур тўрларини олисроққа улоқтирингда, фикр гулмоҳиларини овланг. Хуллас, XX асрнинг тугашига салкам ўн икки йил қолибди, хуллас, осмонларга саволингиз бор эди, хуллас, Валентин Катаев айтган эканки “Вознесенскийни ўқимоқ — санъат эрур”. Ўқимоқки санъат экан, бу шеъриятни яратмоқ, у билан нафас олмоқ, ҳаёт кечирмоқ нечоғли санъат

эканлигини тасаввур қияпсизми? 1966 йилнинг кўкламида Сиз ҳали Сариосиё сойларида қийқириб балиқ овлаб юрганингизда (у пайтлар Сариосиё ариқларида ҳам балиқ деган мўъжизалар ҳали бор эди) Вознесенский Тошкентда юрган экан — зилзиланинг қоқ марказида — бундан хабарингиз борми?

Тошкентга қайтайлик. Бундан йигирма икки йил илгариги Тошкентга.

“Тошкент зилзиласи бошланганда мен биринчи рейс биланоқ у ерга учиб бордим. Махсус мухбир сифатида эмас, йўқ. Мен учган самолёт деярли бўм-бўш эди. Тошкентдан учган самолётларда эса жой йўқ эди. Сал бўлса-да, ёрдамим тегар деб ўйлагандим. Ҳозир бу жуда кулгили туюлади. Менинг кўлимдан нима ҳам келарди?

Бироқ Тошкентда ўтган бу ўн куним менга кўп нарсани англапти.

Одамлар кўчаларда, чодирларда яшарди. Деворлардан ташқарида. Хавф-хатар олдида барча баробар эди. Силкинишлар кечаси кутиларди. Ҳеч ким ухلامасди. Чодирлар, лампаларнинг сарғиш гардишларидек ёғду сочарди.

Барча ташвиш-хавотирлари, жудоликларига қарамай булар умумсамимият, умумбағрикенглик, беғараз руҳий бирлик ва фидойилик кунлари эди — эҳтимол менинг ҳаётимнинг энг муқаддас кунлари эди булар”.

Сиз кейин “Тошкент репортажи”даги мана бу сатрларни эслаб, йилларга тимсол излайсиз:

Томлар йўқ. Фақат — осмон.

Энг мустаҳкам том — осмон.

Кечаси дафъатан уйғониб кетасиз. Руҳингиз бардам, идрок шабнамдай тиниқ, кўк уммонида юлдузлар оқими шовуллайди — ҳаммаёқ осмон, осмон, осмон. Очик деразалардан уйларга ошиб-тошиб кияпти осмон, кўлмакларда — осмон, шаҳар узра қатлам-қатлам бўлиб қайнаб кўпчиб ётибди осмон, гўёки бу шаҳар асрлардан бери осмонни тутқунликда асраган-у, шу кеча озодликка чиқаргандай — осмондан замин қадар, замин-

дан осмон қадар — ҳаммаёқ осмон, осмон, осмон! Шундай тунларда туриб инсониятга кўнгилни тўкиб солгингиз келади. Шеър ҳам шундай тунларда ёзилса керак.

— *Шеър ёзилмайди, — дейди сергак тортиб қоронғуликдаги шоир, — рўй беради. Худди туйғу ва ёки кун ботиши янглиғ. Рух бир иштирокчидир, холос. Ёзмадингми, демак шундай рўй берди.*

Сиз изза тортмайсиз. Унинг олдида ўзингизни ноқулай сезаётганингизни ҳам унутасиз. (Дарвоқе, бу иккинчи учрашув-ку!) Унинг ҳақиқатан ҳам вақти зиқ. Кечқурун Парижга учиб кетиши керак. Шаҳарда ҳали талай ишлари маҳтал. Бир ёқда нашриёт тижилинч қиялпти — қўлёзмани тезроқ тушириш керак. Бир ёқда бурчакдаги телефон тинимсиз “пу-пу”лайди, шоирнинг умид-армони эса Зоя Борисовна — Оза кўнғироқ қилинганларга жавоб бериш билан андармон, яна бир ёқда — сиз. (Хаёл орасида ташбеҳ қиласиз: “Шоирнинг ҳаётида бўш лаҳза ёки сония йўқ. Кунлари пианино клавишларидай тифиз.) Гўёки ёнингиздаги инсон жонли сайёраю, сиз ҳозир сўрайдиганингизни сўраб олмасангиз агар, юлдузлар чангини тўзғитиб ғойиб бўлиб кетадигандек. Дарҳол фикрингизни бир ерга жамлайсиз, ўйлайсизки, бу инсон Пабло Пикассо, Марк Шагал, Роберт Лоуэлл, Пабло Неруда, Нозим Ҳикмат, Луи Арагон, Уилям Жей Смит, Габриэл Гарсиа Маркес, Любомир Левчев сингари жаҳон тасвирий санъати ва адабиётининг йирик сайёралари билан ҳамнишин бўлган, ҳамдил ва ҳамдарад бўлган бу инсондан айни пайтда — ўзи имкон бериб турибдими — кўп гапларни бўтакўзлардай беозоргина узиб олиш мумкин. Сиз шу аснода Нозим Ҳикматни ўйладингиз ва хоҳиш билдирдингизки, мезбонингиз бу ҳақда гапириб берса.

— *Нозим Ҳикматнинг Борис Пастернакни кимга ташрифиди ҳеч ёдимдан чиқмайди. Мезбон унинг шарафига, кечмишида аланга сочаётган инқилобий машғала шарафига қадаҳ кўтарди. Нозим жавоб бера туриб, даврада ҳеч ким туркча тушунмаслигидан ўқинди, у наинки машғала, балки шоир ҳам эканини ва ҳозир шеър ўқиб беришни айтди. У шеърни шиддат билан ўқирди. Юраги оғрир,*

оғир-оғир нафас оларди. Кетаётган пайтда шамоллаб қолмаслик учун кўкрагини кўйлаги остидан ўзимизда, чет элларда чиқадиған газеталар билан ўраб олди. Пастернакниқида бундай газеталар сероб эди. Мен уни кузатгани чиқдим. Шоирнинг кўкрагида воқеалар шилдирарди, рўйи заминни кўтариб юргандек эди Нозим.

У гапирар экан, фасллар сизнинг кўз олдингизда газетадай шилдираб кетгандай бўлди.

Олис-олис бўшлиқлардан “ОЛОХОЛУУ!!!” деган садо келди. Хотирот туманлари босма қоғоздай шимди бу садони. Сизнинг айрилиқ азонингиз эди бу: “ОЛОХОЛУУ!!!” Ёқутчада “Ҳаёт-Мамот” деган маънони беради бу сўз. Сиз ўша кунлари, кунлар эмас, олти ой “Мангу ризқ” — “Вечное мясо” достони билан олишингиз. Аввалига қоғозларни йиртиб ташладингиз, шоирнинг китобларини улоқтирдингиз, бўлди, бас, деддингиз, таржима қилмайман, бошқа қўлимга олсам одам эмасман! Лекин бу лаънати “ОЛОХОЛУУ!!!” сизни тинч қўймади, қайга борсангиз таъқиб этди, уйқуларингиздан юлқиб, ёнғин бонгларидай тушларингизга бостириб кирди, йўлларингиз “ОЛОХОЛУУ!!!” дерди, гулгун фаслларингиз — сизнинг “Наводир уш-шабоб”ингиз айрилиқ қуюнларида “ОЛОХОЛУУ!!!” дебон хазонрезгига айланарди, автомобиль ҳалокатида ёш кетган акангизнинг етти фарзанди чирқираб “ОЛОХОЛУУ!!!” дерди, дунёдан умидини узган бемор отангизнинг дуони зўрга кўтарган титроқ кафтлари “ОЛОХОЛУУ!!!” дерди, волидангизнинг сўлғин, қовжираган жуссаси “ОЛОХОЛУУ!!!” дебон унсиз фиғон чекарди, жувонмарг мусаввир Шухрат Абдурашидовнинг сўнгги табассуми “ОЛОХОЛУУ!!!” дея видо сочарди, “Азизларим, — дердингиз сиз, — шошманглар, одам бўлай, ҳаммаси яхши бўп кетади!” — наҳотки одам бўлмоқ учун қанча яхши одамлардан айрилиш шарт бўлса? — қишлоқ ортидаги мозорнинг тилсиз деворлари “ОЛОХОЛУУ!!!” дерди, сиз отангизнинг хокидан дийдаларингизга хас олиб “Оллоҳ, ў, Оллоҳ!” дердингиз, “Ота, —

дердингиз, — отажон, мен келдим, биринчи китобим чикди!” Йиллар жим. Асрлар жим. Дунё безобон.

Олохолуу! —

Дўстларни қанча кўп дафн этсанг, ному

Ёдлардан шунча кўп ўртанади жон.

Мен шунча дафн этипману...

* * *

— Лоркани яхиши кўраман,— дейди шоир.— Унинг учаётган қайиқ янглиғ энгил, театр залининг юқори арки сингари гулдурас солиб тургувчи, радиолокаторнинг зар қоғози мисол сезгир, оранж пўстлоғидай ачимтир ва ўткир ис таратгувчи исмини яхиши кўраман... Шеърият— ҳамиша инқилоб. Янгича жазо усуллари қўлланиладиган қамоқхоналардаги кирдикорлар учун Лорканинг ички ҳуррият, эркинлик, жўшқинлик ила йўғрилган қўшиқлари инқилоб эди. Бетон зиндон девори фонигадаги лола исён, қўзғолон бўлиб туюлади.

Сиз шу аснода Андрей оғанинг “**Аср қандай бўлса, шоир ҳам шу**” деган сатрини эслайсиз ва яна унинг “О” сарлавҳали, давру замоннинг қон томирлари гупуриб уриб турган қиссасидаги “**Кўлёмалар ёнмайди, йўқ, муаллифлар ёнади**”, деган сўзларини кўнгилдан ўтказасиз. У эса давом этади:

— *Метафора — шакл мотори. XX аср — эврилишлар, метаморфозалар асри. Бугунги кунда қарағай дарахтини қай тарзда изоҳлаш мумкин? Сунъий тола дебми ва ёки ракетанинг ойнасимон пластмассасими? Менинг паҳмоқсимон жимпирим кечалари оққарағайлар номини олиб алаҳсирайди. Унинг тушларида паҳмоқ аждодларининг игнабарглари шовуллаиди.*

Сиз яна мулоҳаза соҳилидасиз. Ўйлайсизки, Шоир — қайда Дард бўлса ўша ерда, деб. Аслини олганда-ку, бугунги кунга келиб Ер куррасининг инсоний дарду изтиробсиз бирон-бир гўшаси қолмаган бўлса-да, бу думалоқ глобус денгизлар ва дарёлар, мамлакатлар, минтақалардан эмас, инсониятнинг дарду ҳасратларидан таркиб топган эса-да, барибир ўйлайсиз: кимдир

кўзёшларни артиши керак-ку, кимдир зада кўнгилларни, ҳеч бўлмаганда беғараз, инсоний сўзлар ила кўтармоғи зарур-ку! Суҳбатдошингиз бундан ўн йил бурун бўлган бир гурунгда бундай деган экан: **“Шеърят ҳозирги кунда тирикликни, биринчи навбатда, бутун одамзодни асраш жамиятидир”**. Кейинги йилларда одамзод бошига тушган энг оғир кулфатлардан бири Чернобиль фожиаси бўлди. Бу масаланинг барча ижтимоий-иқтисодий, экологик ва халқаро томонларини бир четга қўйсақда, маънавий жиҳатларига эътибор берсак агар — шоирнинг сўзи бу ўринда қандай роль ўйнайди? Албатта, шеър ё дoston билан кулфатнинг олдини олиб ва ё ўлганларни тирилтириб бўлмайди. Бироқ... Яхшиси шоирнинг ўзи жавоб берсин бунга.

Кечир, мен инсонни кечиргил, инсон —
Россия, Европа, тарих қошида.
Сўқир офатларнинг ваҳшати бу он
Юртим ва асримнинг тушмиш бошига.
Кечиргил, мен фақат инсонман ожиз,
Нобель тожи билан сийланган умид.
Чернобиль кулфатин қайтариб, куйиб
Кетганлар, Сиз мени кечиринг холис.
Айбдор фан ё одамзодми — қандай шўриш бу?
Бугун нима бўлди? Эрта не бўлар?
Недин огоҳ этди бизни Чернобиль?
Наҳот назоратсиз қолган уруш бу?
Алвидо, алдамчи илинжлар, хайр.
Ҳали ҳам кеч эмас, эсинг йиғ, дунё!
Ў, Худо! Мен бугун худо бўлсам гар,
Ночор қолганинг-чун кечиргил, Худо!
Худодир ўтларга ўзни ташлаган,
Реакторни тўсиб, ўзи ёнган жон.
Киев, Одессани қақшаб асраган,
Инсондай йўл тутди, чунки у инсон.

Ҳозирги кунда уч аср умрини кўрган чинорни одамзод ўзининг электрарраси билан беш дақиқада йиқиб, саранжомлар экан.

— Маданий ёдгорликлар,— **ўйчан давом этади шоир.**— Самарқанд, Бухоро, Хоразм. Менимча, ўтмиш ёдгорликларини асраш жамияти билан бир қаторда келажак обидаларини сақлаш жамиятини ҳам тузмоқ керак.

Журналист Геннадий Жаворонков савол беради. Бу савол ҳамда шоирнинг унга қайтарган жавоби бевосита юртимизга, бизу сизга дахлдор бўлганлиги сабабли тўлиқ келтирмоқ жоиз.

— Академик А.Яншин ёздики, Сизнинг достонда алоҳида боб бўлган Байкал ҳақидаги шеърингиз икки нуқтаи назарнинг курашида юзлаб докладлардан кўра кўпроқ роль ўйнади деб. Ҳозир “Хандақ”нинг қозоқча нашридан тушган қалам ҳақини Оролни қутқариш фондига ўтказдингиз. Нима учун Орол тақдири бугунги кунда сизнинг энг дардли нуқталарингиздан бирига айланди?

— Оролни ҳалокатга келтирган кимсаларнинг ахлоқсизлиги мен учун “Хандақ”да тасвирланган жиноят билан баббаробардир. Буни қаранг: Оролни “табиат хатоси” деб очиқчасига айтишгача боришди-я! Денгиз қотиллари ўзларини табиат хатоси деб ҳисобламайди. Байкал тақдири қозоқ, туркман, қорақалпоқ, ўзбек шоири учун нечоғли дардли бўлса, Орол тақдири мен учун ҳам шунчалик дардли, армонлидир.

Сўзни шу ерда, “армонли” жумласи ила яқунласангиз ҳам бўларди, бироқ Сизнинг яна бир кичкина армонингиз бор, бу армон Париж, Лондон, Нью-Йорк, Флоренция, Чикаго, Ванкувер, София сингари шаҳарларнинг китобхонлари қалбини забт этган, Англия, АҚШ, Польша, Олмония, Чехословакия, Болгария, Италия, Франция, Япония, Югославия сингари кўплаб мамлакатларда китоблари чиқаётган, шеърлари чоп этилаётган бу жаҳонгашта шоирнинг, “ярим умри аэропортларда ўтган” бу сайёра шоирнинг, Нью-Йорк адабиёт ва санъат академияси, Маларме номидаги Франция шоирлар академияси, Бовария санъат академиясининг фахрий аъзоси бўлмиш бу жаҳоншумул зотнинг ҳазрат Алишер Навоий ҳақидаги фикрини билиш истаги эдики, сўрамоққа жазм этдингиз.

— Алишер Навоий— улуг, бетимсол шоир, у ҳақда бирор бемаъни гап айтиб қўйишдан қўрқаман. Навоийнинг минг йилларга татирли аҳамияти бор. Айни чоқда у бизга ҳар куни керак. Унинг шеърояти машаққатларни енгиб ўтишининг, меҳр-муҳаббатнинг ёрқин тимсолидир. Мен ўзимнинг “Шояд” достонимни ёзаётганимда кўз ўнгимда Алишер Навоий яратган ошиқ-маъшук қад ростлаб турган эдилар. Токи ошуфта қалбларнинг буюк севгиси яшар экан, муҳаббат ҳам абадий барҳаётдир.

Бу самимий сўзлардан кўнглингиз ёришади. Шоир билан хайрлашасиз.

* * *

Москвага қайтишдан олдин Переделкино ҳовузининг бўйига борасиз. Эсингиздами, шоир “Ўн тўрт ёшда эдим” асарида қандай меҳр, қандайин илиқ соғинч билан тасвирлаганди бу ҳовузни!

Куз. Юксак қарағайларнинг зарҳал елкаларидан ўрмонга куз куёшининг олтин кокиллари қуйилади. Чирик хазонларда ҳам бир илиқлик бордай. Ана, қирғоқда навниҳолгина бир қайин. Есенин шеърининг барг ёзган сатрига ўхшайди. Ҳовуз осмондай сокин. Қирғоқдан ҳовузнинг ичига ағанаган қарағай танасида, новдаларида қатор ўрдаклар ўтирибди. Ўн учтасини санайсиз-да, йилларим, дейсиз. Яна ҳовузнинг ичига чўккан осмонга тикиласиз. Ўйлайсизки, йиллар, тиллар, эллар бошқа-бошқа бўлган билан диллар бир, дил осмонлари, ақлу заковат, маънавият осмонлари бир, муштарақ, буржлари бир-бирига тўғри келади. Яъниким, “Яхлит осмон билан тирикдир инсон”. Ва славянларнинг эзгу удуми бўйича ҳовузга танга ташлайсиз. Токи бу ерларга яна қайтиб келсангиз, токи дил осмонларига элтгувчи сўқмоқларингизни хазон қопламасин.

1988 йил, октябрь

“ЎТКАН КУНЛАР” ЁДИ

(“Ёшлик” журнали учун)

Абдулла Қодирий ҳақида ҳамма гаплар айтилиб бўлингандай, ул зот чеккан ранжу ситамлар, бошидан ўтқарган хорликлару еткизилган озору ҳақоратларни сўйламаган одам, қаламга олмаган шоир ё ёзувчи қолмагандай, русумат учун гапираётганларнинг ўзи ким қанча — бу гап-сўзларнинг бари бир тараф, адибнинг ўзи яратган асарлар бир тараф — энг одил сўз, олий маҳкамаларнинг олий ҳакамлари ҳам чиқара олмайдиган етук оқлов сифатида мангу салмоқ касб этиб турибди.

Бу асарлар — миллат фахри, муаллиф тақдири — миллат тақдири. Улар тақиқланган кунларга миллат тақиқланган кунлар, Қодирий қатл этилган замонга эса миллат қатл этилган замон деб қарамоқ керак. Мангу асарларнинг мутолааси мангу, туганмас мутолаадир. Қодирийни ўқиб битқариб бўлмайди, шул сабаб, ҳамма гаплар буткул айтилгандай туюлса-да, аслида ҳеч нарса айтилмаган бўлиб чиқади.

Мутолаа — жозиб машғулот, руҳ ва кўнгил тарбияси, шул ажиб тарбия унутилаёзган тушуниксиз бир замонда яшаётирмиз. Шундай пайтда, бозор муносабатлари ғалағовуридан батанг келган кунларнинг бирида, дейлик, сизни кўргазмага таклиф қилишса, қандай ҳолатга тушасиз? Ҳамма ёқни катта, улкан пештахталардай тўсиб турган уйлар оралаб кўргазмага борасиз, сукут пойандоз тўшаган йўлакдан юриб, ўймакор устунга суяниб хаёл суриб турган Кумуш, “киприги кўксига соя солган”, ерга қараб турган Раъно қаршисидан чиқасиз, девонхоналарга тикиласиз, кўнглингиздан: “бундай оқилалар энди дунёга келмайди”, деган ўй кечади, алам қилади, замон савдолари ичра қолган кўнгил бирдан юзага қалқийди, майда-чуйда ташвишлар қурбони эмас, сиз яна кўкси зирқирётган ошуфта бир инсонга айланасиз.

Бу суратларнинг муаллифи Алишер Мирзаев, яъни Алишер Мирзо — ўзбек мусаввирлари орасида миллий тасвирга кўпроқ эътибор берадиган, марҳум Шухрат

Абдурашиднинг энг яқин дўсти, шеъриятдан, адабиётдан хабардор рассом, Абдулла Қодирийни мутолаа қилиш жараёнида кечирган дарду изтиробларидан бир қанча тасвирлар яратибди-ки, уларга боқиб нола қилгингиз келади.

“Ўткан кунлар”га шарҳ ва талқинга ҳожат бўлмагани каби, ушбу суратларга ҳам изоҳ даркор эмас. Уларни кўрмоқ, англамоқ, кўнгил кўзгусига жойлаб қайғурмоқ керак. “Хаёл” суратидаги Кумушнинг (уни Раъно деса ҳам бўлади) инжа ҳолати, унинг ўймакор устунни тутган узун бармоқларию, билагини қисган билагузуги, белининг нозиклигини янада нозиклаштирган нимчаси, қаро булутлар аро тилло тилимдай кўришиб турган ҳилол тасвиригача — ҳаммасида бир мукамал назокат бор, гўзал, беғубор интизорлик бор. Бўйин бўйлаб, сирғага ненидир шивирлаб, ёқага видо айтиб, бағир узра пастга энган кокилга қараб Фузулийдан байт айтмоқ мумкин:

Жаҳонда қаддинг узра кокилингдан фитнае душмиш,
Қиёмат ибтидоси, фитнайи охир замондир бу.

“Ҳижрон”даги ҳижронга таъриф йўқ, бундаги интиқлик, илҳақ кўзлар тубидаги умид, эшикка тегиниб турган нозик бармоқлару аллақачон тарих мулкига айланган зебигардонлар, эшик зулфинларидаги мунтазирлик яратувчисини сўраб фарёд қилаётгандай, ушбу сурат Қодирий асарлари муқовасига мумтоз тасвир бўлмакка муносибдир. Ва яна бир жўяли таклиф — ушбу суратларнинг ҳаммасини адиб асарларига расмли илова сифатида ишлатиш мумкин. Қодирийга бағишланган адабиёт дарсларида бу тасвирларнинг кўмаги беқиёсдир. “Кумуш ва Зайнаб” суратида кинода тасвирланган жирраки, ичи қора, жаррор Зайнаб эмас, мунис, эзгин бир қиёфа тасвирланади, сиз уни айбситолмайсиз, унга раҳмингиз келади. Бу суратдаги Кумушнинг ҳолати эса сизнинг аҳволингизни тушуниб тургандай, чехрасида меҳр-шафқат...

“Ҳаётим лозазоридин аюрдинг”да ҳам жонсиз ётган бўлса-да, шу шафқат Кумушнинг чеҳрасида зоҳир бўлиб қолибди.

“Тақдир эшиги”, “Кўрқинчли туш”, “Имоним тазйиқи остида сўзлайман”, “Қатағон”, “Ўткан кунлар ёди” каби суратлар кишини жунжиктиради. Қодирий сингари улуғ сиймолар тақдири бутун миллатни жунжиктирган қисматдирким, мусаввир бунга бефарқ қарай олмайди, бизни яна бир карра огоҳлантиради, бу тасвирлар унинг кўнгил ва руҳ эҳтиёжидан келиб чиққан, кўнгил ва руҳга эҳтиёж эса ҳамма муҳитда ҳам ниҳоятда зарурдир.

1991

МУҲАББАТНИНГ ЁПИЛМАС ДАРСХОНАСИ

(Фафур Фулом таваллудининг 100 йиллигига)

Аллома шоиримиз, элимизнинг улуғ фарзанди Фафур Фулом таваллудининг 100 йиллиги нишонланаётган шу қутлуғ кунларда ҳаммамиз ифтихор ва ҳаяжондамиз. Кечагина бутун мамлакатда “Хотира ва Қадрлаш куни” нишонланди, элу элдошларимиз, ёшу қари барчамиз ўтганларни ёд этдик. Бугунги баҳорий тонгллар, қуёшли, тиниқ осмонлару ҳаётимиз учун шукроналар айтдик. Лекин шукрона бир дамгина ёинки бир кунгина айтилмайди. Одам боласи ҳаёт экан, шукроналик унга йўлдош, ҳамнафас демак.

Шу маънода Фафур Фулом таваллудининг асрий санаси Хотира ва Қадрлаш кунидек табаррук ва мўътабар айём билан мувофиқ келиши, олдинма-кетин нишонланаётганида ҳам ажиб рамзийлик, гўзал ҳикмат ва тимсоллар бордек.

Фафур Фулом тимсолида адабиётимиз, шеърятимизга кўрсатилган Олий мақомдаги эътибор, юксак ҳурмат-эҳтиром учун барчангизни чин дилдан табриклайман! Муҳтарам Президентимиз, бундан бир соатгина аввал шу эҳтиромни яна бир карра ифода этиб, Мирзо Улуғ-

бек номидаги кўркам боғда улуғ шоиримизнинг муҳташам ҳайкалининг очилиш маросимида иштирок этдилар. Бу юксак иззат-икромлар айна пайтда шоир-ёзувчиларимизга билдирилган юксак ишонч ҳамдир ва бизнинг зиммамизга янада катта масъулиятлар юклайди, албатта.

...“Шеърнинг уфқи кенг, фазоси баланд”, деган эди Фафур Фулом. Бу шеърятнинг миллий маънавиятимиз уфқлари ила, ўзбек халқининг қалб ва руҳ фазолари билан пайвастлиги боис ҳам мана шундай гўзал мажлислару файзли анжуманларнинг гувоҳи бўлиб турибмиз.

“Ватанимиз Мустақиллигини, бу ҳуррият замонларини Фафур Фулом кўрганда эди, ҳаёт бўлганда эди.”

Фафур Фулом кўрмай кетгани, ул зотнинг ўзлари лутф этгандек “Қуёшга пардоз қути дейилса арзигудек” Ватани, элию элнинг ўзидек жайдари ва бетимсол шеърлари кўраётир.

Бу шеърят — улкан ижод ва маҳорат мактаби, тирикликка муҳаббатнинг ёпилмас дарсхонасидир. Бугунги кунда устозлик мақомига етишган Эркин Воҳидов, Абдулла Ориповдек эл шоирлари шеъряти шу назмий тоғнинг шарқираб ётган, маънавий муҳитга тоза ҳаволар таратаётган дарёларидирлар. Озод домламизнинг куч-ғайратларию ўтли-муҳаббатли битикларида ҳам Фафур Фулом қалбининг тонготарлардай беғубор ва беэзавол меҳри давом этаётгандек...

Абдулла ака Фафур Фулом хотирасига бағишлаб

Зор йиғлаб, навосиз қолмагай дунё,
Ўзи чора топмай йиғлагай алам.
Шогирдлар қўлидан тушмагай асло
Сенинг қўлларингдан тушган шу қалам,

деб ёзганда ҳам шу ижодий мактаб, улуғ шеърятнинг бардавомлигини назарда тутган эди. Ва айна пайтда Фафур Фулом насрий меросининг аҳамияти ҳам шундоқ юксак мақомга сазовордир.

Бизнинг авлод Фафур Фуломни тириклигида кўрган, бу ном, бу шеърят мактаб партасида сиёҳ ҳиди билан бизнинг қалбимизга кирган.

Бу шеърият ҳаётга юксак нуқталардан, тик ва мардонавор қарашни ўргатади.

Ҳаётга шайдолик, тирикликка, унинг тонгларига ошиқлик, Ватанга, оила ва фарзандларга муҳаббат қандай бўлишини ўргатувчи, дилларда меҳр, завқу шавқ ва ҳавас уйғотувчи шеъриятдир бу, демакким, ундан сабоқ ва ибрат олмоқ ҳеч қачон эскирмайди.

2003. 10.05

“НУРЛАР МАВҚЕИНИ ТАНИМОҚ...”

Биз “Очиқ деразалар”, “Карвон кўнғироғи” китобларидан буён орзиқиб, интиқиб ўқийдиганимиз, чоп этилажак ҳар бир шеърий тўпламини ўқувчилар севинчу соғинчлар ила қарши оладиган устоз шоиримиз Омон Матжоннинг бутун ижодиёти ҳозирги замон ўзбек адабиётини нурлантириб турган сершуъла, мунаввар кошоналардан биридир.

У китобларнинг чиққанига ҳам ўттиз йиллардан ошди.

Бу шеърият — ўзига хос нур ва зиё йилномасидир. Шоир кўнглидан Хоразмнинг минг бир минорларига томон тортилган, ундан тариху тақдирларга узанган ва яна ҳазрат Навоидан “Минг бир ёғду”лар олиб, “Қуш йўли”дан бугунги кунимизга қайтган, кўнгилларнинг олмос қирраларидан шуъла сочаётган бир нурафшон, бир дилафшон шеърият.

У пайтлар бировларимиз бешиқда, бировларимиз Самарқанду Тошқанда, Фарғонаю Урганчда талаба эдик. Бу сеҳрли ва тоза шеърият кўнгилларимиз томон ўз деразаларини ноҳос очиб юборди. Дилларимизга бир зиё, мутлақо янги бир шеърий ҳаво уфуриб кирди.

Биз кейин бирин-кетин шоир қалбининг нурли бўлақларидан тартиб берилган “Қуёш соати”, “Ёнаётган дарахт”, “Ярадор чақмоқ” сингари китоблардан баҳраманд бўлдик. Бу тўпламлар нечоғлиқ тез чиққан бўлса шунчалик тез тарқаб кетди. Сўнгра “Ҳаққуш қичқирғи” билан “Сени яхши кўраман” китоблари чоп

этилди. Бир нур тизими бўйлаб дунё юзини кўрган ушбу тўпламларнинг ҳар бири шоир ҳаётида ҳам, шеъриятимизда ҳам ўз мавқеи, маърифий-маънавий ўрни билан яралган эди. Улар — шоир яшаган даври замонларнинг, Қалб ва Руҳнинг шеърий ҳам тарихий хужжатларидир.

“Дарахтлар ва гиёҳлар” китобини оралаб, биз ундан кейин “Гаплашадиган вақтлар” отлиғ қуюқ шохлари осмону фалакка тарвақайлаб кетган улкан азим чинор тагига чиқиб келдик. Энди нафас ростласак ҳам бўлади деганимизда, воқеалар, маънолару изтироблар, дард ва қайғу, мантиқ ва кечинмалар, севинчу аламлар, ҳаёт ва ўлим сингари жамийки инсоний сезгилардан тикланган бу чинорнинг салобатию залворидан лол бўлдик. Яна асл ҳолатга қайтиб, ҳаёту тириклигимизда, инсоний Бурчимизга оид хулосалару ибратларни шу чинордан ола кетдик. Сўнг эса “Ўртамызда биргина олма” қолди. Кейин “Иймон ёғдуси”, “Эркин ҳаволарда” номли сайланма китоблар.

Биз бу шеъриятдан Паҳлавон Маҳмуд, Жалолиддин Мангубердини билдик, Огаҳий ва Феруздек улуғ зотлар ила дўст тутиндик. “...саҳролар ичинда инжу. Тангрим қумни элаб йиққан олтин” юрт, маънавият ва тамаддун оламига Шайх Нажмиддин Кубро, Абу Райҳон Беруний янглиғ улуғ сиймоларни берган сеҳрли диёр Хоразмни танидик, англадик.

Заҳматкаш шоиримиз бу китоблари, шеърларию дostonлари билан шу йиллар давомида шеърма-шеър, ғазалма-ғазал, дostonма-дoston, китобма-китоб ўйлаб, синчиклаб, дард чекиб, севинч улашиб, бир улкан шеърий кошона тиклади. Айтилганидек, бу мунаввар кошонанинг барча нурпош деразалари ҳамма томонларга очиқ. Бу кошонага шамлар, фонуслар ила кириб, қуёшу машғалалар ила чиқмоқликлар бор.

Бу шеърият “уч минг йиллик соғинч”дан сўйлайди. Уч минг йиллик кўнгилнинг шарҳу баёнидир бу.

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилган “Ардахива” китоби ҳам шу кўнгил, шу чексиз соғинчнинг муқоваланган бир бўлаги. Китобнинг “Ардахива” деб номланишининг ўзиёқ Омон

оғанинг ўз ижодий услуби, мақсад-маслагига содиқлигининг бир белгиси сифатида дарров қизиқиш уйғотади. Унда бир янги гап борлигини китобхон муқовасига қараб илғай бошлайди. “Ардахива” — драматик қисса, тарихимизнинг “Авесто” ёзила бошлаган даври, муаллифнинг ўзи таъкидлашича, “тарихимизнинг Исломгача бир неча минг йил бурунги даврида бўлиб ўтган воқеа” хусусида. Мазкур қисса — узоқ ўтмишимиз, тарихимизни билиш, ўрганиш йўлида шоиримизнинг ўзига хос бир ҳиссаси, гапи, меҳнати ва хизматидир. Бу шунчаки бир баён ёки тарихий сўйлаб бериш эмас, балки — тарих таҳлилидир, шоирнинг кўнгли таҳрири, мақсад ва маслаги, Бурч ва Масъулиятининг бир нидосидир. Қисса иштирокчиларидан бири Бўлукнинг донишманд ақлдори Пирдаранхоннинг шундай сўзлари бор: “Қорнингни кўнглингдан катталама”. “Адлга йўл оч — осмон эшик очгай”.

Булар — ҳикматлар, ҳикматли гаплар. Уларнинг елкасида уч минг йиллик юки бор.

Фурсат оз! Эрк бутлар ўз шажарасин,
Ҳарф титар кечмишлар алифбосидан.
Уч минг йиллик соғинч!
Гапир, бор бўлсанг
Бир парча, бугуннинг Авестосидан.

Бу шеърый парча китобдаги “Аёз қалъада” деган шеърдан олинган. “Анъана” ва “Ноанъана” дея бобларга бўлиб берилган шеърларнинг асли йўналиши бир, муаллифнинг мақсад-муддаоси ўша-ўша: инсонни комилликда, нуру зиё ичра кўрмоқ. Унинг тийнатини Яратган буюрмиш фазлу камол, Бурч ҳам Вазифада деб билмоқ.

Аслида инсонга нур йиғмоқ учун,
Шуъла излаш учун берилган умр.

Илк китобларидан бери тинимсиз, узлуксиз келаётган, айтилаётган бу нур нима? Майса, гиёҳлар ҳам

қуёшга интиладилар. Кўкламда кўкарган япроқларнинг ҳам ўз тарона, шукронаси бор. Одамзод шуларчалик ҳам бўлолмайдими? “Ахир ўт ҳам бекор ёнмас, ўз бурчи, ўз вазифаси бор”.

Зотан Нозил Ҳақдан беҳабарлар кўп,
Кўпдир Бахтни кўрмай ўтиб кетганлар.
Кўпдир ўн икки бурж атои нурни
Эрмак ялт-юлтларга зое этганлар.

Келмоқдан мурод не? Кетмоқдан мақсад не? Ҳаёт нимаю ўлим нима? Шеърлар мутолааси давомида бу мангу саволлар тинмай айланаверади. Шоирнинг ўй-кечинмалари, саволлари “Икки дарё оралиғи” билангина чегараланиб қолмайди, улар бори инсонларга, келиб-кетгувчи барча жонларга, инсониятга тааллуқли.

Демак, Одам ёруғ дунёга келар
Нурлар мавқеини танимоқ учун!

“Нурлар мавқеи” бу, айти пайтда шоирнинг ҳам мавқеидир. Шоир шу мавқедан туриб одамзоднинг ҳам мавқеини белгилаб беради. “Ҳой, ким, не одамсан?! Ичинга бир боқ — Қалбму у ё совиб ётган астодон?!”

Китобдаги “Кубро эътирофи”, “Топилдиқ кушлар”, “Чоржўй-Кўнғирот темир йўли”, “Белгиларим”, “Арсат”, “Садоқат”, “Замон саҳнасида” сингари шеърларнинг залворидан ҳам айнан шу нур сирқираб туради. Бу нур замону маконлар оша “Азми юксак зотлар асли хор ўлмас” дебон келаётгандек, таъкидлаётгандек...

Бунда Зардўшт ўт ёқди алвон,
Келди-кетди Буддаю шомон.
Мангу нола қилар Отажон
Икки дарё оралиғида.

...Бугун Хоразмда йўллар қурилмоқда, боғлар кўкармоқда. Янги авлод — насллар озод Ўзбекистонимиз билан бўй ўлчашиб, кўрк талашиб улғаймоқда, камол

топмоқда. Жалолиддин Мангубердининг озод қад ростлаган келбати кўҳна тариху давронларга янги ҳур замонлардан муждалар йўллаётгандек. Шу элнинг камтарин фарзанди, Ўзбекистон халқ шоири Омон Матжоннинг янги китоби айни кунларда қўлма-қўл бўлиб ўқиладигани ҳам шу элнинг уйғоқлигидан дарак.

2001

ЯШАСИН ЁМҒИРЛАР!

У пайтларда биз ёмғирларда шалаббо бўлиб юришни яхши кўрардик. Ўсмирликнинг, ёшликнинг оқ, нурли ёмғирлари.

Биз — муртимиз энди сабза ура бошлаган, сочларимиз ўсиқ, елкада, юртнинг турли гўшаларидан келиб, дорилфунунга ўқишга кирган паст-баланд болалар, ўша пайтлар, яъни етмишинчи йиллар адабиётга гуриллаб кириб келаётган шоир-ёзувчилар билан яқиндан таниш бўлган, шундан фахрланиб юргувчи, Талабалар шаҳарчасининг эрка, тантиқ талаба шоирлари. Барча ёзган шеърларимиз бир дафтар бўлмайдими-ю, оламни шеър ва севги билан забт этгудаймиз. Адабиёт деса ҳамма нарсанинг баҳридан кечамиз. Адабиёт — биз учун байрам, туганмас қувонч, дарсга бориш йўқ, тайёрланиш йўқ, сессия бор, стипендия йўқ. У пайтлар Талабалар шаҳарчаси шеърят кечаларининг, адабий учрашувларнинг ҳақиқий гулшанига айланган эди. Биз ёмғирларда шалаббо бўлиб, ивиб шоир ва ёзувчиларни кутардик, кўклам осмонида қалдироқлар тантанавор даврон суради, еру кўк чексиз бир сурурга тўлиқ, дунё гўзал, олам ям-яшил эди.

Усмон Азим бизнинг кўнглимизга ўшал қалдироқлару ўшал оқ ёмғирлар билан кириб келди.

Эркин Аъзам ўшал осмонлару ўшал ям-яшил олам билан бизни ром этди, буткул шайдо этди.

Булар яхлит шаклланиб келаётган катта бир авлод, бу икки номни у оқшомлар, у адабий анжуманлардан ситиб олиб, алоҳида ажратиб бўлмаса-да, биз — бир

гала шоир бола шуларнинг тўпига аралашиб, қоришиб юрардик, улар — қалдироқлару чақинлар, шамоллару ёмғирларга тўлиқ булутлар, биз — дашту далаларимиздан эндигина кўчиб келган гиёҳлар, уларга доим интиқ ва муштоқ яшардик.

Тонг титрайди кеч кузакнинг кучоғида,
Юлдузларни ўчирмоқда гулгун шафақ.
Жоним, қалбим шеъриятнинг пичоғида...
Замин — тилсим, осмон — тилсим, шеър — бешафқат!
...Кўкка боқдим, ўт туташди жоним аро,
Қат-қат булут қатларида не сир-асрор!
Ҳайрат ичра ўлдиргуси мени само,
Она замин, бир учайин, қўйиб юбор!
...Ҳали бутун рўйи жаҳон шеър бўлажак,
Фақат бекор билиб ором кучоғини —
Бу дунёни сирга кўмиб яшаш керак,
Қалбга санчиб шеъриятнинг пичоғини!

— Ў-ў! Ў-ў! — дердик биз, — шеърни кўрдингми?!
Мана шеър, мана шеърият!

Бу шеър бизнинг ўша — ҳаяжону ҳайратларга лим-мо-лим, шеър симириб ўтказган кечаларимизнинг, орзу-ниятларимизнинг чин манзумасига айланган эди. Дамларимиз ширин эди, ҳаволар, олаётган нафасимизгача тотли эди, кўринмас, чексиз бир шавқу сурур бизни яшашга, “шеъриятнинг пичоғини қалбга санчиб” яшамоққа ундарди. Оламда эса...

Сездингми, ҳавода бир армон ҳиди,
Оламда турналар учмоқда, синглим!

Кейин “Инсонни тушуниш” деган юпқагина нафармон рангли шеърий китобча чиқди. Юпқагина бўлсада, Талабалар шаҳарчаси адабий муҳитини ларзага келтирган китобча. Мактабдан қолган, тасаввуримиздаги шеърларни синдириб ташлаган мутлақо янги, тоза шеърлар. “Мени севинг, мендан нафратланинг”, “Инсонни тушуниш”, “Подполковник Фатеев”, “Бойчечак”, “Параллел чизиқлар”, “Сен йўқ эдинг...”, “Бойсун

ҳақида ғамгин баллада...”. Бу шеърларнинг ҳаммасини биз ёд билардик, ёд айтиб юардик. Кўнглимизнинг, руҳимизнинг оқ ёмғирларига айланиб қолди бу шеърлар. Дилимизда уйғонаётган илк дарду оғриқларимизга шеърӣ жавоблар эди.

Опа, Ватан — улуг дард,
Опа, Ватан боғ бўлсин!
Шеърда сурагин чизсам,
Тўрт мучаси соғ бўлсин!

Кейин, муқоваси учиб бораётган қизғиш рангли тулпорлар расми ила безанган “Чироқлар ўчмаган кеча” номли юпқагина насрий китобча чиқди. Талабалар шаҳарчаси ётоқхоналарида, “журфак”у “филфак”да гап-сўз бўлган, қанча кечаларимизни завқу шавққа тўлдирган, ажиб ҳаяжонлар бахш этган гўзал, тоза ҳикоялар. Димоғимиздан болаликнинг ислари ҳали кетмаган бўлса-да, “Шайтончалар кўчаси”ни ўқиб кўнгилимиз тўлган, биздан кетмоғи муқаррар бир тиниқ, беғубор оламнинг соғинчу орзиқишларидан кўзларимизда ёшлар айланган.

“Салом, эй соғинтирган ардоқли оҳанглар! Салом, эй унутилган ҳислар, орзу-хаёллар! Қандоқ тотли, қандоқ дилбар, қандоқ оромижонсиз! Шунча маҳал қайда эдингиз?.. Салом, кенг осмон! Мунча беғуборсан, мунча порлоқсан! Бағрим ҳозир сенинг беғуборлигингга, порлоқлигингга, рангин наволарингга лиммо-лим... Сизни шарафлайман, ҳаётбахш оҳанглар! Салом, соғинтирганларим!”

Кейин... шаҳарчамизни арининг уясидай тўзғитган, “журфак”, “филфак”лардан ўтиб, “физфак”, “биофак”, “геофак”, хуллас шаҳарчада нимаики “фак” бўлса, ҳаммасида бирдай шов-шув кўзғатган “Отойининг туғилган йили” қиссаси чиқди. Бўлди байрам, бўлди овоза! “Гулистон” журналининг қисса давомли қилиб босилган икки-уч сони талабалару домлалар орасида қўлма-қўл бўлиб, тўзиб, титилиб кетганди. Ҳамма талабаларнинг оғзида шу қисса. Ўша кунлар ёшлар орасида оммавий тарзда ўқилган ёлғиз насрий асар “Отойининг туғилган йили” эди. Лоф эмас, бор гап бу.

Бу шеърлар, бу қисса ва ҳикоялар бизни маълум маънода улғайтирдилар, қалбимизни, руҳимизни тарбияладилар, маълум маънода бизнинг ҳам йўлимизни белгилаб бердилар.

Бир кеча... улар — бир тўп, биз — икки шоир бола — қалдироқлару чақинлар орасидаги ёмғир толалари янглиғ уларга қўшилиб автобусмиди, “Уазик”миди чиқиб олдигу кетдик. Ҳайдовчи ҳайрон, булар сархуш ва сармаст, “Истаган томонингизга ҳайданг!” дебон бор овозда, бир овозда ашулани бошлашди-ку!

Шифойи васл қадрин, ҳажр ила бемор ўландан сўр,
Зулоли завқ шавқин ташнаи дийдор ўландан сўр.
Лабин сиррин гелуб гуфтора бандан ўзгадан сўрма,
Бу пинҳон нуқтани бир воқифи асрор ўландан сўр.

Ҳайдовчи ҳам бу ажабтовур йўловчиларнинг ҳолатини тушунди шекилли, кулиб, мазза қилиб ҳайдади, ҳайдайверди. Шаҳар уйқуда, мошин тўла далли-девоналару қўшиқ, қанча йўллару қанча бекатлар бир ажиб бедорликнинг, фаройиб бир саргаштликнинг гувоҳи бўлди ўша кеча. Қўшиқ тобора авжга чиқарди:

Ўзи ёшлуларин ҳолин на билсун мардуми ғофил,
Кавокиб сайрини шаб то саҳар бедор ўландан сўр.
Хабарсиз ўлма фаттон гўзларинг жаврин чекканлардан,
Хабарсиз мастлар бедодини ҳушёр ўландан сўр.

“Ғамингда шаъмтак ёндим”... дейилганда ҳаммалари бир қалқишди, бир қалқишди-ей! “Муҳаббат лаззатиндан беҳабардир зоҳиди ғофил” дея авжини олишганда оламга ёнгин кетгандай бўлди, бу кайфият ҳайдовчига ҳам охир-оқибат таъсир ўтказди шекилли, у бирдан ғалати маъюсланиб қолди. Фузулий ҳазратларининг ғазаллари ҳам яралгандан буён бундоқ ажойиб саргузаштни илк маротаба бошдан кечирган бўлса керак. Кейин ёмғир бошлади, ҳаммамиз мошиндан тушдик, акаларимиз уй-уйига, биз яна шалаббо бўлиб ярим кечаси ётоқхонамизга келдик. Кейин Муҳаммад Раҳмон ёзади:

Ёмғир — Вақт,
Шамол — Вақт,
Гул ҳам — Вақт,
Кирмоқдамиз бизлар ўттизга.

“Ўттиз ёш” дейилгани бизлар учун у беғубор, маъсум дамларда ниҳоятда катта, улуғ бўлиб кўринган эди. 20–21 яшар ўсмирларга энг яқин акаларимизнинг ўттиз ёшни қоралаб қолгани, уларни биздан анча олислатгандай. Вақтнинг беомонлигини шафқатсизларча билдириб қўйгандай эди. Осмонларимиз ҳам сокин тортиб қолди. Талабалик тугади. Найсон булутлари янглиғ ҳар томонга тўзғиб кетдик.

“Дарс”, “Сурат парчалари”, “Иккинчи апрель”, “Бахшиёна”, “Уйғониш азоби”, “Фусса” китоблари, буёғи 25–30 йиллик ижодий умрнинг бор дарду изтиробларини ўзида жамлаган “Сайланма” шеърлар тўплами. “Отойининг туғилган йили”, “Олам ям-яшил”, “Жавоб”, “Байрамдан бошқа кунлар” қисса ва ҳикоялар тўпламлари.

Бу китобларнинг бари жамланиб, бир шоир, бир адибнинг илк шеъру ҳикояларидан бошлаб то ҳозирга қадар адабиётимизда ўзига муносиб ном қозона олганини, ўз сўзи ва нима учун келганини, муроду муддаосини исботлай олмайдами?.. Усмон Азим ва Эркин Аъзам — бир тупроқ, бир юртда ўсиб улғайган, бир дашту далаларнинг ҳавосини симириб катта бўлган, “бир бўғиздан чиққан икки хил қўшиқ” — назмий ва насрий қўшиқлар.

Йилларнинг олдида алдоқлар хордир!
Мангулик — қалбларда ярқ этган ҳаёт.
На унвон, на шухрат, на мансаб бордир,
Фақат ҳаёт бордир, эй Адабиёт!

“Яхши-да, одамларнинг ўртасида нимадир бўлгани яхши — одам эканини эслатиб туради”. Раҳматли Асқад муаллим “Эркин Аъзамнинг бош ташвиши — одамларнинг маънавиятидир”, деб ёзганларида адибнинг

бутун ижодига ҳам, ҳаётига ҳам сарлавҳа бўла оладиган қисқа ва лўнда таърифни айтиб кетганлар. Неча авлод болалари бу шеърият ва бу насрга ҳавас қилиб, ўқиб-ўрганиб, аллақачон шоир ва ёзувчиларга айланиб кетдилар. Абдулла акамиз “Элликда одамлар қирол бўлишган” деганларидек, Усмон Азим билан Эркин Аъзам эллик баҳор, эллик ёзни яшаб, ҳақли равишда ўз сўзларининг иморатини тиклай олган шоир-ёзувчиларимиздан. Йиллари, заҳматларию оқарган сочлари ўзлариники, лекин асарлари ҳаммамизники, барчаники. Худо узоқ умр берсин, сиҳатлик берсин деймиз. Биз ўсмирлик чоғларимизни, шеър ушуқуғга фарқ кечаларимизу оқ ёмғирларнинг севинчу шодликлари ила серфайз онларимизни қўмсаганда шу акаларимизни кўз олдимизга келтирамиз, мақтовини ҳам, танбеҳини ҳам аямаган, йўл-йўриқ кўрсатган, таъна-дашномлари ҳам бизни яхшиликларга йўналтирган шу дилдошларнинг китобларини варақлаймиз. Ва “Яшасин ёмғирлар!” деймиз. “Яшасин яхшиликларга сарф бўлган йиллар!”, деймиз. Зотан, ёмғирлар ҳамиша мусаффолигу тиниқлик, севинчу сафолар келтиргусидир!

2000

ШОИРЛИК ВА ШОИРЧИЛИК





ВАҲОБ ШОИРНИНГ САФАРИ

Аввалига ҳаммаси кўланка эди. Кўланка ва товушлар.

Кўланкалар келарди, кетарди, сўнгра яна келарди, келаверарди, бошим узра эгилиб, яна ғойиб бўларди. Бир кун улар жуда қуюқлашиб кетди. Ён-веримда, тепамда кўланкалар саросимаси. Бирови кетса, ўрнига яна бирови келади — қорайиб, қаторлашиб, сўнгра ҳалигилар чекиниб, оқ бир кўланка пайдо бўлади. Буниси манглайимгача эгилибон, яна узоқлашади, лопиллагандай бўлади, сўнгра муздай нарсани кўксимга теккизади. “Аоииуу-у”. Булар — товушлар. Ўша аснода мен илғаган товушлар.

Яна бир жуфт оқ, яшил кўланка бўларди. Ҳовлида.

Кейин аста-секин бу кўланкалар қиёфа касб этади, шаклга киради. Ҳовлидаги оқ кўланканинг қийғос гуллаган олча, яшили эса тол эканини англайман. Кейин товушлар сўзга айланади.

...Тепа қисми нураган пахса девор узра қуюқ гилослар орасидан кўшни ҳовлига мўралайман. Тупроқ супада Ҳожибби кампир урчуқ йигириб нола қилади. Унинг ўғли Аҳтамжон равоч тергани борганда тоғда яшин уриб ўлган.

Бошқа ҳовлидан эркак кишининг мискин алласи таралади. Бу — Усто Ҳабиб, ўғлини ухлатяпти. Кейин йиллар ўтиб, унинг овози ёдимнинг хомуш обидалари узра ҳазин азон янглиғ янграб қолишини у ҳали билмайди. Ўзим ҳам билмайман.

Жазирама. Кўчалар билқ-билқ тупроқ. Бўғотлар гирдида, пахса деворлару дарахтлар теварагида арилар, қўнғизлар гўнғиллайди. Узумлар ранг олган. Иссиқдан шира чиқариб, товланади.

Оқшом ҳовлимиздаги ёғоч сўрининг устунига осиг-лиқ дўмбира тоғдан Сайидумар амаким келганини билдириб мендан суюнчи сўрайди. Бу кеча, демак, яна гурунг бўлади, яна дўмбирада инграган куйлар мени узоқ-узоқларга — ўзим билмаган, кўрмаган манзилу маконларга элтади, яна Ислом тоға келади — ярим тунгача маталгўйлик, дostonхонлик, Гўрўғлию Авазхонлар. Сайидумар амакининг бармоқлари дўмбирани тирнаб қалтирайди, елкалари, соқолларию салласининг печи титрайди, кўзлари юмилган:

Йиғламанг ёру биродар, можароликдур букун,
Умр ўтиб, паймоналар тўлди, аддоликдур букун,
Айрилурумиз бир-биримиздан, жудоликдур букун...

Кўзлар очилганида уларда бир нима филтиллаётганини илғайман. Сайидумар амаки уруш пайти ишчи батальонига тушгани, поездда Хўжа Ҳофиз, Шайх Саъдий, Машрабдан байтлар айтиб, нон, қанд-курс йиғиб, қорин тўйдирганидан тортиб “узоқ Сибирга, Свердловскнинг Липа деган станциясига” бир аҳволда етиб борганигача қайта-қайта айтиб беради. Унинг дўмбирасию муаззиннинг нолишидай мунлуғ товушидаги жудолик менга бегона, лекин қайларгадир кетгим келади, кетгим келади, кетгим.

Кейин Ислом тоға бошлайди:

Бир гап кутдим узоғидан,
Баҳра олдим чироғидан.
Ўполмадим қабоғидан
Худди Тошканда чоғидан,
Сафарим бор Тошкангача.

— Буни Абдулваҳоб айтган, — дейди у. — Абдулваҳоб, Ваҳоб шоир.

Шу тундан эътиборан бу ном менинг идроким тимсолида ўзининг нотинч масканига етишади, “шоир”, “Тошкан” деган сўзлар эса нечоғли ёт туюлмасин, дилимга жо бўлади. Кейин бу ном ва унга тегишли ниго-

рон байтларни деярли ҳар кун эшитаман — гурунгларида, тўйларда. Кейин англайманки, Ваҳоб шоирнинг Абдулқодир исмли ўғли фалакнинг гардиши билан аристон қилиниб, Тошкентга жўнатиладиган кўйга тушди, ота унинг изидан тоғдан то темирйўл вокзалига қадар (салкам етмиш чақирим йўл) пойи-пиёда, бўзлаб, нафас ростламайин “Сафарим бор Тошкангача” дебон дoston айтиб боради:

Кўринглар тоғу тузум,
Туман бўлди манинг юзум,
Ўйилибди икки кўзум,
Қўйимдан айрилган кўзум,
Ёлгон эмас айтган сўзум,
Сафарим бор Тошкангача.

... Тунлар шинни сингари қуюқ. Сомон йўлига қараб кимдир осмонга кўндалангига кўп ун сепиб кетган деб ўйлайман. Кечалари чироқ ўчади. Фонус ёқамиз. Ёғоч сўридан ташқари ҳовлимиз саҳнида тупроқ супа ҳам бўларди. Фонус ёруғида отам китоб варақлайди. Алвон муқовадаги ёзув ҳали-ҳануз ёдимда: Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат. Ва отамнинг маҳзун овози:

Фигонким, гардиши даврон айирди ўз диёримдин,
Фамим кўп, эй кўнгул, сен беҳабарсан оҳу зоримдин.

Мен шу ҳазин товушлар дунёсида тарбия топдим. Кечалар лабларимдан ёстиққа сўлак ўрнига сўз оқиб чиққан бўлса ажабмас.

Алқисса, Ваҳоб шоирнинг сафари амалга ошмади. Дoston чала қолди.

Орадан қирқ йиллар ўтиб, у ўғлини жўнатган ўша вокзалда янги оқ кўйлак кийган озгин ўсмир қўлида чамадон, июль иссиғида поезд кутиб унинг сатрларини такрорлайди.

Вақт темирйўл шпалларидай тез ўтади. Тошкент дорилфунуни. Журналистика. Китоблар. Китоблар. Илк шеърлар. Яна китоблар. Пул қолмаганда қотган нонларни чойга бўктириб роҳат қиламиз.

Беш йил беш оққушдай учиб кетади. Қўлимизда уларнинг патларидай бир тутамдан шеър қолади. Қишлоқда эса момом сўраганларга “Неварам шоирликка ўқияпти” дебон мақтанади. Бир кун озиб-тўзиб кириб бораман. Онаминг кўзлари нам. Дорилфунунни аллақачон битирган бўлсам-да, момом айтади: “Кўй болам, бу шоирлик ўқишинг бўлмаскан, аҳволингга қара, чўп бўп кетибсан”.

Бу орада Ваҳоб шоирни сал-пал унутгандай ҳам бўлдим. Артюр Рембо, Исикава Такубоку, Гарсиа Лоркаю Нозим Ҳикмат ва Пабло Неруда, бу ёғи Александр Блок, Маяковскийдан тортиб Ояр Вацietис, Имант Зиедонис, Ўлжас Сулаймонову Андрей Вознесенский шеъриятигача моҳиятини англашга ҳаракат қиламан. Ва англайманки, мутолаа тулпори ҳам айланиб-айланиб ўз қозигига келаркан. Мана энди, Ваҳоб шоирнинг тугалланмаган достонию унинг “Мен кетарман айта-айта охири” сатри ҳамда Навоий бобонинг янги чиққан девони узра зору ошуфтаҳолман.

Қишлоққа келаман. Хўжа Ҳофиздан айтиб берадиган амаким йўқ, Фурқатни яхши кўрадиган отам йўқ, “шоирликка ўқиётган болам” деб суюнадиган момом пешвоз олмайди, ҳовлидаги ёғоч сўри қандайдир мунгайиб қолган, Ислом тоға ҳам чўкиб қолибди. Хотирот минорларидан азон янглиғ ҳазин овоз келади: “Фигонким, гардиши даврон...”

Алқисса, Ваҳоб шоирнинг сафари амалга ошмади. Достони чала қолди. Бу сафарни давом эттириш, достонни сўнгги нуқтасига етказиш менинг бурчим. Эртага яна йўлга.

1989

ЎЧМАС ЧИРОҚЛАР

(“Маърифат” газетаси саволларига жавоблар)

— *Болалигингиз Сурхон тоғларию кенгликларида ўтган. Бугун пойтахтдасиз. Албатта, кўнгилга масофанинг дахли йўқ. Болаликни қандай кайфиятда ёдга оласиз ва кўпроқ нималарни қўмсайсиз?*

— Болалик ҳақида тинимсиз, тўхтовсиз гапириш мумкин. Умуман, инсон умри соғинчу қўмсашлардан иборат. Одам ҳамиша соғинч билан яшайди. Соғинчларга, дийдору ҳижронларга тўлуғ бу ҳаётда Болалик соғинчи алоҳида ўрин тутайди. Оқар жилғалар ортга қайтмаганидай, болалик ҳам қайтмайди. Бироқ унинг дашту далалари, уфқларию зангор осмонлари бир умр дилда яшайди, кўнгилга кўчади. Болаликда олинган тарбия, қалб таълими ҳам шундай. Кейин, ҳаётнинг катта дарсларида, жиддий синовларда бу тарбия ниҳоятда асқотади. Бизнинг болалик Ҳисор тоғларининг этакларида, сиз айтгандай, кенгликлару қирлар қўйнида, Обизаранг, Тўполондарё бўйларида ўтган. Чалқанча ётиб тиниқ, чексиз осмонларга, қўй-қўзиларимизни боқиб, олисдаги баланд-баланд тоғларга тикилиб хаёл суришни яхши кўрардик. Ўшанда ҳам соғинч бор эди, лекин у мавҳум, номсиз соғинч эди. Энди эса унинг исми бор: Болалик. Болалик соғинчи. Болаликдаги беғубор, беғараз дўстлигимиз соғинчи. Мен шу дўстликни кўпроқ қўмсайман...

— *Мактабда, ўқувчилик даврингизда ким бўлишни орзу қилгансиз? Биринчи ўқитувчингиз, бошқа муаллимларингизнинг қайси фазилатларини хуш кўрардингиз? Уларни ҳам ёдга олсангиз.*

— 1964 йилнинг биринчи сентябрь куни ҳеч қачон ёдимдан чиқмайди. Бир қўлимда гулдаста, бир қўлимда китоб-дафтарим, сиёҳдон солинган жилд, раҳматли отам билан мактаб ҳовлисига қадам қўйганимда, янги ботинкамнинг боғичи ечилиб кетиб, уни отам қайта боғлагунча роса йиғлаганман. Кейин мактаб қўнғироғининг жаранги. Синфхона. Янги дафтарнинг ҳиди. Сиёҳ иси. Ҳеч димоғимдан кетмайди. Илк муаллимларимиз Озода опа, Акмал ака. Кейин Зиёдулла Шарипов, қаттиққўл, баджаҳл ўқитувчимиз. Бу инсонларнинг бари бизга ҳарф ўргатган, таълим берган. Уларнинг азиз қиёфалари ҳали кўз ўнгимда.

Ростини айтишим керак: еттинчи синфгача жуда ёмон ўқиганман. Отам раҳматли Фурқат ғазалларини,

Комилжон Отаниёзов, Маъмуржон Узоқов ашулаларини, “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам”, “Гўрўғли”, “Авазхон” дostonларини яхши кўрардилар. Уйимизда дostonхонлик, матал, ғазалхонлик кўп бўларди. Мени доим ҳайратга солган шу кўшиқлар ва дostonлар, уларнинг оҳанглари эди.

Футболни яхши кўрардим ва қайсидир маънода футболчи бўлишни ҳам орзу қилиб юрардим. Кейин бўлса ўқувчилик йилларимнинг жиддий мутолаа даври бошланди. Бунга адабиёт ўқитувчиларимиз Парда Назаров, айниқса, мумтоз адабиёт билимдони Иброҳим Сафаровларнинг дарсу сабоқлари сабаб бўлди. Адабиёт дарслари — менинг мактабдаги ҳар кун орзиқиб кутгувчи катта байрамларимга айланиб қолди. Ҳаётда агар бирор нарсага эришган бўлсам, энг аввало ота-онам, кейин шу муҳтарам муаллимларнинг беминнат хизматларидан деб биламан. Камтарин, заҳматкаш бу зотларга Худо узоқ-узоқ йиллар сиҳатлик ва омонлик берсин.

— Ҳозир Ёзувчилар уюшмасида хизмат қилмоқдасиз. Ёшлар шеърияти ҳақида нима дейсиз? Ёш ижодкорларнинг чўғи пастроқдай, дадил, баралла овозлар камроқ янграётгандай...

— Албатта, шеърият бўлгандан кейин, дарёдай жўшиб тошмоғи керак демоқчисиз. Маълум маънода, хавотирингизда жон бор. Айтилажак сўзнинг кўлами, қамрови бўлмоғи керак. Ва биринчи навбатда, сўз самимий, дилдан айтилиши лозим. Адабиёт бўстони рангбаранг овозлар, хилма-хил номлар билан гўзал. Шу маънода бугун қалам тебратаётган ёш ука-сингилларимизнинг изланишлари, шак-шубҳасиз, катта умидлар уйғотади. Улуғ устозлардан қолган мактаб ва анъаналар ҳеч қачон беиз кетмайди. Ёзувчилар уюшмаси ҳузуридаги “Онажоним шеърият” тўғараги, ёш ижодкорларнинг анъанавий Зомин, “Ақчақўл илҳомлари” семинар кенгашлари, Миллий университетимиз қошидаги Олий адабиёт курслари янги истеъдодларни юзага чиқариш, уларга катта адабиёт даргоҳига йўлланма ҳам

рағбат бериш мақсадида ташкил этилган. Фақат... ёшларимиз меҳнат қилишдан, мутолаа, ўқиш-ўрганишдан чўчимасалар, танлаган йўллари қисмат деб билсалар... Устозимиз Абдулла аканинг бир мўъжазгина шеърни ўн етти марта (!) қайта ишлаганларига мен ўзим гувоҳ бўлганман. Шоирликнинг меҳнати оғир, лекин бағримизни осмонлардай кенг очиб, тўлиб-тошиб куйлашга арзирли Ватанимиз бор ахир!..

— *Шеъринг шайдолари ҳақида нима дейсиз? Учрашувлар, мулоқотлар. Шеърни яхши кўрувчи ҳақиқий мухлислар ҳам камайгандек туюлмаётими?*

— Бу фикрингизга қўшилмайман. Биз яқиндагина, раҳматли дўстимиз, Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 50 йиллиги муносабати билан бутун мамлакатимизни қамраб олган ҳақиқий шеъринг байрамининг гувоҳи бўлдик. Шеърхонлик, назмга шайдолик — халқимизнинг қонида, томирларида азал-азалдан мавжуд ва бу томирлар ҳеч қачон қуримайди. Яна бир гап: шеър яхши бўлса ўз мухлисини ўзи топиб олаверади.

— *Айни шу фикрингизни қўшиқчилик ҳақида ҳам айтиш мумкин. Саёз қўшиқларнинг кўпайиб кетаётгани тарбияга, маънавиятга салбий таъсир кўрсатаётганини бугун ҳамма куйиниб гапираяпти. Лекин, барибир, бундай юзаки “ялламаёрим”лар чиқиб кетаяпти.*

— Қўшиқчиликка оид катта анжуманда устоз-муаллимлардан бири жиғибийрони чиқиб, “Саёз қўшиқ ёзганни ҳам ва бу саёз шеърни қўшиқ қилиб айтганни ҳам жинойий жавобгарликка тортиш пайти келди!” деб жуда алам билан гапирганди. Йўл қоидасини бузган ҳайдовчи маълум миқдорда жарима тўлайди. Саҳна қоидаси, одоб-ахлоқини, тингловчининг ҳурмат-эҳтиромини менсиманган, дидсиз, савиясиз хонандани нима қилмоқ керак? Бунинг жазоси ҳам, жавоби ҳам битта: яхши куйчилар кўпайса, булари ўз-ўзидан тушиб қолаверади.

Мана, газетамизнинг номи ҳам “Маърифат”. Маърифат, маърифатли бўлмоқ фақат ўқитувчи ё шоирнинг иши эмас, меъмордан тортиб муҳандисгача, шифокордан то хонандагача — ҳамманинг кундалик юмушига айланмоғи лозим. Маърифатли одамдан ҳеч қачон ёмонлик чиқмайди. Муҳтарам Юртбошимиз яқиндагина Олий Мажлис сессиясида қуйиниб таъкидлаган инсоний ва тарбиявий камолот йўлидаги муаммоли нуқталарнинг ечими ҳам маърифат, маърифатпарварлик билан боғлиқ. Бегуний бобомиз билан фахрланмоғимиз яхши албатта, лекин бобо келиб бизга самолёт ясаб беролмайдилар, буни энди ўзимиз амалламоғимиз керак. Элу юртимизга муносиб фарзанд бўлайлик, ҳаммамизга шундай шараф доим ёр бўлсин!

2004

НАСИБ ЭТСА...

(“Ўзбекистон овози” газетаси учун)

Талай муаммолар, рўзғор тебратиш, тирикчилик ташвишлари, бугеги юрт бошига тушган қийин тарихий синов — ўзбек пулини муомалага чиқаришдек хийла мушкул паллада шеърият шоирлик ҳамда шуаронинг аҳволи хусусида гурунг қилиб ўтирмақ четдан қараганда жуда ажабтовур ва кулгили туюлиши турган гап. Модомики, ушбу даврада мазкур мавзулар лаганга қўйилган экан, қимтиниб ўтиришга ҳожат йўқ.

Бугунги шеърият қандай, кечагиси қанақа эди, эртага нима бўлади, унинг қадди-басти келажакда қай тарзда намоён бўлади? Мен бу саволларга жавоб беролмайман. Ҳаммага маълум жайдаригина бир ҳақиқат бор: яхши шеърлар яшаб қолади, ёмонлари унутилади. Элнинг катта шоири, халқ шоири бир йил бурун шеъриятда деярли воқеа бўлган шеърини “бу шеър эмас, бу бор-йўғи агитка” деб турганидан кейин, бу мавзуда андак сукут сақлаб, андиша билан фикр юритмоқ ке-

рак. “Сийна лиммо-лим аламдир, малҳамдин йўқ дарак, янги олам, янги одам қайтадан тузмоқ керак” деган ҳикматли байтни Хўжа Ҳофиз бувамиз неча юз йиллар бурун айтиб кетганлар. Бу ҳикмат ҳозир ҳам ўз қийматини йўқотгани йўқ. Самад Вурғуннинг Шукур ака айтиб юрадиган бир сатри бор: “**Келди шоир, кетди шоир, ҳеч ким билмади.**” Замонага, элга, дунёга нисбатан ранжу шиква яширинган бу сатрда. Шоир бировлар учун эмас, энг аввало ўзи учун, ўз кўнгли учун ёзади.

Ҳозир иқтисодий бир тақчил давр, шоир укаларимиз яхши шеърлар ёзишяпти, қоғоз танқис бўлган бир пайтда китоб чиқаришнинг иложи йўқ эса-да, яхши китобларни мутолаа қилмоқ имкони бор. Ариқ тўлиб сув оқса, майсалар қаддини кўтаради, қоғоз ҳам бир кун сероб бўлар.

Ҳаёт ўзгариб бораётир, одамлар ўзгармоқда, дунё ҳар кун ўзгаришда. Юртимиз бир ажиб гулзорга, обод ва сершукуҳ бўстонга айланмоққа чоғланиб турибди. Насиб этса, ўшанда ҳаммамиз йиғилишиб бир шеърхонлик қиламиз.

1993

ҲАР ЖИЛҒАНИНГ ЎЗ АРИҒИ БОР

(Танқидчи Аҳмад Отабой саволларига жавоблар)

— *Бугунги ёшлар шеърятининг ютуқларини, ва аксинча, камчиликларини нималарда кўрасиз?*

— Кейинги йилларда чоп этилган кўпгина шеърӣй китоблар, китобчаларда нашриёт томонидан фаройиб бир изоҳ берилган. Яъни “Китобнинг гоъвий-бадий савиясига муаллиф масъул”. Буни — мазкур шеърӣй мажмуа муаллиф ҳисобидан чоп этилди, ичида унча-мунча паст-баланд гаплар бўлса, бизни сўкмайсиз ёки маъзур тутасиз, додингизни шоирнинг ўзига айтинг ва яна бир қанча бошқа маъноларда қабул қилиш мум-

кин. Жиддийроқ қаралса агар, бу анчайин хавотирга солиб кўядиган гап. Бироқ нима ҳолат бўлганда ҳам — одамзоднинг кўнгли — кўнгил, шеърият эса шеърият бўлиб қолаверади.

Маълумки, шеърият бир хилликни кўтармайди. Ҳар юлдузнинг ўз шуъласи, ҳар жилғанинг ўз оқар ариғи бўлади. Ердан унган майсанинг ҳам мулки борлиқ Ҳукмдори белгилаб қўйган ўз юмуш, мақсад-муддаоси бор. Муҳаммад Юсуфнинг “Ёлғончи ёр”, Эшқобил Шукурнинг янги туркумлари, Рустам Мусурмоннинг Қашқадарё кенгликлари янглиғ соғинчли шеърлардан таркиб топган “Хиргойи” тўпламлари, Фарида, Зебо, Хосиятларнинг шеърларини бугунги ёшлар шеъриятининг уйғоқ эканлиги сифатида эътироф этса арзийди.

Камчиликларга келганда — кўпгина ёш шоирларимизда мутолаа етишмаётгандай. Шоирлик, энг аввало — мутолаа, бир умрлик мутолаа, катта, кичик танаффуслари бўлмаган ўқиш ва ўрганиш мактабидир. Яна бир гап: тирикчилик, рўзғор, бозор ташвишлари қаламқаш укаларимизни анча банд қилиб қўйганга ўхшайди. Бунга ҳам кўникмоқ керак. Ақчага сотилмайдиган, савдосотиқ билан ўлчанмайдиган, таъбир жоиз бўлса агар, бир матоҳ бордирким, бу — шеър, ҳақиқий шеъриятдир. Энди яхши шоирларнинг китоблари вилоятларда, дейлик, Сурхондарё ёки Андижон, Урганч ёки Қаршида топилмаса агар, бунинг учун шоирлар эмас, ўша жойларнинг китоб савдоси билан шуғулланадиган масъул ташкилотлари айбдор. Маънавият, маънавий камолот ҳақида тинимсиз гапиргандан кўра, қишлоқ ва шаҳарларда сон-саноксиз қассобхоналару дўконлар, расталар ёнида биттадан китоб дўкони ҳам тиклаб қўйилса, зиён қилмасди.

— *Поэзиянинг ижтимоий ҳаёт ҳодисалари, долзарб ҳисобланган мавзулар билан нечоғли алоқаси бор, деб ўйлайсиз?*

— Бирор бир шоирнинг шеъри ҳали бирор бир камбағалга уй қуриб берган эмас. Ёки менинг бирор бир

тўртлигим, дейлик, Тўполондарё бўйида яшайдиган Эшонқул бобони бир кило гўшт ёинки бир кило шакар билан миннатдор қилгани йўқ. Одамзоднинг ҳаёти фақат емак ва ичмакдан иборат бўлганда эди, шеърият ҳақида шундоқ йўсинда фикр юритса бўларди. Борлиқ, дунё, ҳодисот шоирнинг юрагидан ўтмоғи аниқ, бироқ шоир воқеот, ҳодисотнинг айтувчиси эмас, аввало ўз кўнглининг садоси бўлмоғи лозим деб ўйлайман. Яъни, шеърият — биринчи навбатда Кўнгил ишидир. Шоирнинг шеъри бировга иморат солиб беришга ярамаслиги мумкин, лекин кўнгил иморатларини тикламоғи шубҳасиздир.

— *Истиқлолдан кейин Ватан ҳақида ёзиш қийин туюлмаётими?*

— Одам боласи, жумладан, шоир ҳам бир умр Қарз ва Бурчлар орасида, Қарздорлик ва Бурч туйғулари исқанжасида яшайди. Шоирлик савдоси ҳаминша оғир, йигитлик дарди ҳар доим қаттиқ, шеър заҳмати ҳамма даврда ҳам бирдек. Бироқ ўтолмайдиган, биз ҳаргиз қайтара олмайдиган улуғ бир Қарз борки, бу — Она ва Ватан, она-Ватан олдидаги қарзимиз, бурчимиздир. Шоирларда бу туйғу юз чандон, минг чандон кучлироқдир. Бизни шу Ватаннинг сув ва ҳаволари тарбиялади, биз илк таълимни шу диёрнинг сўқмоқларидан олдик, мовий осмонлари остида улғайдик, юлдузларидан сабоқ олдик, сервиқор тоғларига термулиб катта бўлдик, кенгликлари қалбимизга меҳр илмини жойлади. Ҳар ҳаси, зарра ғубори олдида боғлар қадар, тоғлар қадар қарздормиз. Қирлардаги, чўллардаги лолалар Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носирларнинг ҳам орзуармонлари эканини унутмаслигимиз лозим. Кўнгилнинг шоҳидлик беришича, Ватан ҳақида энг гўзал, энг жозиб шеърлар, дарёдек дostonлар энди ёзилмоғи керак.

1998

“БИЗА ДИЙДОР КЕРАК, ДУНЁ КЕРАКМАС”

(“Ватанпарвар” газетаси учун
Абдураззоқ Обруй билан суҳбат)

— *Ҳафтанинг қайси кунида туғилгансиз? Таваллуд топган кунингизнинг хосиятларини биласизми?*

— Онамнинг айтишларича, ақрабнинг еттинчи кунини (ҳозирги тақвим бўйича октябрнинг ўттизи), чоршанба тонг саҳарда дунёга келган эканман. Ақраб — арабчада чаён дегани. Демак, мен туғилган маҳалда олам чаён буржи остида бўлган.

Шамоллаб қолганимда, кўкариб-қизариб чинқирганларимни кўрган ўзимизнинг қишлоғлик мулло Абдулазиз “Бу боланг бунча жаррор, жаҳонга ўт қўйдик, ўзи қайси кунини туғилган бу?” дея бетимга қараган экан. Онамдан чоршанба кун туғилганимни билган мулло: “Валлоҳу аълам, болангнинг бетида холи бор, кўп қийналади, лекин узоқ умр кўради”, деган экан. Эски китобларда чоршанба кунини уйдан уйга кўчмак ёмон дейилади. Лекин, янги кийим киймоқ, соч олдирмоқ, саҳар чоғи сафарга чиқмоқ, оила қурмоқдан тортиб, деҳқончилик қилишу иморат солишгача бариси хосиятли бўлиши айтилади.

— *“Бола бошдан” деган гап бор. Инсон болаликдан бошланади. Болалик нима? Болалигингиз сизга нима берди?*

— Ҳар бир одам боласи аввал бошда илоҳий маърифат ила дунёга келади, деган гап бор. Миллатлар, муҳитлар, оқу қора ранглар, шаклу шамоийиллар туғилгандан кейин содир бўладиган ҳолатлардир.

Болаликка болаликнинг ўзидан яхшироқ таъриф йўқ. Болаликдаги кичик қалб улғайгач, катта қалбга айланади. Болаликдаги кичик каззоб улғайганда катта каззоб шаклига киради. Қайрағоч кўчати бир кун келиб ўрик ҳосилини бермаганидек, болалигида жоҳилча боладан катта бўлгач оқил инсон чиқа қолмайди. Раҳмат-

ли момомизнинг “Отанг қора қарга эди, сен нечун ҳакка бўлдинг?” деган ашулалари бор эди...

Болалигим менга кўп ғаройиботлару мўъжизалар берди, лекин мен унга ҳеч нарса беролмадим. Руқия кампирнинг эски оғилхоналари бузилиб кетди, усто Тожиддиннинг кўҳна уйларидан ном-нишон қолмади, Ойбиби момомнинг райҳонзор сўрисини шўра босди, оқ кўйлагим янтоқларга илинганича қолиб кетди, ювош-ювош сигирларим паға-паға оқ булутларга айланиб, мени тарк этдилар, мовий кўлларим, тиниқ жилғаларимнинг қарзини қайтаролмадим, турнакўз булоқларим йиғлай-йиғлай адо бўлдилар.

— *Шеърларингизда “осмон” сўзи жуда кўп...*

— Бу ҳам болаликдан. Қўй боқиб юрган пайтларимизда кўкаламзорда чалқанча ётиб, мовий осмонларга, оқ булутларга тикилишни яхши кўрардим. Абдулла аканинг шеърини эслайсизми: **“Парчагина булут. Чексиз осмон. Адир ортидаги ёлғизоёқ йўл”**. Дилга ямоқ солишнинг иложи топилсайди, болаликнинг бир парча осмонини олган бўлардим. Аслида эса биз ҳаммамиз бир куни осмонларга айланамиз. Осмонларга айланиб ўзимизга қараймиз. Қилган барча яхши-ёмон амалларимиз унда-да ўзимизга аёнроқ кўринади. Ўйлаб кўрсангиз, Еру Осмон ўртасида кечасию кундузи улуг жараён, тинимсиз қатнов кетаётир, бироқ бу бизга ҳозирча билинмайди. Ҳозирча... Ҳофизга қулоқ солсангиз:

Бу жаҳон ўткинчидир, қолгай фақат, бил, яхшилик,
Сарғариб оламда боғинг берса ҳосил яхшилик,
Умр агар тўфон эурса, икки соҳил яхшилик,
Айлади Ҳофиз насиҳат, тинглаю қил яхшилик.

— *Шу кунларда қандай қўшиқлар таъсирида юрибсиз?*

— Отам раҳматли Маъмуржон Узоқов, Комилжон Отаниёзов кўшиқларини беҳад яхши кўрардилар. Болалигимда энг кўп янграган, энг кўп тинглаганим “Фи-

гонким гардиши даврон...” яна Комилжон оганинг “Ошиқ ўлмишам” ҳамда “... Соҳибқироним бор манинг” кўшиқлари эди. Ўзбек телевидениеси кейинги пайтларда бот-бот намоёиш этаётган Комилжон устознинг қий-ғос гуллаган боғ ичида, ёғоч сўрида чордана қуриб нолиш қилган ҳолати ҳам айнан менинг болалигим манзарасидир. Бу тасвирдаги ҳолатлар, чеҳралар ва табиат, осмонлару булутларга эътибор берганмисиз? Нақадар тоза, нақадар беғубор!

Бизнинг ҳовлимизда ҳам ёғоч сўри бўларди, бу сўри ҳозир ҳам бор, атрофида ўриклар, олчалар оппоқ гуллаб ётгувчи ёғоч сўри. Шунинг учун ҳар гал ойнайи жаҳонда ушбу манзара намоён бўлганда ўз болалигиму осмонларимни кўргандай бўламан. Яна — Шерали аканинг “Баҳор айёмидур, дағи йигитликнинг авонидур” кўшиғи... Кейинги икки-уч йилда Ўзбекистонда энг кўп янграган кўшиқ шу бўлса керак. Бундай мўъжизалар ҳар кун ҳам дунёга келавермайди. Ҳаёту тирикликнинг, инсон умрининг анча-мунча саволларига шундай кўшиқларда ҳам жавоб бордай туюлади.

— *Уй ҳайвонларига муносабатингиз қандай?*

— Уларга ҳамиша раҳмим келади. Айниқса, соғин сигирларга. Бечора, шунча сут-қаймоқ берадию яна кавшаниб тураверади. Гуноҳкордай мўлтайиб. Эчкилар шайтонга ўхшайди. Кўй — мен билан сиз билмайдиган нималардандир хабардордай бўлиб кўринади.

— *Бирор киши сизга меҳнат анжоми — кетмонми, ўроқми совға қилмоқчи бўлса, қайсини танлардингиз?*

— Ўроқни. Кейин бир бедазор бўлсаю, тонгда шудрингга чайилиб мириқиб беда ўрсам. Ўрилган бедадан болаликнинг ҳиди келади.

— *Узоқ сафарга кетмоқчи бўлсангизу, ўзингиз билан учта шеърый китоб олишга тўғри келса, қандай китобларни олардингиз?*

— Ҳазрат Яссавий, Ҳазрат Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур девонларини.

— *“Маданиятли” деган сўзга қандай қарайсиз?*

— Бу ўрисча сўз. Одобли деса тўғри бўлади.

— *Шоир қандай кийиниши керак?*

— Чўнтагига қараб-да. Шоирларга, менимча, оқ либос кўпроқ ярашади.

— *Бирор нарсадан бирор нарсанинг афзаллигини айтсангиз...*

— Аввал тўрт сатр шеър айтай:

Ёлғизлик яхшидир ёмон улфатдан,
Ёлғизликдан кўра бир яхши ҳамдам.
Фойдали гап яхши жимликдан кўра,
Сукут яхшироқдир бефойда гапдан.

Яна нима дейин? Масалан, носкаш кимсадан эзма одам, эзма одамдан кўра бир отим нос афзал, бир отим носдан ҳам бир пиёла чой яхшироқ, ёлғончи дўстдан кўра шохи синган така афзалдир, буларнинг барчасидан Обид Асомовнинг соқов тўтиси яхши.

— *“Ёлғончи дўст” дедингиз. Шундай “дўстлар”га нима совға қилган бўлардингиз?*

— Навшодир. Ўзим кўрмаганман, сиз ҳам билмайсиз. Эски дostonларда, бахшилар луғатида учрайди бу сўз. Тўполондарё бўйларидаги эл-улус кўп гапиради буни. Сўтагами-ей, сабзигами-ей ўхшайди дейишади. Бир нимага ишлатилса керак-да. Шу навшодирдан совға қилардим.

— *Ўзингиз яхши кўрадиган халқ мақолларидан икки-тасини айтсангиз.*

— “Олтмишга кирган отадан ош сўрама”. Иккинчиси: “Олти ўфиллининг олти аршда моли бор”.

— *Онангиз бирор марта “Шоир болам” деб айтганмилар?*

— Йўқ. Холам ўлганда борганимда “Мусофир болам” деб дардларини тўкиб роса йиғладилар. Ҳар гал китобим чиққанда кўзларига суртиб, “Отанг кўрмадида...” дея армон қиладилар. “Шоирликка ўқиётган болам келди”, деб Ойбиби момом айтардилар. Бизнинг шоирликларимиз аслида оналаримизнинг чеккан бир оҳига ҳам арзимади. Тошкентда юриб мен етита китоб чиқардим, онамнинг юзларига эса етмиш етти ажин тушган бўлса не ажаб? Ношукурлик эмас, тўрт-беш чала-чулпа шеър ёзиб, эл аро шоир деган ном чиқардим, Сурхондарёда кўчада ҳамма танийди, мерган бобомга калиш олмоқчи бўлсам ҳам Денов бозорининг сотувчи қизларига ёлғон гапириб, “Сирож укам бўлади, мен акасиман”, дейишимга тўғри келади, юртнинг катта шоири замонлари меҳр-мурувватларини дариф тутмадилар, устоз олимларнинг самимий хайрихоҳликларидан баҳраманд бўлдим, улуғ ҳофизлар шеърларимни қўшиқ қилиб айтдилар, яхши инсонларнинг марҳаматини кўрдим, камбағаллар иззат қилдилар, бой-бадавлат кишилар шеърларимни мақтаб-мақтаб чопон кийгиздилар. Менга яна нима керак? Бу инсонларнинг яхшиликларини бир умр унутмайман, Худо уларнинг барчасидан ўз марҳаматини аямасин, бироқ, биласизми нима, шоир фақат чопон кийиш учун шеър ёзгани бўлса агар, бу — унинг ўлганидир.

— *Янги китобингизни нима учун айнан “Куйдим” деб номлагансиз?*

— Ўзимнинг хатоларимдан, янглишишлару адашишларимдан бўлса керак...

— *Савдогарлик қилиш ёки бошқа касб-кор қўлингиздан келадими?*

— Устозимиз “Пайти келди, бир гапимни энди айтишин”, деганларидек, мен ҳам айтадиган бўлсам... Ўсмирлигимда кийган чоригимни бошқа бошмоқларга алмашиш ниятим йўқ, умримни шу чориқларда ўтказсам дейман. Сиёсатчи сиёсатини, тожир тижоратини қилгани, чўпон сурувларию табиб ўз табиблиги ила машғул бўлгани дуруст. Шоирлик — кўнгил иши эканлиги маълум гап. Арбоб шоирлар ўтган, бор, бу энди бошқа мавзу.

— *Сирожиддин Саййидга Сирожиддин Саййиднинг баҳоси қандай?*

— Унча ҳам яхши эмас. Кўп дуруст ишлар қилса бўларди, лекин ялқов, ўзини-ўзи алдаб юради, беоқибат, мақтанишни яхши кўради, китобни кам ўқийдиган бўлиб қолган, бобосидан қолган боғни обод қилмади, шеърлари яхшига ўхшайди, аммо кўнгил тўлмади.

— *“Ватан ҳақидаги энг гўзал шеър” дейилганда нима ни тушунасиз?*

— Ватаннинг ўзини. Биз Ватанни Ватаннинг ўзидан ўрганмоғимиз керак. Сўқмоқлари, мақбараларию тоғлари қаърида ухлаб ётган авлиёлари, Нажмиддин Куброларию Бобурлари, Оллоёрларию Термизийларидан, сувларию майсалари, қалдирғочларию қарқуноқларидан ўрганишимиз керак. Момолар юзидаги васияту боболар кўзидаги насиҳатдан, қизлар қошидаги ўсмаю келинчаклар чехрасидаги холдан ўрганмоғимиз даркор. Тўйлардаги “Ёр-ёр”у тоғлардаги оппоқ қор ҳам Ватандир. Ватан мушфиқ, бетимсол онамиздир, биз ҳар сония, ҳар соат унинг қадрига етмоғимиз лозимдир.

— *Ҳозир, шу аснода шу ерга бирор бахши келиб қолса, нима деган бўларди?*

— Бахшилар ҳозир тўйларда юрибди. Лекин Шоберди бахши келиб қолганда, бундоқ деб айтарди:

Баланд-баланд азим тоғлар ўз бағрига қор тилар,
Туя тортган катта карвон қаторига нор тилар.
Қўлимдаги дўмбирам-а қўша-қўша тор тилар,
Оқ томоқли бойбичалар оқ тўшига ёр тилар.

Ёки:

Ўтди дунё, чиқди жон,
Ҳар гиёҳдан тердим дон.
Биринг султон, биринг хон,
Баринг бўлгил қадрдон.

— *Гурунгимиз ёмон бўлмади чоғи... Энди, газетхонлар номидан сизга қуллуқ қилиб, тўйларни ҳофизу бахшиларга қўйиб берсак-да, ўзингиздан эшитсак. Янги шеърлар дегандай...*

— Ҳазрат Юнус Эмро “Биза дийдор керак, дунё керакмас” деганларидай, бизга ҳам шу керак. Тўрт-беш машқларимиз бор эди...

1995

БЕШ ЙИЛ — БИР КЎКЛАМДЕК

(А.Қодирий номидаги Тошкент Давлат Маданият институтининг “Нафосат” газетаси саволларига жавоблар)

— *Илк ёзган шеърингизни эслайсизми?*

— Илк ёзган шеъримни эслай олмайману, лекин илк айтган шеърим ёдимда: бу — Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқатнинг “Фигонким, гардиши даврон...” сатри билан бошлангувчи маълум ва машҳур ғазали эди. Раҳматли отам Фурқатдан кўп ўқирдилар, овоз чиқариб ҳаммамизга — опа-сингилларимга, акамга, менга ўқиб берардилар. Айниқса, шу ғазални яхши кўрардилар. Кўп маротаба такрорланганлиги учун ёдимизда қолган.

— “Талабалик — олтин давр”,— дейишади. Сизнинг талабалик йилларингиз қандай ўтган?

— Талабалик дарҳақиқат бетакрор, бебаҳо фасл. Мен атай фасл деяпман. Сабаби — беш йил бир фасл, бир кўкламдек жуда тез ўтган. Диллар ва гуллар фасли десаммикин. Талабаликнинг кузу қишлари ҳам баҳорга ўхшайди. Пўрим кўйлагинг ё шиминг бўлмаслиги мумкин, лекин бу фаслнинг ўзи, борлиги гўзал. Хазонлари атиргулларга ўхшаш, энг бевафо қизлари ҳам энг содиқ ёрлардай ёдда қолади. Аммо талабалик, биринчи навбатда, ўқиш, ўрганиш учун энг улуғ имкониятдир. Шунинг қадрига етмоқ керак. Мен ҳаётимдаги энг гўзал китобларни талабалик йилларимда мутолаа қилганман.

— *Биринчи муҳаббатингиз ҳақида нималар дея оласиз?*

— Муҳаббат — рақамларга бўлиниб кетса ёмон. Худди иккинчи, учинчи ва ё юзинчи муҳаббат бўладигандай. Сезишимча, устозимизнинг машҳур шеърларига ишора қилмоқдасиз. Эътибор берган бўлсангиз, у шеър шундай сатр билан яқунланади: “**Ёлғиз Оллоҳим менинг, биринчи муҳаббатим**”. Оллоҳ тоқ бўлади-да.

Ҳамма ука-сингилларимга биттагина, умрбод етadиган биргина муҳаббат тилайман.

— *Шоирлар турфа тоифага бўлинишади. Баъзиларининг ёлғизликда, баъзиларининг эса давраларда илҳоми келади. Сизга қандай ҳолатда илҳом келади?*

— Ростини айтсам, “Илҳом” деган сўз жуда юмшоқ жаранглайди. Азоб, меҳнат, завқу шавқ деса тўғрироқ бўлар. Мен ёлғиз қолдимми — бир нарсалар келаверади. Беҳаловат бўламан. Кўпинча онамни ўйлайман. Соғинаман. Кейин шу бир нарсалар шеър бўлади шекилли. Сўзнинг азоблари бор. Буни ҳам бўйинга олиш керак.

— *Институтимиз ҳақида фикрингиз?*

— Маданият институти, барча илм қўрғонлари сингари, қутлуғ даргоҳ. Бундан ташқари, ўзбекнинг улуғ миллатпарвар адиби Абдулла Қодирий номида. Маълумки, Абдулла Қодирий ҳаёт тарзларида — оилада, турмушда ва адабиётда ҳам энг юксак адабли ва назокатли, зариф инсон бўлганлар. Қодирийнинг тил мактаби, энг аввало — ул зотнинг, миллатимизнинг тил маданиятидир. Биз бу тилни, бу маданияту адабдан ҳали узоқ йиллар, узоқ-узоқ ўрганмоғимиз лозим бўлади.

— *Шоир бўлмаганингизда ким бўлардингиз?*

— Мен ҳали ҳам “шоирлик мактаби”да ўқиётирман. Бир умрлик туганмас меҳнатдир бу. Туганмас мактаб. Неча баҳорлару неча қишлар ўтдилар. Яхшиси, тўрт сатр шеър айтсам:

Уфқлар, қирлару осмонгача қор,
Тошкентдан Термизу Сурхонгача қор.
Она, бул соғинчни қандоқ ёзайин?
Ўртамизда чексиз оппоқ варақ бор.

— *Институт домлалари ва талабаларига тилакларингиз?*

— Муҳтарам домлаларимизга Худо соғлик, умр берсин, талабалар китоб ўқишдан чарчамасин, баъзан-баъзан Қодирий бобони ҳам варақлаб туришсин. Талабалик ҳақиқатан ҳам олтин давр, шу олтин дамларни бекорчи ҳою ҳавасларга сарфлашмасин!

2002

ЭЗГУ ДАРД

(“Фидокор” газетаси мухбири билан суҳбат)

— *Адабиётдаги бугунги жонланишнинг сабаблари нимада?*

— Устозимиз Абдулла Орипов “**Ҳар қисматга ҳар кимнинг даврони сабаб бўлмай**”, деганларида ғоят салмоқли гапни айтганлар.

Сиз назарда тутаётганингиз Адабиётдаги бугунги жонланиш — давр талаби, замон эҳтиёжининг натижасидир. Тупроқда ўсган бир гиёҳ ё бир дарахтнинг муайян юмуши бор, ариқдаги оқар сув ҳам маълум бир вазифани бажаради.

Адабиёт — маънавият, маърифатнинг катта, улуғ дарёси.

Улуғ дарё бўлгандан кейин мақсад, муддаоси ҳам улуғ бўлади.

Давру замон қалам аҳлидан, шоиру ёзувчидан том маънодаги сўз сўрамоқда — салмоқли, залворли сўз. Тарих, аср нуқтаи назаридан қаралганда, биз айна пайтда ниҳоятда улуғ, оламшумул кунларни бошдан кечирмоқдамиз. Қозон-товоқ, ошу нон муаммоларидан ҳам юксакроқ, баландроқ турувчи тушунчалар борлигини, очликдан кўра маънавий қашшоқлик, фаросатсизлик ёмонлигини тобора теранроқ англамоқдамиз.

Бурч ва Эҳтиёждан келиб чиқиб айтилса агар, Ватаннинг шаъну шавкатини юксалтирадиган, элнинг кўнглини кўтарадиган асарлар керак. Эзгуликларга, яхшиликларга ундагувчи, Меҳр-Муҳаббатга томон руҳлантирувчи шеър дostonлар лозимдир.

Бугун қўрғонимизга қўйилаётган битта ғиштнинг замирини ўйласак агар — асрлар маънисини илғаймиз. Ёзилажак бир яхши шеър ҳам шу қўрғонга қўйилажак пишиқ, пухта бир ғиштдир демак.

— *Ёшлар шеърияти ҳақида фикрингиз.*

— Ҳар қандай чаман гулу ғунчаларининг хилма-хиллиги, рангу ифорларининг кўплиги билан гўзал.

Шеъриятда ҳам, насрда ҳам бугунги кунда хилма-хил овозлар, пасту-баланд қадду қоматларнинг кўплиги қувончли ҳол, албатта. Турли овозларда, турли пардаларда шеър айтаётган, қалам сураётган ёш ука-сингилларнинг изланишлари катта умидлар уйғотади. Изланиш, меҳнат, интилиш бўлгандан кейин натижа ҳам, шак-шубҳасиз, бир кун юз кўрсатади.

Шу ижодкорларнинг бошини қовуштириш, шеърият, адабиётнинг мақсад-муддаосини янада чуқурроқ ан-

латиш, тушунтириш ниятида Ёзувчилар уюшмаси қошида Абдулла аканинг дуолари билан “ОНАЖОНИМ ШЕЪРИЯТ” адабий-бадий тўгараги ташкил қилинди.

Бу тўгарак машғулотларининг доираси кенг. Унда мушоира-муҳокамалардан тортиб устоз шоир-ёзувчиларимиз билан ёш ижодкорларнинг учрашувлари, баҳс-мунозаралар, маълум маънода адабий сабоқлару дарслар ўтказилаётир. Ниятимиз — тўгарак фаолиятини янада жонлантириш, ёш қаламкашларни кенгроқ жалб қилиб, уни чин маънода қизгин адабий-бадий мактабга айлантирмоқдир. Ушбу суҳбатимиз газетангизда босилаётган пайтда биз Республика ёш ижодкорларининг анъанавий Зомин семинарини ўтказаётган бўламиз. Ёш қаламкашларнинг ҳар йилги Зомин семинари — ҳақиқий ижодий анжуманга айланиб бораётганини айтиб ўтмоқ жоиз. Мазкур семинар машғулотларида ҳар йили янги-янги номлар, овозлар чиқмоқда. Адабиётимиздаги янги, тоза нафаслар яқин келажакда Зомин шамоллари ила уфурсалар ажаб эмас.

— *Шеърларингизда Ватан мавзуи яққол ажралиб туради. Бу нозик мавзу ҳақида нима деёласиз?*

— “Ёшлик — бир мусобақа”, деган донишманднинг гапи бор. Ажралиб турган мавзу ўз йўлига, ажралиб турмаган, яққол ажралиб туриши зарур бўлган мавзу ҳақида гаплашайлик. Хилма-хил овозлар, турли-туман номлар ҳақида юқорида айтиб ўтилди. Уларнинг изланишлари кишини қувонтиради. Лекин катта кўлам етишмаётгандай. Ҳолбуки, Ватан ҳақида — тоғлар қадар юксак, баланд гурур билан, осмонлар қадар кенг ва бепоён туйғулар ила баралла, рост шеър айтмоқ керак бўлади. Мумтоз шеърятимиздан беҳабарлик, ҳазрат Навоийни билмаслик, ўқимасликни илғаш мумкин. Мен ўзимни арузнинг билимдони деб ҳисобламайман, лекин баъзи ғазаллар, мухаммасларни ўқиб лол қоламан: бир байт бармоқ, бир байт яна эркин вазнда, бошқа бир байтнинг эса қайси вазнда ёзилганини билолмай гаранг бўламиз. Мутолаа, ҳақиқий ижодкор одамнинг

мутолааси лозим бўлади. “Ижодкор одамда ички бир тартиб-интизом бўлиши керак”, деганларида устоз Ойбек қатъий ҳаёт тартибига айланган ижодий мутолаани назарда тутган бўлсалар керак.

Менинг ўзимга ҳам хоҳиш-истагим: улуғ устозларимиздан, ҳозирги устозларимиздан кўпроқ ўргансак, кўнгил қирраларини шу улуғ қалбларга тўғриласак...

Мавзу эса кўп, қадамимиз остида турибди: ердан кўтариб, чанг ғуборини пуфлаб, тозалаб, ўқувчига қойилмақом қилиб етказмоқ керак, холос.

— *Янги китобингиздан ўзингиз қониқдингизми?*

— “Ватан абадий” тўпламини назарда тутаётган бўлсангиз, китоб чиққандан кейин камчиликлари ўзимга яққол кўринди-қолди.

Умуман, китоб тайёрлаётганда шошилмаслик керак, деб ўйлайман. Китоб чиқиб кетди, энди у менинг эмас — кўпчиликнинг мулки, ҳукмфармолик ҳам энди кўпчиликнинг измида.

— *Шеър дард билан ёзилади. Дард нима — заруратми?*

— Умуман дард бўлгани яхши. Шеър ҳам дард фарзанди. Демак, дардсиз шеърятни, билмадим, қандай изоҳлаш мумкин. Дард — зарурат бўлолмайди. Дард номи билан Дард-да!

Одамзоднинг дард билан — эзгуликлар дарди билан, элу юрт, ота-она, дўсту биродарлар, ишқу муҳаббат дарди билан куйиниб яшамоғидан гўзалроқ не бор?

2002

ОРТДА ҚОЛГАН ИЗ

Элу юртнинг қадду бастини юксак, муносиб сўз билан кўрсата билмоқ ҳамма шоирларга ҳам насиб қилавермайди. Элнинг дилкаш, дардкаш шоири Муҳаммад Юсуф ҳаёт бўлганида бугун элликка кирган бўларди.

Тақдирнинг ҳукмини қарангким, Андижондан чиққан яна бир шоирига Заҳириддин Муҳаммад Бобур умрини раво кўрмиш. Тақдир — ҳақдир.

У озод, дилбар Ватанини бир фарзанд янглиғ сидқидилдан, кўнглини осмонлардай кенг очиб куйлаб ўтди. “*Эй дўстларим, дунёда ортда қолган из яхши*” деган шоирдан элу элдошлари қалбида ўчмас из қолди. Хоксор, меҳнаткаш элини, улуғ Ватанини ўзига хос, ҳаммага тушунарлигина қилиб тараннум этди. Қизғалдоқдай севгиси, капалакдай муҳаббатини шабнамга чўмган майсалар янглиғ тоза, беғараз ва иддаосиз айтиб ўтди.

* * *

Бир пайтлар шарқироқ сойлардай ҳайқариб юрган шоирлар қаторига сокингина бир ирмоқ, камсуқумгина бир ўзбаки ариқ келиб қўшилганини биров сезиб, биров сезмай қолганди. Қалдироқлар гулдираб, булутлару чақинлар алғов-далғов бўлиб ётган баҳор осмонида ой шундай пайдо бўлади, қуёш шундай билинмайгина чиқади. Кейин... ҳаммаёқ нурафшон, мунаввар бўлади.

Шеърият — Муҳаммад Юсуф учун том маънода қисматга айланди. Сўз йўли, шеър йўли унинг ҳаёт йўли, умрий тақдирини белгилаб берди.

Ватан ҳақида қаламкаш зоти ёзган, ёзпти. Бироқ “*Осмонга бўй чўзган оқтерак ўлкам!*” дейишнинг гашти ўзгача. Ватаннинг ўзи мисол, хоксор эли янглиғ соддагина қилиб айтганга не етсин:

Сен — шохлари осмонларга
Тегиб турган чинорим,
Ота десам,
Ўғлим деб, бош эгиб турган чинорим,
Қўйнимдаги ифтихорим,
Бўйнимдаги туморим,
Ўзинг мени улуғлардан
Улуғимсан, Ватаним!

Шоирнинг қадду қомати, қалбининг бўю бастини, қиёфасию кўнгили дунёсини шеъри кўрсатади, унинг зоҳири ҳам, ботини ҳам ўз шеъридир.

Қўлинг қадоғига босай юзимни,
Онамсан-ку, оғир олма сўзимни.
Қайинларга айтиб “Қаро кўзим”ни
Сибирларда қолган Усмонларинг бор.

Бу шеърят ўз-ўзидан яралгани йўқ. Худо берган бу истеъдод “Шувоқлари кўчган эски уйлар”, ажин босган азиз юзларни эслатувчи ним нураган пахса деворлару тупроқ кўчаларнинг тунги сукутларидан, онайизорларнинг меҳру соғинчлари, оталарнинг умрий заҳматлари иси келгувчи ятак-чопонлари, сулув қизларнинг кулгуси, қошу киприклари аро майсадек кўкариб камол топди. Бу шеърят меҳру соғинч, дарду ҳижрон, тириклик ва ўлим, дийдор ва айрилиқ тарбиясини олган, шунинг учун унда меҳр ҳам, соғинч ҳам сероб.

Шоир савол ҳам бермайди, жавоб ҳам сўрамайди. Шеърлар сизни сўроққа тутмайди. У бор-йўғи кўнглини тўкади, шеър шаклида саҳифаларга тўкилган кўнгил кишига юк юкламайди, сиз уларни шундоқлигича, яъни шеърларни кўнгил мисол, кўнгилни шеърлар янглиғ қабул қиласиз. Бу шеърлар дафъатан сизнинг биродарингиз, ёру синглингиз, онангизу Ватанингизга айланиб қолади.

Беихтиёр баҳор гулларини сочаётган оқшом аро унинг ўйчан қиёфаси гавдаланади, дийдалари остида бир жуфт безовта қуш ин қурган, яхшилаб тикилсангиз — оқ кўйлаги остидан озгин жуссаси ичра юраги кўриниб тургандай... Уни эл рағбатига сазовор этган — шеърлари, деҳқон кўлидаги нондай жайдари ва соддаваш шеърятти. Уларда даъво йўқ, бодилик йўқ. Шеърлар — кўнгил боғининг шавқ шамолларида шовуллаб тўкилган япроқларидир. “Жайрон, нега кўзинг тўла ёш?” дейилган, бир боғнинг шафқати беркиниб ётган сатринада жайрон кўзларини далаларнинг ғубори чулғанган ойсингиллар учун бир дунё меҳр бордир.

Муҳаммад Юсуфни болалар яхши кўради, хижолатда қабоси ҳилпираётган лолалару тўйга қатлама қатлаётган кайвони холалар яхши кўради. У ҳалол элнинг ҳалол бир дилбанди сифатида “*Ёрилган қўлларга термулиб юриб, шу ялпиз далада мен ҳам бўй етдим. Кейин шеър*

йўқлади тушимга кириб, кейин ўзим йўқлаб Тошкентга кетдим. Навоий сатрига термулиб юриб, Туйдим жамолини бу кўҳна элим, Кейин сен изладинг тушимга кириб, Кейин ўзим излаб ёнингга келдим”, дея хирмондаги букри толда беланчаги чайқалаётган болага ҳам ҳисоб беришдан тортинмайди. “Хирмондаги бола”, чақалоқ — шоир учун ҳалоллик-поклик рамзи, Ватан тимсоли, унинг энг тоза, покиза сўзи ҳам шу:

Мен келдим шул шаффоф сўзимни топиб,
Мен билдим, юракдан Ватанни севмоқ —
Беланчак осилган толларни ўпиб,
Чақалоқ кўзига ҳалол термулмоқ...

* * *

Ҳақиқий шеърият ҳамиша фидойиликни талаб қилади, беаёв қурбонликни сўрайди. Муҳаммад Юсуф чин шоир эди, шундайлигича қолди. У илк шеъри чиққанидан буён бир одам зотига берилмиш нимаики қувончу изтироб, меҳнату заҳмат, бахту фароғат бўлса — ҳаммаҳаммасини шеърига, шеърларига сарфлади, ўзини, яқинлари, гулдай қизчаларининг бари орому ҳаловатини ҳам шеърга алмашди. Ҳамиша камгап, ийманиб юргувчи бир шоир сўзбозлару сўзфурушлар дунёсига шеър учун аёвсиз яшамоқ, жонини, борлигини сарфламоқ қандоқ бўлишини ҳаёти, китоблари ила кўрсатиб кетди. Шунинг учун “Нима қилсам шеър ишқида қилдим мен”, деган сатри ҳам энди бутун ҳаётию ижодига ўзи қўйиб кетган хулосадай жаранглайди. Ва “Юртим, сени иддаолар қилмай севаман”, деб айтганида ҳам нечоғлик ҳақ эди.

Истиклол даврида юртда қанчалар йўлу кўприклар солингани янглиғ, неча азизу авлиёларнинг ётар маконлари обод этилиб, яна қанчалар муҳташам, муаззам бинолар тиклангани мисол адабиётимиз, шеъриятимизда ҳам бу йиллар нурли излар қолдирди. Устозлар изидан, улар билан ёнма-ён Муҳаммад Юсуф ҳам, таъбир жоиз бўлса агар, ўз шеърлари билан нурли кўприклар солиб, ёруғ йўллар очди. У ўз диёрини ўзгача бир завқу шавқ билан қўйлади:

Одам билан улғаяр макон,
Дунёларга достон бўлади.
Эрки элнинг гўдаги султон,
Султони мард инсон бўлади.
Даҳри дун ҳаммадан қолади,
Биздан озод Ватан қолади!

Илк шеърлари биланоқ Абдулла аканинг назари-га тушган, мудом у кишининг диққат-эътиборида бўлган, “осмонқалб укам”, дея ном олган шогирднинг ҳам шогирдлари қисқа муддатда кўпайиб кетди.

Устознинг эътирофларига эътибор беринг:

“Чинакам шоирнинг қалбида аллақандай соҳир қуш доимо сайраб туради, деган гапни кўп бора эшитгандик. Ўша қуш айнан Муҳаммаджоннинг, Муҳаммад Юсуфнинг юрагида ошён қурганига мен астойдил ишонганман. Унинг кўзлари ҳам, чеҳраси ҳам ҳаммиша латиф бир куйни хониш қилгандай эди. У ўз элини, халқи, Ватанини чин фарзанддай, беғараз, сидқидилдан яхши кўрар эди. Шу меҳрнинг натижаси ўлароқ, унинг шеърияти ҳам худди шундоқ беминнат ва беғараз шеърият сифатида майдонга келди. У обрў талашмас, иззатини сўроқлаб югуриб юришдан ор қиларди. Худди шундоқ яхши инсонгина яхши ижодкор бўлиши табиий ва қонунийдир. Ҳақиқий маънодаги барҳаётлик, завол билмаслик Муҳаммад Юсуф ижодига ҳам тааллуқли бўлмай десам, иншооллоҳ, хато қилмагайдирман.

Абдулла ака — устоз ва шогирд бўлиб бирга Доғистон халқ шоири Расул Ҳамзатовнинг таваллуд тўйи баҳона у кишининг уйига — Махачқалъага меҳмонга борганларини, Расул бобонинг Муҳаммаджонни дарров яхши кўриб қолганини, унга шеър ўқитиб, “Шеърни ўзимдай ўқиркансан”, дея мақтаганларини алоҳида меҳр ва соғинч билан эслайдилар. Бу хотираларнинг ўзи ҳам бугун соғинчга айланган.

Қушдай учиб кучоғингдан дунё кездим,
Қанча олис кетсам шунча қадринг сездим.
Кезиб-кезиб топганларим Соғинч бўлди,

Қайда юрсам ёди меҳринг овунч бўлди.
Айланайин қора қошу кўзингдан-а,
Ўзингдан қўймасин халқим, ўзингдан-а!

* * *

Устоз-муаллимлар даврасида шеър, адабиёт ҳақида гап кетганда домлалардан бири “Сўз Ватандай бўлмоғи керак!” деган чиройли иборани ишлатган эди. Сал баландпарвозроқ туюлса-да, ҳар ҳолда, шоир сўзининг салмоғи, миқёси даражасини белгилаб берадиган гап. “Имон йўқ гўшада эҳром қайдадир”, дейди Муҳаммад Юсуф. Унинг наздида Сўз Ватан тушунчаси янглиғ қадрли ва азиз. “*Мен нетиб шоир ўлай, Бир қалам ўйнатмасам. Жон қадр бир сўз сўраб, Бир калом шеър айтмасам*”, дейилганида ҳам айнан шу муқаддас масъулият билан Бурч назарда тутилган. “Шундай йилларни кўрдикки, бахтли бўлиш уят эди”, дегандилар устоз Асқад Мухтор. Муҳаммад Юсуф чин маънода бахтли бўлиш, яъни одамдай яшаш уят саналмаган, элу юртимизнинг асрий орзу-армонлари ушалган бир замоннинг озодқалб шоири бўлиб камолга етди. Сўзини айтолмай йиғлаб кетганларни билгани, кўргани, уларнинг ҳаққи-ҳурмати учун ҳам шоир қалбида Сўз қадри — Ватан қадри янглиғ табаррук тушунчага айланади. Ўкинчи эса чорлов, даъват мисол жаранглайди:

Йўқса етмасмидик Сўзнинг қадрига,
Пойига минг садқа етмасмидик жон,
Ватаннинг қадрига, дўстнинг қадрига,
Кунларнинг қадрига шу дориломон...

Дунёда норасо, ношукур фарзанд бўлишдан ҳам ёмони йўқ. Шоир учун бу — энг изтиробли ҳолат. Улуғ аждодларга муносиб ворис бўлмоқ унинг юрагининг юксак, нурли қирраси. Ҳаёту тирикликнинг, фарзандликнинг бор мазмун-моҳиятини у шу қиррадан туриб белгилайди. Шундай шарафни билмаганларга эса унинг жавоби бундоқ:

Мангу назм гулшани сўлмас,
Навоий-ку яшар то абад.
Оқибатсиз элда эрк бўлмас,
Муруватсиз юртда — саодат...
Кечиргайми ҳазрат ўз қавмин
Бир-бирига бўлмаса паноҳ:
Подшосининг билмаса қадрин,
Гадосини сийламаса гоҳ?..

“Муҳаммад Юсуф шеърларини райҳонлардай экиб кетди”, деганди мухлислардан бири. Унинг шеърларини юртимизда нимаики гўзал, нафис, жозибали ва тароватли бўлса — ҳамма-ҳаммасига қиёслаш мумкин. Капалакларга ўхшатиш мумкин, қалдирғоч деса ҳам учиб кетаверади. Жилғалардай жилдирайди, юлдузлардек жимирлайди бу шеърлар. “Қовурғамнинг тагида бир қумри йиғлар”, дея ўқиганингиз ҳамано кўкрак қафасидан потирлаб чиқиб келаётган қумрини кўрасиз. Ялпизлардай бўй таратиб, гиёҳлардай ифор сочаётган, қийғос гуллаган олчазордай оппоқ бир шеърият. Дала-даштдай анвойи, лоззордай қирмизи, ҳилпираб, чайқалиб, ястаниб ётибди. Фақат бир лола, биргина лолақизғалдоқ...

Олдинга мен боролмасам, ўт гуноҳим,
Бир йўқлаб қўй мен дунёдан ўтган чоғим.
Қабрим узра ҳилпираб тур, қизғалдоғим,
Муҳаммаддан бўлак дўсти девонанг йўқ.

* * *

Шоир ҳаётнинг ҳақиқий ошиғи, тирикликнинг чин волаю шайдоси эди. Шеърлари ҳам шу шайдоликнинг ҳосили бўлиб дунёга келди. Ҳазрат Навоийнинг “Ки шайдолик диёридин етишган корвондир бу”, деган сатрлари бор. Муҳаммад Юсуф шеърияти шу “шайдолик диёри”нинг янги кўклами мисол сарин, тоза ҳаволари билан кириб келди. Кириб келди эмас, кўклам мисол, унинг ёмғирларию саболари янглиғ юз берди.

“Кўклайим” деган сўзни шеъриятимизда биринчи бўлиб Чўлпон ишлатган бўлса керак. Унинг “Кўклайим йўлга чиққан. Кўклайим қўзғалган” дея бош-

лангувчи шеъри — баҳорнинг соғинчу севинчи билан бирга шоир қалбининг изтиробли армони ҳамдир. “Кўклам билан юртимга ҳам бир кўкариш келсайди”, дея армон қилади Чўлпон.

Муҳаммад Юсуфнинг кўклами, “Кўклагойим” шеъри — унинг ҳаётга, тирикликка муҳаббатининг гўзал ва дардли таронаси. Шоир бу кўклагойига яшамоқнинг қанча алам ва айрилиқларини бошдан ўтказиб етишган. “*Сочимда оқ, мен баҳордан ўтиндим: Кўклагойим, кўкингдан бер бир чимдим*”, дейди у. Шеърнинг аввалги сатрлариданоқ сизни ҳам тансиқ бир соғинч чулғаб олади.

Кел-да энди соғинтирмай одамни,
Сен йўғингда бир ғам босди елкамни,
Қорлар кураб кўмиб келдим отамни...
Кўклагойим, кўкингдан бер бир чимдим.

“Бир чимдим кўклам”, бир кўклаглик ҳаётнинг нақадар азиз ва ғанимат эканлиги, “қумри билан омон чиқдик биз қишдан”, дейилса-да, бу дийдорга эришмоқнинг ўзи қанчалар қувончли ва армонли, нечоғли орзиқтиргувчи ва онийлиги жуда жозибали айтилади. Шеърнинг энг изтиробли сатри эса сизни ҳам мувозанатдан чиқаради:

... Яна сенга етаманми йўқми мен...

Бу шеър шоирнинг ўз кўклагойига саломи, айни пайтда видоси ҳамдир. Бундай шеърлар ҳам, кўшиқлар ҳам кишиларни тарбиялаш қудратига эга. Умр кўклагларининг ғаниматлиги, ҳаёт боғларида одам болаларидан фақат эзгулик дарахтларигина мангу кўкариб қолишини эслатиб тургувчи шеърларгина шундоқ қуйланади.

* * *

“Халқона” деган сўзни бўғинларга бўлсангиз, икки улуғвор сўз юзага келади: “Халқ — Она”.

Муҳаммад Юсуфнинг Ватан ҳақидаги ҳамма шеърлари она ҳақидадир, она ҳақидаги барча шеърлари айни пайтда Ватанга бағишлангандир.

Олтин бешик узра аллалар айтиб,
Ҳамиша бедорим — онаизорим.
Жилгаси жаранги тонгда уйғотиб,
Юрагимга кириб келган баҳорим,
Ватан, қадрим уйи — хонақоҳимсан,
Момоларим ётар саждақоҳимсан.

“Кимда ғам кўп бўлса — у менинг онам!” дейди у яна бир шеърида. Шоир онасини Ватанни суйгандайин, Ватанини эса онасини суйган янглиғ яхлит меҳрини бериб камол топди. Шеъри ҳам, сўзи ҳам шу меҳр баробарида, юртнинг бўю бастига қараб вояга етди. Унинг муҳаббатини онага алоҳида, Ватанга алоҳида айро-айро ҳолда тасаввур қилиш қийин. У ўз диёрини, она тупроғини бир фарзанд суйганчалик суйди, бир фарзанд янглиғ кўнглини уфқлардай кенг очди. Унинг дарди ҳам нурли, ёруғ. Шунинг учун кишига дард юкламайди, аксинча, руҳ бағишлайди, кўнгилни кўтаради.

...Бугун унинг дўстлари кўп, кўчирмачи-тақлидчилари бисёр. У ҳақда хотира ёзаётганларнинг сон-саноғи йўқ. Номи ҳам, шеър-қўшиқлари ҳам эл аро овоза. “Биз ҳали ҳаммадан ўтамиз, қизим!” дея шеърий аллалар бағишлаган капалакдай қизчаси Мадина ҳам улғайиб, шеърлар машқ қилмоқда. Нозима қизи эса кўкламни келтирган қаламқош қалдирғочгинага ўхшайди. “*Фурра-фурра сўз йиғдим, Бошим ерга тега кўп. Сал машҳурман шекилли, Бугун менга эга кўп*”, дея шеърий мактублар йўллаган сингилларига — акаларининг ёзиб қолдирганлари ҳам қувонч, ҳам тасалли. Волидасининг соғинчи бисёр, ҳар баҳор кўклам билан шоир ўғли ҳам эшикдан кириб келадигандай... Буларнинг бари — ҳаёт, тириклик. У ўз шиддати, севинчу соғинчлари ила давом этаётир. Қанотлари қайрилмас ҳаёт. Тириклик боғини ўз номлари, эзгу амаллари билан безаб кетганларга эса ҳамиша шарафлар айтилган. Муҳаммаджон, Муҳаммад Юсуф шундай инсон эди, шундай шоир бўлиб эл қалбида қолди.

... Куйлари қолди
Тоғу тошида.
Ўйлари қолди
Ой, қуёшида,
Булоқ бошида,
Хирмон бошида,
Ўзбекнинг қора
Кўзу қошида.
Бир шоир кетди,
Бир шоир ўтди
Бобур ёшида,
Бобур ёшида.

Эй, булбулларга,
Куй-ғазал, Ватан.
Сен — абад, Ватан,
Сен — азал, Ватан.
Ким — сендан юлди,
Ким — ўсал, Ватан,
Гул, асал, Ватан,
Сен юксал, Ватан,
Сен юксал, Ватан.
Ўйлади боланг,
Куйлади боланг,
Эй гўзал, Ватан!
Эй гўзал, Ватан!..

2004 йил, март-апрель

“ОЛИСЛАРДА ЁНГАН ЧИРОҚ...”

Қашқадарё бир ажиб юрт: шамоллари бегонага ёт туюлмади, кўз илғамас кенгликлари дарров дилга жо бўлади, даштларга тегиб ётган осмонларию юлдузлари ғоят яқин ва ошно. Атроф-борлиқ, ерда — дов-дарахтлару бинолар, кўкда — ою қуёш, мозийнинг оқ-оппоқ кўланкаларига менгзагувчи булутларгача Соҳибқирон бобомизнинг кўринмас дағдагаю шону шавкатиға қуллуқ ва эҳтиром сақлаб тургандай. Бу тупроққа қадам қўйишингиз билан ушбу ҳолат сизни ҳам забт этади.

Шоирлари қизиқ: миршабларни тўхтатиб олиб шеър ўқиб беради, миршаблари шоирларидан ҳам қизиқроқ: шоирини билмаса агар ҳайдовчисининг “талон”ини тешиб беради. Фақат... полвонман деб полвонини, бахшиман деб бахшисини ҳайратлантиролмайсиз. Замонамизнинг улуғ, донишманд шоирини берган бу юртда яна бир камтар, камсуқум шоир яшайди.

Қашқадарё шоирлари тазкирасида, тенгдош қаламкашлар рўйхатида Исмоил Тўхтамишевнинг ўзига муносиб мақоми, ўзига яраша мавқеи бор. Таъбир жоиз бўлса, Исмоил ака эл орасидаги, эл юмушлари ичидаги шоир. Маҳалла-кўй, қариндош-уруғ, қўни-қўшни, мусофиру меҳмоннинг кундалик ташвишларини ҳам тақдир унга юклагани юклаган, элчилик, ҳеч нарса деб бўлмайди, шоир барига камарбаста. Уйининг бўғотига ин қураман деб уддалай олмаган мусича, шу беозор, ношуд парранданинг ҳам бошпана ташвишини тушунмоқ керак. Кулгили туюлиши мумкин, лекин касал бўлиб, ўт емай қўйган сигирига шоирдан даво сўраб, маслаҳат, мадад истаб чиққан қўшнига не дейсиз?

— Ишсиз қолдик-ку, оға, — дейди ошнаси Муртазо табиб унинг уйига келиб, — бу касал-пасал бўп қолган шоирлардан йўқми, бизга юбориб турсангиз...

Яраш Жумабой деган тижоратчи дўстимиз уйланмоқчи бўлганда бир муаммо туғилди. Яъни, бўлажак келин Қамашидан экан, обрўлироқ бир одам орага тушмаса агар, отаси қизини бермаслиги мумкин экан. Ярашбойни етаклаб Исмоил аканикига кириб бордик. Икки марта ош ейилди, қирқ-эллик чойнак чой ичилди, икки шиша нос чекиб тугатилди, соат ўн бир бўлди, ўн икки бўлди, охир иккига бонг урди, Араловулнинг вақтли ухлаган хўрозлари қичқира бошлагач, ниҳоят, Исмоил ака ботиниб-ботинмай “Бир жиддий иш бор девдинглар, билсак бўладими?” — дея сўради. Муддаони айтдик. Вақт алламаҳал бўлишига қарамай, ака кимнидир топтириб келди, маслаҳатни пишитдик, “эртага совчиликка борамиз, энди дам олинглар”, дейилган маҳалда бирдан “куёв” айниди: “Э, ўзи уйланмоқчи

эмасдим, Икром Отамурод мажбур қилиб қўймади”, дедию дунёнинг қовунини туширди-қўйди. Биз мулзам, эртасига Ярашбойни сўкиб-сўкиб Тошкентга қайтдик, Исмоил ака эса “Шундай жиддий ишлар чиқиб қолса, кеб турунлар”, деб жилмайиб кузатиб қолди. “Куёв” дўстимиз “Шаҳрисабз кетдим” деб шундан бери кўринмайди. Шоир акамиз ҳали ҳам ўша-ўша — эл ичида, эл ишида, шеърлари, китоблари.

Олисларда ёнган чироқ, сенга интилдим,
Юрак-бағрим тилса фироқ, сенга интилдим.

Одамзод бир умр нурга, мунавварликка интилиб яшайди. Гиёҳлар ҳам шундай. Нур, ёруғлик, зиё — бахту иқбол, тинчлик-хотиржамлик, хонадонлар файзи, орзу-умид тимсоли. Соғинчу ҳижрон шоирнинг таомидир балки.

Ҳаёт мактаб бўлди мен учун,
Бойчечакдай ер тирнаб ўсдим.

Ҳамма гап шу иккинчи сатрда. Шоирнинг шоирлиги ҳам, “қувончи ҳам, юпанчи ҳам” шунда.

Бир замонлар Қаршида “Лайли ва Мажнун” деган чиройли, кўркем қаҳвахона бўларди. Кўҳна Насафни кезаётиб, кўзимиз тушиб қолганди. Шоирлик, ҳар нарсадан ташбеҳ қидирамиз, шўро замони эди, Мажнунлар мойга беланиб трактор ҳайдарди, Лайлилар чангғуборга қоришиб кетмон чопарди, “ризку насибалари, фахру гурурлари” бўлмиш “оқ олтин” эса ўзганинг измида, тўйлари бефайз, рўзғорлари нурсиз эди. “Супрамизга сичқон кирса усти қашқа бўлмагай” сатрида ҳам шулар назарда тутилган ва яна шоирнинг ўша пайтлар ёзган бир тўртлиги ҳам эса келаверади:

Норасо Ватаннинг дард, ўйларидан толамиз,
Минг қилса ҳам у — Она, бизлар содиқ боламиз.
Сайёҳларнинг гапидан хаёлинг бузилмасин,
Меҳмонлар келиб кетар, бизлар эса қоламиз.

Тўғри гапни ҳам тўғриликча айтиб бўлмайдиган давр-да шоир нима қилади? Табиийки, ташбеҳга зўр беради, ўрганеди, ғижим бўлади, лекин бари бир “йўлини” топади, юкини ҳеч бўлмаганда “туя”га юклайди:

— Нега бўйнинг эгридир, Туя,
Эмасдирсан ишёқмас, ўғри?
— Дўстим, гапинг ўринлику-я,
Лекин, айт-чи, қаерим тўғри?

“Сохта илтифотлар, ёлғон мақтовлар” замонида, “булутлари дунё пок бўлсин деб тоғлар тошига кўзёш тўкаётган” каззоб муҳитнинг шоиригина, “Яхшиликнинг тантанасига ишонса-да”, “Кўксим бўлар ҳижрон Ватани” дея навҳа чекади.

“Шеър ун чекса шоирнинг армони сабаб бўлгай”, деб устоз ҳам бекорга айтмаганлар.

Бу дунёда дўсту ёр нима, қадру қиммат, меҳру оқибат нима, инсоний туйғуларнинг бирор-бир мезони, ўлчови, тарозиси борми? Шоир нима учун куйинади?

Умрнинг ўтган ҳар они, ҳар сонияси учун шоир ҳамёнидан эмас, қалби, дарду изтироби билан товон тўлайди. Устозга бағишланган “Кунимиз кимларга қолди, акажон?” биргина шеъри учун қанча таъна-маломатларни бошдан ўтказди, шеърга сиғмаган, назмга бўйин бермаган кечинмалари, надоматларини “Мунофиқлик манзаралари” номли ғоят жиддий, салмоқли публицистик мақолалари орқали изҳор этди.

Бошқа замонлар келди. Энди озод, ҳур шамоллар эсаётир.

Не кунларни кўрмадинг сен, бу кун ҳам ўтар,
Фарзандларинг мангуликка кифтини тутар.
Етар энди, қадингни тут, бошингни кўтар,
Бўйу бастинг қолишмайди бировдан, элим.

* * *

Атроф-борлиқ, ерда — дов-дарахтлару бинолар, кўкда — ою кўёш, мозийнинг оқ-оппоқ кўланкаларига

менгзагувчи булутларгача Соҳибқирон бобомизнинг дағдағаю шону шавкатига қуллуқ ва эҳтиромда турган кўҳна Насаф — бугунги обод ва озода шаҳар Қарши. Қарши — қўрғон дегани. Бу юртнинг шоирлари ҳам катта, кичик қўрғонларга ўхшайди.

Шоирнинг “Кўҳна Насаф хаёли” китобини varaқлаётиб, шамоллари бегонага ёт туюлмайдиган, кўз илғамас кенгликлари дарров дилга жо бўлгувчи, даштларга тегиб ётган осмонларию юлдузлари ғоят яқин ва ошно диёрни яна бир карра кезиб чиқдик, полвонлари билан гурунглarda бўлдик, бахшиларининг фиғони сел қилди, тўйлардаги олишларда ердан юлдузлар сачраганини ўз кўзимиз билан кўрдик. Исмоил Тўхтамишев шу диёрнинг, шу танти элнинг камтар шоири, эл орасидаги шоир, эл шоири.

Олисларда ёнган чироқ, сенга интилдим,
Юрак-бағрим тилса фироқ, сенга интилдим.

1997

ШОИР ҚАЛБИДАГИ МАЙСАЛАР

Шеърят йўли ҳамиша оғир кечган. Бу йўлнинг ранжу ситамлари хусусида узун-узун ривоятлар қилиш, ҳикоятлар сўйлаш мумкин. Бу йўлда кимлардир чинордай салобат тўкиб турибди, аллакимлар майса каби эпкинлар ила шивирлаб ўтган, яна бировлар хас-хазондай шилдираб қолган, кимлардир тупроқ бўлган. **“Шеърят бу — қуруқликда яшаб, осмоний хаёлларга берилувчи денгиз жонзотининг кундалигидир”**, дебди бир фарб донишманди. Балки у ҳам ҳақдир. Боболаримиз сўзни жуда ҳам қадрлашган. “Сухан деган дурдир” — эскилардан қолган гап. Бунда айнан шеърӣ сухан, назмий калом назарда тутилаётибди.

Ҳар қандай йўлнинг икки чети фақат тераклар ё толлар, чинорлар ва ё азим дарахтлардан иборат бўлмагани каби шеърят йўли ҳам ўзининг пасту баланд, шодмон ва маъюс, чаққон ва оғирқадам, шамол ва

эпкинсифат йўлчилари ила ажибдир. Теварагида майсалар шивирламаган дарахтнинг дарахтлиги ҳам унчалик қизиқ кўринмайди.

Шеърятимизни таърифу тавсиф қилишга ҳожат йўқ. У ўзини ўзи кўрсатиб турибди. Ким пастроқ, ким баланд пардаларда баҳоли қудрат ўзининг сўзини айтиб келаётибди. Ҳамма изланишда, ҳамманинг ўзига яраша дарди бор, ҳамма бир яхши битик ва ё бир ажиб сатр илинжида ҳаловатдан кечган.

Шеърят – соғинчдир, севинчдир, аламдир, ўйдир. Шу йўлда анча йиллардан буён қалам тебратиб келаётган Турсун Алининг “Тун товуши” тўпламини варақлаган ўқувчи бунга яна бир карра иқроқ бўлади. Йўл бошида беназир устозлардан дуо олган шоирнинг ушбу шеърий мажмуаси узоқ йиллар қалб ва тан қалъасида тўпланиб қолган, руҳ иқлимларини макон этган, онг ва шуур заминида илдиз ёзган соғинчлардан таркиб топган бир тўплам бўлибди. **“Қува боғларида анорлар гуллади алвон-алвон. Мусофирлик кўчасида менинг ҳам бағрим анорзор каби гуллади қип-қизил”** сатрларини ўқиб, ушбу соғинчларнинг нечоғли тансиқ ва азиз эканини, шоир бу йўллардан боди ҳаво каби шунчаки хиргойи қилиб ўтмаганига амин бўласиз. Сатрлардан майсалар, тупроқ, шабнамлар ҳиди, одамзод армонларининг ислари урилади димоғингизга. Шоир бир ҳолатда майсага айланади, яна бир ҳолатда “қон ютган анорзорлар” шаклида дарду ҳасратини айтади.

Бу ҳаётда одам боласи учун фожиа саналувчи йўқотишлар бор. Шоир ўзи учун шеър ёзади, шеъри ўзини куйдирса агар, ўзгаларни ҳам куйдиरोлади:

Онамнинг қабрига унган майсалар,
Мен сизни кўксимга босаман суюб.
Энтикиб кетади куюк юрагим,
Сизларда онамнинг ҳидларин туюб.

Онамнинг қабрида унган майсалар,
Бир сирин сўрасам келмасин малол:
Бошингизни силаб онам қўллари
Уйқудан уйғотган сизни, эҳтимол.

Соғинч, алам шу билан тугамайди. Жудолиғ — ҳамиша азоб, айрилиқ бир ранжу ситамдирки, унинг шарҳига сўз ожиз. Лекин шоир керакли гапни дилдан чиқариб айта олади:

Тонгда борсам онам қабрига,
Йиғлаётир майсалар юм-юм.
Оҳ, майсалар билан мен бирга
Кўз ёш тўқдим тўлиб юрагим.

...Кўҳна қабр устида абад,
Ўсаётган эгик майсалар.
Огоҳ этинг мени ҳам албат.
Онам сизга бир гап айтсалар.

Шеърнинг шеърлигини унинг изоҳ талаб қилмаслигидан билса бўлади. “Тун товуши”да бундай шеърлар жуда кўп. Тун товуши — бу айна пайтда шоир юрагининг товуши, унинг ўй-кечинмалари, изтироб ва орзуларининг товуши ҳамдир. Бунда “қушлар қанотида ухлаётган тонг” ҳам, “сукут кўксини тилиб”, “тиним билмай чақнаётган кетмон”, “терақ учида тик турган офтоб”, “райҳонли ҳовлини супураётган қирққокил қизчалар”, “жойнамоз ёзаётган нуроний боболар, мунис момолар” ҳам, “кимнингдир ҳазин нафаси ила шундоқ юракка кириб келаётган куз” ҳам — ҳамма ҳаммаси бир яхлитлик ила йиллар сўнгида шоир чиқарган шеърлий хулосаларга мазмун-моҳият касб этади. Тўпلامдаги “Илтижо”, “Рамазон”, “Оқтой ҳақида баллада”, “Куннинг умри”, “Отам вафоти”, “Куз сувратлари” суҳбатлари тугамайин, яъни бир-бирига меҳру мурувват, яхшилик ва оқибат кўрсатмайин “Бекатларда тушиб қолган одамлар”нинг аҳволини кўрсатувчи “Трамвайдаги суҳбатлар”, қалбнинг обу ҳавосидан хабарлар бергувчи “Ҳаяжоннинг сувратлари” сингари шеърлар, авлодларнинг аҳволи руҳияси, ахлоқий-маънавий таназзули хусусидаги “Учинчи хона” драматик достони кейинги йиллардаги изланишлар маҳсули сифатида ўқувчида ўй ва мулоҳазалар уйғотади. Шоирнинг ўз мавзуси, ўз ифода йўсини кишига оғир ботмайди. Бироқ

ҳамма гап, барибир майсаларда. Энг муҳими — улар ерда эмас, шоирнинг кўзларида, юрагида шивирлаётир.

Ўйчан кўзларимда яшил майсалар,
Бағрига сингдирар нурни, ёмғирни.
Қуёшдай, ёмғирдай мен майсаларга
Бир кун топшираман ўтли бағримни.
Сўнг... Яна бу кўҳна замин бағридан
Яшил майса бўлиб қайтиб чиқурман.
Тагин, она юртим, сенинг шаънинга
Майсалар тилида шеърлар ўқурман.

1994

БЕҲИҚМАТ БЎЛМАГАЙ ТОҒЛАРНИНГ ТОШИ

“Тафаккур” журнали беҳаловат, фаол шоирларимиздан Азим Суюннинг янги шеърлар туркумини босиб чиқарибди. Туркум “Уйқу аро бедорман...” дея номланган ва у кенг кўламли “Ватан” шеъри билан бошланади. Умуман олганда шеърлар мавзуи ҳар хил бўлса-да, шоир бу туркумида ҳам ўз ижодий йўли, услуб ва овозига содиқ қолади. Ўша авж парда, ўша бағрикенглигу ўша тоғдай залвор ва салмоқ ила ўқувчига кўнглини очади. Биз бунда шеърий иддаони кўрмаймиз, шоир шикоят ва ё арз ҳам қилмайди. У — шеър айтади, бу шеър билан ўқувчининг кўнгли ёришади, руҳи нурланади.

Оддий алафдан ҳам зийнат изладим
Ва ҳатто чаёндан хислат изладим,
Инсон, сен на алаф, на-да чаёнсан,
Мен сендан доимо ҳикмат изладим.

Ҳикмат нима? Ҳикмат тушунтирилмайди ёки шарҳланмайди. Шеърда ҳикмат борлиги эса ҳадисларда келган.

Азим Суюн ўз элининг куйчиси. У шеъриятимизга ўз тоғлари, чўққилар виқорию тошқин сойлари билан кириб келди. Ўтган асрнинг етмишинчи йиллари наз-

мий ҳавосида гулдираган бу гулдираклар, бу шеърӣй чақинларнинг ёлқинлари ҳалигача юзларимизни ёритиб турибди.

Бир ёмғирли, бир жозиб оқшом эди. Бизлар талаба эдик. Нохос хонамизга “айиқ пўстинини ёпинган” (устоз Маҳмуд Саъдий ибораси) Усмон ака, Усмон Азим кириб келди. “Юринглар, сизларни бир жойга олиб бораман, — деди. — Ҳақиқий шоирларнинг даврасини ҳам бир кўринглар-да энди”.

Биз — хурсанд. Тарихчилар ётоқхонасига бордик. Бир хонадан гулдираган овоз келяпти. “Азим шеър ўқияпти, — дея изоҳ берди Усмон ака. — Ҳозир таништириб кўяман”. Хонага изма-из кирдик. Гулдираган овоз таққа тўхтади. Бир ёвқур қиёфа бизга тикилиб қолганди. Шеърни бўлиб кўйганимиздан хижолатда эдик. “Булар ким?!” дея жаҳл ила савол ташлади у. Усмон ака: “Менинг укаларим, шеър ёзади”, дегандан сўнггина, “Ҳа, майли, шеър ёзса майли, келаберсин”, дея яна ўқишда давом этди. Кейин билсак, бу сархуш давра Азим аканинг бўлажак умр йўлдоши, ҳозирда Ойгул янгамизнинг туғилган куни муносабати билан тўпланган экан. Тилак Жўра, Московдан ўқишдан келган Шавкат Раҳмон, Хуршид Даврон... яна филфакдан уч-тўрт талаба шоирлар.

Ҳамма адабиётчи талабалар ўша пайтлар ҳаяжон билан ўқиганимиз зангор муқовали илк китобига “Менинг осмоним” деб ном қўйилишида ҳам нозиккина бир рамзий ишора бор эди. Тоғларнинг чўққилари ҳамиша юксакка, осмонга интиладилар. Шоир ҳам бу билан тоғлар фарзанди эканини, ҳамиша юксакликларга интилиб яшамоғини билдирган эди.

— **Эл билан беллашмадим, эл билан тиллашдим, сирлашдим**, — дейди шоирнинг ўзи.

Бу сўзлар унинг бутун ижодига зарҳал сарлавҳадир.

Менинг сўзим яёв эмас, отли эрур.

Сиз оппоқ, юксак тоғлардан эниб келаётган оқ тулпор минган ёки оқ от етаклаган Сўзни тасаввур қиляпсизми? Буни фақат тоғ фарзанди айтмоғи мумкин.

Битта ҳикмат менга аён:
Сўз тузалса — эл тузалар.

Мустабид тузум даври бўлишига қарамасдан ўша етмишинчи йилларда эълон қилинган ва анча-мунча шовшувлар, баҳсу мунозараларга сабаб бўлган “Тутқун”, “Баҳодирнинг қиличи синди” сингари шеърларда ҳам шоирнинг юксак ғоялари, алам-изтироблари ифодаланган эди.

Гарчи, донишмандлар айтганидай, бу кўҳна фалак остида ҳеч нарса янгилик бўлмаса-да, Сўз янгидир, уни янги шоирлар, кўкраклари қоялардай баланд, кўнгиллари тоғ шаршаралари янглиғ сертошқин оқинлар янгилайдилар. Шунинг учун шоир “Оқар сувлар ўз йўллари топиб кетар”, дея қатъий ишонч ила сўз айтади.

Оқ тоғларни изладим,
Қора тоғлар дуч келди.
Қора тоғлар қучоғини кездим, ёронлар.
Оқ тоғларга кетгунча,
Оқ ва қора дунёни
Чаппор уриб айлангум...

Ўзбекистон халқ артисти Фаррух Зокиров шу оқ-қора дунёнинг эзгин куйига солиб эзгин қўшиқ қилган ушбу шеър узун, туганмас йўлга ўхшайди. Узоқ йўлга узун дарду соғинчлар билан чиққан шоирнинг орзиқтирувчи кечинмаларини яна унинг шеърларидан топасиз. Истанг дард, истанг соғинч денг ёинки меҳр деб атанг ва ё севинчу изтироб денг буни.

Келдим яна ота тоғлар,
Ота тоғлар, она тоғлар,
Чечакларинг дилим боғлар,
Мендек хаста эмас — соғлар.

... Алқорларинг қояларда
Тўйинадир қиёқлар-ла.
Мен юрибман қаёқларда
Юракларим тўла доғлар.

Бунда дунё ўз рангларини ўзгартиргандай туюлади. “Заминга бер покиза авлод”, дебон Яратгандан сўраган шоир ўз кўнглининг сарчашмаларига қайтгандай бўлади. Лекин энди бу ёш бола ё ўспирин шоир эмас, у энди камолот фаслидаги, умрнинг бир томони зангор, бир томони сарғиш, ўйчан ва оғир бир палласида турибди. Дунёнинг бори ҳикмати ота қабртошидаги тўрт сатр сўз маънисидан иборатдек ўхшаб кўринади:

Бешигинг ўхшайди тобутга, Дунё,
Тобутинг ўхшайди бешикка, Дунё.
Бир эшикдан кутиб олдингу ўзинг,
Кузатдинг иккинчи эшикка, Дунё.

Бироқ ҳаёт давом этади. “Ота макон — Ўзбекюрт” фарзандлари учун, бир замонлар дилидаги сўзини ботиниб айтолмаган эл шоирлари учун Айтмоқ замони, эрк ва ҳуррият замони етишди. Шоир Ватан ҳақида чўққилардай юксакликларга кўтарилиб шеър айтади: “Эртасин ўйлайман болам сингари, Эртаси... ишонгум, бахт каби оппоқ”. Сурур тўла, ғурур тўла бу шеърят олови, шоирнинг ўзи айтмоқчи, энди бор бўй-басти ила баландроқ гуриллаётир. Биз бир туркум баҳонасида бу шеърятнинг илк тонгларини, ўсмирлигимиз оқшомлари, раҳматли бўлиб кетган шоирларни ёдга олдик. У завқли паллалар, ҳарир тонглуру у шеърый кечалар ҳеч қачон эсдан чиқмайди.

Усмон Азим, Азим Суюн, Хуршид Даврон,
Тилак Жўра, соф булоқдай Шавкат Раҳмон,
Сизлар борган ҳар ғўшадан шеър унарди,
Бошимиздан шеър ёғарди у пайт осмон.

Худди шундай. Бир туркум баҳонасида биз Азим Суюн ижодининг битта нуқтасинигина таҳлил этмоққа ҳаракат қилдик. Шоирдан Нуротатоғ томонларда “Азим-боғлар” қолса, эл ичра яхши китоблару яхши гап-сўзлар айтилиб юрса, унинг учун бундан ортиқ фахр борми?

2001

ШОИРЛИК ВА ШОИРЧИЛИК

ДАРС

Кузнинг ёмғирли кунларидан бирида Миллий университетимиз қошидаги Олий Адабиёт курси талабаларига дарс ўтишим кераклигини айтиб қолишди.

— Бормасангиз бўлмайди, планга киритиб қўйганимиз, шоирлик, шеърият ҳақида, тажрибангиз тўғрисида ўртоқлашсангиз, талабалар кутишади, — деди уларнинг “ўнбоши”си, озғин қорамтир шоир йигит.

Мен ҳазиллашгандай бўлдим:

— Шоирлик плани тўлиб-тошиб кетган, ҳозир пландан ташқари ишляпмиз.

Ва минг бир истиҳола билан, неча андишаю иккиланишлардан сўнг боришга рози бўлдим.

Кейин ўзим ўйланиб қолдим:

Менинг ўртоқлашадиган, ўргатадиган тажрибам бормикан? Ўзим шунга эҳтиёжманд бўлсам, тажриба ҳақида гапиришим кулгили кўринмайдими? Сўзга, шеърга муҳтож бўла туриб сўз ҳақида, шеърият, шоирлик хусусида шакаргуфторлик қилишим, ақл ўргатишим жуда галати-да...

Бу дарс менинг ўзимга ҳам хийла фойда берди. Мен ўзимни ҳам талабалар қаторида яна бир карра имтиҳондан ўтказгандай бўлдим. Маълумки, ҳар қандай дарс мисоллар, тамсил ва муқоясалар билан, улуғлар, устозлар айтган ҳикматона гаплар, улар ҳаётида кечган ибратли воқеаларни эслаш билан жонли ва мукамалроқ чиқади.

Хулласки, дарсимдан кўнглим тўлмади. Лекин шу баҳонада шеърият, шоирлик ҳақида ўйлаб юрганларим, дафтарларимда йўл-йўлакай ёзиб қолдирганим, китобларда белгилаб қўйганим ўзимга ёққан, таъсир этган гаплар, мисолларни, шунингдек, ўзимни қийнаб юрган мулоҳазаларни фикр ипларига тизишга ҳаракат қилдим. Муҳтарам домлалар, зукко устозлардан изн сўраб шуларни қоғозга туширишга журъат этдим. Бинобарин, “бир каттанинг гапи, бир кичикнинг гапи” дегандай,

бу ёзувлардаги мулоҳазалар менинг ўзимга ҳам қаратилгандир, уларда тилга олинган талаблар — менинг ўзимга ҳам қўйилган талаблардир.

ШЕЪРИЯТДА “КАЛЛА” МАСАЛАСИ

“... Дорилфунунда ўқиб юрган пайтларим ёшлар газетасига машқларимни олиб боравериб рўзнома ходимларига анча яқин, синашта бўлиб қолган эдим. Улар менга ўз аъзоларидай қарашар, хоналари ҳам, бағирлари ҳам мен учун ҳамиша очиқ эди.

Бу сафарги келишим тушлик вақтига тўғри келгани учун идорада ҳеч ким йўқ, адабиёт бўлимига кириб бемалол қоғоз, газеталарни титкилаб ўтирар эдим. Бир маҳал эшик очилиб, ўрта ёшлардаги бақалоқ киши киришга рухсат сўради. Мени бўлимнинг ходими деб ўйлади шекилли, дарров мақсадга кўчиб қўя қолди:

— Яхшимисиз ука? Шу, энди, шоирчилик-да, шеърларимни об келувдим, бир кўрсангиз, маъқул бўлса, газитда...

Ва мендан олдин ҳам кўп қўллардан ўтган, кўрилавериб саҳифалару муқовасида деярли фарқ қолмаган семиз дафтарни қўлимга тутқазди.

Ёши анча-мунча катта киши, менга — бир ёш болага элангандай мўлтайиб турибди, шунинг учун сирни бой бермадим-да, адабиёт бўлимининг росмана ходимидай ишга киришиб кетдим. Шеърлар катта-катта ҳарфларда, боз устига шунчалик зич-тиғиз кўчирилгандики, дафтарда ҳошия тугул, таҳрир учун бир сўзлик жой ҳам қолдирилмаган эди. “Боғ-тоғ”, “сув-юв” қабилидаги қофиялар жуда сероб бу “сайланма”ни ўқиб чиққунча, сиқилиб кетсам-да, “муаллиф”га билдирмасликка ҳаракат қилдим, ҳатто кўнгли учун битта-яримта шеърини мақтагандай ҳам бўлдим. Шу пайтгача камгап, торгиниб ўтирган оғамиз мақтовимдан кейин бирдан руҳланиб сайрай кетди. Таржимаи ҳолию, “ижод, шеърят йўлида чеккан заҳматларини”, ҳар бир шеърининг ёзилиш тарихигача гапиравериб чарчаб кетди. Ниҳоят бир қизиқ сирини ошкор қилди:

— Биласизми, ука, шу шоирчилик-да, нимагадир мен бошимни иссиқ сувда яхшилаб совунлаб ювганимдан кейингина яхши шеърлар ёза бошлайман. Нимага шундай экан-а? Ювган пайт калла қизийдими ё, шунинг учунмикан-а?..”

* * *

Юқоридаги воқеа ҳозирда ҳаёт бир устозимизнинг эсдаликларидан келтирилди — бундан қирқ йил олдинги эски гап. Бироқ унда йўл-йўлакай, шунчаки тилга олинган бир сўз ҳамон эскирмайин, қадду қоматини кўз-кўз қилиб керраиб турибди. Қанча улуг, азамат шоирлар дунёдан ўтиб кетдилар, бу сўз ҳамон тирик. Бозор иқтисодиёти унга жуда қўл келган, ҳомийларни ёллашни, пул топишни боплайди, эпчил, уддабуро. Тап тортмай “Биз ҳам бир китоб чиқармоқчи эдик” ёки “Бир китоб чиқарувдик”, дея устозларнинг ҳаловатини бузиб, гашига тегиб сўз ёздириб олиш, дастхат ёзиб бериш мақомигача етишган. Бу сўз — биттагина, лекин қиёфалари кўп, шакл-шамойиллари бисёр, уларнинг “муборак башараларини сиз йиллаб кўрмайсиз”, бироқ дидсизликлари, сийқа-саёзликлари ўзларига ўхшаган, Навоидан беҳабар, китоб ўқимайдиган “санъаткор”лар боис оммавий саҳналар, радио-телевидение каналларини, тўй-ҳашамларни ҳам ишғол қилиб бораётир.

Дурустгина овози бор бир ашулачи оғайнимизга мутолаа ҳақида сўз очсам, аввалига хизматнинг кўплигини рўкач қилди, сўнгра кишини хавотирга соладиган, ўйлантириб қўядиган гапни айтди:

— Бизнинг ўзимизнинг шеър цехимиз, цех бошлиғи — шоиримиз бор. Ҳамма жиҳозлар, компьютергача муҳайё. Мусиқаси, соққасини берсак бас, ярим соатда шеърни чиқариб беради.

Шоирчилик-да, “Муҳаммад Юсуф кетди, қўшиқ бозори энди бизники, истаганча тақлид, сўзбозлик, сўзфурушлик қилсак ким нима деёлади” қабилдаги бир иддао, нописандлик, халқнинг кўзи ўнгида ҳақиқий шеър, муборак сўзнинг иззат-ҳурмати устига чиқиб олиб, тиккасига булғаш... Висоцкий ўлгандан кейин тақлид-

чилари кўпайиб, қўшиқлари, шеърлари бозорга — чайқовчилар кўлига ўтиб даромад манбаига айланганидан ўкинган бир шоир “Ҳаёт тугаб, энди савдо-сотиқ бошланди”, деган экан. Худога шукр, бизнинг бўстониимиз ҳеч қачон булбулсиз қолган эмас. “Бахши бўлолмасанг, қайрағоч бўл”, дея шогирдига насиҳат қилган устознинг мақсад-муддаосини илғаган бўлсангиз керак. “Қайрағочнинг жилла қурса сояси бўлади, одамлар соясидан баҳра олади, қўйинг ука, сизга Худо буюрмаган экан, ўзингизни ҳам, ўзгаларни ҳам қийнаманг, бошқа бирор фойдалироқ юмушнинг этагини тутинг”, деган маънонинг назокат билан айтилганидир бу. Дарҳақиқат, калланинг ўрнига компьютерни, кўнгилнинг жойига дискетни қўйиб, чин шеър ё қўшиқни айтиб бўлмайди. Бунинг учун Худо юқтирган нурли дард тўла кўнгил, дидли, фаросатли калла керак бўлади. Машраб бобо ҳам айтганларку:

Йиғламоқ осон эмасдур, эй жигарбандим, эшит,
Мулки дил садпора бўлган сўнг кўзингдан нам келур.

Устозимиз эслаган воқеадан роппа-роса қирқ йил кейин, яъни шу яқин ўтган кунларда Ёзувчилар уюшмасининг маслаҳатчилари хонасида кўлёмаларни кўриб ўтирган эдик, эшик “ғийқ” этиб очилиб, аввалига иккитами-учта семиз папка, бу папкаларни ушлаган биққи қўл, сўнгра бинойидай бир қорин, бу қоринни эринмай кўтариб келган улкан гавда, шундан кейингина лагандай бир юз билан шунча дов-дастакни бошлаб келган саватдай бир бош кўринди.

Олтмиш билан етмишнинг нари-берисида бўлган зотнинг иззати учун ҳаммамиз ўрнимиздан туриб, мулозамат кўрсатдик. Юмшоқ курсидан жой бердик. Ҳолаҳвол сўрашиб, бир пиёла чой ичгач, ўзини таништирди-да, папкалардан бирини оча бошлади.

— Булар — менинг ёшлигимдан то ҳозирга қадар ёзган шеър-достонларим. Мана бу иккита папкада кейинги пайтларда ёзган романим, ҳозир иккинчи роман устида ишляпман, учинчи романимни калламда пишитиб юрибман, Худо хоҳласа, у ҳам ёзилса керак.

Ҳаммамиз ҳангу-манг бўлиб қолдик. Табиийки, бу кишининг номини мутлақо эшитмаган эдик, нотаниш бир одамнинг дабдурустдан бирданига шунча “асар”ни олдимизга тўкиб солиши ҳам кутилмаган ҳодиса, ҳам ғалатироқ эди. Биз ҳали бирор муносабат билдиришга улгурмайин, отахон яна сўзида давом этди:

— Биласизларми, укалар, ҳаётда ҳамма нарсани кўрдим, катта амалларда ишладим, ўғил-қизларим уйли-жойли, неварачевараларим кўп, ҳеч нарсадан, ҳеч кимдан камимиз йўқ, фақатгина бир орзу-армоним қолган, шу асарларим китоб бўлиб чиқса, ёзувчиларга аъзо бўлсам...

— Сал кеч кебсиз-да, отахон, — деди чидай олмай маслаҳатчилардан бири.

— Ишингиз бўлмасин, ука, катта амалларда ишладик, элга фойдамиз тегди, мана энди бўш вақтимиз кўп, ижодимизни ҳам халқ билиб қўйсин деяпмиз-да.

... Кўриб турганингиздек, бу ўринда ҳам изоҳнинг ҳожати йўқ. Албатта, бировга, у ёшми, қарими — ёз ёки ёзма деб айтиб бўлмайди. Бу — унинг шахсий иши. Ҳавас ё майл қилган экан, ўзи биледи. Ҳозир, энг ажабланарлиси, “оилавий китоблар” ҳам чиқиб кетяпти. “Шеърлар. Достонлар”, “Хотиралар”, ҳатто “Насиҳатнома”, “Ўғитлар” чоп этиляпти.

— Э, билмас эканмиз-да, кўрмай қолибмиз-да, — десангиз “муаллифлар” “Ҳа, энди, бола-чақага биздан бир ёзма эсдалик ҳам қолсин-да, шундоқ ният қилувдик”, деб дарров сизга дастхат ёзиб беради, яна кўшимча қилиб қўяди:

— Шу китобни ёзувчиларни тўплаб бир тақдимоти-ни ўтказсак, қандоқ бўларкин-а?

Келтирилган мисолларнинг адабиётга дахли йўқдир балки, лекин адабий жараён деб аталмиш беором, беҳаловат бир уммон қаърида, гирди-атрофида шундоқ ҳолатлар ҳам авжланиб бораётганини, миллий назокат, боболардан мерос юксак дид-фаросатга мутлақо зид эканини, маънавиятга, ёшларнинг ахлоқи, тарбиясига акс таъсир этаётганини тан олмасдан иложимиз йўқ.

ЎЗ ОТАНГНИНГ ЭШИГИ
ЁХУД
ВАТАН ҲАҚИДА ҚАНДАЙ ЁЗМОҚ КЕРАК

Шоирлик, агар уни Худо тақдир қилган бўлса, ота уйдан, ўз отангнинг эшигидан бошланади.

Болаликдаги сомонларнинг ҳиди бир умр димоғдан кетмайди.

Болаликдаги жилғалар — шоирликнинг қон томирлари, дашту далалар, қир-адирлари — муқаддас варақлари, сиз илк шеърларингизни шу табаррук саҳифаларнинг сўқмоқларида юриб, қадамларингиз билан ёза бошлагансиз.

Хуллас, шоирлик нима, шеъриятни қандай изоҳлаш мумкин? Гулмидир, райҳонмидир, жамбилмидир, нима у? *“Нодонға хомушлиғдин яхши нарса йўқдур,— дебдилар шайх Саъди Шерозий,— агар муни билса эрди, нодон бўлмас эрди”*. Ул зот “Гулистон”да яна бир тамсилни келтирадилар: *“Бир чаёндан сўрдиларким, қишда недин ташқарига чиқмассан?” Чаён деди: “Ёз чиқиб на ҳурмат кўрдимки, қишда чиқиб на ҳурмат кўргайман?”*

Бу тамсиллар — ҳикматлардир, ҳикмат эса тушунтирилмайди, қабул қилинади, хулоса чиқарилади, ундан ибрат олинади.

Раҳматли Қодир Бахшининг “Ётиблар ичган-а сувларим” деган сатри ҳам шеър, шеърият. Шоирлик шу “ётиблар ичган сувларда”. Ота уй, унинг эшиги, она юрт ҳақидаги шеър ҳам шудир. Бу ҳам шарҳланмайди.

Ёт элларнинг боғи билан боғчаси
Ўз юртимнинг янтоғича кўринмас,

дейилади халқ қўшиқларида. Ҳар гал эшитганда бағирлар бир жимирлаб кетадиган бундай сўзлар Ватан ҳақдадир. Раҳматли момоннинг бир ашулалари бўларди. Болаликдан ёнларида юриб кўп эшитганман, ҳар гал айтганларида қизиқ ҳолатларга тушардим. У нола-лар ҳали ҳам қулоғимда, нола эмас, сув бўлиб кетган кўнгилдай:

Аввалги бахтим —
Гулларга тахтим.
Кейинги бахтим —
Сувларга оқдим.

Демак, шеърятда Ватан — азалий ва абадий мавзудир.

Устозлар мактабидан сабоқ олиб, ўзимнинг фақиргина тажрибамдан келиб чиқиб, шуни айтиш мумкинки, ўта нозик бу мавзу, айниқса, сохталикни, ёлғонни кўтармайди. Сунъийлик гавҳар шодалари ичидаги мис тангадай дарров билиниб қолади. Албатта, шоир киши аввалдан ўйлаб, ҳозирлик кўриб, “Бу кеча Ватан ҳақида бир шеър ёзай”, деб ёзув столига ўтирмайди. Ҳар қандай шеър ҳам А.Вознесенский таъбири билан айтганда, аввало кўнгилда, руҳда “рўй бермоғи” керак. Худди осмондаги чақмоқдай, дарё тошқинидек, воқеа-ҳодисалар рўй бермоғи мисол.

Биз — серсукут бир юртнинг фарзандларимиз. Оғир, залворли тоғлар, хомуш адирлару тилсиз миноралардан тортиб, жим-жит мақбаралар ва гумбазларга қадар, азим бобо чинорлардан то осмонларгача ястаниб, юксалиб кетган бу юртда тошларнинг ҳам юрак-бағри бор, қадим мазорлари сассиз, товушсиз садоларга кўмилиб ётибди.

Улуғ аждодларнинг мангу ўйчан нигоҳлари, ҳазрат Навоий, Машраб бобонинг ҳорғин сиймоларию Фурқат, Муқимийлар, Қодирийлару Чўлпонларнинг тилсиз-забонсиз кўзлари умидвор тикилиб турибди. Бу мулкда Худо кўнглига бир гапни солган киши шу мўътабар сукутларни, улар замиридаги қатлам-қатлам сўзни ўйлаб, шу улуғвор Сукунат эҳтиромини сақлаб сўз айтмоғи керакдир.

— Қани, оғайни, келибсиз, хушгина келибсиз, буёққа ўтиринг-чи, бу адабиёт бўлгандан кейин, оёққинани артибгина киради, — деганда устозимиз айнан шу эҳтиромни назарда тутганлар.

Қўл қадоғини нон иситади, кўнгил қадоғини яхши шеърлар ила илитмоқ мумкин.

Худди кўприклар солиб, йўллар, бинолар қуриб юртни, манзилу маконни обод этган янглиғ, таъбир жоиз бўлса агар, шеърларнинг йўл-кўприклари ила, салмоқли, муносиб сўзнинг муҳташам обидалари билан кўнгилларни обод, элнинг шаъну шавкати кўтармоқ лозим бўлади. Ватаннинг ўзи сўнмас, туганмас Улуғвор бир Сўздир. Унинг қошида шеърий майдакашлик, “лирик” нағмалар қилиб бўлмайди.

Шеър “Ассалому алайкум” сўзи сингари ёруғ, “Дунё” сўзи мисоли бепоён, “Хайр” сўзи янглиғ нигорон, “Алвидо” сўзи каби интизор ва тушунарли бўлмоғи керак.

Алқисса, шеърият нима? Бир йиллар Андижонда бир тўй бўлган эди. Келинчакни олиб чиқаётганда қизлар бундоқ “Ёр-ёр” айтишувди:

Ўз отангнинг эшиги
Ифор эшик, ёр-ёр.
Ўтсанг-кетсанг сочларингни
Силар эшик, ёр-ёр.

Шеърият шудир. Андижонда ҳам, Сурхондарёда ҳам айтсангиз тушунишади буни. Худди Ватан каби.

МУТОЛАА “ТУЛПОРИ”

“**Чунки топтим ул калом ичра камол**”, дейдилар ҳазрат Навоий.

Мир Алишер бобомизнинг улуғ каломлари неча асрлардан буён неча-неча авлодларни камолга етказиб, яна интиҳоси йўқ уммондай қаърида маънавий марварид, гавҳарларни яшириб турибди. Уларни олмоқ, нурдан, зиёдан яралган бу муборак уммон тубига шўнғимоқ керак бўлади, холос.

Инсон камоли. Сўз камоли.

Шоир шеъри, сўзи билан камол топади, сўзи, шеъри шоирни камолотга етказида. Мутолаа, қалб ва ҳаётнинг қатъий ички интизомига айланган китобхонлик эса унинг диди, савия, маҳоратини етукликка элтади.

Шоирнинг кўксида бошқа изтироб-армонлари қаторида ўқилмаган, ўқилиши шарт бўлган китобларнинг

дарду армони ҳам бутун умри давомида зирқираб оғриб турмоғи зарур.

Ижодкор ука-сингилларимизнинг кўпчилигида, адабиётга бўлган бор орзу-ҳавасини инкор этмаган ҳолда, айниқса, йўл бошида сув билан ҳаводай керак шу мутолаанинг, саводхонликнинг етишмаслиги уларнинг ўзини жиддий ташвишга солмоғи керак. Мумтоз адабиётни қўя турайлик, аксарият ёшлар яқин ўтмишда ўтган улкан адиблар ижодидан деярли беҳабар, китоб ўқиш завқу ҳаяжонидан, изланиш-ўрганиш иштиёқидан бебаҳрадай. Фафур Фулом муаллимнинг гиж-гиж билим ёлқинланиб ётган тошқин шеърятини, Ойбек домланинг нафис-дардчил баётини астойдил билмай, ўрганмай, бугунги устозларимиз шеърятдаги шарқона донишмандлик, маҳорат ва сўзпарварлик мактабида пишмай туриб, ўзбекона лутфу зарофатнинг фаҳмига бормаин шеър ёзиб юрмоқ — катта кутубхонага кириб, серкасини излаб юрган қўйчивоннинг ҳолатини эслатади. Шундай пайт беихтиёр Қаҳҳор домланинг машҳур эпитафия ёдга келади: “Эй ўзингни, ҳолатингни билмаган Асрорқул.”

Яна бир гап. Ёшгина шоиру шоираларнинг радиотелевизорда, турли паст-баланд суҳбатларда бемалол-бамайлихотир “Менинг ижодим” ё “Мен ёзаётган асарларда” дея гапиришлари ҳам ғалати. Бир ойсингил бўлса ҳаммасидан “зўрроқ” айтибди: “Мен адабиётга кириб келганимда ўн тўрт ёшда эдим. Менинг шеърятимда баҳор ва севги мавзуси асосий ўрин тутди.”

Шеърятнинг заҳматкаш деҳқони Миртемир домладек зотлар ҳам айтишга ийманган залворли, юки оғир сўзларни у киши “Киприкларим” дея алқаган набиралари сабзи тўғрагандай пинак бузмай айтиб ўтирсалар — айб саналмайдими?

Энди буни қаранг: “Келгин тезроқ, келгин, ечгин баданимнинг тугмаларини”, деб ёзибди бир шоира қизимиз. Тилла занжирлар тақилса ҳам, Зебуннисобегим айтган нозик занжир — ҳаё, ибога тўғри келмайдиган гаплар. Бу шеър Парижда ўқилса, эҳтимол олқишларга сазовор бўлар, лекин... бизда, ҳар ҳолда, шеърнинг ҳам этаклари ёпиқ бўлгани маъқул.

Гап яна дид ва фаросатга келиб тақалаяпти. Бу фази-латлар ҳам, юқорида айтилганидек, тинимсиз муто-лаа, сидқидилдан ўқиш-ўрганиш жараёнида сайқалла-ниб боради.

Навоий бобомизнинг “**Муҳокамат ул-луғатайн**” асар-ларидаги “... шеърда сеҳрсоз ва назмда ҳуснпардоз шуаро-нинг ширин ашъори ва рангин адабиётидин элик мингдин ортуқ ёд тутибмен...” деган, замирида бутун бир до-рилфунун яшириниб ётган табаррук сўзларини мактаб пайтиданоқ адабиёт муаллимлари қулоғимизга азондай қуйиб тарбия қилишган. Бунча минг сатр ё байтни ёд-ламоқ қийиндир балки, аммо қайта-қайта ўқиш, син-чиклаб ўрганиш, уқиш ҳам ёдламоқнинг бир шакли эмасми?

Жаҳон адабиётини билмоқ ғоятда муҳим ва керак. Айни пайтда мутолаа тулпори ҳам айланиб-айланиб ўз қозигига келмоғи бордир. Отнинг устида китоб ўқиб бўлмайди, албатта. Бинобарин, отдан тушиб, эгарги-надан тушилмаса ҳам, “Ўзбек адабиёти” дейилган бе-тимсол бўстондан кўп ва ҳўп гуллар узмоқ даркор.

Ёшлик — умр, Вақт олдидаги бир мусобақа. Бу шаф-қатсиз беллашувда Ёшликни беҳудага Вақтга ютқизиб қўйиш ҳам ҳеч гап эмас. Акс ҳолда, Рустам Мусурмон “Лалай лалайчи келди” деганидай, устозимизнинг “Икки шоир” шеърдаги шоирлар рўйхатидан “муно-сиб” ўрин олиш хавфи ҳам таппа-тайин:

Бир шоир арз этди иккинчисига:

— Дўстим, шоирликдан энди воз кечгум!

Қанча интилмайин халқнинг ичига,

Шеъримни ўқимас, ўқимас ҳеч ким.

Иккинчиси уни юпатиб деди:

— Олдинроқ кетибман мен сендан кўра.

Халқ-ку, ўқимасди мени ҳам, энди

Ўзим ҳам ўқимай қўйганман, жўра.

Шундай қисматдан Худо асрамоғи учун ёш ука-сингилларимиз шоирликнинг юз минг меҳнату заҳма-тидан ташқари симириб, сипқориб китоб ўқиҳоқлари

зарур бўлади. Шундагина Озод домла таъкидлаганларидек, “Сўз лашкарини истаган измига сола билиш” маҳоратига эришмоқлари мумкин.

“МЕНИНГ ҲАМ БАРГЛАРИМ ТЎКИЛАЁТИР”

Ҳазрат бобомиз лутф қилганларидек “хазон сипоҳи”ни, “тириклик боғининг баргреси” фаслини ҳеч нима билан ман қилиб бўлмайди. Толе ёр бўлиб, узоқ умр насиб қилинган бўлса, бу фаслнинг келмоғи муқаррар.

Шоирлик — бир умр тўкилиб бориш демакдир.

Сўз йўли — бутун умр тўкилиш, куз ва баргресон йўлидирки, бунинг боғи ҳам, чорбоғи ҳам шоирнинг ўзидир.

Абдулла аканинг сатрини эсланг: **“Бир кунда тўрт фасл кечар бошимдан”**.

Устоз Асқад Мухторнинг юқорида сарлавҳага чиқарилган сатрида ҳам шоирлик умрининг бутун қисмати кўзда тутилган. Бу қисмат — бир умр ўтмайдиган, кетмайдиган дардли, нурли соғинчдир. Сўз соғинчи, шеър соғинчи.

Ўзимни силкитсам — барглар тўкилар,
Хазонимни кўргил, хазонрез боғим.
Умр ўтмоқдадир, лекин бир умр
Ўтмай сил қилади мени бу соғинч.

Бир учрашувда шундай хат узатишди:

“Сиз нима учун айнан шоирлик йўлини танлагансиз?”.

Жуда жўн, одатий савол бўлса-да, кишини анчайин ўйлантириб қўядиган гап. Ҳақиқатан ҳам, нима учун? Мен йўлними ё йўл мени танладими? Озғингина қизгинанинг озғингина қўли узатган бу хат ортида ота-онамининг, ака-ука, опа-сингилларим, ошною бегоналар, муаллимларим, бари элдошларимнинг сўроқ тўла кўзлари ҳар кун, ҳар соат мендан сўз сўраётгандек, гўёки бу хатчани минглаб, юз минглаб қўллар узатгану, ҳали ҳам шу алфозда ҳавода муаллақ қолиб, менинг жавоб беришимни кутаётгандек. “Беихтиёрликда борму менда ихтиёр?”.

Энди аён бўлдики, шоирликнинг махсус дарслик китоби йўқ, қўлланма билан шоирликка етишиб бўлмас экан.

Романтикона бир таъриф ҳам айтилган кўринар: Шоирликнинг нонуштаси — бир қатра шабнам, кечки овқатига бир томчи юлдуз ҳам етиб ортади.

“Ғафлат ҳаммомида қирим қолади”. Ўз даврининг наъравор шоири нима учун бундай деган? Бугуннинг ёш шоири буни англамоғи учун Ғафур Фулом бўлмоғи, уни билмоғи, у ўтқизган хазонларни дил боғидан кечирмоғи керак бўлади.

“Зор жисимда бўгинлар меҳнатимнинг сонидур”, дейдилар Мир Алишер бобо. Яна айтадиларки **“... меҳнат паймонасининг журъачаши ва маломат хумхонасининг сабукаши, шайдолик маҳалласининг расвоси ва расволик кўчасининг шайдоси**

Вафо бўстонининг дostonсаройи
Маломат булбули, яъни Навоий.”

“Лойгарчилик” дегандай “шоиргарчилик”, “шоирчилик” эмас, бу — Шоирлик, дилни, бамисоли деҳқон кеча-кундуз шудгор қилиб, кўнгилларда чечаклар ундирувчи ранжкашлик, фидоликдир.

Б.Пастернакнинг ёзуви-хатини қай бир адиб учаётган турналарга ўхшатган экан. Шоир ўзини куз теккан дарахтдай дафтарига тўка олсагина, сўзлари хазондай шовуллаб тўкилсагина унинг шеърлари турналар янглиғ қалбларга кўкламлар келтиргуси.

Шеърятда, шоирликда, шунингдек, бир кинорежиссёр уқтирганидай, “бошқаларнинг мағлубиятини ўзингнинг ғалабанг, ўзингнинг ғалабангни эса бошқаларнинг мағлубияти”, деб қарамаслик, ўзбекона айтганда кенг бўлиш керакдир. “Шеърни мард одам ёзди”, деган ҳақ гап устозлардан қолган.


Ҳолбуки, ҳаётда ҳаётнинг ўзидан-да гўзалроқ бир нима йўқ, шеърятда ҳам шеърятнинг, шоирликнинг ўзи, унинг дид ва фаросати гўзалдир.

* * *

Алқисса, шоирлик дарслари — адо бўлмас дарслардир. Бу — туганмас мактабнинг оғир синовлари, битмас ранжу заҳматлари, алам-изтироблари бор, ҳаётнинг бошқа шодликларига ўхшамайдиган севинчлари бор. Шеърият — ўзга дунёдирки, унга бу дунёнинг ҳисобкитоблари, манфаатчалари билан кириб бўлмайди. Бу қутлуғ даргоҳга қисмат эшигидан кирган янглиғ, тақдирга тик қараган мисол қадам қўймоқ керакдир. Шундай иқтидорларга шоирлик бахти ҳам, мактаби ҳам бир умр муборак бўлсин!

20.11— 2.12.2003.

УЗИЛГАН ТОРЛАР





СЎЗБОШИ ЎРНИДАГИ СЎНГСЎЗ

Собиқ шўролар тузумининг энг мудҳиш ва қаттол хатоларидан бири бўлмиш Афғонистон жангида ҳалок бўлган ўзбекистонлик ўғлонлар хотирасига бағишлаб ёзилган ушбу “Ном”нинг “Адабиёт ва санъат” газетасида босилганидан буён 15 йил вақт ўтибди. 1989 йил, ошкоралик бўлишига қарамай, бу надоматнома анчамунча қисқартишлар билан эълон қилинган эди. Шундоқ бўлса-да, у фожианинг мингдан бирини ҳам айттолмаганим ушбу битикларнинг акс-садоси ўлароқ, жумхуриятимизнинг барча гўшаларидан мингдан зиёд хат олдим. Булар — хатлар эмас, оху фарёдлар, нолаю фифонлар, мотам ва надоматлар эди. Уч ойлар уйқум йўқолди, нима қилишимни билмай лолу карахт юрдим...

У машъум урушда собиқ иттифоқ республикаларидан 15 мингга яқин гулдай йигитлар бекорга жувонмарг бўлиб кетдилар, салкам 37 минг ёш-ёш ўғлонлар майиб-мажруҳ бўлиб қайтдилар. Бу йигитлар ҳам урушнинг қалбан, руҳан қурбон бўлиб қайтган иштирокчилари эдилар. Бизнинг Ўзбекистонимиздан қанча қурбон берилгани, ногиронларнинг сонуну саноғи ҳаммадан сир тугиларди, айтилмасди. Ҳолбуки, бирданига икки қўл, икки оёғидан айрилиб, ёлғиз “буталган” тирик тана билан қайтганларга ҳам гувоҳ бўлган, у шўрлик тананинг: “Жон оқалар, мени отиб ташланглар, мен энди кимга керакман?!” дея зор-зор йиғлаганларини кўрган инсонлар бор.

У бетайин қирғиндан жасадлари қайтган ўзбек йигитларининг қабрлари эндиликда майсазор бўлиб, лолаларга кўмилиб ётибди. Қабрдаги лолалар — шўрлик ота-оналари, ака-укаларию ёру сингилларининг доғларидир балки...

Хотира эскирмайди. Хотира ҳеч қачон ўчмайди.

Ҳурриятига 14 йил тўлаётган озод Ватанимизда элу юртнинг жонфидо фарзандлари ёди, Инсон хотираси учун нечоғли инсоний, эзгу амаллар қилинаётгани бугунги кунда беш панжадай аён. Улуғ зотларнинг рағбату раҳнамолигида бино бўлган “Хотира боғи”, “Шаҳидлар хиёбони” сингари табаррук зиёратгоҳларда уйғоқ руҳлар янглиғ ям-яшил дарахтлар хомуш чайқаладилар. Худди, тузумлару замонларнинг хатоси учун ҳаммамиздан узр сўраётгандай, қаршимизда хижолат бўлиб тургандай.

Мен ҳам узр сўрайман.

Яна бир бор эслатганим учун, у дардли, тилу забонсиз кунларга яна бир бор қайтаётганим учун йиллар оша, ўзга асрдан туриб кечирим сўрайман.

Ватанимиз гулу чечакларга бурканажак. Бу гулларга у ўғлонларнинг ҳам ҳақи, улуши бор эди. На чора, уларга шундоқ ёзмиш буюрган экан, Худо ҳаммаларини раҳмат қилган бўлсин.

17.12.04

НОМ

*Афғон жанги қурбони рассом
Сирожиддин Тўрахўжаев хотирасига*

Мен беш йил бу мавзудан чўчиб юрдим.

Беш йил бу ҳовлига келишга иккиландим мен. Айтдимки, шўрликларнинг дардини янгилаб нима қилдим, фарзандини тирилтириб беролмасам?

Беш йил!

Беш тоғдан ўтгандайин қийналиб кечдим беш йилдан. Гўё беш тоғ чўкиб кетдию, ўрнида беш ғор қолди — гувиллаб ётган беш бўшлиқ. Ва беш шеърий дафтарим беш оққуш сингари жонсиз, паришон — уларга дардимни тўқаман деб тўқолмадим. Уларда — ёзганимдан кўра ўчирганим кўпроқ.

Кечалар баланд теракнинг қуюқ шохларига ой илашиб қолади. Ой, ошиқларнинг оташ нигоҳларини ҳам,

Афғонда ҳалок бўлган йигитларнинг сўник, кўкимтир юзларини ҳам бирдек ёритган ой. Беш йилдан буён шу теракнинг шохларига илашиб қолади. Гўёки сарҳаддан у ёққа ўтгиси йўқдай. Сарҳаддан у ёқда...

“Қора лолалар”¹ эса музтар-нигорон мамлакатга жимгина келиб-кетавердилар. “Қора лолалар” — мақсад-моҳияти ноаён урушнинг мунглуғ темир қушлари.

“Сизнинг ўғлингиз интернационал бурчини бажарётиб мардларча ҳалок бўлди”.

“Сизнинг ўғлингиз...”

“Сизнинг ўғлингиз...”

“Сизнинг...”

Мана бу сатрлар ҳам беш йил бурун ёзилган эди:

Афғонистон қумларида йиқилганида аскарлар,
Мен ҳам ёзув столида сўзсиз яраланганман.

“Саксонинчи йиллар” достонидан ўрин олган ушбу сатрлар ўшанда цензура томонидан олиб ташланди. Журнал терилаётганда тўхтатиб қўйилди. Сатрлар ўрнини тўлдириш учун шошилиш равишда рассомга сурат буюришди. Мавзуга мос келмаса-да, дoston қоқ ўртасида дидсизларча солинган гул расми билан босилиб чиқди.

Мен бу сўзларни нима учун ёзмоқдаман?

Вақт ўтиб олиб ташланган сатрларни қайта тиклаш мумкин дир, лекин бетайин қатағонда ҳалок бўлган ўғлонларни ҳаётга қайтармоқ, уларга жон ато этмоқнинг ҳеч иложи йўқ. Уларнинг ўрнини ҳеч қандай гул, ҳеч қандай орден билан тўлдириб бўлмайди! Уларнинг ўрни бўш. Уларнинг ўрни... Вокзал, аэропортларда “Улуғ Ватан уруши” қатнашчиларига...” ёзувлари ўрнига “Байналмилал жангчиларга навбатсиз хизмат кўрсатилади”, деган лавҳалар кўзга чалиниб қолди. Қани эди бу билан яралар битса, ногирон хаёллар шифо топса, қани эди... Салкам 15 минг қурбон, майиб-мажруҳлар сони 37 мингга яқин! Бу авлодга ном ҳам топилган: “Уруш кўрмаган оталарнинг уруш кўрган болалари”. Ном.

¹ «Қора лола» — Афғонистонда ҳалок бўлганларни иттифоққа элтган самолётлар номи.

* * *

Сирожиддин Тўрахўжаев. 1963 йилнинг
26 январида Тошкентда туғилган.
1984 йилнинг 14 январга ўтар кечаси
хизмат бурчини ўташ вақтида ҳалок бўлган.

Изтиробнинг қора ҳошияси. Айрилиқнинг мудҳиш чизиги. “1963—1984”. Мени бир шафқатсиз ҳақиқат ларзага солади: Афғонистонда ҳалок бўлганларнинг кўпчилиги 1963—64 йилларда туғилган. Бу рақамларни кўшиб чиқса 19, 20 сонлари келиб чиқади. Ўн тўққиз, йигирма ёш! Тақдирнинг ўзи туғилган йилларининг санаси билан умрларини белгилаб қўйгандек. “1963—1984”. Бу саналар оралиғида кечган муддатни умр деб аташга тил бормайди, бу муддат туғилиш билан ўлимни ажратиб турган чизиқдан ҳам қисқа, гўёки умид гулбаргларига бир қатра шабнам индию қуёш нурларига етишмайин йилт этди кетди.

Бўёқлардай рангин тасаввурига
Ҳали чанг солмайин кибру қабоҳат.
Уни ўлдирганлар “душманлар” эмас,
Уни ўлдиргандир бизнинг жаҳолат.
У кетганда ўн йил уйга навбатга
Турганлар ниҳоят уйга етганлар.
Уни ўлдиргандир элни заволга
Ҳамда мамлакатни чоҳга элтганлар.
Асфальт қатламини ёрган ҳар гиёҳ
Кўнглини завқларга тўлдиргандилар.
Уни ўлдирганлар

бунда боғлару

Байкал, Оролни ҳам ўлдиргандирлар.
Лунжлари осилиб чириб тушгунча
Раҳнамо бўлганлар ўлдирган уни.
Уйига келаман.
Яланғоч январь.
Ҳовлида чирқирар туғилган куни.

* * *

Бу ҳовлига бир ўзим келишга ботинолмадим. Далда бўлсин учун ҳаётнинг аччиқ-чучугини обдон тотиб кўрган кекса журналист Абдулла Пўлатовдан бирга боришни илтимос қилдим. Йўқ демади. Келдик.

Кўйлиқ мавзеидаги чоққина ҳовли. Қиш охири. Осмон тийра. Кўнгил осмондан-да тийрароқ. Шу ҳовлига қадам кўяётиб, умримда илк марта ўз исмим ўзимга халал бераётганини англадим. Уйдан барваста гавдали, юзлари қорайиб-қовжираб кетган киши чиқди. Ота. “Ғам қорайтирган”, деб ўйладим дарров. Кўзларимиз бир тўқнашди! Садриддин аканинг кўзларига бошқа тик қарай олмадим. Улардаги мунг юздаги ғам рангидан қуюқроқ, тубсиз эди. Туганмас андуҳ чинқириб ётарди уларда.

Уйга кирдик. Хонтахта. Кўрпачалар.

Жиккаккина момо дастурхон тузаяпти. Салом бердик. “Сирожиддин шу кишининг қўлида катта бўлган, бувиси”, — деди Садриддин ака. Мулозаматдан сўнг ўтирдик. Жимлик... (Ҳеч бир оиланинг бошига солмасин бундай жимликни!) Кейин буви нола қилди:

— Болам шу еринада ётарди, ҳар саҳар ўзим уйғотардим, чинникосани тўлдириб шу қаймоқлардан ичарди, олинлар, силага насиб қилган экан, ман Худодан эмас, бандасидан кўраман, болам, болам... тирик кетган боламини, бўйи икки метрлик боламини тобутга солиб қайтаришди, тобут ҳам кичкина хонтахтача келади (бўғзимда тош, ёш қоядай бўп ўтирган Садриддин ака кўз олдимда муштдай кичраяди. Пўлатов йиғлайди), тобутни очиргани кўйишмади, бу манинг болам эмас, деб дод деб ёқаларига ёпишдим... кейин ўрден беришди, қизил юлдуз деган, беш йил бўлди, эшик тиқ этса болам дейман, болам, болам...

Дўстлари келсаю келмаса болам,
Дўстлари кулсаю кулмаса болам.
Бир пайтлар сочини тўзғитган еллар
Ҳовлида елсаю елмаса болам.
Яхши кўрган қизи келиб йиғласа,
Сўнгра тўй бўлсаю билмаса болам.
Суратдан чиқолмай мўлтираб зор-зор
“Тўйлар муборак”ни тингласа болам.
Куйган кечаларда уйқум келмайин
“Милт-милт” юлдуз бўлиб имласа болам.
Ғира-шираликда дарахт эшикда
Боламдай турсаю, кирмаса болам.

Саҳар косаларга қаймоқ тўлсаю
Кексайган бу кўнглим тўлмаса, болам.
Кеча топширишди “Қизил юлдуз”инг,
Орденни “болам” деб бўлмаса, болам...

* * *

Сирожиддин қанақа бола эди?

Садриддин ака сўзсиз сўровимни илғагандай куйиб-лар кетади, армон қилади:

— Феъли ўзгача эди унинг. Эгриликни билмасди, кишининг раҳми келадиган даражада тўғри эди. “Сен болам ҳаётда кун кўришинг ҳали қийин бўлади”, дердим. Болалигидан сурат чизарди. “Битта ишимни Италия ё Францияда кўрсатмагунимча қўймайман”, дерди. Ҳаёт бўлганда бу йил битириши керак эди. Жуда қизиқ эди-да у. Армияга кузатгани вокзалга чиққанимизда қайси шаҳарга тушиши бизга ҳали маълум эмасди. Поезднинг ичида офицерлардан билиб олганми, жўнаётганда вагоннинг ойнасига туянинг расмини чизганди ўшанда. Бу — “саҳрога, Туркменистонга кетяпмиз”, дегани эди. Кейин хат келди. Афғонистондан... “Бўёқларимни ҳидини соғиндим”, деб ёзарди. Бир хатида блокнот варағига сурат чизиб юборибди: бўри, бўрининг пешанасига тегиб ортга қайтаётган тош... “Ҳа, болама, — дедим, — пешанангга тош тегипти-да!..” Вой болам, вой-вой болам, бечора-ей! Бизларни ҳам бир болта уришди-да! Уришганда ҳам ёмон уришди!..

Ота, мен ҳақимда гапириб беринг

Мени сўраб келганларга,

йўқлаганларга.

Мени ёқламаган, ёқлаганларга

Ота, мен ҳақимда гапириб беринг!

Йиллар енггайдирлар Сизни ҳам охир,

Дилда соғинчингиз боғлайди йиринг.

Мени излаб келган ёзу қишларга

Ота, мен ҳақимда гапириб беринг.

Кунгай кунга етмай куйиб кетдим мен,

Кунгай чорпояда бир зум ўлтиринг.

Мен расмини чизган терак, толларга

Ота, мен ҳақимда гапириб беринг.
Хуфтон,

чора топмай хуфтон кўнгилга,
Ҳеч кимга билдирмай хонамга кириш.
Ўзим чизиб кетган ўз суратимга
Ота, мен ҳақимда гапириб беринг.
Ота, мен ҳақимда гапириб беринг.
Кечиринг, тўйларга буюрмадим мен.
Фарзандлар сингари — Сиз ҳақингизда
Гапириб беришга улгурмадим мен.

* * *

Хатлар.

Уларда ўлим йўқ. Умид ва соғинч бор уларда. Ўқийтиб, уларни ёзган фарзанд ҳозир эшикдан кириб келадигандай бўлиб туюлаверади. Бу туюлишлар ушбу хонадонда беш йилдан буён муттасил давом этиб келаётганига шубҳа йўқ. Шу даражада муттасилки, энди буви, отаю волида, ука-сингиллар учун эшик эшик эмас, неvara — фарзанд — ака тимсолини олган. Улар рутубатли кечаларда ҳовлида шилдираган хазондан ҳам хушxabар кутадилар. Улар учун деразада чайқалган соя дилбандлари бўлиб туюлаверади.

Хатлар. Хонтахтадаги пиёлаларда чойимиз совуб қолган, кўрпачада — хатлар, бир йигитнинг илиқ нафаси келаётган, соғинчи, умид-омоли ҳали совуб улгурмаган хатлар!..

“... уйдаги ишлар қандай кетяпти? Ромларни қилишни ҳам бошлаб юборгандирсизлар?..”

Илкис ҳовлига қарайман. Ён томондан янги иморат тушган. Янги эшик, янги ромлар — ҳали бўялмаган ҳам, ойна ҳам ўрнатилмаган. Бу, балки, фарзанд хизматдан қайтгунга қадар битиши лозим бўлган, фарзандга ният қилинган уйдир? Ота-она келин туширамиз деб орзу этган умид уйи шудир балки? Синчлар тил чиқарсалар — осмон ёниб кетарди, остонага забон битса — шаҳар сел бўлиб оқмоғи муқаррар!

“...Мандан хавотир бўлманглар. Ўзимни эҳтиёт қилиб юрибман. Ойижоним ҳам хавотир бўлмасинлар. Бу ёғи, Худо хоҳласа, яхши бўлади...”

“...Бу ерда хат олиш жуда бошқача бўлар экан. Нима билан шуғулланаётганим ҳақида ёзолмайман... 1,5 йилдан кейин, албатта соғ-саломат бораман...”

“...Энди Сизлар билан фақат 1986 йилни бирга кутамиз... Янги йил Сизларга фақат бахт келтирсин!..”

1983 йилнинг 21 декабрида бу сўзларни битаётган фарзанд ҳали билмасдики, 24 кундан кейин ҳаммаси тамом бўлади, орзу-ниятлари чирқираб қолади, у ҳатто нима учун, қайси Ватан учун, қандай маслак йўлида ҳалок бўлганини билмасдан ҳайронлар кетади. У ҳали билмасдики, янги йилнинг 25 январиди, яъни туғилган кунига бир кун қолганда туғилиб-ўсган ҳовлисига биқинида “Очиш мумкин эмас”, деб ёзилган тунука тобутни кўтариб кирадилар ва бу кутининг ичида унинг борлигини ҳам, йўқлигини ҳам ҳеч ким айтиб беролмайди, у ҳали билмасдики, Савр инқилоби деган шовқин-суронлар сиёсий алаҳсирашдай бир гап бўлиб чиқади ва бу алаҳсираш салкам 15 минг ўғлоннинг умрини хазон қилганини, 37 мингга яқин гулдай йигитни ногирон этганини, у ўзини эҳтиёт қилиб юрса ҳам, “инсонпарвар” мамлакатининг калтафаҳм пешволари уни алақачон ўлим комига топширганини у ҳали билмасди! У ҳали билмасдики, унга аталган уйнинг ромлари олти йилдан кейин ҳам бўялмайин қолаверади, уларни бўяшга, ойна ўрнатишга отасининг қўли бормаслигини у ҳали билмасди...

Хатлар ичра бир хат...

Мен бу хатнинг чиқишини билардим, одобдан бўлмаса-да, кўнглимнинг қай бир гўшасида бу хатни ўқиб кўришга илҳақ ҳам эдим, айни пайтда, Худоё!.. Лекин хат кўлимда эди, энди уни ўқимаслик асло мумкин эмасди ва отадан ҳамда уни ёзган қиздан ғойибона изн сўрадим. Гарчи бу номанинг кўлидан энди ҳеч нарса келмаса-да, гарчи, гарчи... Хат Сирожиддиннинг номига ёзилган эди ва ўлимидан сўнг шахсий буюмларига кўшиб оилага топширилганди.

“Менинг ягонагинам!

Биз сен билан бир йилда, бир ойнанинг бир кунига туғилганмиз. Биз ўн саккиз ёшда учрашгандик ва мангу бирга бўламиз! Бизни ҳеч нарса энди бир-биримиздан

ажратолмайди! Биз ҳамиша бирга бўламиз. Биз вақтдан ҳам кучлироқдирмиз. Сени яхши кўраман. Сенга ишонман! Сенинг...”

Ҳамма нарса — хонтахта, пиёлалар, теграмдаги ғамзада қиёфалару деразалар ноҳос чекинади, уларнинг ўрнида оқиш кўланкалар қолади, сўнг булар ҳам ғойиб бўладию қарсиллаб ёмғир қуяди, ва мен ёмғирлар остида куйиб кетаётган бир қизни кўраман.

Бир йилда туғилганлар,
Бир ойда туғилганлар,
Бир кунда туғилганлар,
Бир юртда туғилганлар
Ва ўн саккиз ёшида
Учрашиб, севилганлар
Учрашмаслар ҳеч қачон!

Асрлар тўқнашгайдир,
Топишгайдир замонлар.
Қўш олтин ҳалқа янглиф
Мос келгайдир армонлар.
Фақат... ўн саккиз ёшда
Берилган аҳд-паймонлар
Қолгайдир зору сарсон,
Учрашмаслар ҳеч қачон!

Сийминтан самоларнинг
Кўксин ювар ёмғирлар.
Севишганлар бошидан
Севинч қуяр ёмғирлар.
Сенинг бир армонинг бор,
Айтсанг — қуяр ёмғирлар.
Қайдасан, қора мижгон?
Қайдасан, тоза жаҳон?
Ўн саккизда кезганлар
Учрашмаслар ҳеч қачон!

Бир исм қолди, холос,
Гул қўйиб кетмоқдасан.
Гўё ўз қисматинга
Қўл қўйиб кетмоқдасан,

Соҳилларда гул янглиф
Тўкилиб кетмоқдасан.
Ўн саккиздан у ёғи
Сен куйиб кетмоқдасан.
Ўн саккизда — мисли жон
Дил берганлар — бу аён:
Учрашмаслар ҳеч қачон!..

* * *

У рассом эди. Аниқроғи, катта рассом бўлиши керак эди. Насиб қилмади, ўзига ҳам, юртига ҳам. Ундан уч юзга яқин иш қолди. Тугалланган, тугалланмаган суратлар. Номига бўлса-да (азбаройи Афғонистонда ҳалок бўлгани учун), ишлари у-бу кўрғазмаларда намойиш қилинди, юзта ишини Туркистон Ҳарбий Округи музейи ўз ихтиёрига олмақчи. Лекин ўзи тирик бўлганида бу ишларни кўрғазмага қўйдирмасди. “Ҳали эрта, — дерди. — Ҳали ишлаш керак!”

Суратлар — туғилган уйида, мўъжазгина хонада сақланмоқда. Уларнинг ягона паноҳи — буви. Чангларини артиб туради, шу ерга кириб ҳеч кимга билдирмайин кўз ёши қилади. Биз ҳам рухсат сўраб кирамиз. Хонадан энди бўёқлар таровати эмас, ўтган узоқ йилларнинг, эскираётган айрилиқнинг ҳиди келади. Лекин шиша идишдаги мўйқаламлар бу айрилиқни инкор этаётгандай, тоқчадаги китоблар бир-нимага мунтазир тизилиб тургандай...

У энди ҳеч қачон қайтиб келмайди, бу китобларни ҳеч қачон варақламайди, мўйқаламларни ҳеч қачон қўлга олмайди, бир пайтлар бу суратларни чизаётиб, у билмагандики ҳеч қачон институтни битиролмайди, энди ҳеч қачон кўкламда сурат чизгани Бахмалнинг бахмал қирларига боролмайди. Рўзи Чориев ҳеч қачон Бойсунга олиб бормайди уни, “қайноқ ганчдан янги соғилган сут ҳиди келишини” у энди икки дунёда ҳам билмайди, биллолмайди! Шерали Жўраевнинг янги қўшиқларини эшитолмайди. Ҳеч қачон! Икки дунёда ҳам! Шу сабабли унинг “Куз” суратидаги кўклам чинқириғи кишини адойи-тамом қилади, 1981 йилда чизилган “Автопортрет”даги кўзлар эса яна бироз тикилсангиз йиғлаб юборадиган даражада зорланиб боқадилар.

Тунлар деразамда мўйқаламларинг
Думли юлдузлардай юзаверади.
Ойнанинг музлаган варақларига
Сенинг суратингни чизаверади.
Ойна дош бермайди.

Инграйди ойна,
Рахна-рахна бўлиб йиглайверади.
Терак мўйқаламин юргизиб шамол
Кўкка суратингни чизаверади.
Тошкент осмонида беш йилдан буён
Бир варрак муаллақ турибди ҳамон.
Туш, дейман.
Қиш ўтди. Ёз ўтди. Тушмас.
Ерга тушмайдию кўкда ҳам учмас.
Айвонга чиқаман.
Ярим тун. Осмон.
Варрак учган жондай турибди ҳамон.
Зирқираб ўйлайман:
Ўтолмайди у,
Руҳларга қўшилиб кетолмайди у.
Шу шўрлик, афтода, ғариб заминга,
Сизнинг ҳасратингиз,
Менинг гамимга
Узилмаган умид иплари бўлиб
Боғланиб турибди.
Булутлар юлиб
Кетмоқчи бўладир — кетолмайди у,
Ердан кўнгил узиб кечолмайди у.
Ерда...
Яна баҳор. Бўтана анҳор.
Биллур ёмғирлардан биллур шомлари,
Қаймоқдай қизларнинг чеҳраларига
Ол бўёқ сачратар Тошкент томлари.
Ва бари туш янглиғ сирғалиб кетар,
Ҳаёт шовуллайди кундузу кечин.
Тириклар тириклар учун яшарлар, фақат
Ҳеч ким яшамайди ўлганлар учун!
Бир бола туғилди. Ўсди. Улғайди,
Чизди,
чўмилгандай қувнаб, расмлар.

Фақат ўз кулгусин чизолмай кетди,
Кетди кетган янглиғ тонгги насимлар.
Куртаклар бўртса ҳам Олам — кўҳна куй.
Кўнгилни тирнайди мисли “Дилхирож”.
Олис юлдузлардан бир ўкинч келар:
“Эҳ, Сирож... Сирож...”

* * *

Шаҳарда атлас ёнгин,
Гуллар портлар Кўкчада.
Бир кеча суратларинг
Чиқиб кетар кўчага.

Юлдуз аралаш ёмғир
Ёғар ўша тун кўкдан.
Эски жўвада сен йўқ,
Чилонзорда ҳам йўқсан.

Суратлар сени излар
Ҳар кўчаю гўшадан.
Шарпалари етган жой
Кўклам бўлар ўша дам.
Рассомлар союзига
Қоровул киргизмайди.
Кўрикларда сен йўқсан,
Сен йўқсан кўргазмада.
(Тунда бир тўда сурат
Хадрада сени сўраб
Йиғлаб ўтирганини,
Кечаси кўрганини
Айтиб берар бир одам).
Улар уйга қайтмайди
Қолса ҳам жалаларда,
Ўрик, олчалар бўлиб
Гуллайди ҳовлиларда.
Тонгда отанг лол қолар
Кўзларини уқалаб:
Сув солинган идишда
Барг ёзибди мўйқалам.

Қабристон.

Февралнинг ўрталари, кўклам нафаси ҳам сезилиб қолган.

Эшикдан кирганимизда четдаги ҳужрадан миқтигина бир киши чиқди. Салом-аликдан сўнг ўзимизни таништирдик. У киши шу қабристон хизматчиси Жамбул ака экан. Мен гапиролмадим. Пўлатов “Афғонистонда ўлган йигитнинг” қабрини кўрсатишни илтимос қилди. Жамбул ака бир зум тарадудланди, сўнгра айтдики “Қайси бирини? Улар бу ерда саккиз киши...” Мен жунжикиб кетдим, Пўлатовнинг лаблари қуруқшаб пирпирай бошлади. “Рассом йигит, — деди у ниҳоят. — Тўрахўжаев Сирожиддин”. Жамбул ака йўл бошлади, биз эргашдик.

Қабристонга кўклам эрта келади. Ташқарида, шаҳарда қор уюмлари ҳали эриб улгурмаган эса-да, бу гўшада тупроқ кўпчиб, илк майсалар ниш урган, тепачалар нафас олаётгандай, улар кўтарилиб тушаётган кўкраклар бўлиб туюлади. Кўкламлари бевақт хазон бўлганлар ётгани учун шундайдир балки? Сирожиддин бувасининг ёнига қўйилган экан. Ариқ ёқасидаги ўтиргичга ўрнашамиз. Жамбул ака тиловат қилади. Кейин Садриддин ака пайдо бўлади. Бу ерга келишимиздан уни огоҳ этган эдик, уйда ўтиролмай ортимиздан келибди. Қабрдаги оқ мрамар лавҳада ёзув:

Сержант Тўрахўжаев С.

1963.26.1. — 1984. 25. 1.

Хизмат бурчини ўташ вақтида

ҳалок бўлган.

Лавҳада унинг сарғиш рангдаги бўртма сурати ҳам ўрнатилган. “Бунни ўртоқлари қилган”, — дейди Садриддин ака.

Таомилни бажардик ҳисоб, лекин нимадир мени кетгани қўймайди, нимадир қадамларимни чангаллаб тургандай, нимадир... Жамбул акага ўгириламан, миқтигина одам баттар кичрайиб кетгандай туюлади, қақша-

бон айтаманки, бошқа йигитларнинг қабрини ҳам кўрсатсангиз. У йўл бошлайди, мен эргашаман. Номлар.

.....
.....
.....

Ва мрамр лавҳалардан жилмайиб турган, маъсум, маъюс ўсмирлар нима сабабдан бу ерда ётганларини билмоқчидай бизга томон зор-зор термуладилар. Улар суратларда шу қадар маъсум, шу қадар беозор! Улар — табассум бўлиб улгурмаган лаблар, севинчга чоғланиб, шу тахлит мангу сурат бўлиб қолган юзлар, деворлардаги кемтик нонлар — улар, олинмаган суюнчилар, насиб этмаган тўйлару буюрмаган куёвлик сарполари — улар, оналарининг дилида ханжардай занглаган соғинч — улар, улар шу қадар маъсум, шу қадар ёш!

“Буларни қаранг, — дейди ёнимдаги миқтигина одам, — буларнинг гуноҳи нима? Буларнинг уволи тутмайдими, а?!”

Мен буларнинг севгисини, орзу-ҳавасини ёзолмайман, келажакда ҳам ўринлари бўш қолишини битишга қўлим бормайди, мен, масалан, булардан бировининг оилада ўн фарзанд ичида катта бўлганини, ўлиги келганда онаси ақлдан озиб, ҳанузга қадар ўзига келолмай, қолган тўққиз фарзанд ҳам она меҳридан бебаҳра яшаётганини ёзолмайман, яна кўп гапларни ҳам ёзолмайман мен, чунки... чунки буларга қўшилиб мен ҳам ўз ёшлигимга фотиҳа тортганман, буларга қўшилиб мен ҳам ҳалок бўлгандайман!

Кетамиз. Хайрлашамиз-да, кетамиз! Гўё йиғи шишага айлангану бўғзимга қадалиб қолгандай, гўёки тишларим остида йиғи эмас, шиша синаётгандай...

Катта йўлда таксига ўтирамиз. Ҳайдовчи, яна икки йигит. Оғайнилар. Ёшлари йигирма тўрт-йигирма бешларда. Кекирик аралаш суҳбат. Бирови ўн сих қабоб, яна бирови думба ёғида бўлган ош еганини, роса маишат бўлганини ҳайдовчига айтиб келмоқда. Ҳайдовчи эса “кеча зўр жононга борганини” суюлиб мақтанади. Тишларимда

энди шишалар эмас, тошлар синаётганини англайман. Қўз олдимда эса — мармар лавҳалардаги маъсум болалар. “Тушамиз!” — дейман Абдулла акага. Тушамиз.

ХОТИРА

Бу инсоний туйғу олдидаги инсоний БУРЧ — бироннинг нуридийдаси бўлмиш ўғлоннинг жасадини топшириш, “Сизнинг ўғлингиз интернационал бурчини бажараётиб қаҳрамонларча ҳалок бўлди”, деган, ҳалигача бирон-бир ота-она мазмун-моҳиятини англаб етмаган қуруқ сўзларни айтиш ва ёки жувонмарг йигитни тупроққа қўйиб, қабрига мармар лавҳа ўрнатиш дегани эмас. “Қизил Юлдуз” топширилди, бўлди, буёғи бамайлихотир яшайверсак бўлади”, дегани ҳам эмас бу. Асло! Аслида, ўша “Қизил Юлдуз”, фарзандининг ўлимидан сўнг ота-онага топширилган ўша чўғдай орден жудоликка кўника бошлаган нотавонларнинг дардини янгилайдики, камайтмайди, куйган қалбларини лахча қўрғошиндай баттар куйдирадики, совутмайди.

“Ўлғиз ўғилни катта қилган она, ўғли 19 ёшда Афғонистонда ҳалок бўлган волида Минск вилоят ҳарбий комиссариати сиёсий бўлимининг бошлиғи ҳузурига ўғлига ёдгорлик ўрнатишга ёрдам беришни сўраб келдию, шу заҳоти дўқ-пўписага дучор бўлади: ўв, нега йиғлаяпсиз, нега ҳаммага ўғлим ҳалок бўлди деб валдираяпсиз? Бу ҳақда гапириш мумкин эмаслигини наҳотки билмасангиз? Мен буни тақиқлайман сизга!..”

Белорус ёзувчиси Светлана Алексеевич келтирган бу мисол 37-йиллардан ёки Брежнев давридан ҳам эмас, атиги бир йил олдинги ҳаётдан олинган. Қани энди ўша сиёсий “зийрак” бошлиқ бироннинг фарзандини била туриб ўлимга юборишни ҳам тақиқлаб чиқса эди ва ҳар бир бошлиқ ундан ўрнак олса эди...

Садриддин ака ҳам ўғлининг номи учун, номи хас янглиғ унутилиб кетмаслиги учун кўп югурди, ҳозир ҳам югурапти. Ҳар турли ташкилотларга, идоралару маҳкамаларга қатнайвериб, ҳамдардликни ҳам, таънадашномларни ҳам кўп эшитди. Ўғлининг хотирасини абадийлаштириш масаласида борганида мингбошилар-

дан бири унга, масалан, шу тахлит жавоб берган: “Бизни тўғри тушунинг. Афғонистонда ўлганлар жуда кўп. Ҳамма кўчаларга уларнинг номини беролмаймиз”.

Илоё, бу йигитларни Худонинг ўзи авф этган бўлсин ва ўз раҳматига олган бўлсин! Уларнинг руҳлари то ҳануз самоларда чирқираб юрибди, мунглуғ ва ўксик руҳлар.

Кечир Сирожиддин, келганим учун,
Беш йил келмаганим учун кечиргин мени!
Дардини янгилаб яқинларингни,
Дардин олмаганим учун кечиргин мени.
Сендин сўрамайин суратларингни
Кириб кўрганим-чун кечиргин мени.
Жонсиз сурат бўлиб боқиб турганинг
Ва мен тирик турганим-чун кечиргин мени.
Овозим етмайди.
Овозинг келмас.
“Қора лолалар”га айттиролмайман
Ва руҳни беш йиллар яғир айлаган
Шеърлар билан сени қайтаролмайман!
Соғинчинг совийди пиёлаларда,
Бувинг ўлтиради хўпламлаб ичиб.
Кечир, мен ичганим бир қултум чою
Бу йил эрта келган кўкламлар учун!
Ҳаёт шовуллайди билмай ниҳоя,
Яшаб бўлгандайман гўзал қисмини —
Туганмас қарз янглиғ тириклик аро
Мен олиб юрибман сенинг исмингни.

* * *

Генерал йиғлади. 1989 йилнинг 15 феввалида, “Термиз — Ҳайратон” кўприги устида куппа-кундузи, бутун инсоният кўзи олдида генерал йиғлади! Салкам 15 минг аскарнинг ўлимини кўриб йиғисини ичига ютган, 37 мингга яқин майиб ўғлоннинг кўзига боқиб кўзёшини кўрсатмаган генерал йиғлади! “Термиз — Ҳайратон” кўприги устида куппа-кундузи, бутун инсоният кўзи олдида бронемашинадан тушдию, пешвоз олгани чиққан ўн тўрт яшар ўғлини қучиб йиғлади...

1989 йил, январь–март

ЗИНДАГИ, ЯЪНИ ТИРИКЛИК

(Аҳмад Зоҳир хотираси)

Ҳукмдорлар шоирларни тушунмайдилар, тушуна бошлагач эса ўлдирадилар, деб ёзганди рус шоири Андрей Вознесенский Пабло Неруда хотирасига бағишланган шеърида.

Эзгу инсонларнинг хотираси ҳам эзгудир.

Аҳмад Зоҳир — ўз орзуси, жабрдийда эли, армонли Ватанининг осмондил фарзанди эди. Унинг юраги сўлим Панжшер булоқларидек уйғоқ, ниятлари шу булоқлар сувидек тиниқ ва тоза эди. Сертуғён, дардли қўшиқлари севишганлар учун гулдаста, ноумидлар учун умид, кўнгли озурдалар учун эса таскин-тасалли бўлди. Яшашга, бу кўҳна дунёнинг олий неъматини — Ҳаётдан мунтазам баҳраманд бўлиб яшашга, фақат тирикликка, бедорликка чорлади. Зеро:

Зиндаги охир сар орад, бандаги даркор нест.

(Гар тириклик ғунча очса, бандалик даркор эмас.)

Ҳукмдорлар шу чаман — Тирикликнинг “хушхон булбули”ни таъқиб этдилар. Чингизхон босқинчиларига яшнаб турган ям-яшил дарахтзорлар хуш келмаганидек, уларни ҳам тирикликни тараннум этгувчи ҳофизнинг куй-қўшиқлари жонсарақ этди.

Афғонзаминда қурбон бўлганларнинг майсаларга сачраган қонлари ҳали қуримай туриб яна қон тўқдилар. Шабнамлар яна қизғиш шуъла таратди.

У 33 ёшда эди. Ўша кунлар рафиқаси Қамархоним билан фарзанд кутаётган, мабодо қиз туғилса исмини Шабнам қўямиз, деб ният қилишган экан. Минг афсуски, меҳр-муҳаббатнинг бу ширин ҳосиласини кўриш Аҳмад Зоҳирга насиб этмади. Шабнам ҳовли эшигидан отасининг жасади олиб кирилган пайтда дунёга келди...

Зиндаги, яъни тириклик сўзи Аҳмад Зоҳирнинг деразли ҳар бир қўшиғида учрайди.

Зиндаги чист?
Хуни дил хурдан.
Зери девори

Орзу мурдан.
(Тириклик нимадир?
Фақат қон ютмоқ,
Орзу деворининг
Остида ўлмоқ).

Оҳанге зиндаги
Хонад ба гўши ман:
Рў сўйи ишқ кун, ки туро
Фурсат андакаст.
(Тириклик бир қўшиқ
Куйлайди менга:
Ишқ томон юз бургил,
Фурсат оз эрур).

Ман ҳам хазонро дидаам,
Ҳам навбаҳори зиндаги.
(Мен ҳам хазон, ҳам тириклик
Навбаҳорин кўрганман).

Ҳофиз Ишқ, Тириклик ва Табиатнинг ошиғи, чин
волаю шайдоси эди.

— *Инсон қаерда бўлмасин, қайси манзилда қарор топ-
масин, қандай шароитда яшамасин, ғам-изтиробдан холи
бўлолмайди. Ҳаётда инсон руҳи осойишталигини безовта
қилиб тургувчи нарсалар ҳаминиша топилади. Ва менинг
орзум, бир кун бўлса ҳам одамларга қувонч бахш этиш,
уларни бахтиёр кўришидир,* — деган эди у бир суҳбатда.

Бу оддий инсоний сўзларда санъаткорнинг нимани
деб яшагани, кимларни деб “хастаю бемор” бўлгани,
не сабабдан “ҳижрон кечалари най чалгани” то ҳануз
гулбаргдаги шабнамдек, “булутларни ёриб чиққан ба-
ҳор моҳтоби янглиғ” намоён бўлиб турибди.

Гўзалдир тириклик,
Умрим ўтгайдир.

Нима бу? Армонми? Ҳаётга ошно кўнгилнинг но-
чор аҳволими? Ҳофизнинг юрак-юрагидан силқиб, бал-
қиб чиқаётган бу қўшиқни тинглаганда ҳаётни қўшиқ-

дан, қўшиқни ҳаётдан ажратиб, алоҳида ҳолда тасаввур қилиш қийин кечади. Куй ҳаётга, ҳаёт эса куйга айланади. Атрофга куй билан бирга гулларнинг муаттар хуш бўйлари таралаётгандек, гўё қилт этсанг борлиқ гул мисол сесканиб кетадигандек. Шундай лаҳзаларда тириклигинга, бу дунёда яшаётганинга шукрона айтасан, ҳаётнинг нечоғли азизу мўътабар эканини жон-дилинг билан ҳис этасан, қисматларинга, соғинчу аламларинга гулдасталар тақдим этгинг, ерга, майсаларга юзингни босиб ўкраб-ўкраб йиғлагинг, шаршарадек севиниб, дарё янглиғ тўлиб-тошгинг келади. Йўқ, кемтик дунёнинг камини ракеталар, бомбалар билан эмас, куй-қўшиқлар, нафосат билан тўлдирмоқ керак! Албатта, битта қўшиқ билан тинчликни сақлаб бўлмайди, лекин уни миллионлар тинглайди. Миллионлар Тинчлик деса...

Ҳофиз йиғлаяпти. Унинг **“кўзёшларида найсонлари ҳиди бор”**. Борлиқ найранглари унга доя бўлганидан шикоят қиляпти. **“Ишқ томон юз бургил, фурсат оз эрур”** дея тавалло қиляпти. **“Ғанимлар зуғуми қанчалик обу адо қилмасин, куйинма, мард бўлгин, шармандалик керак эмас”**, дебон ҳаётга чорлаяпти, бадбин, разил кимсаларнинг, пасткаш, хиёнаткорларнинг барча фирибу найрангларига аччиқма-аччиқ яшашга даъват этипти. Даъват.

Оқ ёмғирлар ёғаяпти. Ошиқсиз, оқ ёмғирлар остида кетиб боряпсиз. Йўлингиз, осмонингиз оппоқ, ариқларда зиё оқаяпти, ўнгу сўлингиздаги дарахтлар, гиёҳлардан суяқ нурлар сачрайди, борадиган манзилингиз оқ-ойдин.

Сиз ҳам қачонлардир ошиқ бўлгансиз. Эсланг. Ўғлингизни эгри йўлдан қайтаринг. Нафсингизни инсофга чақиринг. Ватанни ўйланг, элингизнинг дарди, тақдир учун куюнинг. Сафсата, гийбат эмас, янги латифа эмас, қўшиққа қулоқ солинг. Қўшиққа!

Аҳмад Зоҳир ўз қисқа умри давомида Шарқ ижрочилик санъатида тамомила янги мактаб яратиб кетди. Ҳеч бир санъаткор ҳозирга қадар Шарқу Ғарб мусиқасини бу даражада уйғунлаштиролмаган. Беҳзод миниатюраларининг безавол бўёқлари сеҳридан фаранг мусаввири Анри Матисс моҳирона фойдалангани сингари Аҳмад Зоҳир ҳам Ғарб мусиқаси оҳангларини шарқий

куйларга юксак маҳорат билан сингдира олди. У бировнинг ковушига оёқ тикмади. Қийшанглашга ундовчи ҳавойи нағмаларга эргашмади. Унинг шарқий ҳасратини ифодалаш учун Шарқ чолғу асбобларининг торлари озлик қилгандай туюлди. У янги, ҳали қўл тегизилмаган торлар излади. Уларни ўз услубида янгратишга, “Зиндаги”, “Давронсоз” (Даврон яратувчи), “Суруди шабонгоҳ” (Тун кўшиғи), “Ман марди танҳои шабам” (Мен туннинг ёлғиз одами), “Эй, сарбон”, “Лайлижон”, “Бевафо ёрам”, “Аз дастат фиғон, фиғон...”, “Ёди он сарви равон... (Ўша сарви равон ёди), “Худо бувад ёред” (Худо ёр бўлсин), “Умри ман бигзарад” (Менинг умрим ўтгайдир) “Боронҳо”... (Ёмғирлар) сингари баркамол куй-қўшиқлар яратишга муяссар бўлди.

Матн танлаш борасида ҳам хонанда ўз йўлидан борди. Ҳофиз, Саъдий, Жалолиддин Румий сингари даҳоларнинг бетимсол ғазаллари маънисига мусиқавий вужуд бахш эта билди. Шунинг учун ҳар гал магнитофонни эшитаётганда кимдир унинг қопқоғини очиб бўзлаб чиқиб келаётгандек туюлаверади.

Унинг ёмон кўргани тақлидчилик эди.

— Тақлидчилик хунар эмас, — деб таъкидлаган эди.

Умр бўйи шунга содиқ қолди. Ҳақиқий санъаткор ўзининг ҳақиқий кўшиғини фақат ўзигагина хос дард ва маҳорат билан яратиши, ижро этиши тарафдори эди у.

Ҳақиқий кўшиқлар ҳамиша тирик, уларнинг Ватани ҳам, манзили ҳам инсон юрагидир. Улар Тирикликка чорлайди, ҳаётга жозиба ва кўрк бахш этади. Аҳмад Зоҳир шу эзгу йўлда фидо бўлди. Кобул чеккасидаги “Шоҳидони солеҳин” қабристонига ҳар кун юзлаб кишилар унинг мозорини зиёрат қилгани келишади. Гуллар қўйишади.

Гуллар. Гуллар.

Гулларнинг тили йўқ. Улар жим. Бепоён, туганмас бир кўшиқни тинглаётгандек жим.

Гуллар. Ошиқ кўнгилларга, тирик ва тоза кўшиқларга ўхшаган гуллар.

БИР МАРТА МАҚТАНГАН ШОИР

Ўлим — Яратганнинг амри, “амр” ила “умр” уй-қаш, оҳангдош. Одамзод умри жаҳон гулзорида бир майса, бир губор. Умр нима? Қирқ етти ёш нима деган гап? Бир йигит қирқ йилда вояга етади, дейдилар. Тилак ака-нинг йигит бўлиб кўрган умри бор-йўғи етти йилми? Бунда не ҳикмат бор? “**Ўз қатиг ҳолимга ўлмасдин бурун мотам тутай**”, деганлар ҳазрат Навоий. “**Ота қирқ ёшда, ўғил юз йигирма**” сатрида Хўжаназар Ҳувайдо илфаган ҳикматни бизнинг англамоғимиз хийла мушкулроқ. Бу маъни ҳазрат Ҳазинийнинг “**Жаҳон гулзоридан гул то санубар кетди, ким қолди**” сатридек дардчилдир.

Тилак ака, Тилак Жўра яхши инсон эди, яхши шоир эди. Эсиз, бир марта ҳам бориб хабар олмадик! Буғдойдек жайдари, исириқдай кўримсиз ва пурҳикмат инсон эди. Бу ҳаётда бир одам боласи, бир шоир кўрмоғи, кечирмоғи лозим бўлган ранжу меҳнатни, ташвиш ва заҳматни обдан бошдан ўткарди у. Дардини ҳам, аламини ҳам жимгина, овоза қилмай, бўрттирмай ўтди. Дард гўё буғдой уюми эди, Тилак ака бу ту-ганмас донни кўнгил тегирмонида янчибгина яшади. “Тегирмон гулдираб кетмадимикин?” деган янглиғ хи-жолат ифодасини жуссасидан, ўзини тутишию беғараз қиёфасидан ҳамиша ўқиш мумкин эди.

Бизга “Ҳаммангиз зўр шоир бўласиз!” деб илк мар-та далда берган, кўнглимизни кўтарган биринчи ти-рик шоир Тилак Жўра эди. Бу гап ўн етти йил бурун айтилган эди, шунча муддат давомида унинг бор-йўғи бир мартагина мақтанганига гувоҳ бўлганмиз. 1977 йил-да дорилфунун ётоқхонасининг фақир кулбасида бўлган шоирлар мушоирасида чиройли, тоза шеърлар ўқиб, барчанинг олқишини олганда, сархуш бир ҳолатда айт-ганди: “**Тилак Жўра — бу Тилак Жўра-да!**”

Шеърни деҳқончасига ўқирди, Есенинни яхши кўрарди, “**Жўрангга ҳам қилмади вафо сени хароб қил-ган оққушлар**” деган бағишлов сатрлари бор эди. Шуд-горлари, беданаю бедазорлари, сомон ва исириқлари, бир парча ер, бир парча осмонию васса чўплари ила

тўрт-беш китоби қолди, шеърлари, фарзандлари қолди. Кимдир билар, кимдир билмайин ўтар. Довруқсиз, дабдабаю асъасасиз, бешон, бемартаба шундоқ бир шоир ўтди-да! Тақдирга тадбир йўқ. Фақат “**Қаландардек танимга гам ҳаририн жандалар қилдинг**”, деб айтмоқ мумкин. Армон қилмоқ мумкин, Худодан гуноҳларини сўраб, бандасини раҳмат айламоғини ўтинмоқ мумкин фақат. Илоҳи шундоқ бўлсин!

Умр десанг, обу гил куяр, эй дўст,
Бир онда не ою йил куяр, эй дўст.
Кўкдан юлдуз учса елканг куйгайдир,
Ерга бағир берсанг дил куяр, эй дўст.

1994 й. 21 апрель

“ОҚШОМ”ДА КЕЧГАН ОҚШОМЛАР

(Муҳаммад Юсуф ҳақида хотиралар)

Муҳаммаджон, Муҳаммад Юсуф “Тошкент оқшоми” газетасига 1982 йилнинг кузида ишга келган эди. Ўшанда мен меҳнат таътилида эдим. Сурхондарёдан қайтиб, ишга чиққанимда, корректорлар хонасида саҳифа ўқиётган, қорачадан келган, озгин жуссали, сочлари қуюқ, ўта хомуш бегона йигитни кўриб ажаблангандай бўлдим. Қизларимиз жуда шаддод, шунга яраша мен ҳам ҳали ҳеч кимга кўринмайин, кутилмаганда уларнинг хонасига кириб, “Жануб куёшидан сизларга салом!” дея қизларни мамнун этмоқчи эдим, лекин нотаниш йигитни кўриб таққа тўхтаб қолдим. Корректорларимиз маликаси Муҳаббатхон ҳам мен кўринганим заҳоти саҳифадан бош кўтариб: “Во-ой! Ана, Сирожиддин ҳам келдила!” дея хандон отиб, чарақлаб кетди, бегона йигит ҳам менга қараб ним табассум билан ўрнидан турди. Кўришдик. Маликамиз дарров бизларни таништириб қўйди:

— Танишинг: Муҳаммад ака Юсупов. Биза билан ишлавотила. Шеър ҳам ёзарканла...

Муҳаббатхоннинг “шеър ҳам ёзарканла”, деган сўзлари тўппа-тўғри менга қаратилган эди, бу — “энди “Оқшом”да шеър ёзадиганлар икки киши бўлдинглар”, дегани эди.

Бизнинг Муҳаммаджон билан илк кўришувимиз шундоқ бошланган эди. Шу кундан эътиборан бирга ишлай бошладик, аста-аста бир-биримизни билиб, яқиндан танишиб бордик. Муҳаммаджонда мени ўшанда ҳам, ундан кейин ҳам ҳамиша ҳайратлантирган ҳолат — унинг ҳаддан ташқари камгаплигию жимжитлиги, давраларга аралашмасдан, якка-ёлғиз ўй суриб юришлари эди. Ўйчанлик қуюқ қора сочларига, қошларининг тагига ин қурган бир жуфт қушни эслатгувчи мунгли кўзларию ажабтовур қадам ташлашларига жуда ҳам ярашар эди. Бу хомушлик баъзан суҳбатдошига эришдек туюлса-да, лекин оғир ботмасди.

— Газетада ишлаш қизиқ бўларкан, — деди бир куни Муҳаммаджон. — Вақтни ўтганини билмай қоларкансан. Ёзмасанг ҳам бир нарсалар ёзгинг келаверади.

Беш-олти ойлар ўтгандан кейинми, уни газетанинг шаҳар хўжалиги бўлимига ўтказишди. Мен — “Ахборот қироли” деб ном қозонган, филнинг хартумидан ҳам бир янгилик суғуриб оладиган тажрибали журналист Абдулла Пўлатов мудирлигидаги ахборот бўлимида, дўстимиз — бу бўлимда, гўёки ижодий ҳамкорлигимиз бошлангандай эди. У бўлимнинг Алпомиш келбатли мудири, шаҳар хўжалигининг билимдони, ҳамиша хушмуомала Раҳматулла ака, хоналарига кирганимда, мени ўтирғизиб, “Энди, окоси, оғайнизга ёрдам берасиз, биргалашиб, маслаҳатлашиб ишлайсила”, дея иккимизга ҳам кўп йўл-йўриқлар берган эди. Кейин Муҳаммаджоннинг “Тошкент оқшоми” саҳифаларида тез орада газетхонлар эътиборини қозонган машҳур “Шеърый луқма”лари чиқа бошлади. Уларга “Мақсад Яхшиев”, деб имзо чекарди. Шаҳар хўжалиги мавзуидаги материаллар, одатда, газетанинг иккинчи саҳифасида бериларди, “Шеърый луқма”лар ҳам шу бетдан жой олди. Шундай қилиб, Муҳаммаджон шаҳар хўжалиги муамоларини шеърый йўсинда, ўзига хос тарзда ёрита бошлади. Бу — газета учун ҳам, газетхонлар учун ҳам ку-

тилмаган янгилик эди. Соатсозларга бағишланган шеърий луқмаси ҳали ҳамон эсимда:

Соатсозга ишим тушди,
Қатнайвериб тишим тушди.

Бир замонлар Тошкент zilзиласидан кейин ташкил этилган, улуғ шоиримиз Ғафур Ғулумнинг шеърий дуоси билан бошланган “Оқшом”да ишлаш ҳақиқатан ҳам қизиқарли эди. Бу ерда яхлит бир ижодий муҳит, умумий кўтаринки кайфият, ходимлар билан бўлимларнинг самимий ҳамжиҳатлиги ҳукм сурарди.

Биз — газетанинг энг ёш ходимлари шу қизгин ижодий муҳитга астойдил синггиб кетган эдик. Янги дўстимизнинг хомуш феълию камгаплигига, унинг жайдари, халқона услубига тез орада ҳаммамиз кўникиб кетдик. Газета чиқаришнинг шовқин-суронлари, югур-югурларию ғала-ғовурлари орасида Муҳаммаджоннинг ишга келмаган кунлари, унинг йўқлиги дарров билиниб қоларди. Айниқса, навбатчи бўлган кунларимиз биз учун байрам эди. Ҳамма чиройли қизлар корректура бўлимида ишлар, бундай пайтлар саҳифа кўтариб уларнинг хонасига тез-тез киришга баҳона тайёр ва биз бу “имконият”дан гоят оқилона фойдаланар эдик. Бу бўлимда “пневмопочта” деган қурилма бўларди. У орқали бўйни кесилган шишага ўхшаш узунчоқ пластмасса идишда цехдан тайёр бўлган саҳифаларни жўнатишар, қизлар қабул қилиб, хатоларни тўғрилаб бўлгач, яна шу йўсинда қайтариб юборишар эди. Тун кечада носи тугаб, гарангсиб қолган жингалаксоч мусаҳҳих йигит Абдурашид Нурмуродов (ҳозирда таниқли ёзувчи) “пневмопочта” қувуридан “бир шиша нос тушсайди” дегандай мўлтайиб ўтирар, қизларнинг қўли-қўлига тегмасди. Кечаси бир-иккиларда газетани топшириб, ёқаларни кўтариб, тунги кушлардай уйларимизга равона бўлардик.

Марғуба опа — корректура бўлимининг бошлиғи, ҳамиша жиддий, бизнинг бутун диққат-эътиборимиз шу бўлимга қаратилганини пайқаб қолган, нуқул маъ-

ноли-маъноли жилмайиб кўярди. Шоирахон — хаёлида рўзғори, бола-чақаси, ҳамиша серташвиш ва бесаранжом, бўлимнинг атиргули Дилором таниқли санъаткорнинг чиққан ҳар бир янги ашуласидан доим ҳаяжонда, **“Бош кўйинг остонасига, мен каби ошиқ бўлинг!”** дея баъзан шеърлар ўқиб туради. Маҳпура опадан кўрқардик. Жаҳли чиққанда тошкентчасига бақриб берарди. Сут-қаймоққа булаб олинган кулчага ўхшайдиган Шоҳистахон жуда сирли эди. Бу ерда яна бир қиз бор эди. Унинг рамзий исмини ҳам Муҳаббат дейлик. Кўзлари катта-катта, муомаласи, завқу ҳаяжони ҳам жуда самимий бу ойсулунни мен ўзимча **“Шаҳарлик оҳу”** деб юрардим. Баъзан-баъзан кўзларини уялиқираб олиб қочишлари кишини ўйлантириб кўяр, бир хаёлларга етакларди ва бу хаёлларни унинг ўзи газета саҳифаси билан дарров тўсиб кўярди. Муҳаммаджонда ҳам шу **“оҳу”** мизга нисбатан бир сезгиларми уйғонганини сезсам-да, бу ҳақда сўрашга ботинолмасдим, у ҳам индамасди. Фақат бир боргина кўнглидагини билдиргандай бўлудди: **“Муҳаббат жайронга ўхшайди...”**

Кунларимиз шу зайлда давом этаверди. Тушлик танаффусларга ҳам доим бирга чиқардик.

Талабалик йилларида Навоий кўчасидан ўтиб бораётиб, бир ошхонада лағмон тановул қилиб ўтирган Абдулла акани кўрганимизда роса ҳайратланганмиз: **“И-и, Абдулла акани қара, қара-қара, Абдулла ака ҳам овқат ер экан!”** дея ажабланганди талаба дўстимиз. Бизнинг ўша пайтдаги тасаввуримизча, Абдулла акадай шоирлар овқатланмай, фақат шеър ёзиб юрадигандай, улар фаришта мисол, бизнинг назаримизда, емак-ичмакдан, ердаги ташвишлардан баландда, юксакларда юрадиган самовий бир инсонлар, уларнинг овқати — севги, шабнамлар ва юлдузлардан иборат деб ўйлардик.

Муҳаммаджон кам овқат ер эди. Ошқозони баъзан-баъзан оғриб турар, кўпроқ қайнатилган таомларни хуш кўрарди. **“Хуш кўрарди”** деган сўз бу ўринда нотўғри, уни бирор марта ҳам одамларга ўхшаб иштаҳа билан овқатни паққос туширганини кўрмаганман. У жимгина, ўйга ботиб, секин овқатланарди. Гўёки, жисми сиз-

нинг рўпарангизда ўтириб тушлик қиляптию, ўзи, руҳи бошқа жойларда юргандай. Унинг таом ейишидан ҳам феъли, шоирлигию ўзига хослиги кўриниб турарди.

Ҳар оқшом чиқадиган “Оқшом” саҳифалари билан бизнинг ой-кунларимиз ҳам тарқалиб кетаверди. Қиш ўрнини баҳорлар, баҳор ўрнини ёзу кузлар эгаллаб, алмашилиб ўтавердилар. “Оқшом”даги фасллар бизнинг ҳақиқий шеърий баҳоримиз, кўкламимизни бошлаб берди десам лоф бўлмайди. Бу қутлуғ даргоҳда тўрт йилимиз бирга кечган бўлса агар, шеърсиз, бирор сатр-сиз ўтган кунни мен эслолмайман. Муҳаммаджон ҳар кун, кун ора, ё бир кунда икки-уч бор ҳам бир янги шеър ўқиб берарди. Шеърият билан машғулликимиз шу даражага бориб етдики, охири “летучка”да икковимиз ҳам дашном эшитдик. Бош муҳаррир ўринбосари Солиҳ ака Ёқубов жиддий баёнот берди: **“Ё шоирлигинг лани қилингла ё газетага қарангла! Бунақамас-да, ҳаммасининг ўрни бор”**. Шеърлар эса ёзилар эди, газет чиқар экан ё бугун навбатчи экансан, деб қараб турмасди. Муҳаммад-жон дўстимизнинг бугунги кунда “Сайланма” китобларидан кенг жой олган, ҳозир ҳам мухлислар тилидан тушмаган энг гўзал, самимий, соғинчли шеърлари ўша “Оқшом”да ишлаб юрган йилларда ёзилган. У Тошкентни ҳам, “Тошкент оқшоми”ни ҳам айрича бир муҳаббат билан яхши кўрарди. Шаҳарнинг “қумсувоқ болохоналари”га меҳрини бериб, Ватан ҳақида жозиб шеърлар битди. Қуйида парча келтириляётган шеъри ҳам айнаи ўша “Оқшом”даги оқшомларда ёзилган:

Кўнглим сезар, энди бу ёғи аён,
Дўстларим, дўстларим, бахтли боламан:
Ё Тошкентда энг зўр шоир бўламан,
Ё уйимга кетиб, ариқ бўйида
Ялпизга суяниб ўлиб қоламан!

Завқу шавқнинг, ҳаяжон, меҳру соғинчнинг зўридан шундай деган. Унинг устозларга ҳам меҳри бўлакча эди, Абдулла акани жуда яхши кўрар, кўплаб шеърларини ёддан биларди. Устоз ҳақида қизиқ бир хотираси

бор эди: “**Мактабда ўқиб юрганымда шаҳарни кўраман деб, уйдан қочиб Тошкентга келганман, вокзалда Абдулла акани кўриб қолиб саломлашганимда, оёғимга қараб, исмимни сўраб, кейин қўлимдан етаклаб бориб магазиндан туфли олиб берган**”. Худо суйган қулига элтиб берар йўлига деганларидай, Худонинг ўзи дуч қилгандай, кейинчалик Муҳаммаджон устознинг энг суюкли, содиқ шогирдларидан бири бўлиб қолди.

Ўша йиллар “Ёшлик” журнали ўқимишли, машҳур нашрлардан бири эди. Устоз Эркин Воҳидов бош муҳаррир бўлган, унда босилган шеърий туркумми, дoston, ҳикоя ва ё қиссами — дарров шов-шув бўлар ва шундай ном қозонган журналда шеъримиз чиқишини биз ҳам орзу қилиб юардик. Бир кун шеърларимизни қўлтиқлаб, паст-баланд бўлиб журнал редакциясига бордик. Бизни томоқ қириб қарши олган ёзувчи акамиз Эркин Аъзам йўғон, жиддий овози билан ўз шеъримизни ўзимизга ўқиб берганида, “зўр шоирлар эканмиз”, деб ўйлаганмиз. Ташқарига чиққанимизда, Муҳаммаджон: **“Шеърни биз ёзиб, Эркин Аъзам ўқиб берсин экан. Овозига қаранг, зоғора пишади”**, дея ҳазиллашганди. Талабчан акамизнинг тегирмонидан соғомон чиқиб, шеърларимиз ниҳоят “Ёшлик”да босилгандан кейин, байрамни кўринг. Абдулла аканинг “Бу кун шеъри чиққан шоирдай дунё жилмайиб қўяди барчага масрур” сатрларининг бош қаҳрамонлари ўша кунларда биз эдик.

Бу ёғда эса Марғуба опа ҳамон бизга маъноли-маъноли қараб қўяр, оҳумиз, жайронимиз Муҳаббат бўлса нукул нигоҳларини олиб қочар, бир бетгинаси баъзан нақш олмадай қизарибгина ҳам кетар эди. Ажаб савдолар! Муҳаммад Муҳаббатга, мен Муҳаммад ҳам Муҳаббатга қараб-қараб, ичимизда нималар кечаётганини фoш қилмай, индамай сиполарча юраверибмиз!

Бир кун Муҳаммаджон ишхонага жуда ҳам хафа кайфиятда келди. Индамай хонага кириб, олдимга бир варақ қўйди, “Ўқиб кўринг-чи” дея стулга ўтирди. Кечаси ёзган янги шеъри экан, ўқидим:

Қодир, қандай экан яшамоқ бахти?
Гоҳ уриб, гоҳ тиниб турганда юрак,
Ўзи билдирмаса меҳрибон доктор,
Кўзи айтиб турса: ўлсангиз керак...
...Ҳаммасини билиб яшамоқ оғир,
Субҳи содиқ кўриб дўст юзида ранж.
Қўлингдан ҳеч нарса келмай шеър ёзмоқ,
Онангни алдашдек осон ва жирканч.

“Тинчликми?” деб сўрасам, “Қодиржон яқин оғай-
ним бўлади, ўзи бир бечора деҳқон, мошина уриб ке-
тибди, оғир ётганмиш”, деди хўрсиниб. Шеър дард би-
лан ёзилганди, менга ёққанини, “Жуда зўр шеър бўлиб-
ди!” дея мақтаганимдан кейин сал чеҳраси ёришди.
Кейин менга ҳам нохуш хабар келди. Сурхондарёга кет-
дим. Отамни қўйиб келганимдан сўнг аҳволимни кўриб,
роса изтироб чекди, кўнглимни кўтаргандай бўлса-да,
анча ўксиниб юрди, бир тонг яна “Ўқиб кўринг” деб
қўлимга қоғоз тутқазди. Бу — “Ота” деган шеър эди,
менга тасалли бўлсин деб ёзган экан:

Ота, гўзангизни сув босиб кетди,
Чумчуқ вайрон қилди жўхорингизни.
Менинг китобларим бир жамбилбаргча
Ёзолмади хуморингизни...
...Қирқ йиллик осколка қийнади бир кун,
Сиз ётиб қолдингиз, бўлди керагим.
Учиб боролмадим самолёт бўлиб,
Ота, деб осмонга тегиб курагим,
Кейин сиз кетдингиз. Бу ёруғ дунё —
Тўполондарёни менга қолдириб.
Сўнгги ўтинчингиз айладим бажо,
Кўзларимни тўсган сочим олдириб!
Меҳримни бошимга урайми энди,
Шеъримни бошимга урайми?!
Менинг соғинчимни ютиб оғринмай,
Ёрилмай яшаган юрак юракми?
Ота, юзларимни сув босиб кетди...

Бу шеърни худди ўзим ёзгандай, менга жуда қаттиқ
таъсир қилди. Кўзларим жиққа ёшга тўлди. “Сирож,

бардам бўлинг, дўстим!” деди Муҳаммаджон. Менинг оқшомларимга яна бир ҳаво — аччиқ ва тахир айрилиқ ҳавоси қўшилди. Биқинимда, қулоғимнинг тагида эса шоир дўстимнинг қалами қитирлаб турар, “Оқшом” даги ҳаётимиз шеърү ёшлик, баҳорлару кузларнинг рангу ифорлари билан бир маромда давом этар эди.

* * *

Бир куни ишга келганимда, корректорлар хонасида юз-бетим аралаш қалдироқ гулдирагандай бўлди. Марғуба опамиз дабдурустдан мазани қочирадиган янгиликдан хабардор қилди. “Ана, шунча юриб биронтанглаям гапирмадингла, Муҳаббат эрга тегвоттила!” Нима дейишимни билмай довдираб чиқиб кетдим, хонамизга борсам, Муҳаммаджон хомуш ўтирибди, “Эшитдингизми?” деди, холос. Мен “Ҳа” дедим. Бошқа бу мавзуга қайтмадик. Кейин тўйга бордик. “Шоирларимиз шеър ўқисин” дейишди. Биз вақтли чиқиб кетдик. Кейин Муҳаммаджон “**Бунда бир қиз бор эди, бағоят дилдор эди**” деган шеър ёзди. Беғаразгина аразга, аламга ўхшайдиган шеър.

... Кетдик жўра. Нима бор
Бировларнинг тўйида.
Бугун сайл бўлади
Ширмонбулоқ бўйида.
Шундай кунда ноз қилиб
Қарамаса бизларга,
Атиргулга мурч сепиб
Улашамиз қизларга.

Икковимиз ҳам ғалати бўлиб қолдик. Гўё оламда Муҳаббат йўқдай, бўлмагандай, унга ҳеч қачон бизнинг ишимиз тушмагандай тутардик ўзимизни. Кунларнинг бирида ишга кечроқ келди, хонага кирдию олдимга, одатдагидай, яна бир варақ қоғоз қўйди, “Ўқиб кўринг-чи”, дея чиқиб кетди. Бу ёзгани мени хавотирга солиб қўйди, этларим жимиради: “**Тузалмайди дардим менинг, ўлсам керак. Тупроқ билан оға-ини бўлсам керак. Ўлим нима? Бу ҳам битга сайр, она. Ўғлинг қаро эрга кетди, хайр она**”, деб бошлангуччи бу шеърдаги

“Инсон бир кун ўз майлига кул бўлади”, “Мен ҳаётда ўлимга тик боқиб ўсдим”, дегандай сатрлар, умуман шеърнинг ўзи менда кучли таассурот қолдирди, бироқ у ўлим ҳақида эди. Дўстимиз хонага қайтиб кирганида аввал янги шеъри билан табрикладим. Сўнгра Борис Пастернакнинг Евгений Евтушенкога насиҳатини эслатдим: “**Ҳеч қачон ўлимингизни шеърингизда айта кўрманг, бу — башоратдай жаранглаши мумкин, рўй бериши мумкин**”. “**Бўлса бордир**” дея Муҳаммаджон жимгина бориб жойига ўтирди, ўйчан нигоҳлари билан деразадан ташқарига назар ташлади.

* * *

... Шоҳ Бобур “**Баҳор айёмидур, дағи йигитликнинг авонидур**”, деганларидай, мен Муҳаммаджоннинг энг завқли, жўшқин-тошқин кунларига ҳам гувоҳ бўлганман. Бу — унинг Бодомзордаги севгиси, муҳаббати билан боғлиқ паллалар эди. Бир оқшомлар бошланди кейин, бир севинчлар билан бир шеърлар ёза бошлади!

Бекатларда мен қоларман-да,
Айтар сўзим қолиб кетади.
Трамвайлар сени ҳар куни
Бодомзорга олиб кетади.
Термуламан изларидан жим,
Боқиб кўзим толиб кетади.
Бодомзорга сени ҳар куни
Трамвайлар олиб кетади.
Темир йўлга бошларин уриб,
Филдираклар нолиб кетади.
Трамвайлар сени ҳар куни
Бодомзорга олиб кетади...

Ушбу шеърни Эркин ака, Муҳаммаджонни туғишган укасидай яхши кўрадиган, унча-мунча шеърни ёқтириши қийин бўлган Эркин Аъзам оғамиз ғоят хуш кўриб қолди, давраларда ҳам бир неча марталаб айтиб юрди. Муҳаммаджон билан Назирахонларнинг тўйларига мен қатнаша олмадим, газетачилар билан Бекобод далаларида пахтада эдик. Шундай қилиб, кейин уларнинг

олдинма-кетин қўш гунчадай бўлиб қизчалари туғилди. Нозима билан Мадина бу оиланинг қувончу севинчи, тасалли ҳам овунчи бўлиб дунёга келди. Кейин Ғафур Ғулом номидаги нашриётда илк китобларимиз чоп этилди. “Таниш тераклар” деб ном қўйган китоби унинг асосан “Тошкент оқшоми”да ишлаб юрган пайтларда ёзган шеърларидан тартиб берилган.

Муҳаммаджон такаббур, мақтанчоқ кимсаларни ёмон кўрарди. Бундай давраларни астагина тарк этарди. Калондимоғроқ ижодкор ҳақида бундоқ деган эди: **“Аввал ўзбекча саломлашишни ўргансин, сўнгра шеър ёзсин.”**

Бир ажойиб, мулойим кулгуси бор эди, бетида, гап-сўзида сохталик йўқ, соддалик ва камтарлик феъли билан мужассам, ҳиринглашни ёмон кўрар, ҳазилни ёқтирмас, лекин гоҳи-гоҳи ҳазил гап ҳам қилиб кўярди. Ҳазили ҳам ўзига хос, шоирона бўларди. Мен ўша пайтлар телефонда кўп гаплашардим, телефонбозлигимни Муҳаммаджон яхши билар, бир куни хушовоз хонанда, раҳматли дўстимиз Муҳриддин Холиқов, Муҳаммаджон — учовимиз кўришадиган бўлдик. Улар менга белгиланган соатда қўнғироқ қиладиган бўлишди. Бир соатлар чамаси рақам теравериб тушолмагач, қон бўлган Муҳаммаджон Муҳриддинга ўзи тўқиган “тарих”ни сўйлаб берган: “Кўйинг энди, барибир тушолмайсиз, ҳозир ўзимиз борамиз. Сирож асли туғуруқхонада эмас, уйда туғилган. Онасини қорнидан шундоқ ерга тушгану, биласизми нимани сўраган? “Она, телефонимиз борми?” деб сўраган.” Телефонда биров билан роса шакаргуфторлик қилиб турганимда бирдан эшик очилиб, икковлари кириб келишди, мени кўриб, шарақлаб кулиб юборишди. “Айтдим-ку!” деди Муҳаммаджон Муҳриддинга. “Кўрдингизми?”

Яна бир даврада, ўзи Муҳаммаджоннинг шеърларини айтиб ном чиқарган олифтароқ хонандалардан бири, “Муҳаммад ака, катта шоирсиз, зўр костюмлардан кийиб юрсангиз бўлмайдими?” дегандай жуда ўринсиз гап қилганди. Даврада кўпчилик эди, Муҳаммаджоннинг жаҳли чиқди, лекин билдирмади, бу йигитни сўкиб берса ҳам бўларди, бироқ бошқача, жайдарироқ гап қилди: “Сени ҳаммангни кийинтириб юрибман-ку, шу етади-да менга!”

Ёзган шеърлари тезда қўшиқларга айланиб, эл ичида номи овоза бўлгандан кейин бир сўзни жуда ёмон кўрарди. Бизда, ўзбек тилида қайдан пайдо бўлганини билмайман, ўрисчада бу — “поэт песенник” дейилади. У менга бор-йўғи бир мартагина жиддий илтимос қилган: “Мабодо мен ҳақимда бирон нима ёзмоқчи бўлсангиз агар **“қўшиқчи шоир”** деган сўзни ишлатмасангиз...” “Қўшиқчи, ўйинчи шоирлар” кейин пайдо бўлди — тақлидчилар, кўчирмачилар...

* * *

Ўша кезлар Муҳаммаджон Сурхондарёни кўришни орзу қилар, “Бир обборасиз-да...”, дея ниятини ҳам билдирган эди. Кейинчалик, укаларимизнинг тўйи баҳона, хабар ёзиш бўйича устозимиз Абдулла Пўлатов, ёзувчи Нормурод Норқобиловлар билан бирга уйимизга боришган. Онамлар “Боламга ўхшаркансиз, болам”, деб дуо қилганлар. Тумонат одам йиғилган тўйда ўртага чиқиб “Дўппи киймай қўйди одамлар”, “Аёллар ҳар йили туғавердилар” сингари шеърларини ўқиб, роса олқиш олган. Шунда эл суйган санъаткоримиз Шерали Жўраев ўрнидан туриб, қўлларини унинг елкасига қўйиб: **“Шу одамларнинг ичида камида еттитаси Хизр бўлса керак, қани қўлларингизни очинглар, шу укамизнинг юрагидаги, юрагининг туби-тубидаги ниятлари рўёбга чиқиб, элу юртимизнинг катта шоирига айланиб кетсин!”** дея халқдан дуо олиб берган. Шоирнинг ўзи айтгандай **“Бу хуш онлар бир тушдайин ўтдию кетди”**.

Мен унинг “Севиш керак, яшаш шарт эмас” деган шеърини яхши кўрардим. Бир баҳс ё тортишув чиқди дегунча шу сатрни кўндаланг қилардим. Фалакнинг ҳукмини қарангки, бу шеъри ҳам ўзининг кейинчалик ҳаётига башорат янглиғ янграган экан.

Қайсидир сана муносабати билан Абдулла аканинг газета ва газетхонларга тилаклари босилиб, унда бир тўртлик ҳам берилган эди:

Сизга тилакларим бир жаҳон бўлсин,
Бошингиз офтобли осмон бўлсин.
Кундузнинг гаройиб чоғидир оқшом,
Саодат бирла у нурафшон бўлсин.

Бу шеър гўёки бизнинг “Оқшом”даги йилларимизга бағишлангандек эди. Тўрт йилимиз шундоқ бирга кечди, кейин уйли-жойли бўлиб, ҳар ёнга тарқаб кетдик. Бизнинг газета билан хўшлашувимиз, айти пайтда “Оқшом”да кечган оқшомларимиз билан ҳам хайрлашувимиз эди. Энг завқли кунларимиз, ёшлигимизнинг энг беғубор дамлари шу даргоҳда ўтди. Биз бу ерда ҳаётни ўргандик, одамни, оқу қорани танидик. Умри, ҳаётию бутун тириклиги газета билан боғлиқ камтарин, меҳнаткаш ва оққўнгил инсонлардан сабоқ олдик, уларнинг қувончу ташвишларига шерик бўлдик. Дўстлик қандай бўлишини, муҳаббат нималигини биз шу ерда билдик, изтироб чекдик, севдик, севилдик.

* * *

Буни ҳаёт дейдилар. Орадан йиллар ўтиб, Муҳаммадjon катта шоир бўлиб кетгандан сўнг ҳам ҳар бор учрашганимизда бир баҳонайи сабаб билан “Оқшом”ни эслаб қўярди. Бир гал у ўйчангина ҳолатда “Муҳаббат эсингиздами, жайрон?” деб сўради. Яна хаёлга ботиб давом этди. “Биласизми, сиз яхши кўрсангиз керак, деб мен унга индамагандим”. Мен лол бўлиб қолдим. Чунки айнан худди шундай гумон Муҳаммадjonга нисбатан менда ҳам бор эди. Муҳаббат. Муҳаббат. “Муҳаббат бор экан дунёда!”

Яна бир сафар ўзидан-ўзи “Сирож, сиз мени ака дейишингиз керак”, деб туриб олди. Ёш жиҳатидан у ҳақиқатан ҳам менинг акам тенги, ака десам ҳам ҳеч нарса йўқотмасдим, лекин шунча йиллар “Муҳаммад, Муҳаммадjon” деб юриб ўрганган одам, бирданига ака дейишим ўзимга ғалатиноқ туюлди, шундоқ қилсам яқин дўстимдан айрилиб қоладигандай, ўjarлигим тутди. “Сал вақтлиноқ ўйлаш керак эди, тақсир, энди кеч бўлди, ўлдирсангиз ҳам айтолмайман!” дедим. Ўша, кишига хуш ёқадиган майин жилмайиш билан индамай қўя қолди.

... 2001 йилнинг июль ойида бутун шаҳар бўйлаб “Зарафшон” концерт залида Муҳаммад Юсуфнинг таниқли санъаткорлар иштирокида ижодий кечаси бўлишини билдирувчи афишалар осилди. Муҳаммад-

жон “Қайтиб келаман. Ҳаммангларни об кираман!” деб “Оқшом”даги қизларга ваъда бериб, кейин ўзи Эллиққалъага жўнабди. Қизлар мени топишиб, бирга киришимиз кераклигини айтишди. Минг афсуски... у қайтиб келмади. Афишалар осиглигича зору ҳайрон қолиб кетди.

... Ўша оғир кунда уни Марҳаматдан олиб ўтаётганимизда бутун эл — ёшу қари кўчага чиққан эди. Шашқатор йиғлаётган қишлоқ аёлларию, юз-бетлари ёшдан ҳўл қиз-жувонлар, йигитлар. Ўзи суйган, ўзи куйлаган эл. Муштипар волидасию “Ёзилмаган дostonлари қолган акам!” деб йиғлаган куюнчак сингиллари...

Қалдирғочни жаннати қуш дейишади. Ўша кун дўстимизни ерга топшираётганда кўкда, бошимиз узра Андижоннинг қалдирғочлари чирқиллаб айланди-ей, айланаверди. “Осмонимга олиб кетаман” деган китоби ўз умрига башорати бўлдими, нима? Жону руҳини ердаги ташвишлардан айириб, шу қалдирғочларга қўшиб жўнатиб юбордими ё?.. Кечқурун Андижон аэропортида Тошкентга қайтаётганимизда эзилиб кетган Эркин Аъзам шундай савол берди: **“Менга қара, Сирождин, Муҳаммаджон энди... битта ўзи қолиб кетадими?..”**

* * *

Орадан кунлар ўтиб кейин тасодифан Муҳаббатни кўриб қолдим, тўхтатиб аҳвол сўрадим. Ўша ўзини олиб қочадиган катта-катта уятчан кўзлар, фақат бир оз мунг аралашган. Омонат қолиб кетмасин деб, бор гапни очиқ айтдим. “Э-э силани қаранглару?!” дедию, кўзларига филт-филт ёш айланиб кетиб қолди...

Мен элу юртнинг суюкли шоирига айланган дўстим ҳақида бир кун келиб марсия ё хотира ёзаман деб ўйлаб-мидим?.. “Оқшом”да ишлаб юрган кезларимизда бирга тушган суратимиз тагига шундай дастхат ёзиб қўйилган экан: “Биз бошқа ҳеч қачон бундай бўлолмаймиз...” Суратнинг орт томонида эса икки сатр шеър:

“Бировнинг соғинчи эзди кўп ёмон,
Дўстим, бу фоже бир ўзимга аён”.

Йигитлигимизнинг энг ажиб, севинчли, саодатли оқшомлари кечган “Оқшом”. Улуғ инсонларнинг эзгу номларини сақлаб, авайлаб келаётган “Оқшом”, “Тошкент оқшоми”. Раҳматли Муҳаммаджон ёмғирда юришни яхши кўрарди. Редакциядан чиқардию, ёмғирларга қўшилиб сингиб кетарди. Бу ёмғирлар энди обирахмат бўлиб, эл раҳмати бўлиб унинг хокига ёғилаётир.

Яна бир гапни айтмасам бўлмас: Муҳаммаджон ўлимга эмас, ҳаётга тик қараб ўсган шоир эди.

Севгим — осмонларга учган оқ каптар,
Сенинг қанотингга битайин хатлар.
Ногаҳон қарайман: булутлар ғужғон,
Ёмғирларда қолмиш бир шеърий дафтар.
Васлу ҳижронингга жон-жоним пайванд,
Ҳаёт, пардаларинг бунчалар баланд!
Гоҳо товуш етмас, гоҳо етмас сўз,
Етса, овозларга ташлайсан каманд...

2004. 04.04

ЛОРКА ЛОЛАЛАРИ

(Андрей Вознесенскийдан)

Лоркани яхши кўраман. Унинг учаётган қайиқ янглиг енгил, театр залининг тепа томоша айвони сингари гулдурос солиб тургувчи, радиолокаторнинг зар қоғози мисол сезгир, оранж пўстлоғидай ачимтир ва ўтқир ис таратувчи исмини яхши кўраман.

Лорка!

У дайди эди, актёр, хаёлпараст ва рассом эди у. Де Фелла унинг мусиқавий қобилияти шоирлик истеъдодидан кам эмаслигини айтган эди.

Мен Лоркани ҳеч қачон кўрмаганман. Кечиқиб тугилдим мен. Мен у билан ҳар куни кўришаман.

Чиннидай тоза, ярқираб артилган бир жуфт ойни — бирови сойда, иккинчиси кўкда — кўрсам Лорка болакайига ҳайқиргандай ҳайқиргим келади: “Ярим тун ури-

лар тарелкаларга!” Менга “Кордова” деб гапришса буни ҳам дарров биламан: бу демак оқшом пайти сувга қориштирилган икки Кордова — “архитектура ва кўзачалар Кордоваси”. Мен унинг нозик ва “*чироқ нури қўнғироқчаларнинг энгил товушидан ҳилпирайдиган ипакдай*” ҳарир юрагини биламан. Психологик аниқликка унинг “Бевафо хотин”ига тенг келадиган бирор-бир асар борлигини эса билмайман. Беқиёс софлик, биллур туйғулар акс этган унда! Унинг балладаларида “Лўлилар ва малоик аккордеон чалишини” яхши кўраман.

Уни 1936 йилнинг 18 августида ўлдиришди.

Жинойтчилар буни тасодиф деб эътироф этишга ҳаракат қилишади. Эҳ, бу “хатолар!”... Пушкиннинг ўлими англашилмовчиликми? Лермонтовнинг ўлими тасодифми?

* * *

Шеърят — ҳамиша инқилоб. Янгича жазо усуллари қўлланиладиган қамоқхоналардаги кирдикорлар учун Лорканинг ички ҳуррият, эркинлик, жўшқинликка йўғрилган қўшиқлари инқилоб эди. Бетон зиндон фонидидаги лола — исён, кўзғолон бўлиб туюлади.

Лорка бу — бирикмалар дегани. Унинг шеърларида тунги осмон “Қора байталнинг сағриси янглиғ ялтирайди”. Шамол деразадан чиқарилган бошни жодининг шамшири кесгандай кесиб ташлайди.

Предметлар қариндош тутинади, бир-бирини йўқлаб қақиради. Пикассода ҳам худди шундай. Ҳеч бўлмаганда, мисол учун, унинг Элюарга чизган суратларини олайлик. Аёл чехрасининг тасвири кабутарнинг чўзинчоқ шаклига айланиб боради. Қошлар хурмо дарахтининг бутоғи бўлиб гуллайди. Ия, бу нима? Сочларми? Ёки каптар қанотларими?

Лорка чизган суратларни кўриш ҳам менга насиб этган. Улардан, балладаларида бўлгани каби, лўлиёна-испанча латофат ва назокат уфуриб туради.

Унинг шеърлари тасвирий санъат ила лиммо-лим. Лорка алоҳида рангларни яхши кўради. Унинг “Сомнамбулча романси”даги яшил ранг чинқиригини кўринг:

Муҳаббатим, яшил ранг.
Шовуллаган яшил бод.
Яшил денгизда кема,
Дўнгликларда яшил от.
Шомлар чўмиб туманга
Йўл қарайди манзардан,
Кумуш қиров нигоҳли
Яшил сочлар, яшил тан,
Муҳаббатим, яшил ранг...
Ой нурида ям-яшил
Четанига чиқай ман.

Ой нури яшил рангда нақадар нафис ва аниқ берилган. Ҳа, энди “зумрад” десак ҳам бўлаверади!

“Антонито эль Камборьонинг ўлими”да эса қизил ранг устун туради. “Тўрт сариқ баллада” бўлса оғир олтиндан қуйилган. Бироқ “Испан жандармлари ҳақида романс”даги Лорка ишлатган қора ранг мажмуи ҳаммасидан ҳам даҳшатли ва қудратлидир.

Айғирлари қора, қора,
Қора тамға — туёқлари.
Қора пўшлар қанотида
Ярқирайди шам доғлари.

“Қора, қора” дебон узлуксиз такрорлайди шоир. “Қора!” Бу жандармлар дастидан кўзлар қора тортади. Ранг рамзга айланади.

Тунга гулхан экиб қора
Жандармлар изғийди оч.
Шеърият жон берар бунда
Сарвиқомат ва яланғоч.
Ёш Роза Камборьо кўкси
Сўйилгандир шамшир билан,
Ота уйин бўсағасида
Тунж табоқда турар улар.
Бошқа қизлар эса қочар,
Шовулар қора кокиллар.
Ҳавода портлаб очилар
Ўқлар — қора атиргуллар.

* * *

Шеърят — биринчи навбатда мўъжиза, туйғулар мўъжизаси, товуш мўъжизаси, санъатни усиз тасаввур қилиб бўлмайдиган ўша “озгина” нарсанинг мўъжизаси. Уни тушунтириб бериш мумкин эмас. Ана шундай ички муסיқавий таъби бўлмаган кимсалар Лоркани тушунмади. Ў, адабиёт атрофида юрган эшик оғаларининг ҳамма нарсани мунгли ва ғамгин эшитгувчи бу кулоқлари... Шеърларда, каттайтириб кўрсатувчи кўзгу каби, тингловчи туйғуларини кучайтиргувчи алоҳида бир хусусият бор. Кучайтиришга туйғу бўлмаса агар шеърят ҳам ожиз!

Мана бу сатрлардаги сеҳргарликни насрда қандай баён қилиш мумкин:

Майли билсин жаноблар
Ўлганимни, онажон.
Учсин кўк тилгиромлар
Жанубдан Шимол томон!¹

Лоркани соғинаман.

Лимон ҳиди урилган сал тахирроқ муסיқасини қўмсайман унинг.

* * *

Лорка билан бўлган яна бир учрашув ҳақида гапирмасам бўлмас.

Чикагода бир ярим миллион поляк бор.

Бир тасодиф сабаб шу шаҳарда мен ўзимнинг “Настарин” шеъримни ўқиб берган эдим. Бу — севилган, оворайи жаҳон бўлган, Ватанини ташлаб сафарга йўл олган настарин гул ҳақида баллада эди.

Мўъжазгина хонани телевизорнинг зангори экрани ёритиб турибди. Овози ўчирилган. Кўланкалар товушсиз юзаётган бу нафармон экран — чироқ ўрнида.

Шуъла курсида қўнишиб ўтирган поляк аёли қиёфасини ёритиб турибди. Унинг ота-онаси урушдан олдин

¹ Шеърлар Ш.Раҳмон таржимасидан олинди.

муҳожир бўлиб Аргентинага кетиб қолган. Айни пайтда бу аёл изтироб чекар, жуда безовта эди. Елкаларини нафармон шуъла ёритиб турар, шу замонда кичрайиб қолган, титраётган елкалари, бинафшаранг зулфларию, кулранг мавҳум қорачиқлари билан ўзи ҳам настаринга ўхшаб кўринарди у.

Мен, ўзим англамаган ҳолда, у ҳақда, унинг қисмати ҳақида шеър ўқийман.

У нима билан тирик? Унинг кўнглида, руҳида қандай талотум кечаяпти? Бу бўшлиқда, бу бегона дунёда у ёпишиб оладиган халоскор хас қани, қаерда?

Жавоб ўрнига у бошини орқага ташлайди.

У шеър ўқийди, аниқроғи — ўқимайди, қандайдир шеърни хиргойи қилиб айтади. Унинг товуши капалакдай ҳарир, сабуҳий, қувноқ товуш.

“Бу — Лорка”, дейди у менинг талмовсираган нигоҳимга жавобан.

“Ларк?” — қайта сўрайман мен ҳеч нарсага тушунмай. (“Ларк” инглиз тилида тўрғай дегани.)

“Ҳа, ҳа! Ларк! — хандон отиб кулади у. — Менинг ягона қувончим бу. Усиз мен нима бўлардим, билмайман... Ларк... Лорка...”

... Уни 1936 йилнинг 18 августида ўлдиришди.

* * *

Лорка сабоқлари — фақатгина унинг қўшиқлари ва ҳаётидагина эмас. Унинг ўлими ҳам — сабоқ. Санъатни қатл этиш ҳамон давом этмоқда. Фақат Испаниядагина шундайми? Мен бу сатрларни ёзаётган пайтда зиндонбонлар эҳтимол мусаввир Сикейросни сайрга олиб чиқишар.

Йигирма беш йил бурун улар Лоркани ўлдиришган эди.

1961

СОЧИЛМАСДАН БУРУН СОЧГИЛ ҰЗИНГНИ





АСРАГИЛ

(Табиат дафтарига битиклар)

1

Синфдошим билан узоқ, жуда узоқ йиллардан сўнг юз кўришдик. Йиллар, мактабни битиргандан кейин ўтган йиллар шу қадар узоқ эдики, гўё мен ўзга сайёрадан тушгандай, коинот туманлари мени бутунлай ўзгартириб юборгандай бир ҳолатда сезардим ўзимни. Синфдошим эса ҳануз ерда, шу она-тупроқда яшар экан. Соқоллари ўсган (олишга вақти йўқ), қўллари қадоқ (кўп меҳнат қилади), эгнида эски коржом. Пўрим кийинганимдан хижолат тортаман.

— Кетмадингми? — сўрайман дабдурустдан.

У ҳам “Қаерга?” деб сўраб ўтирмайди, дабдурустдан жавоб беради:

— Кетолмайман. Энди кеч.

— Нимага?

— Кўрмаяпсанми?

У ишора қилган томонга қарайман: Дарахтлар. Боғ. Пахсадевор тагидан ўтган обдиздан жилдираб сув оқади.

— Томирим ана шу дарахтлар билан бирга кетган, энди кетолмайман, — дейди синфдошим.

...

— Эсингдами?

— Нима?

— Кўкаламзор. Осмон. Новвот булутлар. Чалқанча ётганларимиз?..

— Э, қўй шу гапларни, нима қиласан?! Кўкаламзоринга пахта экилган. У осмонлар энди йўқ.

“У осмонлар энди йўқ”.

“У осмонлар энди...”

“У осмонлар...”

“...осмонлар...”

У осмонларни кўрмаганимга минг йил бўлди. Минг йил!

...Аустерлиц жангида яраланиб ҳушдан кетган княз Андрей Болконский кўзини очади. Тепасида — осмон. Тиниқ, мусаффо осмон. “Осмон бунчалар тиниқ! Нега шу пайтгача кўрмаган эканман-а?”

У осмонлар энди йўқ, князь!

“Биз — бутун дунё машиналари, завод-корхоналари бирлашиб, у осмонларни йўққа чиқардик, кўллар, дарёларни булғадик, табиатни хонавайрон қилдик, сувқоғоз халталарга тоза ҳаводан ғамлаб қўйинг, эрта-индин шу ҳавони ҳам тополмайсиз”.

Осмоним, менинг осмоним қани, XX аср?..

2

“**Мен — XX аср атмосфераси**”, деб шеър ўқиган шоирни тутиб жарроҳларга топширишади.

— Шошилинич операция қилинг! Текширинг!

Операция 12 соат давом этади. Унинг натижалари кўпчиликни қизиқтиради. Шунинг учун социологдан тортиб учувчи, биолог, геолог, археолог, уролог, тиш доктори, океанолог, тилшунос, аспирант, студент, уч фоҳиша, халқаро шарҳловчию ифвогаргача — ҳамма илмий-текшириш институтига йиғилган. Чеккароқда бир танқидчи ҳам ўтирибди. Ҳамма уни шоирнинг дўсти бўлса керак, деб ўйлайди.

Ниҳоят, газниқоб кийган бош жарроҳ чиқиб, операциянинг муваффақиятли тугаганини эълон қилади. Ярим соатдан сўнг текшириш натижалари битилган “Санбюллетень” деворга осилади. Ҳамма гурра югуради.

“Санбюллетень”да қуйидагилар ёзилган эди:

“Текширувдан маълум бўлдики, шоир (исми, отасининг исми) ҳақиқатан ҳам XX аср ҳавосидан нафас олган. У бошқа сайёрада бўлмаган. Шу сабабли ўпкасидан тоза ҳаво зарралари топилмади. (Археолог, геолог кетади.) Биз шоирнинг руҳи ва юрагига, айниқса муҳим эътибор бердик. Унинг руҳи бир умр кетмон чопган кўллар сингари қадоқ бўлиб кетган. Уни кўл билан ушлаб кўриш мумкин. Ўй-кечинмалари кўплигидан мия-

ни обдан текширишнинг иложи бўлмади. Қўл теккан заҳоти ҳар бир ҳужайрадан ўн-ўн беш юз фикр уядаги полапонлардай чирқираб чиқаверади. Минг афсуски, миядан пул тугул, бирор сариқ чақа ҳам чиқмади. (Фоҳишалар ва танқидчи кетади.) Шоир қимматбаҳо нарсаларни, жумладан, олтинни умуман ўйламаган (Тиш доктори кетади).

Юракка келсак, шоирнинг юраги тоза, то есть, тоза эмас. У кўп заҳар-заққум ютган. Юрак — гиж-гиж дард. Кўп мамлакатларда бўлгани сабабли, эллар-элатларнинг ҳанузгача оч-юпун яшаётганини кўраверганидан юракдаги дард ҳам зўрайиб борган, кўпайган. Шунинг учун шоир барча халқларга бирдек кўз билан қараган, унинг дарди байналминал дард деган хулоса чиқариш мумкин. (Халқаро шарҳловчи кетади.) “Юракда ҳасад микроблари бор”, деган миш-мишлар тасдиқланмади (Иғвогар кетади). Юракда армон кўп. Биз “Бу юракми ва ё армонми?” деб иккиландик ҳам ҳатто. Яна қонга беланиб ётган жуда кўп сўзлар ҳам мавжуд. (Тилшунос ва аспирант сергак тортади.) Булар — шоир шу пайтгача айтолмай ичга ютиб келган сўзлар бўлса керак. Яна шуни айтиш керакки, шоирнинг ошқозонидан бирорта ҳам сўз чиқмади. (Тилшунос кетади.)

Йўқолиб бораётган жонзотлар, гиёҳлару ўсимликлар армони, заҳарланаётган дарёлару уммонлар (биолог, океанолог сергак тортади), булғанаётган самолар (учувчи сергак тортади) ёди, одамзод юрагининг қўриқхоналарида тугаб бораётган меҳру оқибат туйғуларини ўйлайверганидан улар бутун вужудга томир ёйган. Шу сабабли шоирнинг жисми хастароқ, қони заҳарланган. Виждони кўп маротаба лат еган.

Шуларга қарамай унинг шоирлик ва эркаклик иқтидори жойида (уролог ҳам кетади).

ХУЛОСА

Шоир ҳақиқатан ҳам “Мен — XX аср атмосфераси” дея ҳайқиришга мутлақо ҳақли. Ва яна: у ўз шеърлари, публицистик чиқишлари билан XX асрнинг маънавий муҳитини поклантиришда муҳим роль ўйнайди”.

Имзолар

3

“Мен қишлоқнинг сўнгги шоири”, деб ёзган экан Сергей Есенин 20-йилларда.

“Мен тараққиётнинг сўнгги шоири”, деб ёзибди замондош шоиримиз.

Кейингиси-чи, кейингиси ким бўлади?

4

Тасаввур қилинг: Тоғ. Дара. Тепаси чангалзор. Дара ёқалаб чилвирдай сўқмоқ кетган. Ана шу сўқмоқдан ҳар кеча айиқ ўтади. Энди ишбилармон овчининг ўзига хос “ихтиро” сени кўринг: У сўқмоқнинг жарга яқин жойини танлаб, оғир темир қопқон ўрнатади. Қопқонга боғланган йўғон симарқонни баҳайбат бурсга (тоғарчаси) ўраб мустаҳкамлайди. Ўзи эса “улоқиб” шаҳарга тушиб кетади. Бир ҳафта, ўн кун ўша ёқларда юради, ёр-оғайниларини кўради, сартарошхонага кириб соч-соқолини олдиради, ҳатто “Одеколон” ҳам септиради.

Бу ёқда эса...

Бу ёқда айиқ бечора аллақачон қопқонга тушган, бутун тоғу тошни ларзага солиб бўкиряпти, фиғони фалакда, у ёққа югуради, бу ёққа югуради, силтайди, силтанади, қопқонга тушган панжаси оғрийди, оғриқ зўридан яна бўкиради, симарқон боғланган бурснинг танаси шилиниб тамом бўлган, бирор жонзот, бирор қудрат йўқки унга нажот берса, бир кеча ўтадим, икки ё уч кун ўтадим — буниси номаълум, бироқ бора-бора айиқнинг наъралари ингроққа айланади, сўнгги қудратини йиғиб яна бир зўр беради, ногаҳон мувозанатини йўқотадию қопқон билан жарликка осилиб қолади...

Ўн кундан сўнг қайтган овчи келиб кўрсаки қопқон йўқ, атроф — топтаб ташланган, бир аҳволда, симарқон ўралган дарахтнинг танаси бошдан-оёқ шилиниб кетган, симарқон эса жарда... Тортиб кўрса қопқонда айиқнинг олд панжасидан бошқа ҳеч нарса йўқ...

Бу воқеани яқинда Сурхондарёга борганимда ўша овчи тилидан унинг бир оғайнисини ҳикоя қилиб берди.

Тўлқинланиб, завқ билан ҳикоя қилди. Сўнгра у менга ўша айиқнинг бир тирноғини тухфа этди. “Асрагин, — деди у, — бунда хосият кўп, ёнингда олиб юрсанг — омад сеники, ёмонликдан асрайди сени”.

...Ўша тирноқ ҳозир ёзув столимда. У кечалари кат-тайиб, қўнғир тусли улкан айиққа айланади. Кўзларида филт-филт ёш, бўкиради, ҳайвонот олами, бутун жонзотлар номидан наъра тортади, менинг қулоқларим қоматга келади, қаерга бош олиб кетишни билмайман, бирдан қорнида боласи билан отиб ўлдирилган оҳулар, яралганидан буён одамзод таъқибда яшаган бўрилари хушхон какликлар, қуриб бораётган булоқлари дарёлар, қирилаётган балиқлари чангалзорлар — ҳамма-ҳаммаси тирилик, чинқириб, мени ўраб келаверади, келаверади. Мен ўзимдан, асримдан ҳеч қаерга қочиб кетолмаганим сингари булардан ҳам қочиб қутулмайман. Булар мени — одамзодни ўртага олиб, суд қилишади. Суднинг ҳукми шундай: “Дунёдаги энг йиртқич, ваҳший ҳайвон сен экансан, яъни одамзод!..”

Мен бу ҳукмдан ҳам ҳеч қаерга бош олиб кетолмайман.

5

Бир кун. Бир йил. Бир аср.

“**Биз ҳамиша тонгдан шом томон борамиз**”, деган экан қадим донишмандлардан бири.

Наҳотки, тараққиёт бизнинг шомимиз бўлса?

Биз баъзан интиҳони ибтидо ўрнида қабул қилдик.

Маррани забт этамиз деб тесқари томонга чопганимизни англамадик.

Лаҳзалар, кунларга бефарқ бўлганимиз сабабли асрларга “татигулик” фожиаларни келтириб чиқардик.

Рус шоирининг мана бу ҳикоясига қулоқ беринг:

“...Чернобиль фожиасидан бир йил аввал мен Припяти дарёсида қайиқда, тирноқларим остида қоладиган балчиқдан ҳеч хавотирланмай лойдан бемалол шарчалар ясаб ўтирар эдим. Атрофда мажнунтоллар шовуллар ва мен улардан таралаётган ғуборга мутлақо

бепарво эдим. Фожиадан бир йил олдинги ёз ниҳояси... шимимда қуриб қолган балиқ тангачалари ялтирайди, ҳаммаёғим қатрон балиқ тангачаларию балчиққа беланган, сочларимда — гулларнинг қуруқ уруғлари... Қайиқда ўтирардим, узоқроқдан эса биқинига “Чернобиль” деб ёзилган кема ёрдамида темир баржа менга томон аста яқинлашиб келарди. Кеманинг номи бир кўриниб, кейин эсдан ҳам чиқиб кетиши мумкин эди, бироқ... Кема баржа билан мен томонга бостириб келар, бошда мен кемадагилар мени ё кўрмади, ё шунчаки кўрқитмоқчи ва ё ҳазиллашмоқчидир, деб ўйладим. Лекин темир баржа шафқатсизларча бостириб келмоқда эди. Қайиқдан сувга сакраб, шалоплаб қирғоққа чиқишгагина улгурдим, холос. Ҳаммаёғим шалаббо, кемадагиларга лаънатлар ўқиб, ов анжомларимни сувдан тортиб олдим. Улар эса моторни ўчириб, кемани орқаси билан қирғоққа ҳайдашди. Кема билан қирғоқ оралиғида сув-ўпқон ҳосил бўлган, кеманинг парраги тупроқ, буталарни қориштириб, сувнинг “астари”ни гангиган балиқлари билан юзага чиқарди. Улар шу йўсин балиқ “овлаётган” экан. Паррак ёриб ташлаган, қарахт бўлган балиқлар сувда қалқиб ётар, икки барзанги безбетларча менга қараб, ҳеч сўз демай, қўлбола тўрчўмич билан уларни йиғиб оларди. Буларнинг бари шу қадар бемаъни, шу қадар ваҳшиёна эдики, менинг нафасимни ожизларча ичга ютишдан, уларнинг ортидан нафрат билан қараб қолишдан бошқа иложим қолмади. Қонталаш балиқ тўла қопни кўтариб, ҳаммаёқни расво қилиб кетишди, лаънатилар!

Мен сочилиб ётган тўр-анжомларим, топталган алафлару лою балчиқ аро тўнтарилган қайиғимда ўтирар, буталар орасидан менга қараб сув қундузи зору нолон мўлтирар эди. Туриб ёнига борсам, қимир этмади. Қўлимни чўзганим заҳот у сувга қараб ўрмалаб кетди, ёрилган қорнидан эса қум узра ичак-човоқлари судралиб борарди.

Бу из аллақачон Чернобиль фожиасига олиб бораётганидан ҳали беҳабар эдим, мен аллақачон атом фожиасининг мудҳиш изидан бораётганимни билмас эдим...”

Телевизорда кўрдим: темир бармоқлари билан робот шу сўзларни ёзди:

“РОБОТГА ЁРДАМ БЕРИНГ!”

Темирки нажотга зор бўлган экан, бу ёғини қўяверинг.

Экология бу — ЭКБ, яъни “Эртага Кеч Бўлади” дегани.

Айни пайтда “Маданият экологияси” деган тушунчалар пайдо бўлди. Бу — тил, санъат, обидаларни, нодир урф-одатларни асраб қолиш олдидаги хавотирни билдиради.

Эътиқод экологияси, меҳру оқибат экологияси ҳақида ҳам бонг уришга аллақачон фурсат етган!

Биз китобни кам ўқийдиган бўлдик. Аҳоли ўртасида мутолаа ойликлари, китоб ўқиш шанбаликлари ўтказиб туришга ҳам асос бор. Токи маънавият оламидаги бекорчиликка барҳам етсин, одамлар фақат ўз тирикчилиги, рўзгор ташвишларини ўйламасдан саҳифалар узра гуссага ботсин, ўртансин, куйинсин. “Яшасин маънавий инқилобга ўсиб борувчи илмий-техник инқилоб!” деган экан шоир. Биз Навоий гулшанини, Усмон Носир боғи, Ойбек шеърятининг биллур булоқлари, Фафур Фулом дарёси-ю, Абдулла Қодирий насрининг муаттар-мусаффо бўстонини, Чўлпон асарларининг шифобахш ўрмонларини қаровсиз қолдирмадикми? Онгимиз ҳавосини газаллар сабоси ила сўнгги марта қачон тозалаган эдик?

Мақтаб муаллими бир пайтлар мўътабар зот, устоз саналарди, ҳозир саккизинчи синф ўқувчиси унинг олдида бемалол сигарет чекади, наҳотки одоб, эҳтиром ҳам нодир гулмоҳи сингари йўқолиб кетаётган бўлса? Бу қандай гап?

Мен қушлар овозини, жилғанинг жилдирашини магнит лентасига ёзиб олиб эшитиб юрадиган одамни биламан. “Буларнинг бари ганимат, — дейди у. — Бир кун келадики, шуларни ҳам тополмайсан”.

Бир кун...

Наҳотки, бир кун келиб биз япроқдаги шабнам ўрнига қандайдир кукуни кўрсак? Наҳотки, бир кун келиб тупроқдан гиёҳлар ўрнига темир-терсақлар униб чиқса?..

Бу аср — бир вақтнинг ўзида Адолатга ҳам, Разолатга ҳам тимсол бўла оладиган бу аср, дарёларнинг оппоқ томоғини темир панжалари билан бўғиб, балиқлар чинқириғини эшитаётган, эшитмаётган бу аср, Ер юзини қоғозга кўмиб юборган бу қоғоз аср, ютуқларидан нутқлари кўп бўлган бу носоз аср, барча жафоларни бошдан кечирган бу жабрдийда, бу кўнгли шикаста, бу хаёллари темир, бармоқлари — ракета, гоҳ обод, гоҳ барбод, беҳаловат, шошқин бу асар бир лаҳза бўлса-да, қайрағоч тагида ўтириб хаёл сурганмикин?

Майсалар саломига бепарво, қайларгадир бош олиб кетаётган ариқдан дўпписига сув олиб ичганмикан бу аср?

Йўқ, бу — менинг болалигим — ўша ариқ сувидай аллақачон қуриб битган, ўшал ариқ сингари аллақачон кўмилиб бўлган менинг болалигим бу. Асримнинг бундай майда юмушларга иши ҳам, фурсати ҳам бўлмаган, Тараққиёт отлиғ арзандани дунёга келтириб, унинг учун елиб-югурган, куйинган, инфаркт бўлган, асрим, мана энди бебош ўғлининг кирдикорларидан юрагини ҳовучлаб ўтирибди.

Охири бахайр бўлсин, охири! Бахайр бўлсин учун...

Асрагил! — дейди, ҳаммаси — оддий тиниқ сувдан тортиб ўт-ўланларгача, зиёдан тортиб тоза ҳаво заррачасигача, қадимият обидаларию чинорлар, меҳру муҳаббатдан тортиб эътиқоду садоқатгача, коиноту Замин — ҳамма-ҳаммаси “Авайлаб асрагил” дейди. Асрагил.

“Ўртача олисликка учириладиган ракеталарни қисқартириш тўғрисидаги битим... Биз бутун моҳиятини ҳали чуқур англаб етмаган бу воқеа”, кўнгилда умид уйғотади. Кун келадикки, давлатлар бир-бирига ҳужум қилмаслик тўғрисидаги битимлар ўрнига бутун дунё табиатини муҳофаза қилиш бўйича умумжаҳон шартномасига имзо чекажак. Давлат чегараларини самолётлар ўрнига турналар, оққушлар галаси “бузиб” ўтади,

мамлакатлар саноат моллари билан бир қаторда энг яхши дарахтлар, гулларнинг кўчатларини экспорт қилишади ва симёғоч устида ин қурган лайлакнинг тухумлари алюминдан эмас, ҳақиқий табиий тухумлар бўлади.

1987

ЗОЙИР АКАНИНГ ГУЛХАНЛАРИ

Сурхон воҳасининг бетакрор адибларидан бири марҳум Менгзиё Сафаровнинг шундай сўзлари бор: “Ер уйғонмай қалб уйғонмас. Жамики жонли ва жонсиз нарсалар табиат мулки, чунончи, инсон ҳам унинг фарзанди. Табиат борлиғимиз, биз унинг борлиғи. Баҳор ўтиши билан таровати, файзи ҳам сўнади. Аммо улар бахш этган эҳтирос ва туйғулар, манзаралар қалбимизда илдиз отиб қолаверади. Ранг ва бўёқлар фасли баҳор энг кўримсиз, афтода чекка ерлар, кўҳна харобаларни ҳам яшил ва турфа ранг либосга буркайди, кекса қалбларга шуур бағишлайди. ...Оталаримиз қурган бинолар том бўғотларида, мангу оқизик дарё соҳилларида, кўҳна хилхоналарда хилма-хил гул бўлиб бизга боқади”.

Менгзиё ака меҳру соғинч, орзиқиш билан тасвирлаган бу макон, ўзи туғилиб ўсган, қувончи, изтиробларига шерик бўлган диёр — Сурхон воҳаси. Раҳматли адибнинг суюкли, садоқатли шогирдларидан бири Зойир ака, Зойир Мамажонов ҳам шу элнинг, шу уйғоқ тупроқнинг фарзанди. Аҳли қаламнинг чеккада яшайдиганлар (ҳаётдан, замондан чеккада эмас, пойтахтдан, адабий муҳитдан узоқда истиқомат қилаётган) қаторига кирувчи Зойир аканинг ижодий ҳаёти, ижтимоий фаолияти эса қизғинлиги, тифизлиги билан пойтахтда яшайдиган унча-мунча ёзувчиникидан кам эмас.

У киши — воҳада энг кўп ўқиладиган, нашр адади ҳам жумҳуриятдаги туман газеталари ичида энг кўп саналмиш, “тўртинчи ҳокимият” деган тушунчани ҳақли равишда амалда исботлаб келаётган Денов тумани “Чағониён” газетининг бош муҳаррири. Ёзувчи Зойир Мамажоновни газетчи Зойир Мамажоновдан алоҳида,

айри ҳолда тасаввур қилиш қийин. Ёзувчи десак газета хафа бўлади, газетчи десак агар ёзувчилиги ўксиниб қолиши мумкин. Хемингуэйнинг “Оддий хабар ёзиш заҳматидан беҳабар, газетчилик мактабини ўтамаган ёзувчидан яхши адиб чиқмоғи даргумон”, деган машҳур гаплари нечоғли ҳақиқат эканлигини Зойир Мамажонов мисолида кўрса бўлади.

“Чағониён”нинг истаган сонини олиб кўздан кечиринг, унинг бамаънилиги, дид-фаросат билан тайёрланганини кўриб, муҳаррирни танийсизми, йўқми, қатъи назар, буни адабиётдан, маънавиятдан хабари бор, хат-саводи етук ёзувчи одам чиқаряпти деб ўйлайсиз. Газета — чин маънода туман маънавий-маданий муҳити, ижтимоий-маиший ҳаётининг кўзгусига айланган.

Бир оддий мисол. Ўтган йил кузда газетада чиққан кичкина бир хабар туманда роса шов-шувга сабаб бўлди. Хабарнинг сарлавҳаси — “Тошпўлатовнинг қопагон итидан сақланинг!”. Хабар биринчи бетда, яна қора, қалин ҳарфлар билан бўрттириб берилган. Бойлаб кўйилмагани учун бировнинг боласини қопган ит ҳақида ахборот берилса-да, муҳаррир итнинг эгасини сарлавҳага чиқариб, нишоннинг қоқ киндигидан урган эди. Хабарнинг таъсир кучи икки кунда билинди: шаҳар кўчаларида дайди, бойлоқсиз итлар бирдан камайди. Оналар уйга кеч келган болаларини “Тошпўлатовнинг итига ўхшаб қайларда юрибсан!” деб жеркийдиган бўлишди. Бир қарашда ҳазилдай кўринади, лекин жиддий гап. Тўрт сатр мутойиба шеър:

Илғасанг гар бирор иллат ё нуқсонни
Топиб келгил дарров Зойир Мамажонни.
Қалам деган сихга тортар ўшал они,
“Чағониён” деган ўтлуғ кўраси бор.

Ҳаётда эллик йил яшаб, шундан ўттиз йилдан кўпини қалам билан қоғозга сарфлаган, китоблар чиқарган, эл орасида ном қозонган, тирикликнинг аччиғини ҳам, чучугини ҳам бирдай тотиб кўрган, одамзоднинг пастини ҳам, баландини ҳам ўтқарган, надомату

маломатни, меҳру мурувватни ҳам беармон кечирган ёзувчи одамнинг армони, орзу-ҳаваси нима? Рўзғор, бола-чақа, қариндош-уруғ, ёру биродар ташвиши ўз йўлига, лекин бу дунёда етимликни ҳам кўрган, дунёнинг мазмун-моҳиятини англаб етган, ҳаётда ўзининг асосий, муҳим инсоний хулосаларини чиқариб бўлган ва мана, умрнинг Орзу-Армон, Бахт ва Толе, Қувонч ва Изтироб бекатида ўй суриб турган ёзувчи кишининг бу тирикликдан истак-таманноси яна нима?

Буни қарангки, шунча “дағдағая овозаси” билан Зойир акамизнинг ўз уйида китоблари, қалам-қоғозларию ёзув столи билан ёлғиз қоладиган, ташқи дунёдан, рўзғордан, ташвишлардан “қочиб бекинадиган” алоҳида хонаси йўқ экан. Ана энди, ниҳоят, шу армон амалга ошадиган бўлибди. Асосан оиласи, бола-чақалари, рўзғори “эгаллаган” катта уйга ёндош қурилган икки хонали бинонинг бир хонаси — ёзувчининг “оламга фикр сочадиган” жойи бўлади, деб оилавий кенгашда қарор қилинибди.

Оғамиз Сурхондарёнинг шимолий туманлари — Узун, Сариосиё, Денов, Олтинсой ҳудуди адабий муҳитининг бир тимсоли. Бу томонларга йўли тушган шоирми, ноширми, журналистми — у кишини кўрмасдан кетмайди. Излаб, суриштириб, йўқлаб топади. Устоз адиб Шукур Холмирзаевнинг эътирофи бундоқ:

— Зойир Мамажонов — сизларга таниш адиб. Унинг “Боғбон” ҳикояси бундан уч йил бурун “наср муҳокамаси”да “Энг яхши ҳикоя!” деган баҳони олган эди. Зойир оз ёзади, лекин ўша — соз ёзади. Аммо адабиётдан жилла узоқлашиш — унинг ақлига сизмайди, адабиёт — унинг суянчиғи, дарди-ҳасрати, шунинг учун мумкин қадар соддаликка интилади ва ҳаётнинг “мағзини чақиб”, ҳаётнинг ўзидек жўн, аммо теран шаклда қоғозга туширади... Зойир — ҳалол, фидойи адиб, чунки у шундай инсондир.

“Тирикчилик ўтаверди, тириклик қийин”, деб ўйлайди у. “Қизилсув бўйларида” деб номланган китоби ўз вақтида китобхонларнинг эътиборига тушган эди. Икки йил олдин “Шарқ юлдузи”да чоп этилган сал-

кам бир қиссанинг юки ортилган “Гулхан атрофидагилар” номли ҳикояси — ёзувчининг жимиб кетмагани, у муттасил жиддий ижодий меҳнат билан машғуллингининг яна бир исботи бўлди.

Биз ҳаммамиз туғилган еримиз, ўз тупроғимиздаги нурлар, шуълаларнинг ҳам фарзандларимиз. Болалиқдан, Менгзиё ака айтмоқчи “оқизиқ дарё соҳилларида” ёққан гулханларимиз, олис қирларда милтиллаган чироқлару осмонларда жимирлаб, сирли оламларга чорлаган юлдузларнинг ҳам фарзандларимиз. Нур деймиз, зиё деймиз, шунга интилиб яшаймиз. Зойир аканинг ҳам болаликда, Қизилсув бўйларида ёққан гулханларининг тафти, алангаси ҳали ўчгани йўқ. Эзгу-хайрли амаллари, ёзаётган асарларида, қолаверса, бутун эл-улус орзиқиб, кутиб, севиб ўқиётган газетаси “Чағониён” саҳифаларида ҳамон гуриллаб ёруғлик сочаётибди у гулханлар.

1999

“САЛОМЛАР АБАДДИР, ОНАЖОН!”

(“Оила ва жамият” газетаси саволларига жавоблар)

— Аввало, Сиз учун кутилмаган савол: “ижодий фаолият”, “менинг ижодим”, деган сўзларга қандай қарайсиз?

— Булар яхши сўзлар, беозор, юмшоқ иборалар. Лекин улар замиридаги меҳнату заҳматни сўз билан ифодалаш қийин. Ўзим “ижод”, “менинг ижодим” дея гапиришни хуш кўрмайман. Бундай деб катта, улуғ устозлар айтса ярашади.

— Бугунги кунда, тенгдош ижодкорлар ўртасидаги муносабат, рақобат ва меҳр қандай?

— Менимча, биз бир-биримизни яхши кўрсак керак. Бир-биримизнинг ҳолимиздан хабар олмай, ҳол-аҳвол сўрамай, йўқламай туриб ҳам яхши кўрсак керак, деб ўйлайман. Сабаби, киши бошига бир иш ё ташвиш тушсагина, яқин кишисини йўқлай бошлайди. Йўқламаямизми, демак ҳамманинг ишлари жойида. Шахсан ўзимга келсак, шоир дўстимми ё бегонами, каттами, ки-

чикми — бир яхши шеър ё китобини ўқиб қолсам, албатта, муборакбод этаман.

— *“Эрни эр қиладиган ҳам... хотин”, деган мақолга муносабатингиз.*

— Бу мақолни билмадиму, лекин яхши хотин ҳам яхши ният сингари, ярим давлат дегандай гап. Худо шунисидан кам кўрмаса, қолган ярмисини топиш эр кишининг қўлидан келадиган иш.

— *Фараз қилинг: қўлингизда биттагина олма бор, онагами, фарзандми ё ёргами— кимга берган бўлардингиз?*

— Менинг ўрнимда бошқа, истаган кишингиздан сўралганда ҳам албатта, “онага” деб жавоб берган бўларди. Мен ҳам ўз онамнинг фарзандиман. Онам эса невараларини жуда яхши кўрадилар.

— *Севги ёшингизда алданганмисиз?*

— Тошни тош, кесакни кесак, қалдирғочни қалдирғоч алдамаса керак. Биз одамлармиз, ўрганиб қолганмиз, севги ёшида ҳам, бошқа фаслларда ҳам алдаб, алданиб яшайверамиз.

— *Кейинги икки ойда энг кўп такрорлаган сўзларингиз нима?*

— “Ўзингга шукр”, “Баҳор”, “Қалдирғоч”.

— *“Саломлар абаддир, онажон!” деган шеърингиз бор. Ҳозир сиздан тўрт сатр шеър сўралса, нимани ўқиган бўлардингиз?*

— Жудолиғлар дунёда, бош узра не ҳаводир?

Сертаҳлика боғларда шовуллайди хавотир.

Кўркам ниҳол эрта кун кимларгадир асодир.

Ўзинг тингла тун чоғи таралган бу ноламни,

Паноҳингга ол, Худо, ёлғизгина онамни.

— Ҳа демай баҳор келади. Наврўзда қаерда бўласиз?

— Худо хоҳласа, Сурхондарёга, онамнинг олдиларига борсам керак. Бу йил энг кўп соғинганим шулар — онам ва баҳор.

— *“Тила тилагингни!” дейилса нималарни сўраган бўлардингиз?*

— Энг аввало онамга, барча оналарга сиҳатлик, узоқ умр, юртимизга тинчлик-омонлик ва барча ука-сингилларимга меҳр-муҳаббат, бир умрлик бахт-саодат тилардим. Қолганлари — топиладиган нарсалар.

1999

“СЕВГИ МЕНИНГ КЕЧМИШИМДИР, БУГУНИМДИР”

(“Санам” журнали саволларига жавоблар)

— *Домла Собир Мирвалиевнинг “Ўзбек адиблари” китобида берилган маълумотга кўра, илк шеърингиз 1975 йилда, илк шеърый китобингиз 1985 йилда чоп этилган экан. Мана шу ўн йил давомида шеъроят борасидаги кечинмаларингизни бир эсласангиз. Ижодий ўсмирлигингиз ҳақида гапириб берсангиз...*

— Авваламбор, “Санам” журнали таҳририятига, бу гўзал нашримизни ўқийдиган барча санамларга раҳматлар бўлсин. Аёллар асли гўзаллик ва назокат учун яралганлар ва бу журнал шу жозиба ва назокатни кўрсата оляпти деб ўйлайман. Энди, шеъроятга келсак...

Бир донишманд шеъроят, шоирликни “Денгизда туриб, қуруқликни ўйлаб, осмону фалаклар ҳақида ёзмокдир”, деб таърифлаган экан. Бу, албатта, нисбий фикр. Сиз ўтган йилларни, ижодий ўсмирлигимизни эсладингиз. У йиллар балки бир синов, бир мусобақа бўлгандир. Эндиликда тажриба, ҳаёт тажрибаси деса ҳам бўлади. Ўсмирлик, йигитлик ҳамиша ўқиш, ўрганиш фасли, изланишлар даври бўлиб келган. Кечинмалар эса... кечаверади.

— *Энди ўша ўн йилликни Ватанимиз мустақиллигининг ўн йиллиги билан қиёсласангиз. Бу қутлуғ ўн йилликнинг шеърларингизга, туйғуларингизга таъсири ҳақида нималар дейсиз?*

— Жуда ҳам жиддий, кенг қамровли бу саволингизга икки оғиз сўз билан жавоб бериб бўлмаса керак. Улуғ шоиримиз Ғафур Ғуломнинг шоҳ сатрлари билан айтганда, “Асрлар тақдири лаҳзаларда ҳал” бўлган ўн йилликдир бу. Соғинчли ва севинчли, серташвиш ҳам қувончли, оламшумул ҳам улуғвор йиллар ҳақида ҳали келажак асрлару насллар ҳайқариблар фахр бонглари ни чалажак. Тасаввур қилинг: ҳаммамиз ҳам ботиниб

сўз айтолмасдик. У йиллар — у темир йиллар. Мустақиллик эса биздан Сўз сўрайди. Шу юртнинг осмонлари қадар, ою кўёшлари, оналарнинг меҳрию оталар заҳмати, улуг инсонларнинг фидойилиги, шаъну шарафи қадар Сўз сўрайди. Айтмоқ замони келди, демак, айтмоқ керак.

— *Замонларнинг эврилишлари, ҳаётнинг аччиқ-чучук неъматларига қарамай ижодда ҳамиша фаолсиз, маҳорат ва шитоб билан шеър ёзмоқдасиз. Худога шукр, бу— шоир учун катта бахт. Ана шу бахтнинг замини нимада?*

— Ҳақиқатан ҳам Бахт бўлса агар, буни шу Ватанда, Ўзбекистонда туғилганимдан деб биламан. Дунёда бошқа бир Ўзбекистон йўқ, демак, менинг учун ҳам бундан ўзга Ватан йўқ.

— *Бадиий-шаклий жиҳатдан шеърларингизда учта йўналиш мавжуд: мумтоз (аруз) жанр, халқ оғзаки ижоди анъаналари ва юмор. Тўғрими? Бу уч йўлнинг қайси бирини энг биринчи ўринга қўярдингиз?*

— Мумтоз шеъриятимизни яхши кўраман. Бироқ, биз газал деб битганларимиз байтларнинг ҳазрат Навоий айтганларидек “айбгинаси бор”. Сиз айтган уч йўналишдан бирортасига ҳам, афсуски, ҳали биринчи ўринни беролмайман. Вақт ўзи кўрсатар.

— *Бу энди жуда осон савол, айна пайтда қийин савол ҳам. Шеър нима?*

— Шеър, ҳар ҳолда, мантиқасқон бўлмаса керак, унинг ичида манти пишмайди. Эски шоирлар айтиб кетган қисқа, лўнда бир гап бор: шеър — Кўнгилдир. Кўнгил қандай бўлса шеър ҳам шундай бўлади.

— *Сухбатимиз “Санам” журналида кетмоқда. Табиийки, буни кўпроқ хотин-қизлар ўқишади. Бугунги замонавий аёлни қандай тасаввур қиласиз? Тадбиркор аёлларга муносабатингиз...*

— Аёлни Худо ўз номи билан аёл қилиб яратган. Демак, у ҳамма замонларда ҳам, энг аввало, ўз номига муносиб АЁЛ бўлмоғи керак, деб ўйлайман. Шу кунларда бир гўзал кўшиқ янграпти:

Тириклик бозори бошинга тушди,
Эр-аёл, кексаю ёшинга тушди.
Бургут ҳам ризқ сўраб қошинга тушди,
Кўлин очиб келса, кўксинг очилсин,
Қалбинг муруввату меҳрга тўлсин.

— Улуғ ҳазратнинг “Ким Навоий кўнглини этди гириҳ бир тори зулф” деган сатрлари бор. Шундай улуғ зотнинг улуғ кўнглини бир толагина соч ўзига банд айласа... Аёлнинг-чи, аёлнинг кўнглини қандоқ забт этмоқ мумкин?..

— Нозик ва қитмир савол. Сезяпман, мендан ҳам шундай қитмирона жавоб кутяпсиз. Лекин узр, жавоб бошқача бўлади. Олма дарахтига чиққан бир сулувни кўриб, донишманд Суқрот бундоқ ҳаяжонланган экан: “Қани энди ҳамма дарахтлар ҳам шунақа ҳосил берса!” Аёл кўнгли — ғоят мушкул олам, метин қалъага ҳам ўхшайди, айни пайтда гул баргидан ҳам нозик, алдовни ёмон кўради, бир пайтнинг ўзида алданаверади ҳам. Билмайман. Суқрот бўлганимда айтардим.

— Ҳамма шоирларга берилган анъанавий яна бир савол: Севги сиз учун нима, уни қандай тушунасиз?

— Севги ўз номи билан севги-да. Бу анъанавий саволингизга мен ҳам анъанавий, яъни шеърый жавоб берсам:

Севги менинг кечмишимдир, бугунимдир,
Оловимдир, кулимдир ҳам кукунимдир.
Бу йўлларда охир бир кун тўкилгумдир,
Севги менинг кўксимдаги тугунимдир.
Қумга сингиб кетган тиниқ жилғам менинг,
Қумда лола унса агар, илганг мени.

— *Журналхонларга қандай тилакларингиз бор?..*

— Ҳамма давру замонлар, барча фасллару асрлардан ўтиб, сахрою биёбонлар узра ой янлиғ ярқираб, ёмғирларда чечакдай яшнаб келаётган бир шуълавар, муаттар бир сўз бор: Муҳаббат. “Санам”ни ўқиғувчи барча нозик дидли ойнигорларга, опа-сингилларга, гўзал ва бокира қизларга мен фақат Муҳаббат тилайман. Бахту саодат кўшикига элтгувчи Севги тилайман!

2001

КЎНГИЛ САЙРИ

(“Бекажон” газетаси мухбири билан суҳбат)

— *Сирожиддин ака, кўпчилик мухлисларингизнинг таклиф ва саволларини инобатга олиб, кўнглингиз дунёсига сайр қилишни ният қилдик. Кўнгили нима? У гулми, япроқми, хазонми ёки хасми?*

— Суҳбатимизнинг номи “Кўнгили сайри” экан-да. Шоирона жавоб берсам, кўнгили — шу айтганларингизнинг ҳаммаси. Жайдаригина айтадиган бўлсам, кўнгили бу — кўнгили-да. Боболарга ҳавас қилиб бир пайтлар икки сатр шеър битилган эди: “Эй дил, Жалолиддин Румийдан ўрган, энг узоқ сафардир кўнгили сафари”. “Кўнгили — душман” дея раҳматли момомлар гапирар эдилар. Кўнгили нималарни орзу қилмайди дейсиз. Унинг ҳою ҳаваслари, кўклам, ёз фасллари бисёр. Кўнгилининг хазон бўлишидан Худо асрасин. “Яратганнинг назаргоҳи” дейилади ҳадисларда. Инсоний орзу-умидларга, эзгу мақсад-ниятларга тўлиқ бўлса дейман. Дарёдай тўлиб-тошиб яшаса. Ҳолбуки, хуржун мақомига тушиб қолган диллар, “супермаркет” даражасини олган кўнгилилар қанча!

— *Шеърингиз — эзгулик оламига олиб чиқадиган йўл. Гўзал лаҳзалар, тугёнли ўйлар, ширин хаёллар... Шеърингизни яна нима деб аташ мумкин?*

— Шеърят, ҳар ҳолда тўйхонада ечилиб, кейин уни хоҳлаган киши кийиб кетадиган калиш-пойафзал эмас. Абдулла акамиз “Қани, тақсир, буёққа ўтинг-чи, бу Адабиёт бўлгандан кейин, бунга оёққинани артиб киради” деган бир ҳикматли гапни айтган эдилар. Ўз-ўзидан яна кўнгил йўлига чиқиб қоляпмиз. Шеърят, шоирлик биринчи навбатда — кўнгил поклиги, дил тозалиги. Кейин — қолган барча гаплар.

— *Демак, муҳаббат ҳам шеърятга киради. Муҳаббат бўлмаса шеър ҳам бўлмайди-да?*

— Худди шундай. “Муҳаббатсиз кишидан қоч, Ҳувайдо”. Муҳаббатсиз ёзилган шеърни, билмадим, нимага қиёслаш мумкин. Кесак десангиз, кесакнинг ҳақи кетиб қолади.

— *Мумтоз шеърятимиздан анча-мунча хабардор шоирсиз. Бу— шеърларингиздан билинади. Ҳозирги шеърят мухлислари эса ғазал, рубоидан кўра бармоқ вазнида ёзилган шеърларни тез қабул қилишади. Куйга солиниб, қўшиқ қилиб айтилаётган жўнроқ, баъзан бачкана сатрлар уларни кўпроқ “жунбушга” келтиради. Бунинг боиси нимада?*

— Сиз айтаётган кейинги ҳолатлар бари ўткинчи. Лекин ўткинчи ҳолат деб қараб турилса, бу “ўткинчилар” кўнгил, онг, руҳ деб аталмиш ҳамма муқаддас нуқталарни ишғол қила бошласа — бу ёмон. Бунинг битта чораси, ягона “жазоси” бор: Ёмон шеърга яхши шеър, ёмон қўшиққа яхши қўшиқ билан барҳам бериш мумкин.

Мумтоз шеърятимиз бўлса дуру гавҳарлар, марварид-инжулар билан тўла уммон. Мен ҳаммага, айниқса, ёшларимизга шу бебаҳо хазинадан ҳар кун, ҳар соат баҳраманд бўлишларини тилайман. Бу ҳам дид-фаросатни белгилайди, ақл-заковатни камолга етказди.

— *Шеърнинг илоҳийлиги нимада?*

— Шеърлигида. Шеър — осмондаги чақиндай, найсон ёмғири, дарё тошқинидай рўй бермоғи керак. Бу-

лар эса ўз-ўзидан содир бўлмайдиган ҳодисалардир. Файбдан қандайдир “туртки” ҳам бўлмоғи лозим.

— *Ёшлар шеъриятига муносабатингиз...*

— Уларда бир катта имконият, Ёшлик дейилмиш бетимсол бир фасл бор. Чексиз-туганмасдай туюлгувчи, лекин тез ўтиб кетадиган бу фаслдан кўп нарса, бир умрга етадиган маънавий захирани олиб қолишга улгурмоқ керак бўлади. Ёшлардаги ҳаётнинг кўзига тик қараб яшашга интилишдек хислатлар менга ёқади.

— *“Куйдим” ғазалингиз, “Эгаси бор юртнинг...” шеърингизни устоз санъаткоримиз Шерали Жўраев маромига етказиб ижро этган. Ғазалнинг яралиш тарихи ҳақида икки оғиз гапириб берсангиз.*

— Бу ҳақда жуда кўп гапирилган. У ғазалга ҳам, қўшиққа ҳам ёзувчи дўстимиз Нуруллоҳ Отахоновнинг сценарийси асосида суратга олинган муҳаббат ҳақидаги “Оқ бино оқшомлари” бадиий фильми сабаб бўлган.

— *“Бекажон” газетасида ҳаваскор ижодкорларнинг шеър, ҳикоялари ҳам босилиб туради. Ёш қаламкашларга маслаҳатларингизни ҳам айтсангиз.*

— Бу ёруғ дунёда одам боласи учун битта беғараз, бе-миннат дўст, содиқ, вафодор ҳамдам бор, у ҳам бўлса — Китоб. Ёш ука-сингилларимиз кўпроқ китоб ўқиб, жиддийроқ мутолаа қилишсин. Китоб завқи, мутолаа завқи уларда сўнмасин дейман. Сўнмаслиги учун эса кишида аввал шу завқнинг ўзи бўлиши керак. Ҳаммаларига омад ёр бўлсин!

2004

ЖОВЛИ ХУШБОҚНИНГ ВАТАНИ

Жовли Хушбоқ, Хушбоқов Жовли ака — сурхондарёлик қаламкаш, Шерободнинг Истара қишлоғида туғилган, истараси иссиқ ҳам эмас, совуқ ҳам эмас, ўртача. Бетига, кўзларининг атрофига ўтган йиллар, умр ҳик-

матларию, ҳаётнинг аччиқ-чучуклари чизиклар тортган, бу чизиклар у кишини янада ўйчан, донишманд қилиб кўрсатади.

Йигирма-ўттиз йилдан буён қалам билан қоғознинг меҳнатини қилиб, заҳматини тортиб келаётган Жовлибой оғамизнинг умри, рўзғори мойли, ёғли, яъни фаровон, тўкин-сочин бўлсин деб ният қилиб, отабоболари шундоқ исм қўйган (“Жовли” дегани Сурхондарё Қашқадарёнинг қўнғирот шеvasида “мойли, ёғли” деган маънони беради).

Шу оғамиз ўз касбини, ёзув-чизув ташвишини яхши кўради. Яхши кўргани учун ҳам шунча йиллардан буён ҳеч иддаосиз қалам қитирлатиб келяпти. Дунёдан ҳам, ҳаётдан ҳам даъвоси, шикоят-шиқваси йўқ. Дўст-душмандан норозилигу таъна-дашном қилмайди. “Э, ҳаммаси бир гап бўлар-да”, деб қўя қолади. Ойчечамиз, яъни умр йўлдоши, янгамиз мактабда ўқитувчи, болаларга дарс беради. “Шуларга қийин, — дейди, — шунча болани тарбиялаб, билим беряпти”. Шунинг учун ҳам муаллима янганинг изидан Тошкентга — малака ошириш институтигача келиб, ўн-ўн беш кунлаб ёнида юриб, иссиқ-совуғига кайвонилик қилишга ҳам эринмайди. Мабодо, ўн кунлардан кейин кўришиб, “Ҳа, Жовли оға, ҳали ҳам кетмадингизми?” деб сўраб қолсангиз, “Бойбича янгангиз ҳали шу ерда-ку” дея хижолатомуз жилмайиб қўяди.

Махсус мухбир сифатида Жовлибой оға қалам-дафтари ёнида, неча замонлардан буён юрт кезади, элнинг орасида юради. Шунинг учун, ёзганлари ҳам шу юрт, шу эл ҳақида, одамларнинг эзгу ишлари, бу ёруф дунёда чекаётган ташвишларию қувончлари ҳақида. Унинг қаҳрамонлари — деҳқонлар, боғбонлар, полвонлару чавандозлар, дўхтирлару чўпонлар. Бир сўз билан айтганда, элдошлари, замондошлари, шу тупроқда из қолдираётган, фарзанд ўстираётган, тириклик ва тирикчиликнинг ҳамма оғир-енгилини баб-баравар тортаётган камтарин инсонлар унинг очерклари, адабий ўйлари, бадиа ва қиссаларининг қаҳрамонларидир. Ўқиганингизда сизнинг ҳам бу инсонларга меҳрингиз тушади, уларни яхши кўриб қоласиз, уларни кўргин-

гиз, суҳбатлашгингиз келади. Ва муаллиф илиқ бир меҳр билан тасвирлаган бу одамлар, бу Ватанга нисбатан кўксингизда соғинчми, муҳаббатми — нималардир мавжланиб, жимирай бошлайди.

Дарҳақиқат, шундай. Жовли ака ўз эли, юртдошларини яхши кўради, ўзи туғилиб ўсган тупроғи, сомон ташиган далаларию, неваралари қўй боқиб юрган дашту қирларини жон-дилдан севади. Шунинг учун ҳам ёзганлари кишига таъсир қилади, ҳаяжонлантиради.

Барча яхши ёзадиган шоирларни Жовли акадек яхши кўрадиган мухлис бошқа бўлмаса керак. Шу сабабли, адабий ўйлари, мақолаларида кўпгина шоирлардан мисол-сатрлар ёки эпиграфлар бор. Ҳеч бировининг кўнгли қолмасин дегандайин бир бағрикенгликдир-да бу ҳам.

Ўн-ўн бешталар китоб чиқариб, эл аро танилгандан кейингина Ёзувчилар уюшмасига аъзо бўлганда, кап-катта одамнинг боладай шодланганига Жовли оғанинг тимсолида гувоҳ бўлганмиз.

Оғамиз китобни яхши кўради. Қачон Тошкентга келса, албатта, қайтишда садоқатли, ажралмас, қадрдон дўсти — катта йўлсумкасини янги китобларга тўлғизиб, тўлдириб Сурхонга жўнайди. “Болалар ўқийди, — дейди. — Китоб яхши-да...”

Ўзи ёзган “Юрагимнинг сирлари”, “Шириндир азоби севгининг”, “Истара — соғинчим менинг”, “Ички дард туғёни” сингари китоблари аллақачон элу элдошларнинг дил мулкига айланиб кетган, ҳозирда ҳам эл кезиб, сўз ва шева териб, янги китобини тайёрлаш ташвишида. Тириклик ва тирикчилик, ҳаёт ва умр, элу юрт, қалам ва қоғоз.

Буларнинг бари бирлашиб, умумлашиб, умр мазмунига айланган. Умр мазмуни эса меҳру муҳаббат билан, эзгу ташвишлару яхши амаллар билан гўзал. Жовли акага шундоқ жозибали тақдир яна бир карра муборак бўлсин, деб у кишига тўрт сатр шеър узатиб қоламиз:

Жовдирар Жовли Хушбоқ,
Дўстим, дунёга хуш боқ.
Хуш боққилу қалам сур,
Қиличдан ҳам қалам зўр!

“СОЧИЛМАСДАН БУРУН СОЧГИЛ ЎЗИНГНИ”

(“Оила ва жамият” газетаси мухбири билан суҳбат)

— Сирожиддин ака, негадир шоирлар ҳақида гап кетса, айримлар кинояли жилмайиб, “ҳа энди, шоир-да” деб қўйишади. Бунинг боиси шеър аҳлига хос жунундами ё бошқа сабаб ҳам мавжудми?

— Бу ёруғ дунёда ҳеч кимни айблаб, ҳеч кимга баҳо бериб бўлмайди. Ҳар кимнинг йўриғи ўзи билан, ҳар кимнинг эшаги ўзининг жойида ётади, ҳар кимнинг гуноҳу савоби ўзига. “Ёғлиқ-ёғлиқ еганлар, турлук-турлук кийганлар” (ҳазрат Яссавий) орасида қалам қитирлатиб, қоғоз қоралаб юриш девоналик саналса ажаб эмас. Лекин мен “Машраб сени деб кечди жаҳондин, бошини қўйиб остоналарга”, деган сатрлар учун бундай девоналикка жон-жон деб рози бўлардим. Бизнинг бу мунғайиб юришлар, бизнинг бу ўйчан ҳолатлар шоирлик деб аталса агар, ожизона сасларимиз “девоналик” деган унвонга лойиқ топилар экан, демак, авваламбор, бу орада ким соғу ким бемор эканини ўйлаб кўрмоқ керак. Биз ҳали Бобораҳим Машрабнинг бир сатрига арзигулик иш қилганимиз йўқ. Дунёнинг бор моҳияти аслида Яссавий бобонинг бир байтида айтиб кетилган. Бу кўҳна фалак остида ҳеч нарса янгилик эмас. Қисмат шу қалам билан қоғозни раво кўрган экан, қитирлатаверайлик-чи...

— Болаликни ҳамма соғиниб яшайди. Айниқса, шоирлар. Болалик хотираларидан гапирсангиз.

— Болалик — биз ҳаммамиз бир марта ўтирадиган подшолик тахти, болалик — ҳаммамиз бир марта ва мангуга йўқотадиган тоза ва беғубор давронимиз. Бу салтанатда гаразу фирромлик бўлмайди, бунда фиску фасод, найранг ва ҳасад йўқ. Жилдираган жилғаларда оқиб кетдими, қалдирғочлар қанотидами ва ёки адир ортида қулунларнинг безовта видоли кишнашлари ила кетдими — билмай қолибмиз.

“Турунлар, турунлар, қор ёғибди, турунлар!” Раҳматли отам ҳар қор ёққанда бизни шундай уйғотардилар. Яна бир тонг “Турунлар, сизларга бир нарса об келдим”, деб уйғотдилар. Опам, акам ва мен кўрпалардан бош кўтардик, не кўз билан кўрайликки, иссиқ печнинг ёнида учта бузоқ ҳуркиб, ҳайратланиб, мўлтираб бизга томон қараб турибди. Ташқарида қаҳратон қарсиллайди, бузоқлар бизга, биз бузоқларга қараймиз. Уч сигиримиз бир кечада бараварига туққан, оғилхона совуқлиги учун, отам бузоқларни эски чопонга ўраб қуритгани олиб келган эканлар. Ўша йили сут, қаймоқ сероб бўлган эди. Отам негадир “турунлар” эмас, “турунлар” деб “у”га ургу берардилар. Ҳозир ҳам қиш пайтлари қор ёққанда, саҳарларда қулоғим остида бу овоз янграйверади, лекин энди уйғонгим келмайди... Яна тупроқ супамизда фонус нурида отамнинг қўлларида қалтираган ол муқовали китоб — Фурқатнинг газаллари ва отамнинг “Фигонким, гардиши даврон”ни маҳзун товушда ўқишлари... Отам Фурқатни яхши кўрардилар, укамга ҳам Фурқат деб исм қўйдилар. Қазо қилганларида эса ёстиқларининг остидан Машрабнинг девони чиқди, бу китоб ҳозир укам Фурқатнинг қўлида.

Қишлоғимиз тепасидаги кенгликларда ёйилган подалар, болаликда энг жонга теккан машғулот — жазирамада пода боқиш, буқачалар думини хода қилиб қочарди, поданинг боши узумзорларга урарди ўзини, ярми буғдойзорга қараб югурарди, кети эса пахтани босарди, қўлида таёқ жияним Нажмиддин тоб беролмай изиллаб йиғлайди, пода — инжиқ, беписанд пода бизнинг гапга кирмайди, кенгликларга ёйилиб, тарқаб кетади, қоровул қишлоқ кўчалари бўйлаб мени қувиб юради, мен подани ҳам, жиянни ҳам ташлаб қочиб кетаман. Бизни олиб кетган у подалар кейин қайтиб келди, болалик эса қайтмади.

— *Муҳаббат ягонадир, деган ҳикмат бор. Биз бу муборақ фикрга шак келтирмаймиз. Биринчи муҳаббат. Сизда бу тотлиғ давр қандай кечган?*

— Охирги муҳаббатдай.

— Сизнинг қўшиқларингиз алланечук дардли, ғамгин. Масалан, “Куйдим”, “Дўстлари келсаю келмаса болам”, “Аламли гулим”ни олайлик. Дўстингиз Муҳаммад Юсуф “Мен қўшиқ ёзмайман” дейди. Лекин Муҳаммад аканинг турган-битгани оҳанг, наво. Демокчиманки, ҳалиги қўшиқларни ҳофизлар учун атай ёзганмисиз?

— “Куйдим”нинг биринчи тўрт сатри тайёр эди, кейин ёзувчи дўстимиз Нуруллоҳ Отахоновдан “буюртма” тушди. Аниқроғи, мен унинг олдига борсам, муҳаббат мавзуида бир нима ёзаётган экан, “тўрт сатр шеър айтинг, қўшиб қўяй”, деди. Ҳалиги тўрт сатрни айтдим. “Оҳ!” деди. Кейин давоми ёзилди. Камтарлик қилмай айтадиган бўлсам, зўр қўшиқ бўлишини билардим. Чунки зўр ҳофиз, зўр куйчининг қўлига тушганди. Шеър биров қўшиқ қилиб айтиши учун ёзиладиган бўлса агар, шеърнинг ўлгани. Афғонистонда ҳалок бўлган йигитлар хотирасига бағишланган шеърнинг бир кун қўшиқ тарзида янграши эса етти ухлаб тушимга ҳам кирмаган. Қиличбекнинг оҳангию Охунжоннинг ноласи ила юртга ёйилган бу қўшиққа изоҳ ортиқча. Бир тўйда дафъатан шу шеърни ўқиб беришимни илтимос қилишди. Айтдим. Тўй эгасининг укаси Афғон жангида ҳалок бўлган экан. Роса йиғлади. Ноқулай аҳволда қолдим. Бу ҳам етмагандай, ширакайф дўстларидан бирови “Нега бундай шеър ёздингиз?” деб тоза тихирлик қилган. Айтмоқчиманки, қўшиқнинг таъсири, тарбиявий кучи шеърдан кўра кучлироқ бўлади. Ҳазрат Навоийнинг “Доғини Мажнун қонатмиш, лолайи хумро эмас” сатрида фақат доғни кўрасиз, ҳофиз тилида янграганда эса қонаётган доғ, куй элтган қирларда бу доғдан қолган, ҳилпираётган лолалар ичра юрасиз. Асл шеърятимиз ўз оҳанги ила яралган, ҳазрат Навоий ё Шоҳ Бобурнинг истаган ғазалини олиб куйга солиб айтиш мумкин, фақат гап ҳофизда, машшоқлар маҳоратида. Ҳазал, аруз оҳангларидан беҳабарлардан яхши ҳофизлар чиқишига ишонмайман.

— “Бобурнома”да машшоқларга ибратли бир ҳикмат бор: Бир куни Шайбонийхон ўз ҳузурига ғижжакчисини чорлаб, куй чалиб беришни сўрабди. Машшоқнинг кайфияти ёмон эканми, бир куйни расво қилиб чалиб берибди. Шунда Шайбонийхон ғижжакчини ўз қўли билан савалаган экан. Шайбонийхон минг ёмон бўлсам, ёмон машшоқни савалаб яхши иш қилган, деб айтади Бобур бобо. Бизнинг даврда...

— Бизнинг даврда бундай “ҳофизу машшоқлар”ни савалаш учун Шайбонийхоннинг қамчилари камлик қилган бўларди.

— Кейинги икки йилда энг кўп такрорлаб юрган шеърингизни айтсангиз.

— Сочилмасдан бурун сочғил ўзингни,
Сўрилмасдан бурун сўрғил ўзингни.
... Бақодир дема айши бебақони,
Яқони тут ажал тутмай яқони.

(Сўфи Оллоёр)

— “Ўтмиш меҳрим паллалари, сўлмиш ишқим лолалари. Эй, онамнинг аллалари, бу дунёда дўст йўқ экан”, деганда нимани назарда тутгансиз? Ҳақиқатан ҳам шундайми?

— Ҳаммамизнинг дунёга келиб эшитадиган биринчи шеъримиз, илк қўшиғимиз бу — оналаримизнинг аллаларидир. Биз фарзандлар уларнинг хоки пойларига ҳам арзимаймиз. Ўтинчимиз Худодан, Худо оналарнинг мушкулини осон қилсин, дардларига шифо бериб, умрларини узайтирсин! Шеърга келсак, бу бир алам билан ёзилган бўлса керак-да. Шукрим, кесак эмасмиз, баъзан нималардир алам қилади, нималардир қийнайди, бир самимий кимсани кўргимиз келади.

— “Қирқ ҳадис” туркумингизни ўқиб барчамиз мамнун бўлдик. Мушкул ишни амалга оширдингиз. Яна давом эттирасизми?

— Мушкули олдинда турибди ҳали. Ёзишдан, айтишдан ҳам кўра, амал қилмоқ мушкулроқ. Ҳозир қандай ёғларда қоврилаётганимни “битта ўзим биламан”. Англаб етишимча, ҳар бир қаламкаш ўзини бу имтиҳондан ўтказмоғи керак. Бизнинг “Қирқ ҳадис” бир машқ, бир уриниш, холос. Ўзи тўғри йўлларга бошласин. Йўл энди аён, эвини қилиб бу йўлдан юрмоқ керак бўлади. Бу йўлда хор бўлиб ўтганлар, бу йўлларда туфроқ бўлиб ётганлар қанча!

— *Дил — дарё, дейдилар. Бу шоирона гап. Насрий йўсинда тушунтириш берсангиз.*

— “Кўнгил — душман”, деган эскиларнинг гапи ҳам бор. Тиймаса, жиловламаса агар бу кўнгил, бу дил кўп балоларга гирифтор қилади кишини. Дил дарёси ўрнида бошқа нарса ҳам қолиши мумкин. Ҳар қандай ҳолатда ҳам кўнгилда завқу дард ва меҳр бўлмоғи керак.

— *Газетхонларга тилагингиз.*

— Авваламбор, “Оила ва жамият” ўқувчиларига шу гурунгни сабр-бардош ила ўқиганлари учун ташаккур. Ҳаммаларининг, энг аввало, кўнгиллари ва оилалари тинч бўлсин!

1993

ТАЖОВУЗ

ёхуд

яна Тожикистон алюминий заводи ҳақида

Тожикистон алюминий заводи собиқ шўролар даврининг, мустабид тузум мустамлакачилик сиёсатию истибдодининг, маҳаллий халқларни менсимасликнинг мудҳиш тимсоли сифатида қурилган эди. Бу — XX асрнинг 70–80-йилларига келиб, юз йиллик босқинчилик устидан “мамлакат саноатини ривожлантириш” ниқоби остидаги яна бир босқинчилик хуружи эди. Корхо-

нанинг сўлим Ҳисор водийсида қурилиши — маҳаллий аҳолидан сўраб ўтирмайин, одамларнинг фикри билан қизиқмай, умри далаларда хазон бўлган, тилу забонига ҳам кишан солинган халқнинг яғир елкаларига яна бир карра оёқ тираб, янчиш билан баробар эди. Истилонинг давоми, аҳолини эзишнинг баҳайбат қабиҳ кўриниши, ўша тузумнинг туну кун заҳар пуркайдиган, калласини кесса, танасидан яна бош чиқарадиган ўлмас аждарҳоси эди бу корхона.

Тожикистон халқ шоири, оламшумул арбоб, халқаро обрў-эътибори, нуфузи ниҳоятда баланд бўлган Мирзо Турсунзода икки республика табиатини ҳам, ҳаётини ҳам булғайдиган мазкур юҳо корxonани наинки Ҳисор водийсида, умуман Тожикистон ва Ўзбекистон заминиде қурилишига қатъиян қарши бўлган, бу масалани Москвадаги Олий кенгаш муҳокамасигача олиб чиққан ва овозга қўйилганда, марказий тўралар исканжасиде яккаланиб қолгани маълум гап. Мирзо Турсунзода ўн-йигирма чақирим тепароқда — Ҳисор тоғлари бағридаги кўркам Қоратоғ кишлоғиде туғилган. Фусункор табиат қўйнида камол топган, талабалиги Тошкентда, ҳозирги Миллий университети-мизда кечган, ўз элининг суюкли фарзанди бўлган шоир, табиийки, бу заводнинг ушбу ҳудудда қурилиши икки қардош, дилдош халқ учун нечоғли офат, балойи бад эканини жуда яхши билган, қалб билан, дил билан англаган.

Арбоб шоирнинг икки халқни янада бирлаштиргувчи, яқинлаштиргувчи бошқа бир орзуси, эзгу нияти бўлган. Яъни, ўзи туғилиб ўсган тоғлар бағридан — Ширкент дарасидан Самарқандга чиқадиган катта тоннел йўл қурилишини доим орзу қилган ва бу орзу лойиҳасини юқорида тилга олинган муҳокамада ҳам ўртага ташлаган. Афсуски, улуғ шоирнинг улуғвор орзуси армон бўлиб ўзи билан кетди.

Ўтган асрнинг 80-йиллари бошларида бутун дунё Оммавий Ахборот Воситалари шўро армиясининг Афғонистон заминига зўравонларча бостириб киришини тинимсиз қоралаб, бу босқиннинг асл моҳиятидан олам аҳлини огоҳ этиб ётган кезларда, алюминий заводининг

“осмонўпар” мўрилари ҳам кўринишда мулойим ва беозор, лекин қаттол режа асосида белгиланган қабих “ҳужуми”ни бошлаган эди. Афғон жангидан темир тобутларда гулдай йигитларнинг жасадлари келар эди. Узун, Сарисийё, Денов туғуруқхоналарида эса чала, чалаярим туғилган чақалоқлар ёруғ дунё юзини кўрмай, бир кунлик, ярим кунлик капалаклардай жон берар эдилар. Жанг кетаётган жафокаш афғон заминида ҳамширалар портлаб кетган аскар йигитларнинг, бўлакраниб ётган қўлоёқларини териб, йиғиб чойшабларга ўрасалар, бу ердаги ҳамширалар қўлсиз, оёқсиз, ҳатто дум-думалоқ тана билан туғилган чақалоқларни кўриб, кўзлари қинидан чиққудай дод солардилар. У томонда — ўғил-қизлари ёппасига қириб ташланган, боз устига, жасадлари, хону мони танклар билан янчилиб, теп-текис қилинган мотамсаро афғон онаси “Уйгинанг кўйсин, шурави!” дея оламни куйдириб фиғон этса, бу томонда оналарнинг ҳам, оталарнинг ҳам нафаси ичида эди.

Ўша пайтлар, аниқроғи, 1989 йилда “Муштум” журналида бу балойи қазо кенг кўламда фош этилар экан, **“Адам мулки фарзандлари ёки Сарисийёда нима гап?”** мақоласида бундоқ ёзилган эди:

“Аҳоли ёппасига касал, юрт — касалхона, касал аёллар тонгда туриб касал сигирларни соғаяпти, тонг ҳавоси ҳам касал, касал чақалоқлар касал сут ичаяпти, касал ўғил-қизлар касал мактабларга бормоқда, дашту далалар касал, ариқларда касал сувлар оқади, касал чойхоначи касал сувдан чой дамлаяпти, йўлларнинг қовурғалари синиб ётибди — касал, миялар олхўридай қуриб бормоқда — каллалар касал, ёруғ фикрлар кўричагини шошилишч олдириб ташланг-да, борлиқни дов-дарактларга қўшиб, докатасма билан ўраб қўйинг. Ҳали оқшом чиқадиган ярим ой ҳам қонми, зардоб рангигами бўяб юборилса... юртни бемалол “реанимация”га ётқизсангиз ҳам бўлаверади”.

“Тошкентдан дўхтир келди, биродар! Мактабдаги уч юз болани текширди. Уёғини кўрди, буёғини кўрди, уч юз болани айлантириб бўйини ўлчади, белини эзди, тарозига чиқариб, қовурғасига урди. Тиш-тирноқлари, тилию соч толасигача кўриб хатга туширди. Ў, бирода-

рим-ай! Уч юз боладан биттаси соғ чиқди, биттагина-си-я! У ҳам бўлса, яқинда тоғдан кўчиб келганларнинг боласи экан. Бу нима деган гап?!”

“Ёз бўйи иккала қулоғимни кенг кериб, кўзларим-ни ҳар қанчаки йириб қарамайин, бирорта арининг на гўнғиллаганини эшитдим ва на ўзини кўрдим. Ариники йўқотгандан кейин, завод эмас, бало бўлди бу!”

Кейин “Сариосиё фожиаси” деган шеърлари пайдо бўлди:

Гўдагига бермай кўкрак сутини,
Заҳар, деб тупроққа соққан оналар,
Хирмон уйсалар гар ҳасратингиздан,
Ҳасратингиз чиққай миллён тонналар!

Шартмас азоб чекиб режалар тузмоқ,
Элни қирғин қилмоқ унчалик шартмас,
Шамоллар йўлига саккиз мўрию
Қўрғондай бир завод ўрнатилса бас!

Бу сатрлар айнан Тожикистон алюминий заводи ҳақида эди. Сўнг “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида “**Тан олинмаётган ҳақиқат**” номли катта шовшувларга сабаб бўлган мақола эълон қилинди. Ҳақиқат тан олингандай бўлди-ю, яна бели букчайиб қолаверди. Қатъий, кенг кўламдаги чоралар кўрилмади.

У замонларга “ёппасига маънавий қурғоқчилик даври”, деб баҳо берган рус шоири Андрей Вознесенскийдан мазкур завод ҳақида фикр сўралганда: “**Ҳалокатнинг, маънавий қурғоқчиликнинг давоми, лоқайд қалбларнинг Чернобиль фожиаси, Орол, Байкални ўлдирганларнинг иши бу!**” деб жавоб берган эди.

Кейин туганмасдай туюлган афғон жанги ҳам ниҳоясига етди, у бетайин қирғинда собиқ иттифоқ республикаларидан ўн беш мингга яқин навниҳол йигитлар қурбон бўлдилар, салкам ўттиз етти минг гулдай ўғлонлар майиб-мажруҳ бўлиб қайтдилар. Вақт-соати етган экан, мустабид тузум ҳам емирилиб, парчаланиб кетди, халқлар асрий орзу-армонлари — озодликка эриш-

дилар. Ўзбекистон, Тожикистон, Россия халқлари ҳам бугун хуррият ҳаволаридан, эркинлик нашидасидан баҳраманд бўлиб яшамоқдалар. Бироқ орадан йигирма йиллар ўтиб, бу машғум завод яна “авж пардаларда” ишга киришаётир. Нима бу — ўша режаларнинг эндиликда “бозор иқтисодиёти” ниқобига ўралган давомими?

Журналист Мурод Абдуллаев ёзади:

— Бизни масаланинг бошқа бир жиҳати ташвишга солади: бу режалар кеча ё бугун эмас, бундан ўттиз, қирқ йиллар муқаддам шўролар ҳукмронлигининг айни гуркираган даврларида “Орол денгизига кафан бичган” режалар билан бир пайтда туғилган эди. Режа муаллифлари Орол денгизини-ку, ўлимга маҳкум этиб улгурдилар. Бироқ алюмин гигантларини қуриб, миллионлаб аҳолини ялпи экологик хавф-хатарга дучор қилишга муваффақ бўла олмаган эдилар. Бунга собиқ иттифоқнинг таназзулга юз тутгани халал берган эди. Совуқ салтанатнинг “совуқ режа”лари наҳотки ҳали ҳам ўз кучини сақлаб келаётган бўлса? “Ўлган илон”ни тирилтириб, манфаат кўришдан ҳамон кимларнингдир илинжи борга ўхшайди.

Мустақиллик даврининг илк йиллари оғир ўтиш паллаларида қўшни жумҳуриятдаги беқарорлик, иқтисодий танглик ва парокандалик боис завод уч-тўрт йил ярим қувватдан ҳам пастроқ даражада ишлади. Ўзбекистоннинг чегарага яқин туманларидан бош олиб кетган қалдирғочлар қайта бошладилар, йўқолиб кетган арилар, типратиканлар пайдо бўлдилар, ўрик дарахтлари, Дашнобод анорларию тоқлар ва хурмоларга қайтадан жон кира бошлади. Одамлар ҳам саҳарлари томоқларини бўғадиган ачимтир тахир ҳид, сарғиш сўлак димоғларидан йўқолганини сездилар. Кўнгиллар равшанлашгандай бўлди, эл-улус қалбида табиат, атрофмуҳит дахлсизлигига нисбатан, сиҳат-саломатлик, ҳаёт ва эртанги кунга ишонч уйғонди. Энди заводда алюмин эмас, рангли телевизорлар ва велосипедлар ишлаб чиқарилар экан, деган умидбахш миш-мишлар ҳам тарқалганди ўшанда. Минг афсуски, булар вақтинчалик умидлар, муваққат ишончлар экан. Буни қарангки, бу-

тун дунёни “доллартўра” бошқаради деб ўйлаган кучлар, емиши тугаб, лоҳас уйқуга кетган алюмин аждаҳосини жон-жаҳдлари билан яна тирилтиришга уринмоқдалар.

Далил-исботларга мурожаат қилайлик. Бу мисоллар бегона жойдан эмас, тожикистонлик журналист, шу юртнинг фуқароси Мирзо Шабдоловнинг интернет сайтлари орқали тарқатилган суриштирув-мақоласидан олинди. Бу ҳақда “Адабиёт” газетамизда ҳам ёзилган эди. Масалага яна бир карра ойдинлик киритиш мақсадида тилга олинган далилларни биз ҳам келтирамиз. Тожик журналисти алюмин заводи акцияларини ёппасига сотиб олаётган кучларни россиялик саноат магнатлари деб атайди. **“Мамлакат эндигина оёққа тура бошлаганида россиялик саноат магнатларининг “алюмин босқини” кўринишидаги яна бир янги ҳужуми бошланди, — деб ёзади М.Шабдолов. — Бу ҳужумнинг оқибатлари Марказий Осиёни майиб-мажруҳлар билан тўлиб тошган чўлу биёбонга айлантириш учун таҳдид солаётган экологик ҳалокат бўлиши мумкин”.**

Маълумки, жаҳон бозорида рангли металлар қаторига кирувчи алюмин нархи жуда баланд, бозори ҳам чаққон хомашё саналади. Бироқ атроф-муҳитни заволга олиб келадиган бундай ишлаб чиқаришни ҳар қандай давлат ҳам ўз ҳудудида йўл қўявермайди. Россиянинг ўзида бу масала хийла мушкул. Авваламбор, рус халқи бунга қаршилиқ қилади, қолаверса, ҳукумат ҳам ўз бошига ортиқча ғалва орттиргиси келмайди. Бунинг устига, Россия давлат Думаси ҳам ўтган йилнинг охирида атроф-муҳитга зарарли моддалар чиқаришни чеклаш бўйича Киото Баённомасини ратификация қилди. Демакким, Россия ҳудудида бу Баённомага хилоф иш қилиш — халқаро жавобгарликни келтириб чиқаради. Шунинг учун “Русский алюминий” (РУСАЛ)нинг корчалон магнатлари Турсунзода шаҳридаги алюминий заводи теварагида ўралашиб юришибди. Ўралашиб юришибдигина эмас, улар энди муайян амалий ишга ҳам ўтишди. Яъни ҳозирги мавжуд корхонани янада кенгайтириш ва ишлаб чиқариш қувватини ошириш, боз устига, йилига икки юз минг тонна алюминий ишлаб

чиқарадиган янги корхонани барпо этиш борасида ҳам келишиб олинди.

Яна М.Шабдолов мақоласидаги бир нуқтага эътибор берайлик. У ёзади: “**Табиатнинг бебаҳо инъоми ҳисобланган ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини йўқ қилиш инсониятга қарши жиноятдир... Россиялик магнатлар шу кунларда нафақат мамлакатимизни (*Тожикистон назарда тутилмоқда*), балки қўшни Ўзбекистонни ҳам ўзининг чиқиндилари билан заҳарлаётган Турсунзодадаги алюминий заводининг ишлаб чиқариш қувватини икки баробарга оширишни режалаштиришган. Бундан ташқари, россияликлар Хатлон вилоятида янги алюминий заводини барпо этиш ниятидалар. Уларнинг бу нияти осонгина амалга ошиши ҳам мумкин. Чунки бизда МДХ давлатлари ичида энг арзон ишчи кучи мавжуд”.**

Аччиқ, лекин очиқ, ҳақиқат гаплар.

Энди асл манзарани кўрсатувчи рақамларга мурожаат қилайлик. Завод мўрилардан ҳар йили йигирма бир минг тонна заҳарли чиқинди тутунлар ҳавога чиқарилади. Шунинг бир юз ўн тўққиз тоннаси фтор водородидир. Корхона тоғлар этагида жойлашганлиги сабабли, шамол жанубга, Сурхондарёга қараб эсади. Ва бу заҳарларнинг асосий миқдори, табиийки, шу ҳудудга келиб тушади. Оқибати эса... Майиб-мажруҳ фарзандлар дунёга келаяпти. Бу чақалоқларнинг ўзлари тугул, суратларига қараш ҳам даҳшатли. Одам боласидан бу даражада майиб, қинғир-қийшиқ зурриётлар туғилиши мумкинлигини кўз кўриб, қулоқ эшитмаган. Фтор водороди инсоннинг аъзои баданига кўп етишмовчиликлар келтириб чиқаради. Организмдаги етишмовчилик эса танадаги эндокрин безлар фаолиятининг бузилишига олиб келади. Бу безларнинг фаолиятига путур етдими, бир-биридан оғир, асоратлари ҳам бир умр кетмайдиган хасталиклар, касалликлар юзага келади.

Молларнинг тишлари тўкилиб кетяпти, соғин сирлар сутининг таъми бузилган, аъзойи бадани заҳарзаққумга тўлган навжувон оналарнинг чақалоқларига эмизаётган кўкрак сутининг таркиби ҳам кишини ваҳимага солади. Сурхондарёнинг шимолий ҳудудларида

яшайдиган аҳоли орасида бўқоқ, бепуштлиқ, камқонлиқ ва камқувватлиқ сингари хасталиқлар кўпайиб бормоқда, чақалоқлар ўлиқ туғилмоқда, она қорнидаёқ сепсис (маълум микробларнинг қонда жуда тез кўпайиб кетиши натижасида бутун аъзойи баданнинг заҳарланиши) касаллиги оқибатида чала туғилаётган болалар сони ойдан ойга ортиб бормоқда. Сурхон иқлими иссиқ, фтор эса иссиқ иқлимни “ёқтирадиган” заҳар, иссиқ жойларда у анча фаоллашади, натижада ўсимлиқ, дарахт тўқималарига, тирик аъзо, тупроқ ва сувга “ўпишиб” бирикади, инсон суягига ҳам дахл етказиб, мўртлаштиради, одам зурриётига, пушти камарига таъсир ўтказади.

Мутахассисларнинг фикрича, завод тўхтатиб қўйилган тақдирда ҳам унинг зарарли заҳарлари, асоратлари ер қатламларида, ер ости сувларида ва табиийки довдарахтлар ва ўсимлиқлар танасида йигирма беш йилга қадар сақланиб қолар экан.

Нима қилмоқ керак?..

Ҳозирги кунда ҳаддан ошиб, чегарадан чиқиб кетаётган бу муаммо (фожиали муаммо дейилса тўғрироқ бўлар) теварагида уч мамлакат, уч мустақил давлат турибди. Асосий манфаатдор — Россиянинг “РУСАЛ” тит-солидаги йирик корчалонлари, иккинчи манфаатдор давлат — ҳудудида завод жойлашган Тожикистон республикаси ва бунинг оқибатида бутун бир вилояти экологик ҳалокатга дучор бўлаётган, асосан зиён кўраётган учинчи мамлакат — Ўзбекистон давлати. Тожикистоннинг Турсунзода тумани ҳудудининг бир қисмига ҳам завод заҳарлари жуда кам миқдорда таъсир ўтказади.

Корхонада ҳар йили 300 минг тонна алюмин ишлаб чиқарилади. Унинг лойиҳа қуввати 500 минг тоннани ташкил этади. Россиялик уддабуронлар заводнинг маҳсулот тайёрлаш қувватини лойиҳада белгиланган даражага етказиш ҳаракатидалар. Россия — манфаатдор, Тожикистон — маълум маънода манфаатдор, хўш Ўзбекистон нима қилиши керак? Бу ерда икки манфаатдор мамлакат лаганларга сузиб бераётган заҳар-заққумни ютиб, росмана заҳар истеъмол қилаётган одамлар, эл-улус нима қилмоғи даркор, бунинг бирор чораси борми?

Бу заминда бир томчи ёмғир ҳам осмондан икки халқ учун бўлиниб тушган. Дилию дини, имон-эътиқоди, урф-одатлари бир бўлган халқ. Россия халқи билан ҳам бизнинг маданий, маънавий ришталаримиз узвий боғлиқ. Муаммо биргина халқаро “Экосан” поездининг Сурхондарёга келиши билан битмайди. Масала анча жиддий тус олган, миллат соғлиги, эртанги авлодларнинг бардам-бақувватлиги билан боғлиқ, қолаверса, ҳаётга, эртанги кун ва келажакка ишонч масалалари ҳам турибди бу ерда. Ўзбекистоннинг яккаю ягона манфаати — юрт осмонининг тоза-мусаффолиги, фарзандларининг соғлиги ва келажаги. Шундоқ экан, Тожикистон алюмин заводи масаласи бўйича давлатлараро жиддий музокаралар бошлашга вақт етди деб ўйлаймиз.

Яқиндагина Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш қўмитасида Марказий Осиё трансчегаравий муаммоларни бартараф этиш ва экологик хавфсизликни таъминлашга бағишланган анжуманда ҳам ушбу муаммо Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология бош бошқармаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Марказий Осиё минтақавий экологик марказининг республикамиздаги ваколатхонаси, Барқарор ривожланиш бўйича давлатлараро комиссиянинг илмий-тадқиқот вакиллари, олимлар ва мутахассислар иштирокида жиддий муҳокама қилинди, вужудга келган экологик тангликка ҳаққоний баҳо берилди, жамоатчиликка қарата мурожаат қабул қилинди.

...Кўринмас экологик тажовуз эса давом этаётир. Улуғ шоир Мирзо Турсунзода номи билан аталгувчи шаҳарда, улуғ шоирнинг ўзи билан кетган эзгу орзу-армонлари, хотираси устидан масхара қилгандай ваҳимали мўрилардан заҳарли тутунлар кўкка ўрламоқдалар, чоратрофга ёйилмоқдалар. Шоир бир умр эзгуликни куйлаб ўтган, эзгуликка хизмат қилган, жаҳон бўйлаб кезиб, халқларни фақат эзгуликка даъват этган. Биз ҳам эзгуликка ишонамиз, юртларимиз осмонидан, обу ҳавомиздан сарғиш, ҳалокатли тутунлар тарқалиб кетишига, тўхташига, кўнгилларимиз ёришиб, алал охир Эзгулик тантана қилишига умид боғлаймиз.

4.08.2005

ТУПРОҚҚА ЭГИЛГАН ЭЛ

Сурхон воҳасига бу галги сафаримиз — қалдирғочларнинг иссиқ ўлкаларга учиб кетиш тадоригини кўраётган пайти билан қизгин тўйлар мавсумига ва яна пахта терими авж олаётган кунларга тўғри келди.

Воҳа иқлимида кундуз кунлари ёз тафти ҳали сақланиб қолгандек туюлса-да, жилға ва ирмоқлар сунбуладан ўтиб, майин бир тиниқликка юз тутган, кечалар шинни мисол аста қуюқлашиб, қирлар, тоғ-адирлардан салқин шабадалар эса бошлаган паллалар. Ҳазрат бобомиз таъбири билан айтганда “хазон сипоҳи” — куз лашкари дашту далалар, боғ-роғларни астойдил ишғол қилишга тап-тайёр, қалдирғочлар шу беозор босқинга қолмайин кўчиб кетишлари керак, бироқ уларнинг бу диёрдан, бу осмонлару айвонлардан ҳаргиз кетгилари йўқдай, йўллар узра, ҳовлилару томлар устида, илиқ ҳаволарда озод-озод, вижир-вижир қувнашиб-қувлашиб юришибди.

Сурхон замини ёзни осонликча қўйворадиган тупроқ эмас. У саратондан бор иссиғини, ёз қуёшидан бор ҳароратни олмагунча, яна дашту пайкалларнинг бағрини, қир-адирларнинг қўйни-қўнжини захираси билан офтоб оташига тўйғизмагунча қўймайди. Бу сахий, саховатли тупроқ фалак буржлари остида шу тарзда жойлашган. Шундоқ бўлса-да, симёғоч симларида, дарахтзорлару далалар узра кузги мезонлар рубоб қиллари янглиғ ялтираб уча бошлаган, кузнинг видоли мусиқасини чалмоққа чоғлангану бунга ҳоллари етмаётгандай. Мезонлар — замин билан фалак ўртасида фасллар алмашинуви бўйича музокараларда воситачилик қилаётган самовий телефонларнинг илоҳий симлари янглиғ ялтирайдилар, қалтирайдилар.

Фалак соатлари билан Замин соатлари баъзида бир-бирига тўғри келмаса-да, бу тупроқда деҳқонларнинг ер билан тиллашадиган ўз вақти-соатлари бор.

Шу ўринда сафаримиз аввалида Деҳқонобод қирларидан бошланган, Сурхон тупроғига кираверишда — Бойсун тоғлари бағрида давом этаётган, кишини ҳайратлантирадиган, ҳаяжонга соладиган манзараларга тўхталиб ўтмасак бўлмас. Қашқадарё билан Сурхондарё

ўртасидаги булутларга ёндош баланд Чак-чак довони Ер устида доvon бўлиб яралгандан буён бундоқ маҳобатли манзарани, бунча техника-ю бунчалар ишчини кўрмаган бўлса керак. Бизнинг бу йўллардан ўтаётган пайтимиз – “Тошгузар–Бойсун– Қумқўрғон” темир-йўли қурилишининг шу тоғлар, қир-адирлар қисмидаги авж палласига тўғри келган экан.

Деҳқонобод адирлари аро қўш кокилдай таралиб, буралиб келган темирйўл аллақачон Сурхон томонга ўтадиган автомобиль йўлини кесиb ўтган, бу ерда икки томондан йўл белгилари билан бирга кўтариб-тушириладиган ола-була тўсиқ (шламбаум)лар ўрнатилган, чуқур даралар тубидан пойма-поя қад ростлаётган, бўлажак кўприкларга мўлжалланган мустаҳкам пойдеворларнинг салобати ростакамига кишини лол қолдиради. Экскаваторлар, бульдозерлар – замонавий темир динозаврлардек қариллайди, тошлар, харсангтошларни кўпоради, хандақ-чуқурликларни текислаб, йўл очиб боради. Ўнлаб, юзлаб “КамАЗ”ларнинг муттасил қатнови, ўнқир-чўнқирларни майдалаб, текислаб берадиган залворли, баҳайбат техника воситаларининг узлуксиз ишлаб тураётгани, шулар баробарида қурувчиларнинг тинимсиз гимир-гимирларию ҳаракатлари – ҳаммаси уйғунлашиб, бирлашиб, буларнинг бари ҳақиқатан ҳам яхлит улуғвор, ҳайратланарли манзара касб этади. Қурилишнинг Бойсун тоғлари қисмидаги катта жонланиш, умумий кўриниш ҳам худди шундай. Қадимий қоялар лолу ҳайрон, баланд қирнинг тепасида кекса бургутдай ўтириб олиб, шунча дов-дастга, меҳнат ва ўзгаришларни жим кузатиб турган чўпон бобонинг ҳолатида давру замонларнинг ҳайрати жо бўлган.

Бир замонлар бобо Навоий ҳам Ҳиротдан Самарқандга келаётиб, бу доvonларда бир зум тўхтаб, чексиз ўйлар сурганча, тоғлар қазган Фарҳод тешасини хаёлдан ўтказган бўлсалар не ажаб.

Темур бобонинг назарлари тушган тоғу тошлар.

Истиқлол йўллари. Давру замонамиз кўприклари. Элимизни мақсадга элтадиган йўллар, юртимизни ниятларга етказадиган кўприклар.

Бир зумгина чайқалиб қолди
Ота макон — қирларим, чўллар.
Осмонларни ёнига олди
Темирийўллар, бу темирийўллар.
Ким қад тиклаб оламга боқди
Бағри тўла орзулар, гуллар.
Мақсадларга чечаклар тақди
Темирийўллар, бу темирийўллар.

* * *

Далалар. Далалар.

Заъфар, заъфарон, оқликка, жозибага чулганган далалар.

Термиздан Сариосиёга етгунча, кета-кетгунча далалар, далалар. Қизириқ, Музрабод, Жарқўрғон, Шўрчи, Қумқўрғон, Денов пахтазорлари. Пайкаллар. Полизлар. Устозимиз айтганларидай **“Ҳар ёнда тўкинлик — куздан нишона, ҳар ёнда гўзаллик ёймиш дафтарин”**. Ва бу гўзалликнинг яратгувчиси аввало тепада Худо бўлса, пастда — Заминда заҳматкаш деҳқон — Одам Ато замонидан буён ерга таъзимда, эъзозда бўлиб келаётган меҳнаткаш эл, тиниб-тинчимас шу одамлардир. Деҳқоннинг эъзози, тавозе-таъзимида қадимий ҳикмат ниҳон. Йил давомида у ерга эгилиб, эҳтиромини бажо келтириб меҳнат қилади, тер тўкади, йил охирида эса ер деҳқоннинг қадини ростлайди, баланд хирмонлар, донга тўла омборлар қадар қоматини тиклайди, кўкрагини кўтаради.

Қуёшли кунлар ғанимат — далалар, пайкалларда деҳқон аҳли етилган ҳосилни ўз вақтида йиғиб-териби олиш ташвиши билан банд, йўлларда пахта ортилган темир карвонлар қатнови бир зум бўлса-да тинмайди, қабул манзилларида улкан-улкан оқ дўппилардай пахта ғарамлари сони кўпайиб, кўриниб қолгани — бу юртда улуғвор бир меҳнат, кенг ва умум бир ҳаракат кетаётганидан далолат бериб турибди.

Шом туша бошлаган, йўлнинг икки четидаги пахтазорларда юз-кўзларини оқ рўмоллар билан ўраб, чирмаб олган, пахта тераётган опа-сингиллар далаларга сочилган юзлаб, минглаб шамларни эслатади. Терми-

зий боболар илму ирфон шамларини ёқиб кетган бу тупроқ бир он бўлса-да нурсиз, зиёсиз яшамаган. Оп-поқ далаларнинг нуру зиёси, шарафли шамлари, юмушлари кўп турмушнинг кўрку таровати — теримчи қизлар, опалар, сингиллар. Бу нозикниҳол заҳматкашлар қошида тиз чўкиб, эгилиб, қадоқ кўлларига Ватан дебон юз-кўзларингизни сурсангиз ҳам камлик қилади.

* * *

Бизнинг воҳа пахтакорлари билан учрашув-мулоқотларимиз эртасига — Сариосиё туманидан, туманнинг Тожикистон билан чегарадош ҳудудида жойлашган Сўфиён ширкат хўжалиги далаларидан бошланди. Биз келган кун хўжалик пахта тайёрлаш бўйича шартномавий режани бажарган экан. Апрель ойидаёқ рўй берган табиий офат — 300 гектарга яқин ғўза майдонини дўл уриб кетиши — сермулоҳаза, ғайратчан раҳбар Бахтиёр Раҳмоновни аввалига анча довдиратиб қўйди. Ўз ишига ишонч, ниятнинг холислиги, энг муҳими — ширкат аъзоларининг фидокорона меҳнати туфайли, ҳаммаси ўнгланиб кетди, яхши, баракали ҳосил етиштирилди. 1900 тоннадан зиёд пахта сифатли навларда топширилиб, туман миқёсида биринчилардан бўлиб сўфиёнликларнинг юзи ёруғ бўлди.

Пудратчи Холбобо Аллаевнинг сувлар сепилган, икки ёнда райҳонлар ўсиб, бўйлар таратиб ётган шином дала шийпони пешин чоғи, кун иссиғида ниҳоятда баҳаво, салқин ғўшага айланган. Катта ариқдан сув оқяпти, тераклар, толлар бу беминнат баҳрамандликдан миннатдор бўлган янглиғ ён-атрофга хуш ҳаво, соя-салқин иқлим бериб турибдилар. Ҳамма далада, яна ўша сингиллар — эгатларга эгилган, пайкалларга сочилган шамлар — ойбарчинлар, ойсулувлар, ойчечаклар. Учрашувимиз дала шийпониди мўлжалланган бўлса-да, биз уни бевосита пахтазорда, эгатлар орасида ўтказдик. Теримчи қизлар билан суҳбатимиз росмана шеърият кечасига айланиб кетди. Шеърлар ўқилди, савол-жавоблар бўлди. Дунё-дунё орзулар, ниятлар ҳақида гапирилди. Сингиллардан бири, исми ҳам Ойсулувми, Кунсулувми — шўхшаддод экан, бундоқ ҳазил-қофия қилди:

– Бизларни шамга ўхшатибсиз, шундай бўлса бу пахтазорлар ёниб кетмайдими, шоир ака?!

Теримчи қизларнинг янгроқ хандон кулгиси бир тўп оқ кабутардай бирданига ҳавога кўтарилгандек бўлади. Ҳазилни қабул қилдик.

Бу опа-сингилларга қараб, уларни кузатиб, чанг-губор қўнган юз, қиёфа, кўзларига боқиб, беихтиёр Мустақиллик майдонимиздаги Она ва бола сиймоси кўз ўнгимизга келади. Нақадар ўхшаш ва уйқаш чехралар. Буларнинг ҳам айримларининг рўзғори, фарзандлари бор, баъзилари эрта-индин узатиладиган бўлиб бўй етиб турибди. Бир оила, бир ҳаётни, бутун бир тирикликни ёруғ, мунаввар эта оладиган, ҳар бири ўз қадди-бастига муносиб бахту саодатга, меҳру муҳаббатга лойиқ, шунга ҳақли ойқизлар, ойсингилларга шу тилақларни тилаб, улар билан хайрлашдик.

Ҳўжалик ҳаётидаги яна бир муҳим янгиликни айтиб ўтмаса бўлмас. Бу ҳудудда жойлашган 30-умумий ўрта таълим мактабининг асосий иморати тўла таъмирдан чиқарилиб, унинг ёнида янги икки қаватли ўқув биноси, янги спорт зали барпо этилибди. Катта йўл бўйида жойлашган мактаб биноси, унинг озода-саришта ҳовлиси, кенг-мўл синфхоналар кўрган кишининг ҳавасини келтиради. “Сариосиёсаноатқурилиш” компанияси, унинг ғайратчан раиси Фахриддин Низомиддинов бошлиқ қурувчи-таъмирчилар жамоаси бир мавсумда туман бўйича ўнга яқин шундай мактабларни ёш авлод ихтиёрига топширди. Бу ишлардан энг аввало, албатта, эл мамнун, одамларнинг димоғи чоғ.

Ҳўжаликнинг элликка яқин кексалари, илғор ишчилари учун махсус автобус олиниб, Самарқанд, Бухоро, Хоразм бўйлаб сайру саёҳат ташкил қилиниши янада ажойиб воқеа бўлди.

– Эҳ-ҳе, – дейди саёҳатдан хурсанд бўлиб келган Саид бобо Алматов, – томоша зўр бўлди. Мамлакатни қаранг, юртни, йўллар, кўприкларни қаранг, туганмас экан, боши-адоғи йўқ экан. Бухоро дейсизми, Хоразм дейсизми, ҳаммаёқ обод бўп кетибди-ей! Юртнинг эгалари қандини урсин, хорлик-зорлик кўрмасин. Тоза маза қилиб келдиг-ей!

... Кейин кечки пайт йўлда қайтаётиб бир манзилу маъвода катта тўйнинг устидан чиқиб қолдик. Ўғил тўйи экан. Кўп одам йиғилган. Даладан бўшаган эл-улус, қиз-жувонлар ҳам тўйга қараб ошиқиб келяпти. Тўйхонадаги овоз кучайтиргич карнайлардан халқ бахшиси Шоберди бахшининг дўмбирани чангитиб чертаётганию халқона термалари атроф-жавонибга тўёна кайфият бахш этиб, янграб, таралиб ётибди:

Ўтар дунё, биз меҳмон,
Ҳар гиёҳдан тердик дон.
Биринг тансан, биринг жон,
Баринг бўлгин қадрдон.

Ўтар дунё, биз меҳмон,
Ҳар гиёҳдан тердик дон.
Элинг омон бўлганда,
Юртинг ҳам бўлар кўрғон.

* * *

Кейинги куни қўшалоқ хушxabар тарқалди. Денов туманидаги қахрамон раислар Иброҳим Файзуллаев раҳбарлигидаги Собир Раҳимов номли уруғчилик хўжалиги, Аҳмад Нарзуллаев бошлиқ “Лочин” фермер хўжалиги деҳқонлари пахта топшириш бўйича шартномавий режани бажаришибди.

Мазкур хўжаликларда пахтанинг бу йил эрта пишганлиги ишнинг пишиқ-пухта ташкил этилганидан далолат беради. Жами 460 гектардан зиёд майдонга уруғ қадаган деҳқонларга табиат ҳам мадад берди, қуёш бошларини силаб-сийпалаб турди, очиқ, ҳаволи кунларда ҳосилнинг асосий қисми териб, йиғиб олинди. Биз борган кун 950 ва 580 тоннадан кўпроқ пахта хирмонларга етказиб берилган экан. Собир Раҳимов номидаги хўжалик деҳқонлари етиштирган ҳосилнинг 503 тоннаси уруғлик учун сотилди. Ушбу хўжалик тармоғи бўйича ўша кунга қадар 370 миллион сўм даромад қилинибди.

Албатта, бу рақам ва кўрсаткичлар ўз-ўзидан пайдо бўлгани йўқ. Ҳаммасининг замирида меҳнат, оддий заҳматкаш элнинг, тупроқни суйгувчи, ерга эгилгувчи

камтарин, хоксор инсонларнинг меҳнати, меҳр-муҳаббати ётибди. Инсон омилига эътибор — бу хўжаликлар ҳаётининг асосий масаласидир. Доимий рағбат ва хайрихоҳлик шунинг учун ҳам катта самаралар бермоқда. Терим пайти, қисқа муддатда икки хўжалик пахтакорларига 70 миллиондан зиёд иш ҳақи тарқатилди.

— Фарзандлар туғиляпти, ўсаяпти, вояга етаяпти. Уларни ўқитиш керак, тарбиялаш керак, — дейди савлатидан ғайрат ва донишмандлик ёғилиб турган “герой бобо” — Иброҳим ака. — Юртнинг эгалари, эртанги кунни шу ёшлар бўлади. Бу ҳам меҳнат. Ўқиш, одам бўлиш катта заҳматларни талаб этади. Ергаги чумолига қаранг, шу ҳам ишлайди, меҳнат қилади, эрталабдан кечгача гимир-гимир тинмайди. Шу чумоличалик бўлмаймизми?!

Кейин раис бобо бизни узатилаётган неварасининг тўйига олиб борди. Кенг, соя-салқин хурмозор ораларига шинам жойлар қилинган. Қуёшнинг зарҳал нурларида пиша бошлаган хурмолар олтиндай товланади. Хушқомат келинчакнинг, кайвони-эпчил янгаларнинг зар, ялтир-юлтир либослари минг бир шуълада жилоланади. **“Дарёга тош отманглари, оқиб кетар, ёр-ёр, Олисга қиз берманглари, олиб кетар, ёр-ёр”** деган дилларни орзиқтиргувчи кўшиқ, ўзбекнинг “Ёр-ёр”и янграйди. Келинчак удумга мувофиқ меҳмонларга бир-бир эгилиб салом бериб, кейин ота уйдан кетиш олдидан отасининг оёқларига бош қўяди, отасининг кўзларида ёш филтилайди.

Яқиндагина бўйдоқлик паллалари билан видолашган “Чағониён” газетаси ходими, шоир укамиз Шодмонқул Салом бу гўзал ҳолатлардан ҳаяжонга тушиб, шоирона хулосасини айтади:

— Қаранг, ҳаётнинг мана шундай лаҳзалари учун ҳам ёниб, куйиб яшаса арзийди-а...

* * *

Тўполондарё бўйларидан, Ниҳондара томонлардан шамол эса бошлади. Шамол деса дағалроқ чиқар, хуш-насим, эпкин дейилса тўғрироқ бўлар. Бу дарёнинг ўзига хос феъли, табиати бор. Чақинлар юксак чўққилар бо-

шига қилич солган кўклам пайтлари ўзанига сифмайин нар арслондай наъра тортади, ёз фасли, кузга келиб се-викли маъшуқасига эришиб, мурод-мақсадига етган ўспирин куёв йигитдай сокин, хотиржам тортиб қолади.

Севинчли хабар, мужда, яхши гап ҳам дарё насимлари янглиғ тез тарқалади, дарров етиб келади.

Биз Узун туманида, Боботоғ этакларидаги Намуна қишлоғида назмга, шеър айтишга ихлосманд кекса чўпон ҳам боғбон Маҳкам бобо Рўзиев хонадонида, гангир-гунгир гурунг қилиб ўтирганимизда Қумқўрғон, Сариосиё туманлари деҳқонлари давлатга пахта сотиш шартномавий режаларини олдинма-кетин бажарганликлари ҳақидаги хушxabарни эшитдик.

— Маҳкам бобо, — дейди даврада ўтирган адабиёт ўқитувчиси, — энди бу янгиликларни ҳам бир шеър қилиб ёзасиз-да...

— Тошкентда газитда чиққан шеърингизнинг номи “Хуррият” эдими, нима эди?.. — деб яна бир киши савол беради.

Маҳкам бобо пахтадай оқ соқолини селкиллашиб жилмаяди.

— Хуррият-да, Хуррият омон бўлсин! Биз Хурриятни ёзамиз-да.

Маҳкам бобо — катта хонадоннинг эгаси, бир дунё фарзанд, невараяу чевараларнинг бобоси, ёши саксонга қараб бораётган бўлса-да, тетик-бардам, кекса Боботоғнинг тошу харсанглари, ҳар бир гиёҳию сўқмоғини ёддан билгувчи, олтмиш ёшгача умри шу тоғу тошларда чўпонликда кечган, кейин боғбонлик қилган, ҳаётнинг, тирикликнинг барча паст-баландию аччиқ-чучугини обдон то тиган, умр кўрган, тажрибали, донишманд бир киши.

— Ҳаммасига шукур, — дейди Маҳкам бобо. — Мана бу давру замонларга шукур. Фақат бир нарсдан хижолат бўламан-да, ўлай. Невараларим ҳам устимдан кулади-да. Шу... шеър ёзмасам туролмайман-да. Ўғилларим неча бор айтди, ота, сизга нима зарур деб. Йиртиб ҳам ташладим, куйдириб ҳам ташладим, бўмади, қўл барибир қаламга бораверади. Раис ўн йиллар олдин шу боғни бердию, мен ҳам шу дардга чалиндим. Дарахлар бир нарса ёзгин,

айтгин дегандай бўлаверади. Ҳа, майли, шеър бир гап бўлар, эрта қайтаётган экансизлар, рўзадан кейин қиз неварамизни узатамиз, тўйга албатта келасизлар.

Биз Маҳкам бободан яна кўп гурунлар эшитдик. Қатағон йилларида отасию болалиги бошига тушган оғир савдолардан тортиб тилидан дуою шукрона тушмайдиган жиккакина кампири Тожихон момо билан умр йўлларида, фарзандлар тарбиясида чеккан ранжу заҳматларигача — китобларга жо бўладиган дардли, армонли ҳикояларига қулоқ тутдик. Бобонинг бир гапи, ҳикматона ибораси ёдимиз лавҳига алоҳида ёзилиб қолди:

— Дарахтларни яхши кўраман, улар билан гаплашаман, сўзлашаман. Қиёмат келаётган бўлса ҳам дарахтингни экавер дейилган-ку. Боғ парваришни ёқтиради ахир. Ватан, ота макон ҳам катта боғ-да. Қараш, парвариш қилиш керак, бўлар-бўлмас кўздан асраш керак.

Биз шу аснода соҳибқирон Амир Темур бобомиз қурган салтанатнинг қулоғига азон айтган Шаҳрисабзни эсладик, қадим чинорлар пойида зангламас лавҳга битиб қўйилган Юртбошимизнинг ибратомуз сўзлари ёдга келди:

“Муқаддас жойлардагина ажодлар эккан дарахтлар ўсади ва муқаддас куч уларни асрлар оша асрайди”.

* * *

Кўл телефонларимиз ўчиб қолгани сабабли, йўл-йўлаккай Тошкентга сим қоқиш учун туман марказидаги телефонхонага кирдик. Бўйчан, барваста бир йигит, энгида **“Ўзбекистон қуролли кучлари”** деб ёзилган ҳарбий кийими хушбичим қадду қоматига ғоят ярашган аскар йигит телефонда онаси билан шекилли, бақириб гаплашяпти:

— Самарқандлар тинчми? Отам яхшимилар? Пахталари қандай? Иморат битяптимми? Мендан хавотир олманглар, хизматларим яхши кетяпти. Насиб бўлса икки ойдан кейин бораман. Ҳаммага салом айтинг.

Бу ўткинчи, шунчаки қулоққа чалинган гап-сўз кишига таъсир қилди. Бу диёрнинг аскар ўғлонлари ҳам Ватанни, тинчлик-осойишталикни қўриқлаш билан бирга даласию, отасининг пахтасини ўйлайди. Танглайи бугдой бошоқлари, ғўза барглари билан кўтарилган фарзандлар. Ер ва эл фарзандлари.

* * *

Оқшом пайти “**Термиз оқшоми**” газетасининг янги сони билан танишаётиб, бир қизиқ суҳбатга кўзимиз тушди. Сурхондарёнинг фахрий фуқароси, Ўзбекистон тупроғига қадам босганига қирқ йилдан ошган, мустақил давлатимизнинг “Дўстлик” ордени билан тақдирланган япониялик қадимшунос олим жаноб Като Кюдзо билан савол-жавоблар босилган экан.

Като бобонинг япон-ўзбек халқлари ўртасидаги дўстлик ришталарини мустақамлашдаги, ўзбек ва япон маданиятини яқинлаштириш йўлида қўшган улкан ҳиссаларини кўя турайлик, бобонинг яқин ўн йиллардан буён Сурхон тупроғида, қадим Бақтрия қумтепалари аро фидойилик билан олиб бораётган илмий-амалий изланишларининг ўзи неча бир авлод ўрганса арзирли ибрат мактабидир.

Като бобо ҳам нон-тузини тотган, биродар, оғанин бўлган шу эл янглиғ беназир, беминнат шу тупроққа эгилгани эгилган, унинг гард-ғуборини кўзларига суртиб, эъозлаб, қадимият сир-асрорини, асрий тилсимларини очиб, оламга маълум қилиб келмоқда.

– Яқинда 84 ёшга тўлдим. Турмуш ўртоғим Садака Като эса 80 баҳорни қаршилади. Умримизнинг асосий қисмини яшаб бўлдик. Тўққиз йилдан буён Қоратепа илмий-тадқиқот ишларини олиб боряпмиз. Ҳали белим букилгани йўқ. Мабодо Қоратепа қазилмаларида ишлаётган пайтимда тўсатдан жон бериб қолсам ҳам, энди ачинмайман. Негаки, Сурхон диёри менинг иккинчи Ватаним, унинг фахрий фуқаросиман. Авваллари ўзбеклар мени ёш деб эътибор бермасдилар. Энди эса “Като бобо” деб ҳурмат-иззат қилишади. Мен Ўзбекистонда бахтимни топдим. Мен учун бундан ҳам яхши сўз, бундан-да ортиқ бахт борми?

* * *

Элнинг кайфияти. Юрт таровати ва жозибаси.

Сафаримиз давомида биз ҳар тоифа, ҳар хил касбу кордаги кексаю ёш одамлар, элдошларимиз билан учрашдик, суҳбатлашдик. Ва ҳамжиҳатлик билан, ўз ишига ихлос қўйиб, ҳаёти ва эртанги куни, фарзандларнинг

келажагига сидқидилдан ишониб меҳнат қилаётган, тирикликнинг синовлари, кам-кўстларию ташвишларини енгиб, инсоний орзу-мақсадлар сари дадил интилаётган қатъиятли юртдошларимиз кўплигидан яна бир карра гурурландик, уларнинг заҳматларига тасаннолар айтдик. Биз бу сафарномамизда воҳа бўйича кенг қулоч ёйган фермерлик ҳаракати, элу юрт орасида катта обрў ва шарафга сазовор бўлган уста фермерларга эргашиб келаётган, ибрат олаётган ўнлаб, юзлаб ёш фермерларнинг бутун бир авлоди фаолиятига тўхталмадик. Бу инсонларнинг ва яна умри китоб ва дафтар қўлтиқлаб, уйқусиз кечалари эгма чироқлардай китоб ва дафтарлар узра эгилиб ўтгучи, умри, ҳаётини ёш авлод тарбиясига бахшида этган камтарин, камсуқум зотлар, заҳматкаш муаллимлару одамлар соғлиги, эл саломатлиги йўлида меҳнат қилаётган куюнчак, фидойи дўхтирларнинг, ҳаёту тириклик деб аталгучи, кечасию кундузи бир зум тинмайдиган катта, муҳташам корхонанинг ҳар турли жабҳаларида ўз бурчи, вазифасини ҳалол адо этаётган минглаб, ўн минглаб ватандошларимизнинг кайфияти билан ишончи, эътиқодию заҳматлари, кўз нурлари билан қалб кўрлари шундай бирлашиб, умумлашиб, юрт ободлиги билан Ватан истиқболини ташкил этади. Абдуваҳоб ҳофиз элнинг катта тўйида қуйлаганидек:

Бирлашмаган эл доим хор бўлар, талош бўлар,
Бундай элнинг бағри доғ, кўзларида ёш бўлар,
Бўлар элнинг фарзанди ўн бешида бош бўлар,
Эл дардини англаган ўғлонларга тасанно,
Юрт тинчлигин ўйлаган султонларга тасанно.
Юз йилда бир дунёга келар сиздек улуғ зот,
Адолат бўлган мулкда кўнгиллар ҳам бўлар шод.
Мардлар йўлбошчи бўлса, Ватан ҳам бўлар обод,
Эл дардини англаган ўғлонларга тасанно,
Юрт тинчлигин ўйлаган султонларга тасанно.

* * *

Сафаримиз қариб, деҳқонлар билан хайрлашар пайти мухбирлардан бири деновлик фермер синглимиз Гулбаҳор Муродовага мулозамат қилди:

– Тошкентларга ҳам боринглар-да, ҳозир Тошкент жуда ҳам гўзал шаҳар бўлган, бир айланиб, томоша қилиб келасизлар.

– Э-э, ака, вақт қайда, – дейди фермер сингил, – буёғи шудгор, буғдойимизни экишимиз керак ҳали, қизимизнинг тўйи ҳам турибди...

Куз шамоллари ястаниб, ёйилиб эсадиган палларга ҳам етиб келдик. Энди кеча ва саҳарларнинг янада салқинлашгани билинади. Биз шунча вақт юриб, қалдирғочларнинг кетиб қолганини сезмабмиз ҳам. Айвонимизда уларнинг вижир-вижир, қий-чув ҳаётию кўклам ва ёздан ёдгор-нишона бўлиб майда гувалак инчалари қолган.

– Келаси йил яна келишади, – дейдилар онам.

Йўлга чиқар чоғимиз момолари – бувижонлари билан хайрлашар экан, кичкина қизимиз ҳам худди ярқ этган шеърий сатрга ўхшаш кутилмаган бир гапни айтди:

– Хайр. Биз ҳали баҳорда келамиз яна...

2006 йил, сентябрь.

МУНДАРИЖА

Ёмғирлар ва йиллар (*Сўзбоши ўрнида*)5

Кишнаб юрган тойлар бир кун от бўлар

Эзгулик аркаси.....	10
Менинг Ватан ичра ватанларим бор.....	25
Сариосиё шамоллари.....	34
Ватан озода бўлсин.....	47
Озод ҳаволар.....	54
Севгию севинч шаҳри, соғинчу суянч шаҳри.....	56
Соғинчлар диёридан соғинчлар пойтахтига.....	58
Қабоҳатнинг миллати бўлмас.....	65
Мардлар минган отларинг номардларга хор бўлмас!.....	67
Шоир ва полвон.....	69
Оқ тилаклар фасли.....	72
Икки жилға.....	73
Эсар Жайхун шамоллари.....	77

Муҳаббатнинг ёпилмас дарсхонаси

(*Устозлар сабоғи*)

“Хайр энди, баҳорим...”.....	86
Асил дунё бўлган “Аксилдунёлар” (<i>Андрей Вознесенский</i> . <i>Йиллари, китоблари ва ўзи билан суҳбат</i>).....	92

“Ўткан кунлар” ёди.....	111
Муҳаббатнинг ёпилмас дарсхонаси (<i>Фафур Фулом таваллудининг 100 йиллигига</i>).....	113
“Нурлар мавқеини танимоқ...”	115
Яшасин ёмғирлар!.....	119

Шоирлик ва шоирчилик

Ваҳоб шоирнинг сафари.....	126
Ўчмас чироқлар.....	129
Насиб этса.....	133
Ҳар жилғанинг ўз ариғи бор.....	134
“Биза дийдор керак, дунё керакмас”.....	137
Беш йил — бир кўкламдек.....	143
Эзгу дард.....	145
Ортда қолган из.....	148
«Олисларда ёнган чироқ...».....	157
Шоир қалбидаги майсалар	161
Беҳикмат бўлмагай тоғларнинг тоши.....	164
Шоирлик ва шоирчилик.....	168

Узилган торлар

Сўзбоши ўрнидаги сўнгсўз.....	182
Ном.....	183
Зиндаги, яъни тириклик.....	198
Бир марта мақтанган шоир.....	202
“Оқшом”да кечган оқшомлар (<i>Муҳаммад Юсуф ҳақида хотиралар</i>)	203
Лорка лолалари (<i>А.Вознесенскийдан</i>).....	216

“Сочилмасдан бурун сочгил ўзингни”

Асрагил (<i>Табиат дафтарига битиклар</i>).....	222
Зойир аканинг гулханлари.....	230
“Саломлар абаддир, онажон!”.....	233
“Севги менинг кечмишимдир, бугунимдир”.....	235
Кўнгил сайри.....	238
Жовли Хушбоқнинг ватани	240
“Сочилмасдан бурун сочгил ўзингни”.....	243
Тажовуз	247
Тупроққа эгилган эл	256

Адабий-бадиий нашр

Сирожиддин Саййид

ЯШАСИН ЁМФИРЛАР

Мақолалар, бадиалар, хотиралар ва суҳбатлар

Муҳаррир *Илҳом Зойир*

Мусаввир *Уйғун Солихов*

Бадиий муҳаррир *Рустам Зуфаров*

Техник муҳаррир *Татьяна Смирнова*

Мусаҳҳиҳ *Фотима Ортиқова*

Компьютерда саҳифаловчи *Зилола Маннопова*

ИБ № 4528

Босишга 04.06.07 й. да рухсат этилди. Бичими 84x108^{1/32}.
Таймс гарнитураси. Офсет босма. 14,70 шартли босма тобоқ.
17,0 нашр тобоғи. Жами ... нусха. ...рақамли буюртма.
73–2007 рақамли шартнома. Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи.

100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

100128, Тошкент, Усмон Юсупов кўчаси, 86.

Бизнинг сайт: www.iptdgulom.uz



ФАФУР ФУЛОМ НОМИДАГИ НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИ

Ноширлик ва матбаа соҳасида ўз анъаналари, ўз нуфузи ва салоҳиятига эга Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи доимо давр билан ҳамнафас.

Корхонамизда замонавий технологияларга асосланган Германиянинг машҳур **Хейделберг** русумидаги чоп этиш машинаси янги дизайн студияси ва муқовани маҳкамловчи илғор мосламалар воситасида юқори сифат билан китоб, альбом, буклет, плакат, фахрий ёрлиқлар, реклама-ахборот ва бошқа матбаа маҳсулотлари чоп этади.

Ширимиз олий сифат, тезкорлик, мижоз учун маъқул бўлган нарх.

Биз билан ҳамкорлик қилинг. Мақсад ва режаларингизни амалга оширишда Сизнинг энг яқин ёрдамчингиз бўлишга тайёرمىз.

Тахририят манзили:

100129. Тошкент шаҳри. Навоий кўчаси, 30-уй.

Телефонлар: 144-22-53, 144-11-19, 144-64-52.

Матбаа корхонаси манзили:

100128. Тошкент шаҳри. У.Юсупов кўчаси, 86-уй.

Телефонлар: 142-35-47, 142-16-12, 142-25-24, 142-83-29.

Факс: 142-82-69

Бизнинг сайт: www.iptdgulom.uz

2007 йилда қуйидаги китобларни чоп этади:

1. **Абдулла Қаҳҳор.** «Танланган асарлар». Ҳикоялар, хотиралар, адабий-танқидий мақолалар. 208 бет. 2000 нусха.

2. **Кибриё Қаҳҳорова.** «Ярим аср ҳамнафас». Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор ҳақида хотиралар. 132 бет. 1000 нусха.

3. **Турсуной Содиқова.** «Яшаш тилсими», Эсселар. 240 бет, 10000 нусха.

4. **Пиримқул Қодиров.** «Қадрим». Қисса, ҳикоялар, эсдаликлар. 80 бет, 1000 нусха.



Ўн тўрт ёшимда. Отам билан. 1972 йил



*Ёмғирлар йиғлашиб сел бўлди, она,
Соғинчлар бирлашиб йил бўлди, она.
Тўпланиб-тўпланиб барча оғриқлар,
Менинг кўкрагимда дил бўлди, она.*



Устоз Абдулла Орипов: «Сизга бир гапни айтайми: Бу Адабиёт бўлгандан кейин, бунга оёққинани артиб киради...» (2005 йил)



«Шоир ва полвон», 1977 йил



Адабий дўстлик (Ўзбекистон халқ шоири, моҳир таржимон
Александр Файнберг), 2007 йил



Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим, 1985 йил

ШОИР ЮРАГИ

Саролидин
Сен билан
дўстларимиз!
[Signature]
16.02.83.

Юппей
Вознесение
1987.
Безотчетное
Даргай Саролидин
гай Вам бог
всего светлого и
добра
Мирка
Кях Вага крестовина
Незав - Нура По

Устозлардан дастхатлар



Халқ шоири Тўра Сулаймоннинг 70 йиллик тўйида.
Гулистон, 2003 йил



Муҳаммад Юсуф билан «Тошкент оқшоми»да ишлаб юрган
пайтларимиз, 1986 йил



Шеърӣ ҳолат. Рассом
Одилбек Бобожон чизган
сурат, 1982 йил



Элликқалъадаги учрашувлар (Чапдан: «Ўзбекистон
адабиёти ва санъати» газетаси бош муҳаррири Аҳмаджон
Мелибоев, устоз Жуманиёз Жабборов, журналист
Шухрат Жабборов), 2005 йил



Эллиққалъадаги учрашувлар



Ўзбекистон қаҳрамони, машҳур раис Иброҳим Файзуллаев билан, 2002 йил



«Боғбоннинг ҳам Навоийдек тийнати бор» (Кекса боғбон Носирхон ота Тўрақулов билан), 2005 йил



Дўрмонда куз (Қизим Нигина билан), 2005 йил